


ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ
БАДИИ
АДАБИЕТ
НАШРИЕТИ
Тошкент — 1970



Бранислав
Молодой

Тар

жи
Май

Ход
Лим

ПОВЕСТЬ

Русчадан
Абдулла
ИСОМИДДИНОВ
таржимаси



АВТОР МУҚАДДИМАСИ

Таржимаи ҳолга муқаддима ёзиш учун умуман эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман. Бунга имоним комил. Инсон ҳаётида қандайдир муқаддима бўлган тақдирда ҳам у шунақанги интим характерда бўладки, бу ҳақда умуман ёзмайдилар ҳам. Лекин сўз боши ўзимни оқлаш ва таржимаи ҳол ёзишга, яъни, одатда бурди кетган сиёсатчилар, қувилган ҳукмдорлар, бекорчи пенсияхўрлар, собиқ сарой хонимлари ва Фанлар академиясининг аъзолари шуғулланадиган ишни қилишга мени ундаган сабабларни тушунтириб бериш учун керак. Шу-

нинг учун ҳам, ўзимни оқлаш мақсадидагина китобнинг биринчи бобини сўз боши учун ажратишга қарор қилдим.

Бир вақтлар мени роса эзгилашди. Ёзувчиликни ҳавас қилган киши борки, менга тил тегизиб ўтишни ўз бурчи деб ҳисоблар, шу туфайли ҳам мен ҳамма учун ўргамчик машқдай бир нарса бўлиб қолдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, баъзи бировлар ўз адабий машқларини бирон ёзувчини танқид қилишдан бошлашади. Уларнинг ҳаммаси менда қалб ҳам, истеъдод ҳам йўқлигини яқдиллик билан исботламоқчи бўлишди. Шу тариқа, мени қобилиятсиз ва қалбсиз деган номга мушарраф этиб қўйганларидан кейин, одамлар: бундай шараф кишини тўғридан-тўғри Фанлар ва Санъат академияси аъзолигига олиб чиқади, ҳа демай у академиклар сафидан жой олиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, дея шивирлаша бошладилар.

Фанлар академиясининг ҳар бир аъзоси автобиография ёзиши шарт эканлиги маълум. Буни рўёбга чиқариш учун академикларимизга одатда бир неча йил керак бўлади. Баъзи академиклар эса бундай мўътабар ва муҳим ишни ниҳоясига етказма олмай, авлодларни ўзларининг ҳаёти ва илмий фаолиятларидан бебаҳра қилиб вафот топган эканлар, бас, мен туриш-турмушим ҳақида олдиндан материал тўплашга қарор қилдим.

Бу китобни ёзишга мени мажбур қилган асосий сабаб ҳам шу.

Мен бу ишни табиий деб ҳисоблаб, автобиографияни таваллудимни тасвирлашдан бошладим. Мен бу ҳодисанинг бир чөккасини четлаб ўтиб, туғилишимдан олдин рўй берган нарсаларни тилга олмасликка қарор қилдим. Негаки, бу ҳақда бирор маълумот олишнинг ўзи қийин нарса. Уйлангандан кейин кишининг таржимаи ҳоли тугайди деб ҳисоблаганим учун ҳам автобиографияни уйланиш воқеаси билан тугатдим.

Айтмоқчи, Сербия тарихида Болқон ярим оролида сербларнинг пайдо бўлиши ва Серб подшоҳлигининг Косовой майдонидаги ҳалокати қанчадан-қанча даврчаларни ўз ичига олган катта бир давр деб ҳисоблангани каби, туғилгандан уйлангунгача бўлган муддатни ҳам кўнгина даврчаларни ўз ичига олган битта давр деб ҳисоблаш мумкин. Бу иккала даврни ҳам «дунёга келишдан ҳалокатгача» бўлган даврлар деб аташ мумкин бўлади, инсон ҳаётидаги ҳамда Сербия ҳаётидаги кейинги даврни «қуллик ва уқубат даври», деб бемалол атайверса бўлади.

Худди ана шу сабабларга кўра мен сизларга ҳаётимнинг биринчи даври, яъни дунёга келишимдан ҳалока-тимгача бўлган давр ҳақида гапириб бермоқчиман. Гапнинг қолган жойидан олишни эса бир дўстимга, истездо-ди ва одамшавандалиги шундоққина гуркираб турадиган бир жанобга ишониб топширдим. Менга маълум бўлиши-ча, бу жаноб нима ҳақда гапирмасин, бор гапни айтмай-ди, доим бўяб, андавалаб, ўзидан қўшиб, ялтиратиб кўр-сатишга ҳаракат қилади. Бундай кишилар вафот қилган улур одамни авлодлар назарида иложи борича ҳайбатли ва олижаноб қилиб кўрсатишга интилганлари учун ҳам адабиёт ҳамда санъат арбобларининг таржимаи ҳолини тузиш вақтида жуда-жуда керак бўлишади.

Адабиёт ва санъат арбобларининг биографиясини тузувчилар бу жиҳатдан хушбичим кийимларни бичиб-тикувчи чеварларга ўхшашади, зероки, улар ҳам чеварларнинг «бу сизга жуда ярашди», деган ақидасига амал қилиб, таржимаи ҳолини ўша одамга мос келадиган қилиб бичиб-тикишаверади. Агар хонимнинг қомати хунук бўл-са, унинг айбини ёпиш учун чевар минг хил осилчоқ-солинчоқлар ўйлаб топади, ёзувчининг ўтмиши расво бўл-са, биограф уни андавалаш учун турли-туман латифалар-ни ўйлаб чиқаради. Агар хоним бир оз букри бўлса, чевар кўйлакнинг шунақанги бичимини ўйлаб топадики, уни кийган хонимнинг букрилигини пайқамай ҳам қоласиз. Борди-ю, санъат арбобининг оёқ олиши нобпроқ бўлса, биограф уни шундай изоҳлайдики, марҳумнинг энг расво қилиқлари ҳам фазилатга айланади қолади.

Мисол учун, ўзим шоҳиди бўлган бир воқеани айтиб берай. Шу ҳақда кейинчалик ўқиб ҳам қолдим.

Бир куни эрталаб лирик шоир Н. Н. кайфи тарақ ҳолда ўзининг бўлажак биографи билан учрашиб қолди. Бу барака тошғур марҳум ҳаётлигида ҳа деса чўчқалик қилаверарди, бу сафар ҳам молдай ичган бўлиб, уйига борадиган йўлни тополмай гаранг эди:

— Менга қара, ошна, — дерди у мувозанатини сақ-лашга уриниб, бўлажак биографнинг устига ўлигини таш-лаганча, — одамлар ҳайвоннинг ўзи: бирга ичган эдик, мана энди бир ўзимни ташлаб кетишди, бирор одам, «уйингга олиб бориб қўяй», демайди. Мен шу тобда ос-мондан «Етти оғайни»ни топсам топаманки, бироқ каллам-ни кессанг ҳам уйимни тополмайман.

Таржимаи ҳолда («Марҳум Н. Н. ҳақида эсдаликлар»-

да) худди ана шу воқеа бундай тасвирланарди: «Бир кун эрталаб мен уни дилгир ва ташвишли аҳволда учратдим, унинг юзи униқиб кетган, киши қалбининг қаъригача назар ташлайдиган кўзлари эса алам ва ғуссага тўла эди. Ёнига борган эдим, у менинг елкамга қўл ташлаб: «Кетайлик, кетайлик тезроқ бу дунёдан. Барча дўстлар мени ташлаб кетишди. Оҳ, бу дунёда йўл топишдан, осмонга йўл топиш осонроқ экан. Ўзимни кимсасиз ҳис қилганман, мени бу ердан олиб кет, олиб кет!» — деди».

Сўнгра биограф китобхонга мурожаат қилиб, марҳумнинг фикрлари илдизини очиб берадиган анча-мунча гаплар айтган эди.

Бир рассомнинг таржимаи ҳолини ўқиб, у ҳаётда жуда кўп ижодий муваффақиятсизликларга учраганини билдим. Унинг кўтаринки санъати жамиятимиздаги консерватив қарашларга тез-тез тўқнашиб турганидан бу нарса ҳатто унинг ижодининг йўналишига ҳам таъсир қилибди. Дастлаб, у иложи борича Рембрандтга тақлид қилибди, кейин эса тўсатдан қуёш ва нур катта ўрин олган суратларни чизишга ўтибди. Унинг кўтаринки санъати жамиятнинг консерватив қарашлари билан бир марта тўқнашганлиги менга маълум. Рассом ойига қирқ динор тўлаб бир тикувчиникида турар, тикувчи эса, шу пул эвазига уни эрталаблари бир стакан кофе билан сийлар, боз устига шимини текинга дазмоллаб берарди. Бу меҳрибонликдан мамнун бўлган рассом тикувчи билан унинг хотини портретларини чизди. Афтидан иш жараёнида улар яқинроқ танишиб қолган бўлса керак, шундан бошлаб тикувчининг хотини натуршицалик вазифасини ўтай бошлади. Тикувчи хотинини бошига дубулға кийиб, қўлида найза ушлаганчча маъбуда Афина қиёфасига кириб турганини кўрганда сира ҳам жаҳли чиқмади. Фақат кунларнинг бирида рафиқасини спарта маликаси Леда, рассомни эса унинг тепасидаги оққуш қиёфасида учратгандан кейингина қолақ қарашлари билиниб қолди. Шу пайт тикувчи кўтаринки санъат билан тўқнашаётганини хаёлига ҳам келтирмади. У фақат консерватив қарашдаги кишиларга хос бўлган ишни қилиб, оққушнинг роса адабини берди. Ҳар кунни рассомнинг шимини дазмоллайдиган ўша дазмол билан тикувчи унинг қовурғасини дазмоллаб, «Зингер ва К» типидagi тикув машинасининг игнаси билан уни шунақанги тикдики, рассом боёқиш олти ҳафта касалхонада ётишга мажбур бўлди. У тавба-тазарру қилиб, пор-

трет чизпидан абадий воз кечиб, бутунлай живописга ўтиб кетди, одам ўрнига сигир, эчки ва тойчоқлардан натуршица сифатида фойдалана бошладики, шу йўл билан у жамиятимиздаги консерватизмдан ҳамда тикувчиларнинг рашиқидан ўзини соқит қилди.

Бир бастакор билан ҳам худди шундай воқеа рўй берган. Унинг таржимаи ҳолида қайд қилинишига кўра, бақувват ва ҳиссиётли асарлардан кейин унинг ижодида бир турғунлик рўй берган, шунинг натижасида у фақат диний маросимларга бағишлаб музыкалар ярата бошлаган. Биограф бу турғунликни оилавий ҳаётдаги муваффақиятсизлик билан изоҳлайди: бастакорнинг собиқ рафиқаси ўз эрини сира тушуна олмаган эмиш. Бастакор ўзининг бир асаридаги якка ашулани айтишга тайёрланаётган хонанда қиз билан шуғулланарди. Тайёргарлик жуда чўзиллиб кетади ва нихоят қиз ўзининг вазифасини тушунган бўлса ҳам бастакорнинг хотини буни сира тушуна олмайди. Концертда олқини ва гулдасталар олиши керак бўлган ашулани қизнинг бошига бош репетиция вақтида бастакорнинг хотини янги зонтиги билан бир уриб, зонтикни дабдала қилади. Ана шу ҳодиса турғунликка сабаб бўлади-ю, шундан кейин бастакор хотини уни тушунмаслигига ишонч ҳосил қилиб, диний маросимларга бағишлаб музыка ёзишга ўтади. Бироқ у худопарастлигидан эмас, балки қўйди-чиқди вақтида черковнинг казо-казолари билан рўпара бўлганда агар иш ўзининг фойдасига ҳал бўлса, диний маросимларга бағишлаб янги асар ёзишга ваъда бергани учун шундай қилди.

Таржимаи ҳол тайёрлайдиган тикувчилик устахоналарида улуғ кишиларнинг кийимини шундай бичишади, буюк одамларнинг таржимаи ҳолини ана шундай ёзишади. Бу иш услубидаги шак-шубҳасиз афзалликлардан адабиёт тарихида кенг фойдаланилмоқда. Лекин биографлар фаолиятида ҳам, бутунлай бартараф қилмаган тақдирда ҳам ақалли бир оз камайтириш лозим бўлган битта камчилик бор. Буюк одам вафот қилгандан кейин унинг хонасига полициячилардек бостириб кириб, стол ғаладонларини остин-устин қилиб ташлаш, кўзига кўринган барча қорозларни титкилаш улар учун одат тусига кириб қолган. Аммо бу ҳам етмагандек, улар расмана суд терговини бошлашади, марҳумнинг турли кишиларга ёзган ва улардан олган мактубларини, мактаб табелини, тилхатларини ва ҳар хил бошқа ҳужжатларини тўплаб, кейин ахтиросли

тадқиқотчилардек тиришқоқлик билан уларнинг мағзини чақиб беришади, изоҳлашади, тушунтиришади, сўзларнинг ўрнини ўзгартиришади, гашларни алмаштиришади ва пировардида янги маълумотлар асосида илгари ёзилган таржимаи ҳолни шу қадар бежаб, шу қадар бошқача қилиб ташлашадики, у чап кўкрак чўнтаги ўнг томонга ўтиб қолган, янги духоба ёқа ва янги шоҳи астар қўйилган ағдарма пальтога ўхшаб қолади.

Айтганча, шуни ҳам унутмаслик керакки, таржимаи ҳол тайёрланадиган устахоналарда фақат янги таржимаи ҳоллар бичибгина қолмай, бошқа анвои ишлар ҳам қилинади. Чуновчи, эскиларини янгилашади, дазмоллашади, доғини кетказишади, ағдаришади, борди-ю, бирор таржимаи ҳолда тешик топилса, ямоқ ҳам солиб қўйишади.

Мана, масалаи, хизмат кўрсатган киши, машҳур олим, профессор Стоян Античнинг таржимаи ҳолини олайлик. Таржимаи ҳол марҳум олимнинг тириклигида ёзилган бўлиб, эпитишимга қараганда, у бунга ҳеч қанақа эътироз билдирмаган экан. Таржимаи ҳолда айтилишича, марҳум 1852 йили Петровецда туғилибди. Онасининг исми Ангелина, отасининг номи эса Миле бўлиб, у чўчқа жаллоб экан. Стоян бошланғич мактабни Петровецда, гимназияни Пожаревецда тугатиб, олий маълумотни Белградда олибди. Стоян мутахассислиги бўйича табиёт фанлари муаллими бўлгани туфайли уни дарҳол немис тили ва гимнастика ўқитувчиси қилиб тайинлашибди. У бу соҳада шунақаям жўшқин фаолият кўрсатибдики, ҳатто серб тилининг санскритдаги излари ҳақида салмоқли илмий асар ҳам яратибди.

Орадан йигирма йил ўтгач, Стоян Античнинг шахсий ёзишмалари биографларнинг қўлига тушиб қолиб, улар «янги маълумотлар» асосида бутунлай бошқа таржимаи ҳол туздилар. Энди бу таржимаи ҳолда айтилишича, марҳумнинг исми Стоян эмас, балки Спира бўлган, фамилияси эса аслида Антич эмас (бу англашилмовчилик натижаси), Николч бўлган экан. Онасининг исми Ангелина эмас, балки Мария бўлиб, Ангелина ўғай онасининг исми экан. Отасининг номи Миле эмас, Мият, у чўчқа жаллоб эмас, балки, поп бўлган экан. Марҳум Спира Пожаревец уездидаги Петровецда эмас, балки Ягодин уездидаги Рековецда туғилибди. Пожаревец гимназиясида эмас, Ягодинода ўқибди. У Белградда ҳеч қанақанги дорилфунуқни тугатмабди; аксинча, у Кралеводаги агрономия билим юртини

тамомлабди. Спирма мактабда немис тили ва гимнастикадан эмас, балки плохият ва ашуладан дарс берар экан. Марҳум ҳақиқатан ҳам катта илмий асар ёзибди. Лекин унда серб тилининг санскритдаги излари ҳақида эмас, балки иқлимни ўзгартиришда ўрмонларнинг таъсири ҳақида гап бораркан.

Сизни ишонтириб айтаманки, агар улуғ одамнинг ўз қўли билан ёзилган мактублари ва бошқа ҳужжатлари асосида биографлар, бу одам ўзи ҳаётда бўлган эмас, деб исбот қилишса мен ажабланмаган бўлардим. Хотиржам бўлингки, биографлар марҳумнинг шахсий хатларидан, айниқса, ўзининг улуғ киши бўлиб кетишини билмай ёзган хатларидан ўзларига нимаики керак бўлса, ҳаммасини топадилар. Модомики, одам буюк бўлган экан, энди у шахсий мактубни ҳам тўғридан-тўғри босмага тушириб юбориш мумкин бўладиган қилиб ёзади, бир вақтлар «чиройли экансиз» деган гапни эшитиб қолиб, шу гапни ростга чиқаришга уринган аёлга ўхшаб иш тутади. Масалан, мен бир буюк академикнинг хатини ўқидим: унда академик ўз ижарачисидан қарзни тўлашни талаб қиларди. Буюк одам хатида ҳаёт моддий жиҳатдан чиндан ҳам расво, тирикчилик ташвишлари буюк қалбларни бадном қилади дер, хатнинг матбуотда чоп этилишига кўзи етиб, ҳаёт ҳақидаги бошқа ҳикматли гапларни ҳам келтирарди. Буюк киши ҳаёт хусусидаги шундай аламли мулоҳазалардан сўнг: «Бироқ, ҳеч ким буза олмайдиган маълум бир қонда мавжуд», деб ёзган, бу ҳақиқатга таяниб, ўз ижарачисидан уч ойлик ижара ҳақини талаб қилган. У ижарачи билан шахсан учрашгач, уни боплаб сўқиб, суякларингни мажақлаб ташлайман деб дўқ қилгандан кейингина ўзига тегишли бўлган пулни олган эди.

Бошқа бир буюк киши ўлиmidан сўнг ўз мактубларини эълон қилинмасин, деган ниятда бўлса керак, ҳар бир хатнинг охирига «Ўқиб бўлгач, муаллифига қайтаришингизни илтимос қиламан», деган сўзларини ёзиб қўярди.

У бунга шу қадар одатланиб қолибдики, ҳатто бир куни гонорар олганлиги ҳақида қўл қўяётиб: «Буни ўқиб бўлгач, муаллифига қайтаришингизни илтимос қиламан», деб ёзибди. Яна бир машҳур олимни ҳам билар эдим, бу киши ўзидан кейин ёма далил қолдиришдан ваҳимага тушиб, ёзишдан умуман воз кечган эди. Гарчи бу олим ҳаётида бир сатр нарса ёзмаган бўлса ҳам, ҳамма томонидан эътироф этилган илмий асарлар муаллифи сифатида

шуҳрат қозониб взфот этди. Ҳз ихтиёри билан биографлар қурбони бўлиб қолиш каби кечириб бўлмас аҳмоқликнинг шжобий ва салбий томонлари асосан шулардан иборатдир.

Ундан кўра таржимаи ҳолимни ўзим ёзиб, шу тариқа ҳар қандай тасодифлардан ўзимни амин қилганим яхши эмасми?

Лекин фақат юқорида зикр этилган сабабларгина мени таржимаи ҳолни ёзишга мажбур қилди, десам камтарликдан бўлмайди. Аввало менинг шахсий мактубларим биографлар учун маълумот манбалари бўлишдан кўра кўпроқ носфурушларнинг ҳожатини чиқаришига аминмап. Ўзимни буюк киши деб ҳисоблаганим учун бундай деяётганим йўқ, албатта, бу жиҳатдан жуда ҳам хотиржамман.

Мен ушбу китобни фақат олтинчи йил умр кўрганлигимни нишонлаш мақсадидагина ёздим. Бирданига ўтмишга мурожаат қилиб, илғари босиб ўтган йўллардан юргим келиб қолди. Яна болаликдаги узоқ ўтмишни, ҳаётимдаги энг гўзал онларни кўргим келди. Француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг «Кекса кишининг ўз ёшлигига тумшугини тикшишдан кўра қўрқинчлироқ нарса йўқ» деган доно сўзлари менга маълум бўлса-да, фарқ бўлаётган кишидай ҳаётимнинг охириги онларида ўтмиш воқеаларини, олис ёшлик манзараларини тасаввуримда жонлантиряпман.

Лекин мен қайтиб келмайдиган йиллар устида кўз ёш тўкиш мақсадида ўтмишга мурожаат қилаётганим йўқ. Аксинча, мириқиб кулиш учун, эндиликда «энг кейин кулган яхши кулади!» дея олганим учун шундай қилияпман.

Онадан ёлғиз туғилган эмасман. Биз учовлон эдик. Тўнғичимиз кўзини очган заҳоти йиғлаб юборди, боёқишнинг кўзидан ҳанузгача ёш аримайди, унинг умри ёш тўкиш билан ўтяпти. Ўртапчамиз туғилди-ю, илк ташвишларга дуч келгач, ташвишдан қутулмади. Ташвиш унинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Кепчамиз эса бир марта кулгач, шу кулгини ўзининг ажралмас йўлдошига айлангирди: умр бўйи кулиб ўтяпти.

Биз битта қалбда яшадигу, лекин йўлларимиз турлича бўлди. Тўнғичимиз ҳаётда судралиб, аччиқ кўз ёши тўкиб ўтди. Оламда у фақат ғам-андухни кўрди, унинг кўзига ҳамма нарса аламли ва расво бўлиб кўринди. Унинг учун осмон доимо булут билан қопланган, ер эса кўз ёши билан суғорилган эди. Оламда адолатсизлик, ғам-андух борки, ҳаммасини кўрди, одамлар бошига тушган кулфат уни азоблади. У бировларнинг муваффақиятсизликларини

кўриб изтироб чекди, ўзгаларнинг қабри устида аччиқ-аччиқ йиғлади.

Ўртанчамиз ташвишларнинг оғир юки остида инқилаб яшади. У дам қуёш бошқа томондан чиқяпти, деб хафа бўлар, дам ернинг фақат бир томонга айланаётганидан эзилар, ҳатто дарёларнинг тўғрига оқмаслиги, денгизларнинг терадлиги, тоғларнинг баландлиги ҳам уни изтироб чекишга мажбур этарди. У ҳар бир сирли воқеа устида допишманларга ўхшаб бош қотирар, уни билишга ҳаракат қилар, ҳар қандай муаммони ҳам ечишга урина-верар, бироқ зиғирдай қийинчиликка дуч келса, довдираб қоларди. У шу йўсинда, ташвиш юки остида инқиллаб ҳаёт кечирди.

Кенжамиз умр бўйи кулгидан тўхтамади. У лаблариди табассум билан, пок қалб билан, кўларини катта очиб дунёга қаради. Аксарият одамлар ўзларининг энг расво камчиликлари, нуқсонларини фазилат деб ҳисоблаганлари туфайли у фазилат устидан ҳам, нуқсон устидан ҳам кулаверди. У юқори мартабалилар устидан ҳам, камситилганлар устидан ҳам кулди, негаки, юқори мартабалилар одатда ўзлари камситадиганларга қараганда аллақанча тубан эканлигини биларди. У аҳмоқлик устидан ҳам, донолик устидан ҳам куларди, негаки, одамларнинг донолиги аксарият, кишилар бемаънилигининг йиғиндисидан иборатлигини яхши тушунарди. У ёлғон устидан ҳам, рост устидан ҳам кулди, чунки кўп кишилар учун тилёғламалик аччиқ ҳақиқатдан кўра ёқимли эканини сезарди. У ҳақиқат устидан ҳам, янглишиш устидан ҳам куларди, чунки, бизнинг давримизда ҳақиқатлар янглишишга нисбатан тез-тез ўзгариб туришини яхши биларди. У севгини ҳам, нафратни ҳам калака қилди, чунки аксар ҳолларда севги нафратга нисбатан худбинроқ бўлади. У хафалик устидан ҳам, шодлик устидан ҳам кулди, чунки, шодликнинг доим сабаби бўлади, хафалик эса, одатда, ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ дилни ўртай беради. У бахт устидан ҳам, бахтсизлик устидан ҳам куларди, чунки бахт деярли ҳар доим бебақо бўлса, бахтсизлик деярли доим турғун бўлади. У озодлик устидан ҳам, зулм устидан ҳам кулди, чунки, озодлик шунчаки бир гап, зулм эса шундоққина бор гап бўлади. У билим устидан ҳам, билимсизлик устидан ҳам кулаверди, чунки, барча билимлар чекланган бўлади, билимсизликнинг эса худуди бўлмайди. Қисқаси, у ҳамма нарса устидан кулган-кулган эди.

Шу йўсинда роппа-роса олтмиш йил ўтгач (айтишларича, бу инсонинг ўртгача умри эмиш), уч йўловчи ўзлари пайдо бўлган ўша қалбда учрашиб, дунёда кўрган нарсаларига яқун ясашди.

Биринчи бўлиб ўша бутун дунё ташвишларини ўз зиммасига олгани тилга кирди:

— Жуда чарчадим, одамлар тортаётган ташвишларни кўравериб, юрагим зардобга тўлиб кетди.

— Балки, сен қилган хизматлардан кейин одамларнинг ташвиши камайиб, ҳаёти бир оз енгиллашгандир?

— Йўқ, ғам-ташвиш одам боласига ёпишиб олган. Инсоният тараққийети учун ғам-ташвиш шарт. Одамларни ташвишдан холи қилиш — инсоният олдида оғир гуноҳ қилиш эканлигини тушундим.

— Ўз ҳаётинг мазмунини англаб етдингми?

— Йўқ, ташвишлар мени эзиб ташлади, улардан бошимни кўтара олмадим.

Шундан сўнг умр бўйи йиғлаб ўтгани гап бошлади:

— Йиғлайвериб кўзларим шишиб кетди, дард-алам, одамлар чеккан азоб-уқубат дилимни вайрон қилди.

— Қалай, энди дард-алам ва фалокатлар бир оз камайдимми?

— Йўқ. Одамлар ҳануз жафо чекапти, яшашнинг ўзи бир азоб. Азобсиз ҳаёт йўқ, деб бекорга айтишмаган экан.

— Шу ҳаётни кўрдингми, уқтингми?

— Йўқ. Кўзларим жиққа ёшга тўлгани учун ҳеч нима кўрмадим, ҳеч нарсани уқа олмадим.

Шу пайт умр бўйи кулиб ўтгани тилга кирди:

— Дунёда кулгилик нарсалар шу қадар кўнки, кулавериб жағим қаришиб қолди. Ҳаётга, одамларга қанчалик кўп разм солсам, шунчалик қаттиқ кулардим. Ҳатто, ҳозир, бир оёғим гўрда бўлиб қолган ёшга етганимда ҳам босиб ўтган йўлимга қарар эканман, ўзимни кулгидан тўхтата олмайман.

Мен юбилей китобимнинг ҳали ёзилмаган саҳифаларини ўз эсдаликлари билан тўлдиришни ҳаётини кулиб ўтказган кишига топширдим. чунки, ҳаётни фақат шу одамгина кўрибди.





ТУҒИЛИШДАН БИРИНЧИ ТИШ ЧИҚҚУНГА ҚАДАР

Бир бошга бир ўлим — ҳақ дейдилар. Лекин таржимаи ҳолини ёзадиган одам борки, гапни таваллуди ҳақидаги унча аниқ бўлмаган маълумотлардан бошлашни яхши кўради. Туғилган кунни аниқ белгилашнинг аксар ҳолларда иложи бўлмаса ҳам, бир вақтлар таомил бўлиб қолган анъанага амал қилиб, қиссани туғилган кунимдан бошладим. Чунотчи, анча вақтга қадар менинг ҳатто туғилган йилимни ҳам аниқлаб бўлмади, 1864 йилнинг 8 октябрь кунини туғилганим яқиндагина маълум бўлди.

Аввалги биографларим мени 1866 йили туғилган деб даъво қилишарди. Бироқ жаноб профессор Миленкович сянчиклаб текширув ўтказгач, уларнинг даъвоси чиппакка чиқди. Миленковичдан олдин ўтган олимлар ўз таҳминларида 1878 йили гимназиянинг иккинчи синфига ўтганлигим тўғрисидаги маълумотга асосланишган эди. Улар, етти ёшида мактабга борган бўлса, ўн икки ёшида бошланғич мактабнинг тўртинчи синфини ҳамда гимназиянинг биринчи синфини битирган деб ўйлаб, мени 1866 йили туғилган деган қарорга келишганди.

Жаноб Миленкович тортишувларга чек қўйиш учун эски архивларни роса қовлаштирди, педагогика совети мажлисларининг бари протоколларини титкилаб чиқди-да, ниҳоят, гимназиянинг биринчи синфида бир йил эмас, балки ропса-роса уч йил ўқиганимни, бинобарин, 1866 йил эмас, 1864 йили туғилганимни узил-кесил исбот қилиб берди. Мана шу масалага аниқлик киритгани учун жаноб профессорга миннатдорчилик билдираман. Энди ҳамма нарса равшан бўлдики, бундан буён бизни ҳеч ким чалғита олмайди.

Айтмоқчи, худди мен туғилган йили Вук Каражич вафот этган экан. Албатта, бу шундоққина тасодифий бир нарса эди, негаки, менга жой бўшатиш учун атайлаб бирор адабиётчи ўлиб берсин, деб ҳеч қачон даъво қилган эмасман. Бироқ Вук Каражич билан менинг ўртамдаги бу тасодифий алоқадорлик қалбимни ғурурга тўлдирган ва мен жуда ёшлигимдан бошлаб оёғимни биров уриб синдиришини орзу қилардим, чунки Вук бўлиш учун оқсоқ бўлишнинг ўзи кифоя қилади, деб ҳисоблардим. Лекин шундай бир воқеа юз бердики, менинг адабиётга бўлган ҳавасимни қондиришини хаёлига ҳам келтирмаган кишилар оз бўлмаса йккала оёғимни синдира ёзишди.

Йўл-йўлакай яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мен туғилмоқчи бўлиб турганимда, ҳатто ундан сал илгарироқ, Болқон ярим ороли халқлари ўртасида ўзаро яқинлашиш ва бирлашиш фикри, миллий мустақиллик учун биргаликда курашиш фикри туғилди. Афтидан, мен Болқон халқларининг бирлашуви ғоясининг дастлабки жонли тимсоли сифатида дунёга келган бўлсам керак. Мен серблардан чексиз миннатдорман. Агар улар мени боқиб, тарбияламаганларида эди, аллақачон юнон министри сифатида отиб ташланган ёки Европанинг машҳур курортларида санқиб, қари француз беваларининг пулини созуриб юра-

диган қаллоб румин князи ҳолатига кирган бўлармидим. Ёки бўлмаса турли давлатлардан ёрдамга пул олиб, каллакесарлар тўдаси билан юрган йўлимда қопли из қолдириб Болқон тоғларида дайдишим ва ўз қароқчи шайкамдан ҳукумат тузиш учун қулай пайт пойлашим лозим бўларди.

Узоқ вақтгача туғилган йилимнигина эмас, ҳатто туғилган жойимни ҳам аниқлай олишмади. Бир хил биографлар мени Белградда туғилган дейишар, бошқалари эса смедереволик деб ҳисоблашарди. Бундай чалкашликка боис шуки, юқорида қайд қилинган шаҳарлардан биттаси ҳам шу вақтгача мени ўз граждани деб тан олгиси келмас ва каминани сансалор қилар эдилар. Гарчи хотирамда қолган деб ишонтира олмасам ҳам, бу чалкашликнинг сабабларини аниқлашга ёрдам берадиган баъзи нарсаларни биламан. Оиламизда айтишларича, бир вақтлар отам Белграднинг бадавлат савдогарларидан бўлган экан, бироқ мени туғилдиган куни у ўзининг синганини маълум қилиб, қолган-қутган бисотини, жумладан, мени ҳам олиб Смедеревога кўчиб келган экан. Отамнинг бу қилган ишини сира-сира кечирмайман. Ахир, ўзиниғиз ўйлаб кўринг: ҳали дунё юзини кўрмай туриб, бадавлат кишининг фарзанди бўламан деб ўйлаган эдим, лекин буни қараингки, худди дунёга келадиган куним отам синганини бўйнига олиб, мени умрбод фақирликда яшашга маҳкум қилса! Отамни яна шунинг учун ҳам кечирмайманки, бошқа болалари бўла туриб, ўзининг қалтис ҳазили учун у келиб-келиб мени танлабди.

Модомики, отамни ҳазилкаш киши сифатида тилга олган эканман, узоқ авлод-аждодларимнинг ҳам бирмунча ҳазилкаш бўлганликларини эслатиб ўтишим керак. Табиийки, бу менинг таҳминим, холос. Негаки, авлод-аждодларим ҳақида деярли ҳеч нарса билмайман, ҳатто ўзининг ҳақиқий фамилиямни ҳам айтиб беролмайман. Улар бир-бирларини бутунлай бошқа ном билан атаганлар, ҳозирги фамилиям кимники эканини ҳам худо билади. Шундай қилиб, десаингиз, авлод-аждодларимдан қайси бири қандай қилиб ўз исмини унутиб қўйдийкин деган қизиқ бир савол туғилади. Бир қариндошим ҳам йигирма ёшга тўлгач, округ бошлиғи ундан маълумот сўраганида, у исми нималигини унутиб қўйган экан. Хўп, борингки, мен бунинг сабабларини тушунмадим, дейлик. Бироқ аجدодим ўз фамилиямни унутиб қўйган, жуда қадим замонларда

бундай иш бўлиши мумкин эмас-ку. Жумбоқни ечин учун ўзига бошқа исм қўйиб олиб, аждодим бошқа, яъни сохта паспорт билан хорижий мамлакатларда кезиб юришга мажбур бўлган ҳамда ватанидан узоқда қафо қилган деб тахмин қилиш керак бўлади.

Таржимаи ҳолимдаги шу фактни ўйлаганимда бошқа кишининг номи билан ўлиш жуда қизиқ кўринарди ҳамisha. Эҳтимол марҳум «ўлимим жуда қизиқ, ичак узди савдоларга сабаб бўлар» деган фикрдан ҳузур қилар. Ўзимни шу аҳволда тасаввур қилар эканман, гарчи тирикликда ҳам қарз тўлаш бобида ҳақдорлар учун ўликдан фарқим бўлмаса-да, нариги дунёга равона бўлганимдан кейин ҳам мени қарздор деб ҳисоблашларини ўйлаб, ҳузур қилиб кулардим. Иннайкейин, бирт бева бўлиб қолган бўлса ҳам, бироқ беваликка ҳуқуқи бўлмаган хотиним не савдоларга қоларкин. Кўп йиллардан буён шум ният билан муштира йўталиб, қабрим тепасида дутқ сўзлашга тайёрланаётган профессор Сима Митрович ҳайронликдан нима қиларини билмай қолиши ва бошқа қанчадан-қанча чалкашликларини ўйлаб кетаман.

Мен Белград жомеси яқинидаги бир кўҳна уйда туғилган эканман. Кейинроқ бу уйнинг ном-нишонasi ўчиб, унинг ўрнида Халқ банкининг каттакон биноси қад кўтарди. Шундай қилиб десангиз, мен туғилган жойнинг ўзида ҳозир банкнинг темир сандиқлари турибди. Мабодо менинг туғилган жойимга бирон ёдгорлик ўрнатгиси келиб қолган олиҳиммат авлод пайдо бўлса, у ҳолда: «Бу ерда фалон одам туғилган...» қабилидаги сўзлар ёзилган мрамор тахтани банкнинг олтин фондлик сандиқлари сақланадиган хонанинг сўлақмондай темир панжарали хира деразалари тепасига илиб қўйиши лозим бўларди. Менинг бўлажак биографим ана шундай далилларга асосланиб, мени Халқ банки бош директорининг никоҳсиз туғилган боласи деб исботлашини, бола швейцарнинг беваси билан директор қилган ахлоқсизлиги натижасида пайдо бўлган деб хижолат ичида эълон қилишини бир тасаввур қилинг-а. Банк бош директорининг чет эллардаги банк кредитларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бу шармандагарчиликни бекитиш учун бошқарма ва назорат совети кўрсатмаси билан швейцарнинг беваси олтин солинган темир сандиқ орқасига яширинган бўлади. Боёқиш аёл мени шу ерда туғиб, шкафлардан бирига тикиб қўяди, кейин давлат ресурсларини ҳисоб-китоб

қилаётган инспекторлар комиссияси мени шу ердан топиб олади. Бу комиссия мени қиримлар графасидаги балансга тиркаб қўяди. Менинг бўлажак биографим: «Халқ банкидаги темир сандиқ ичидан ҳаёт қучоғига чиққан ва ўзида бош директорнинг муҳри бўлган бу бола осонлик билан тўғри йўлга тушиб олади», деб эзмаликни тугатса керак. Бироқ худога шуқурки, бунақа фаросатли авлод бизда ҳали-бери пайдо бўлмаса керак, бинобарин, менинг таржи-май ҳолимда юқоридагидай англашилмовчилик ҳеч қачон содир бўлмайди деб ишонаман.

Мен қоқ ярим кечада туғилган эканман, шунинг учун менинг таржимай ҳолимда «у 1864 йил, 8 октябрь куни ёруғ дунёни кўрди», деб эмас, «у 1864 йил, 8 октябрдаги шамнинг ёруғини кўрди», деб ёзиш керак. Менинг туғилишим уйимизда аллақанча бесаранжомликка сабаб бўлибди: бунда менинг айбим йўғу, иштироким бор холос. Ойимнинг тўшағи ёнида навбатчилик қилиб, ухлаб қолмаслик учун қиттак-қиттак ром отиб ўтирган доя хотин аввалига қиз туғилди, деб эълон қилибди. Дадам буни эшитиб турибди-да, бошини қашиб сўкинибди. Мен у вақтда она тилини унча яхши билмаганим учун, албатта, бунинг маъносига тушунмаган эдим. Кейинроқ билсам, дадам ўз даврининг илғор кишиларидан бўлиб, қиз болага қалин беришдек ваҳшиёна таомилни ўлгидай ёмон кўрар экан.

Доя мени қиз деб эълон қилганлигига сабаб нима эканлигини билишга сира ҳам уннаб кўрганим йўқ, афтидан, у паришонхотирликдан бўлса керак. Доя қари қиз эди, қари қизларнинг паришонхотир бўлиши табиий бир ҳол, улар эркакни хотин деб ва аксинча, хотинни эркак деб ҳисоблаш кам учрайдиган нарса эмас.

Эрталабга яқин ўғил эканлигим маълум бўлгандан кейин уйдаги томошани бир кўрсангиз эди. Доя ўламан саттор уй қоронғи эди, деб ўзини оқлар, отам бўлса бу расво хатонинг тез, газак олмай тузалишидан ўзида йўқ хурсанд эди. Мен эса ўзи тушунмайдиган ишга тумшуғини суққани учун дояни жуда ёмон кўриб қолдим. Хўш, менинг ким ёки нималигимни аниқлаш унга нима керак бўлиб қошти? Ишонаманки, аёллар оламига мансуб бўлиб туғилганимда аллақанча яхши бўларди. Мен сермахсул ёзувчидан, агар аёл бўлиб туғилганимда жуда сермахсул аёл бўлардим, ўзимнинг тапланган асарларимни аллақачон нашр қилдирган бўлардим. Афсуски, эркак бўлганим учун ҳозир бундай аҳволда эмасман.

Дарвоқе, доя хотиннинг айтишича, мен дунёга роппароса етти кун кеч келибман. Дунёга етти кун олдин келишим қайси жадвалга асосан планлаштирилганини билмасам ҳам, бироқ ҳаётимдаги бутун фожиа мана шу кечикишда эканлигини биламан. Биринчи марта саҳнага чиқишда ҳам, биринчи марта ҳаётга келишда ҳам етти кунга кеч қолишни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Бу воқеа бизда ҳали давлат темир йўллари бўлмаган вақтда содир бўлган. Ҳамиша бадавлат одам бўлган отам худди мен туғилган кун бор буд-шудидан ажралганини олдин айтиб ўтган эдим чамаси, демак, агар мен етти кун кечикмасам, бой оилада туғилишим, бадавлат одамнинг ўғли бўлишим мумкин эди. Мен худди мўл-кўл дастурхонли зиёфатга таклиф қилинган, бироқ ҳамма нарса еб, ичиб бўлингач, бир соат кечикиб борган меҳмонга ўхшар эдим. Бундай вақтда мезбон қўлига иккита тухум олиб буни илтиб берайми ёки қаттиқ бўлиб пишаверсинми деб сўраса, киши жуда ҳам ўсал бўлади, албатта.

Мана шу кечикишни мен ҳаётимдаги энг оғир фожиа деб ҳисоблар, шу сабабли доим кўрилган зарарининг ўрнини тўлдириш мумкин эмасмикин, бошқача қилиб айтганда, йўқотилган етти кунни қайтариб олишнинг иложи бормикан, дея бош қотириб юардим.

— Иложи бор! Буни камфора билан қилиш мумкин, — дея тасалли берарди хонаки врачим.

— Қанақасига энди?

— Бунинг йўли жуда осон. Энди ўлмоқчи бўлганингизда сизни укол қилиб умрингизни етти кунга узайтирамиз, туғилишда йўқотган кунларингизни қайтиб оласиз.

Доктор кўнглимга мойдек ёқадиган шу янгиликни айтгандан буён кишиларга шундай қувонч бахш этадиган тиббиёт фани ютуқларини чексиз ҳурмат қиладиган бўлиб қолдим. Бироқ шундай бўлса-да, бадавлат оиланинг фарзанди бўлиб туғилишимга халақит берган ўша етти кунлик кечикиш, шунчаки тасодиף эмас, балки, мени таъқиб қиладиган машъум тақдир деган фикр сира миямдан нари кетмади. Чамаси, менга шон-шухрат ҳам кечикиб, ўлимимдан роса етти кун кейин келса керак, буни олдиндан сезиб турибман. Ўшанда одамлар: «У туғилишда етти кун кечикиб туғилган эди, ўлганда ҳам етти кун илгари ўлди» дейишади. Бу нарса тақдирнинг хўнам аччиқ ҳазили бўлади-да.

Мени қандай чўққитирганлари дярли ёдимда йўқ,

фақат, баъзи узуқ-юлуқ хәтираларгина ёдимда сақланиб қолган. Поп мени қипялағоч қилиб бир тоғора яхдек сув сепгани эсимда. Шунда мен ичимда христианликка сира тўғри келмайдиган, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ноши сўккадимки, буни христианликка қабул қилинишим муносабати билан сўзлаган дастлабки нутқим деб бўлмайди.

Мапа шу ажойиб христиан маросими вақтида тумов бўлиб қолдим. Бу дард умр бўйи мендан аримади, шу тариқа бутун умрим давомида динга чучкириб ўтдим дейишга тўла ҳаққим бор.

Дунёга келишим биланоқ янги шароитга тез мослашиб кетдим. Энг яқин қариндошларим, онам, отам, акаларим ва олаларим менга жуда ёқимли одамларга ўхшаб кўринишди, шунинг учун уларнинг орасида ўзимни уйдагидек бемалол ҳис қилдим. Орадан икки-уч кун ўтгач, янги жойда мустаҳкам ўрнашиб олдим-да, бу ерда менгача бўлган уйдаги тартибни тубдан ўзгартира бошладим. Масалан, мен йўқлигимда онам тун бўйи тинчгина ухларди, назаримда бу саломатликка тўғри келмагандай бўлиб кўринди, шунинг учун ҳам уни тунда беш олти марта уйғота бошладим. Отамга эса уззукун ишлаб чарчаган, дам олсин, деб ярим кечагача ухлашга рухсат берардим. Бироқ, ярим кечага бориб у кўрпасини кўтарганча бошқа уйга қочиб чиқиб, диванда бошини кўрпа билан буркаб ўтказишга мажбур бўларди.

Бир-иккита майда қалтисликларни ҳисобга олмаганимда, болалигимнинг биринчи даври қизиқарсиз, бир текис ўтди. Масалан, бир маҳал кроватнинг остига йиқилиб тушувдим, мени роса бир соатгача тона олишмади. Яна бир кун чақа пулни ютиб юборган эдим, ота-онам оғзимга юз граммча сурғи қуйишди, шундан бери ошқозоним ишқал. Бир кун докторга ўчакишиб ўзидан-ўзи оёғимнинг томири тортишиб қолди. Ярим соат бурун доктор мени кўриб, буқадай соппа-соғ деган эди.

Қисқаси, болалик кунларим ҳаётимдаги энг ташвишсиз онлар эди, фақат оилавий кенгашларгина диққатимни оширарди, холос. Қариндош-уруғлар худонинг берган кун биланчагача атрофида тўпланиб, менинг кимга ўхшашлигим ҳақида баҳслашишарди. Шахсан ўзим ҳеч кимга ҳам, ҳеч нимага ҳам ўхшамаслигимни билардим: ўзимнинг тасаввуримда мен энди кўпчий бошлаган ва кейин буюк новвой — олло таоло бирер шакл берадиган


хамирга ўхшардим. Бироқ беланчагим ёнида уймалашганлар ҳар сафар танамнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида бирор янгилик топишар ва ўзларида йўқ хурсанд бўлиб: «Буни қара-я... манглайи худди отасининг манглайига, бурни тайёр холасининг бурнига, қулоқлари Сима тоғасиникига, оғзи эса келин ойисининг оғзига ўхшайди-я» деб бичиб тўқишаверади.

Бунга ўхшаш текширишлар ҳар куни, ҳар оқшом такрорланаверарди. Бориб-бориб ўзимни қариндошлар ҳади қилган турли-туман парча-парча бўлакчалардан ташкил тошган таъвия эканимга ўзим ҳам ишониб қолдим.

Худди шу пайтларда биринчи тишим чиқди. Ана ўшанда кўрсангиз эди хангомани! Ҳаммамиз ичагимиз узилгудек бўлиб кулардик. Ўзимга қолса-ку, биринчи тишимнинг тезроқ чиқишига ҳам шаштим йўқ эди-я, начора, дадам бармоғини оғзимга тиқиб, милкимни пайпаслайвериши жонимга тегиб кетган эди.

Тиш масаласига келганда шуни айтишим керакки, анатомиянинг ноаниқ фан эканига шу тишлар туфайли ишонч ҳосил қилдим. Медицина, ҳар бир кишида 32 та тиш бўлади, деб таъкидлайди. Ҳолбуки, тиш докторига 2000 динор тўламагунимча тишларим сира 32 та бўлмади. Барибир, шундан кейин ҳам умримнинг охиригача тиш оғриғидан жонимни қўядиган жой топмадим. Афтидан, буларнинг ҳаммасига отамнинг қарғишига қолганим сабаб бўлса керак, чунки мен унинг доимий кўрсатаётган ғамхўрлигига миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб, биринчи чиққан тишим билан бармоғини бошлаб тишлаб олган эдим.





БИРИНЧИ ТИШДАН ШИМГАЧА

Битта тиш билан кифояланиб қолмадим, албатта. Ҳа-ҳу дегунча жағимни илк сўзларни талаффуз қилишга имкон берадиган тишлар билан безадим. Илгари ҳам аллақандай билиб бўлмайдиган товушлар чиқариб юрардим, онам товушларга ўзича маъно бериб, меҳмонларга тушунтирарди. Ана шу жойи кейинроқ танишганим аптекачи Мила хонимнинг мош ранг тўтиси билан бўлган воқеага ўхшаб кетарди. Мила хонимнинг мош ранг тўтиси бўлиб, эгасининг айтишига қараганда у гапиришни билар эди. Тўти «Ла-ра, ро-ра, ро-ра!»

деб чинқирганда Мила хоним: у «Куннигиз хайрли бўлсин!» деяпти деб бизга тушунтирарди. Аммо ҳарчанд диққат билан қулоқ солсак ҳам унинг бундай деяётганини пайқай олмасдик. Шунга ўхшаб десангиз, менинг «ду, му, гу, до, по...» деган дастлабки ноаниқ товушларимни онам: «ойи, дада...» ва ҳоказо деяпти деб таржима қиларди. Шу бовсдан мен бу товушларни ўзимнинг дастлабки сўзларим деб ҳисоблайман. Биринчи марта маъносини тўлиқ тушуниб айтган сўзим «бер!» сўзи бўлган, шундан буён «бер!» деганимда ўзимга пима кераклигини яхши биламан.

Дастлабки тишларим чиққандан кейин, бир ёшга тўлай деганимда оёққа туриб, юра бошлашим ундан ҳам ажойиб бўлди. Тўғри, аввалига тўрт оёқлаб юрдим, буни тан оламан. Оёққа туришдан олдин эмаклашни ўрганиш керак, дейдилар, ёки бошқача қилиб айтганда, сакрашдан олдин бир оз энкайгандек одам қаддини тўғри тутиб юриши учун аввал судралиши лозим бўлади. Одам ўзининг ҳаёт йўлини судралишдан бошлайдими, эҳтимол, бу ҳақиқатан ҳам келажақдаги турмуш учун зарур машқдир, ёки бўлмаса, тақдирнинг тақозоси билан одам ҳали мунофиқлик қилолмайдиган, одам наслига энг кўп ўхшаган чоғида ҳаётга тўрт оёқлаб кирармикан?

Юра бошлашим биланоқ мени одатий имтиҳонга рўбарў қилишди. Бизда бундай бир қизиқ одат бор. Энди юра бошлаган боланинг бошидан нон синдирилади. Бироқ аввал нон устига ҳар хил нарса қўйиб болага узатилади, бола хоҳлаган нарсасини танлаб олади. Бундай пайтда бола нимага қўл узатса, шунга омил бўлади, деб ҳисоблайдилар. Олдимга қўйилган ноннинг юзида илм-фан, бойлик, адабиёт ҳамда оилавий бахт тимсоли бўлган китоб, танга, перо ва калит бор эди. Табиий, дастлаб тангага кўз ташладим. Шунинг ҳам айтишим керакки, ўша дидимни ҳалигача йўқотганим йўқ. Мен алпанг-талпанг танга томон қўл чўзар эканман, қандайдир мўъжиза содир бўлиб, танга ғойиб бўлди-қўйди. Тангани роса қидиришди-ю, лекин топиша олмади. Кейин маълум бўлишича, нонга қўл узатганимда ҳамманинг диққати менинг талтанглашимда бўлиб, аллақачон юра бошлаган ва бу ишга эғирча ҳам ҳақи бўлмаган акам тушмагур тангани илиб кетган экан. Мен худди вексели протест қилинган одамдай ҳамма ёқни бошимга қўтариб йиғлаган эдим, атрофимдагилар ноннинг юзига бошқатдан танга қўйишга мажбур бўлишди. Бу воқеа билан боғлиқ бўлган каромат ҳақиқа-

тан ҳам ҳаётимда тўғри чиқди; ҳанузгача пул зотига қўл узатсам борми, у сайталмон ғойиб бўлади-қўяди.

Инсон ҳаётининг энг қизиқ даври, бола биринчи қадам қўйган пайтдан бошланиб, унга иштон кийгизилиши билан тугайди. Бу даврда одам эркак жинсига ҳам, хотин жинсига ҳам мансуб бўлмайди. Грамматикамиз ҳам унга алоҳида, средний роддан бошлана берадики, кўнгина улкан ва маданий халқлар грамматикасида бу нарса йўқ. Бу грамматик роднинг асосий белгилари қуйидагича: а) бу роддаги отлар «у» олмошига алмаштирилиши мумкин; б) бу роддаги отлар жинсидан қатъи назар, юбка кийган бўлади; в) бу роддаги отлар, худо кўрсатмасни, шундай номлар билан аталадики, уларга қараб ким ўгилу, ким қизлигини фарқ қилиб бўлса ўлай агар. Чунончи, Дуду, Биби, Лулу, Лили, Пөпо, Цоцо, Кокө ва шунга ўхшаш номлар. Средний родга мансуб вақтимда мени қандай исм билан атаганликлари ёдимда йўқ, лекин шуни айтишим мумкинки, юбка менга жуда ёқиб қолган эди, ҳатто улғайганимдан кейин ҳам юбкадан хижолат тортмасдим. Энг қизиги эса, доя қилган хатонинг таъсири биланми, средний род жинслар тафовути масаласидан келтириб чиқарадиган чалкашликни чуқурлаштирилиши ниятида, анчагача ўзим ҳам қиз боламан деб ишониб юрдим. Бироқ Лулу деган бир қиз кўзимни очиб қўйди. Лулу буни қандай кашф этганлигини ҳали ҳам билмайман. Бир кун Лулу қулоғимга: «Сен эркаксан!» деб қолгани эсимда. Ўшанда шу қадар уялдимки, қани энди ер ёрилса-ю мени бағрига олса. Бу воқеадан кейин ҳам анча вақтгача Лулу билан учрашганимда, негалигини билмайману, ҳар қалай эркак бўлганимдан уялиб юрдим.

Инсон қариганда олис ёшликдаги туйғулари уйғонади, дейилади. У қариган сайин ёшлик туйғулари шунча кўп уйғонаверар эмиш. Мен ҳам айниқса туйғулар масаласида буни маълум даражада ўзимда сезаман. Масалан, ҳозир ҳам худди аввалгидай эркак бўлганимдан жудажуда уялиб кетаман.

Юбкани ташлаганимга йиғирма йил бўлганда ёшликда «хола-хола» уйнаб юрган ўша кичкина халқат Лулуни учратиб қолдим. У кўҳлик ва дилбар аёлга айланган эди.

— Эркак эканимни биринчи бўлиб билиб берганингиз учун сизга миннатдорчилик билдиришим керак,— дедим хаяжон билан ўшанда.

Яна бир шунақа кўнгилли учрашув бўлган. Мен жуда

гўзал ва ажойиб бир жувон билан танишган эдим. Узоқ давом этган суҳбатимиздан кейин иккаламиз тенгдош эканлигимиз, ёшликда средний родга мансуб бўлиб, юбкада юрганимиз, ўртоқлик қилганимиз маълум бўлди. Ёшликда иккаламиз жуда аҳил эдик. Уша вақтларда қизни Биби деб аташарди. Иккаламиз ўша вақтдаги ҳамма нарсани эслаб, роса кулдик. Биби кулги орасида ҳақиқатан ҳам ўшанда мени қиз бола деб ўйлаганини айтди. Гарчи эғнимдаги дазмоллашган узун шим, бурним тагидаги сийраккина қўнғир мўйловим эркак жинсига мансуб эканлигимни яққол кўрсатиб турса ҳам жувонни аввалги бемаъни хатосидан қайтариш осон бўлмади. Болаликдаги таассурот дилда жуда қаттиқ ўрнашиб қолиши туфайли унга ўзимнинг эркак эканлигимни исбот қилиш учун жуда кўп овора-бўлишга тўғри келди.

Эзмалигим қурсин, жувонларнинг юбкаси ҳақида роса гапни чўздим. Ваҳоланки, таржимаи ҳолнинг бу боби юбкани средний роддаги отларнинг форма кийими сифатидагина тасвирлаши керак эди. Келинг, калта юбка кийиб юрган, биринчи тишим чиққан, биринчи сўзни айтган ва биринчи қадам босган давримга қайтайлик.

Бу даврда инсонда кейинчалик турмуш ҳам, тарбия ҳам, маълумот ҳам йўқота олмайдиган, сусайтира олмайдиган табиий майл пайдо бўлади. Ана шундай табиий майллардан бири шуҳратпарастликдир, бу майл болаликда шунақанги содда, самимий, шунақанги қизиқарли шаклда пайдо бўладики, вақт ўтиши билан унинг йўқ бўлиб кетганига киши ачинади ҳам.

Бир жойга меҳмон бўлиб келиб, ёшгина онаси ёки онаси билан энди ширин суҳбат бошлаганингизда бутингизга тикилиб, муроббо юқли қўллари билан шимингизни ушлаганча оёғини баланд кўтариб:

— Менинг янги ботинкам бор! — деб бақирадиган митти золимни ҳаммаларинг биласизлар.

Сиз, хушомад қилиб, иложи берича ширин гапирасиз:

— Вой-буй, ботинкам мунча чиройли бўлмаса!

Сиз шу билан гапни тамом қиламану, боланинг ёш онаси ё онаси билан бўлаётган ширин суҳбатни давом эттиравераман деб ўйлайсиз. Йўқ азизим, овора бўласиз, митти золим ишни энди бошлайди-да. У мураббо юқли қўли билан яп-янги шимингизнинг бошқа почасини ушлаб, яна оёғини юқори кўтаради-да:

— «Менинг янги ботинкам бор!»— деб бақиради.

Дод деб юборгингиз келади-ю, лекин ёш онаси ёки опасига ҳурмат юзасидан аввалгидай майин илжайиб, митти таъвиянинг бошини силаб, жавоб берасиз:

— Ҳа, ҳа, дўмбоқ, боя кўрдим, ботинканг жуда яхши экан... Асл ботинка!

Лекин унинг гўзал онаси, ёки опаси билан суҳбатни давом эттирмаман деб ўйласангиз, яна овора бўласиз. Йўқ, йўқ, «у» (средний род) золим оғзингизни очирмайди, тизангизга чиқиб, яхшилаб жойлашиб ўтириб олгандан кейин, лип этиб оёғини шундоққина бурнингизнинг тагига олиб боради-да, унинг ботинкасидан бўлак ҳеч нарса тўғрисида гапирмаслигингизни талаб қилади.

Кейинчалик одамда болаликдаги ўша шуҳратпарастлик, фақат соддалик ва самимият қолмаган шуҳратпарастлик умр бўйи йўлдош бўлмайди. Ольга хоним туғилган куни совға қилинган брильянт исиргани бирпасда қулоғига тақиб олди. Сиз уни туғилган кун билан табриклагани келдингиз. Суҳбат пайтида у, исиргани кўриб қойил бўляпсизми, ҳуснимга тасанно демайсизми, дегандай дам у юзини, дам бу юзини ўгириб, ёнингизда айланади. Агар буни сезмайдиган даражада бепарво бўлсангиз, Ольганинг ўзи унинг тақинчоғига эътиборингизни тортадиган томонга гапни буради. Турган гап, у оёғини юқори кўтариб, «Менинг янги ботинкам бор!» демайди, албатта. У масалан, янги премьерга ҳақида, пьесада қўйилган проблеманинг чуқурлиги, бош ролда ўйнаган актрисанинг ажойиб ижроси ҳақида гапириши мумкин. У сизни суҳбатга жалб этиши биланоқ, машҳур актрисанинг тақинчоқлари ҳақида сўз очади. У ниҳоятда донолик ва қувлик билан, узоқдан айлаптириб келиб, гапни тўппа-тўғри исиргага олиб келаётганини пайқаб қоласиз.

— Лекин, шундай бўлса ҳам, актриса талқинидаги образга ёпишиб тупмайдиган алланима бор,— дейди у сизга.— Бу номувофиқликнинг нимада экани телимнинг учиди турибди-ю, айтолмаяпман, лекин буни шундоққина сезиб турибман. Унинг безаклари мос эмасмикин, деяпман-да. Актрисалар киядиган кўйлаklarнинг ранги аксарият ўзларига ярашади, лекин бу ранг актриса ифодалаши керак бўлган руҳий ҳолатга ҳар доим ҳам мос келадими? Ахлоқсиз, шўх аёлнинг қора кўйлак кийишини ёки ҳаёт сўқмоқларида майиб бўлган, ҳамма нарсадан ихлоси қайтган, касал аёлнинг очиқ ҳаво ранг кўйлак кийганини

бир тасаввур қилинг-а. Балки номувофиқлик шундан иборатдир.

— Ҳа, албатта,— дея жавоб берасиз иложи борича назокат билан. Шу гапни айтганингизда тумшугингиздан илинганингизни ва қўл-оёғингиз боғланганини сезмай қоласиз.

— Бундан ташқари, причёскасини кўринг: пайқадингизми-йўқми, иккинчи пардада причёскаси силлиқ, ҳўл, ҳаддан ташқари хонаки эди. Менимча, сочни бир оз ўз ҳолига ташлаб, ҳурпайтирилса, бир неча кўнғироқ гажаклар орасидан қулоқларидаги брильянт исирға ялтираб турса кўнғилдагидай бўлмасмиди? Шундай қилганда унинг боши жозибалироқ кўринмасмиди?

Агар сиз шундан кейин ҳам унинг қулоғидаги исирғасини пайқамасангиз ва қойил қолганингизни билдирмасангиз хоним табиийки, гапни яна давом эттиради:

— Эҳтимол, мен ошириб юборётгандирман, балки бу ишларни яхши тушунмасман. Ҳозир ҳам орамизда, масалан, исирғани ваҳшийлик давридан қолган деб ҳисоблайдиган одамлар йўқ эмас... Эҳтимол шундайдир... Бироқ, шундай бўлса ҳам, тан бериш керак, исирға ҳуснга ҳусн қўшади. Сиз нима дейсиз?

Шундан сўнг сизга хоним оёғини нақ бурчингизнинг тагига олиб бориб: «Менинг янги ботинкам бор!»— деб бақиргандек туюлмайдими!

Бу-ку нима бўлганда ҳам ёш жувон, лекин унинг қари онаси ҳам сизга не-не ҳунарлар кўрсатиб, оғзингиздан: «О, хоним, қанчадан-қанча ёш жувонлар сизга ҳавас қилишини билсангиз эди!» деган хушомад эшитишни истайди. Ҳатто унинг бувиши ҳам сиздан жуда бўлмаганда «кўрinishингиз жуда яхши» деган гапни эшитишни орзу қилади.

Бироқ, болаликда пайдо бўлган ва инсонга бутун умр ҳамроҳ бўладиган, кўпинча ўлимдан кейин ҳам йўқолмайдиган бу заифликни фақат аёллар жинсига хос деб ўйламанг. Ўз асарини ўқиб бериб, сиздан «хоним баҳо» беришингизни сўраганида унга ёқадиган гап айтишингизга умид қиладиган шовр; сотилган газетада ўзининг муваффақиятларини мақтаб мақола ёзадиган давлат арбоби; ўз аксини ойнада томоша қилишни яхши кўрадиган, сиз ҳам унинг аксидан завқланишингизни истайдиган олиффа; нега олганини ўзи ҳам билмайдиган медалини сизга кўрсатиш учун кўкрагини кериб турган солдат ва ҳоказо ва

ҳоказолар. Шуларнинг ҳаммаси оёғини юқори кўтариб: «Менинг янги ботинкам бор!»— деб бақрирмайдими ахир.

Ўзимга келсак, шунини айтишим керакки, ёшликда мени билганларнинг эслашига ва ота-онамнинг ҳикоя қилишига қараганда, бу соҳада жуда худо безори бўлган эканман. Агар уйимизга келган меҳмонга янги ботинкамни кўрсатиб мақтанганимда у эътибор бермаса, унга туфлени, чўтками, оташкуракми, хуллас қўлимга нима илҳаса, шунини отаверар эканман. Кўпинча меҳмон келишига сабр қилмай дарвоза ёнида ўтириб олиб, оёғини юқори кўтарган ҳолда ўткинчиларга: «Менинг янги ботинкам бор!»— деб жар солар эканман.

Ўбжада хонама-хона ўралашиб, ҳамма нарсага тумшугини суқиб юрган вақтимда бундан бошқа ҳам қилиқларим бўлган экан. Бир кунни опамнинг дераза тоқчасида ўтирган катта-кичик қўғирчоқларига кўзим тушиб қолди. Бу уйнинг куйгур буржуазия хали ҳам кўз олдимда турибди. Дераза тоқчасининг чап томонида ҳаворанг ёстиқча устида кенг чит қўйлақ кийган оппоқ сочли қари хоним ўтирарди. Дастлаб унинг сочи сира ҳам бунақа эмасди. Хоним билан танишиш бахтига муяссар бўлган кунинёқ унинг жингалак қора сочларини шартта юлиб олгандим. Акам опамни юнатиш учун дадамнинг қишлик пальтосидан юлиб олган пахтани хонимнинг бошига елим билан ёпиштириб қўйдим. Бу қари хонимнинг сочлари қордай оппоқ бўлса ҳам юзлари олча суви сурилгандай қип-қизил эди. Кўксига кўзи тушиб кетган тўғноғич бўлиб, сочида пиша мунчоқ ялтираб турарди. Хоним безаклари ва афтиангори билан бир бой судхўрнинг хотинига ўхшарди. Судхўр бойлигини ҳаром-харишдан тўплаган, деган овозалар юрарди, бу овозаларсиз ҳам у икки марта қамалиб чиққан эди: бир мартасида ўзини ёлғондан синдим деб эълон қилгани учун, иккинчи мартасида эса, суғурта қилдириб қўйилган устахонани атайлаб ёнидириб юборгани учун қамалиб чиққан эди.

Дераза тоқчасида унинг ёнида ўтирган иккинчи хонимнинг сийрак сочларида капалак нухса лента боғланган, қошлари эса қалин қилиб бўялган эди. Сотиб олинганда у кўзини юмшни, яъни «ухлашни биларди», лекин мен у билан танишиб, кўзларига бир пиёла сув қуйиб юборганимдан кейин нимасидир бузилди шекли, кўзлари хиёл қисилганча қолди. У энди худди имлаётгандай ёки нозу

жарашма қилаётгандай бўлиб туюларди. Бу хоним бир банк директорининг асли дуруст хонадондан бўлган ўйнашига ўхшаб кетардики, директор уни жиноят устида қўлга туширгач, ковушини тўғрилаган эди.

Учинчиси сарғиш кўзли, доим жилмайиб турувчи чиннидан ясалган қиз эди. Уни деворга суяб қўйишгучи эди. Чинни қизнинг яхшилиги шунда эдики, кирланиб қолса уни артиш, ҳатто ювиш ҳам мумкин эди. Шунинг учун ҳам ҳаётда бундай чинни қўғирчоқларда доғ-дуғ бўлмайди. Бироқ мени унинг сарғиш кўзлари ҳам, чиннидай совуқ табассуми ҳам маҳлиё этмасди. Унинг қиз болаларга хос табассуми сўқма табассум эканлиги ҳаминша сезилиб турарди.

Бу гуруҳда ўтирганлардан тўртинчиси бошига учи найза қалпоқ, эгнига бир почаси сариқ, иккинчиси қизил шим кийган масҳарабоз эди. Қўлида темир ликопча тутган бу масҳарабоз барчанинг нафратига дучор бўлиб, нуқул ерда чўзилиб ётишига қарамай, бу гуруҳдагилар орасида фақат шундагина жон бор эди. У янги вақтида кўкрагини сал босиб қўйсангиз дарҳол бақирар ва қўллари тез-тез қимирлатиб, ликобчаларни тақирлатарди. Кишилар артист қалбидаги сирни билишга қизиққанидай, биз болалар ҳам бу қўғирчоқнинг ичида нима борлигини билмоқчи бўлиб, кўкрагини ёрдик-да, жонини суғуриб олдик. У овоздан маҳрум бўлди. Шу-шу онам ҳам, унинг дугоналари ҳам, ҳатто у билан тоқчада ёнма-ён ўтирган барча буржуазия — банк директорининг ўйнаши ва чинни қиз ҳам нафрат билан ундан юз ўгирдилар.

Менда аллақандай инқилобий туйғу пайдо бўлди-ю, тоқчада талтайиб ўтирган буржуазияни жон-жаҳдим билан ёмон кўриб қолдим. Шўрлик артист учун улардан қасос олгим келарди. Бир куни уйда танҳо ўзим қолганимда ҳақиқий қирғин-барот ясадим. Ҳамма қўғирчоқларнинг бошини, қўл-оёқларини суғуриб ташладим, сочларини юлдим, кийимларини дабдала қилдим. Қонхўр пивочи Сантер ёки шафқатсиз Колло Д'Эрбуахга муносиб хунрезлик қилдим, маълумки, бу хунрезликнинг ўзига яраша кўз ёшлари ҳам бўлди.

Табиий, бу қаҳрамонлик менинг калтакланишимга сабаб бўлган бирдан-бир қаҳрамонлик эмасди. Бундан бошқа ҳам анча ҳунар кўрсатганман. Масалан, отамнинг янги туфлиларига печа бор чилвир боғлаб, ичига сув тўлдириб арава қилиб судраб юрганман. Бир куни онам

хамир қориб, кўлчиси деб унинг устига сочиқ ёпди-да, печка ёнига қўйди. Мен печка ёнида ўйнаб ўтирувдим, ҳалиги хамирнинг устига ўтиргим келиб қолди: хамир шунақанги формага кирдики, ҳеч қандай қолипга солганда ҳам бунақа формага киролмасди. Хамирни мендан аранг кўчириб олишди. Бу қилмишим учун яхшигина калтак едим. Бошқа бир куни қаердандир бир банка этик мойи топиб, кечки овқат пайти уни нонга суртиб едим, шундан кейин, қаторасига беш кунгача ошқозонимни тозалашди. Бир сафар бўлса уйда ўзимни ёлғиз қолдирганларида гул ўтқазилган тувакни, қайчини, гулдор жилдли ёстиқчани, ойимнинг тароғини ойнадан улоқтириб юбордим. Ташлаган нарсаларим қаерга тушди экан, деб ойнадан эпгашиб қараган эдим, шалоп этиб кўчага ағдарилдим.

Тўғрисини айтганда, кўрсатган ҳунарларимнинг статистик ҳисобини тузиб чиқса ҳам бўлади. Масалан, ўн олти марта тарелкадаги шўрвани тиззамга ағдариб юборганман, уч марта кир ювиш учун сув тўлдирилган тоғорага йиқилиб тушганман, бир марта ойнадан қулаганман, бир марта бармоғим билан опамнинг кўзини чиқаришимга сал қолган, икки марта зинадан қулаб, иккинчи қаватдан биринчи қаватга ўмбалоқ ошганман.

Менинг бу ҳунарларимни кўрган ота-онам, «ўғлимиз жуда тиниб-тинчимас», дейишар, онам ҳатто меҳмонларга: «Нима қилишимни билмай қолдим, ундан кўзингни уздинг, иш чатоқ. Бу кенжагинам жуда тиниб-тинчимас чиқди!»— деб шикоят қиларди.

Менга ҳаётимнинг бошидаёқ ном чиқарганим жуда ёқар ва уни иложи борича оқлашга ҳаракат қилардим. Шунинг учун доим бурним қашқа бўлиб юрардим, опамнинг сочидан тортардим. Бир куни қўлимнинг битта бармоғи, бошқа куни бўлса, оёғим чиққан. Иш шунга бориб етдики, кунларнинг бирида печкадан ёниб турган кўмир олиб, аввал ердаги гиламни, кейин стол устидаги дастурхонни куйдирдим, ундан кейин дарпардага ўт қўйиб юбордим. Гарчи ўша куни ҳеч қандай байрам бўлмаса ҳам ҳамма ёқ роса ёриди-да.

Юбка кийиб юрадиган болага фақат шунақанги ҳунарларгина хос эмас. Бу вақтда бола хоҳ ўғилу, хоҳ қиз бўлсин, барибир ўта кетган синчков бўлади, шу синчковлигидан ўта кетган расво бўлади. Ўғил болаларга ҳам, қиз болаларга ҳам бу позик ёнда юбка кийдирилиши шу ваддан бўлса ажаб эмас.

Мен бу масалада ҳам қозонган шухратимга доғ туширмаслик учун ота-онамга ҳам, уйдагиларга ҳам, бизникига меҳмон бўлиб келган кишиларга ҳам савол деганини ёғдириб ташлардим; шу қадар кўп савол берардимки, боёқишлар қочишга жой топмай қолишарди. Мен фақат синчковгина эмас, балким эрталабдан кечгача савол ишлаб чиқаришдан тинмайдиган ҳақиқий машинанинг ўзи эдим. Турган гап, мени аҳамиятсиз оддий саволлар қизиқтирмасди, мен иложи борича ишқал савол топишга ҳаракат қилар, ҳамсуҳбатим адашиб, хижолат бўлса маъза қилар эдим.

— Қуёш билан ой эр-хотинми?

— Нега хотинларнинг мўйлови йўқ?

— Эшакларни мактабда ўқитишадими, йўқми?

— Буқага шохни ким ўрнатган?

— Нима учун Станка хонимнинг қорни қовоқдек?

Исталган вақтда бунақа саволлардан юзтасини беришим мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, бир бечора ота газетада: «Кимда-ким уч яшар ўғлимнинг саволларига жавоб бериб турса, уй ва овқат билан таъминлайман, дурустгина маош ҳам тўлайман»,— деб эълон берган эди.

Гарчи болаларнинг бундай саволлари бемаъни ва кулгили бўлиб туюлса-да, уларда маълум мантиқ бор деб ҳисоблайман. Бу вақтда бола буюм ва ҳодисаларга ёмон кўз билан қарамаганлигидан бу мантиқ унга тушунарли. Катталар учун эса тушунарли эмас, негаки, улар ҳаёт ичига чуқур кириб борган сари мантиқий фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўла борадилар. Мисол учун боя мен айтган тўрт ё беш тасодифий саволни олиб кўрайлик. Улар биргина мен учун эмас, ҳар қандай бола учун ҳам мантиққа тўғри келадиган саволлардир.

Масалан, қуёш — эр кечаси, ой — хотин эса, кундузи сира уйда бўлмайди. Мен шуни сезганим учун қуёш билан ой эр-хотинмикин, деган саволни берган бўлсам керак. Нега хотинларнинг мўйлови йўқ деган иккинчи саволнинг пайдо бўлишига ҳам асос бор: мен хотинларнинг озодиника чиқиш ҳаракати бошланаётганини олдиндан сезган эдим. Агар хотинларда мўйлов бўлганда, бу ҳаракат анча тезлашарди, балки галаба ҳам қозонган бўларди. Учинчи савол тўғрисида кўп гашириб ўтирмайман. Аввал бўлганидай, ҳозир ҳам давлат аппаратларида юқори лавозимли ағаллаб ўтирган эшаклар шу қадар кўпки, эшакни мактаб-

да ўқитишадими? деган савол бермаслигимнинг иложи йўқ эди. Буқага шохни ким ўрпатган¹ деган савол болаларнинг одатий саволларидан, лекин бунга жавобни улар балоғатга етиб, ҳаётни яқиндан билгандан кейин олади.

Станка хонимнинг қорни нега қовоқдай эканини сўрашим оплавий аҳамиятга эга бўлган саволдир. Бу саволимга жавоб беришмагани-беришмаган, лекин яхшигина тарсаки туширишгани алам қилади. Навқирон, кўзга яқин Станка хоним, опламиз билан яхши алоқада бўлиб, бизникига тез-тез келиб турарди. Бир куни унинг гавдасидаги бу ўзгаришни сезиб қолиб, онамдан сўрадим:

— Ойи, нега Станка хонимнинг қорни катта бўи кетган?

Онам уялди-да, саволимга тўғри жавоб бермай:

— Худо берган жазо,— деди.

— Ия, у шўхлик қилибди-да? — дедим ишонч билан. Шундан кейин онам ўша саволимга жавоб бермаслик учун уйдан чиқиб кетди.

Агар гапимиз шу билан тугаганда қорни ҳол бўлмасди. Бироқ ўзимнинг янги билимларимни ишлатишга ҳамisha ҳаракат қилардим; шу туфайли эрталаб холам бизникига келганда нима учун унинг қорни шишмайтганини тушунтириб бердим. Кундузи эса уйимизга бирровга кирган маҳалла поининг қизи Савка хонимга қараб:

— Шўхлик қилмай, тўғри юр, бўлмаса сенинг ҳам қорнинг қапмайиб қолади! — дедим.

Албатта, бу гапимга онам жавоб берди, у шиппакни отиб, мени уйдан тириқтирди. Онам нега бундай қилганига ҳайрон бўлдим.

Бу менинг синчковлигим мана шундай тез-тез калтак билан тақдирланган бирдан-бир ҳодиса эмасди. Барча юбка кийиб юрадиганлар сингари менинг синчковлигим ҳам фақат саволлар беришдангина иборат эмасди, яна бир хусусиятим бор эди. Тушлик пайтда ҳам, кечлик овқат пайтида ҳам, умуман ҳар доим отам билан онамнинг гапларига диққат билан қулоқ солардим, ҳатто улар шивирлаб гаплашса ҳам қулоғимни динг қилиб тинглардим. Ўзимнинг шу нарсамга қойил эдимки, қулоғим жуда яхши эшитарди, бундан ташқари, ҳар бир эшитган сўзимни шу заҳоти ўрнида ишлатадиган одатим ҳам бор эди.

¹ Хотини бевафолик қилган эркакка шохдор (рогово-сец) дейилади. (Тарж. изоҳи.)

Масалан, бир куни бизнингга Мила хоним меҳмон бўлиб келди. Бу бева хоним жуда чиройли кийимлар, ҳар сафар уйдан чиқиб олдида сал кам ярим шиша атир сепарди. Уша хонимдан:

— Прокционнинг байталига қариндошлигингиз ростми?— деб сўрадим.

— Нима дединг?— дод деб юборди ангил-бошидан хушбўй атир хиди анқиб турган хоним.

— Сизни Прокционнинг байталидай қари деб, ойим айтдилар.

Бир байрам куни бизниқига келган округ бошлиғидан:

— Амаки, бошингизда тешик борми?— деб сўрадим.

— Йўқ!

— Унақа бўлса, миянгизни қандай қилиб шамол учириб кетган?

— Нима?

— Дадам миянгизни аллақачон шамол ўчириб кетган, дедилар-ку.

Турган гап, мана шунга ўхшаш беғараз, самимий гапларимдан кейин отам ёки онам бирлари олиб-бирлари қўйиб, юбкамни юқори кўтаришарди. Юбкамни мана шундай тез-тез кўтариб туришлари уни кўзимга ёмон кўрсатиб қўйдикки, бундай ҳодисалар ҳаётда тез-тез бўлиб туради. Ниҳоят, бир куни ҳаётимда биринчи дафъа мардлик кўрсатиб, онамга юбка киймайман, деб дангал айтдим. Юбкадан воз кечишга мени ундаган асл сабаб нима эканини ҳозир айтолмайман. Балки, бунга юбкамни тез-тез кўтариб туришгани сабаб бўлгандир. Менинг эса иштонни ечишга қараганда юбкани кўтариш осонлигига ақлим етиб қолди. Маълумки, иштон гавданнинг одатда ота-оналар ҳамда ўқитувчилар тарбия воситаси деб ҳисоблайдиган маълум жойини кўпроқ муҳофаза қилиб туради. Эҳтимол, менинг бу қарорга келишимга бошқа нарсалар ҳам сабаб бўлгандир. Чунончи масалан, сен менга ўхшайсан дейдиган бир холамнинг гаплари шунақанги жонимга теккан эдикки, унинг эзмаланшидан безор бўлиб, унга жиндай ҳам ўхшашлигим қолмаслиги учун юбкамдан тезроқ қутулишга ҳаракат қилган бўлсам ажаб эмас. Балки, менда шимга қизиқиб бировларнинг деворидан сакрашдек табиий эҳтиёж пайдо бўлганидан келиб чиққан бўлса ҳам ажабмас. Инсон ҳаётида бундай хоҳиш фақат пикки марта содир бўлади. Биринчи марта унда бегоналарнинг нок, ёнроқ ва тухумини ўғирлашга эҳтиёж турилганда, иккинчи

марта эса, ўзгаларнинг номусини ўғирламоқчи бўлганда пайдо бўлади. Ўзингиз биласизки, юбкани деб бировларнинг деворидан ошиб тушиш мумкин, лекин, бу ишни мутлақо юбкада туриб қилиб бўлмайди.

Онам юбкани ташламоқчи бўлганимни бутунлай бошқача маънода тушунди, албатта. Онам ёруғ дунёга мендан олдин келганди, мен унинг ҳамма эски юбкаларини киярдим. Агар мен юбка кийишдан бош тортсам, уни киядиган ҳеч ким қолмасди. Лекин, онамнинг бу мулоҳазасига қарамай, ўз фикримда қаттиқ туриб олдим, бақирдим, йиғладим, чинқирдим, то онам аллақадан акамнинг эски шимини топиб келгунга қадар ерда аганаб ётавердим. Онам шимни менга кийдираётиб, қарғади:

— Шошмай тур, худо хоҳласа юбкани ташлаганингдан пушаймон бўласан, ҳали!

Ҳақиқатан ҳам унинг қарғишига учрадим.





ШИМ КИЙГАН КИШИ

Эҳтимол бу гапим ақл бовар қилмайдигандай туйнлару, лекин киши юбкадан қутулгани ҳамано мардроқ ва дадилроқ бўлади, кишилигининг бутун тарихи шунн тасдиқлайди. Юбка ҳаракатни чеклаб қўяди, бирор жиддий қадам қўйишга имкон бермайди, шимда эса инсон ҳаётга бемалол тўсиқсиз одам ташлай беради. Менинг бир ошнам ёшлиқда бир сафар шимсиз одам ташлаган ва бунинг оқибати, жуда хунук бўлган эди.

Шим одамнинг қайси жинсга мансублигини аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, унинг кўринишини ҳам белгилайди, негаки, шим кийсангиз, икки оёқли эканингиз бир зумда маълум бўлиб қолади. Шим маънавий жиҳатдан ҳам устулик келтиради: тугмачаси қадалишидан қатъи назар, сиз шимда бўлсангиз, хоҳ бошингиз билан, хоҳ оёгингизда туринг, барибир, шим кийган ҳисобланасиз. Бундан ташқари шим анча қулай ва пишиқ, бунда гап юбка «енгилтаклик рамзи» ҳисобланишида эмас, балки одамни бўшанг ва продасиз қилиб қўйишидадир. Буни тарихий мисоллар орқали исботлаш ҳам мумкин. Масалан, юбка кийган классик халқларнинг ҳаммаси тамомила ўлиб-йитиб кетди, ер юзида улардан ном-нишон қолмади. Лекин инсонларнинг фожиаси улар йўқ бўлиб кетганида эмас, балки, халқлар йўқолса ҳам юбкалар қолганидадир. Бу ерда яна битта ғалати жиҳат ҳам бор: агар юбка ҳақиқатан ҳам енгилтаклик ва ландавурлик рамзи бўлса (шунинг учун ҳам юбка кийган халқлар ҳалок бўлиб кетган), нима учун у ҳозир ҳам дунёнинг кучли кишилари ҳисобланиш подшолар, поллар, хотинларнинг кийими бўлиб қолган?

Мен юбканинг душмани бўлганим учун шимни мақтаётганим йўқ, асло, аксинча, юбканинг чинакам дўсти ва мухлиси сифатида юбка ҳақида кўп яхши гаплар айтишим мумкин. Мен шимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлар эканман, юбканинг нарҳини ерга урмоқчи ҳам, шим билан унинг орасини бузиб қўймоқчи ҳам, шу тариқа улар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига раҳна солмоқчи ҳам эмасман. Биринчи марта менга шим кийдирганларида ўз-ўзимдан фахрланганлигимни оқламоқчи эдим, холос.

Тўғриси айтганда, менга кийдиришган ўша шимдан фахрланишимга тузукроқ асос ҳам йўқ эди. Шим акамники бўлиб, унинг қисқа, лекин тала-тасир ўтган бутун таржиман ҳоли мен кийган ўша шимга ёзилганлиги сезилиб турарди. Акам мактабда бот-бот чўккалаб ўтиргани учун шимнинг тиззаси ялтираб кетган, орқа томон эса, отамнинг камари тегавериб титилиб кетган эди. Шу туфайли унда ҳар доим елвизак бўлиб турар, дастлаб чўқинтирилган пайтимда орттирган тумовим баттар зўрайиб борарди.

Билмадим, шимнинг мен давом эттирган бирор анъанаси бўлганми, ёки ўзимни кўрсатишим шундоққина шимга қараб турган эканми, ишқилиб, шимни кийишим

биланоқ шумтака, қароқчига айландим-қуидим, мени на қувиш, на таъқиб, на дўқ-пўлиса қўрқита олди. Юбка кийиб юрганымда бутун қилғиликни уй ичида қилардим, энди бўлса, «урҳо-ур»ни ўзимизнинг ва қўшнилариимизнинг ҳовлиларига қўчирдим. Мен, шимни деворлардан ошиб ўтиш учун атайлаб ўйлаб топишган парса деб ҳисоблардим. Энди менинг учун ўзим билан қўшниллар ҳовлиси ўртасида ҳеч қандай чегара қолмаган эди.

Шим кийгач, биринчи машғулотни дарахтларга ўрмалаб чиқишдан бошладим. Бунинг анча фойдаси тегди, нега десангиз қўшнилариимизнинг ёнғоқ, олча ва ноқларини бемалол олаверадиган бўлдим. Бу машғулот менга бошқа ҳам фойда келтирди. Мабодо оилада кўшчилик бўлиб, мени ушлаб олмоқчи бўлишса, ит қувлаган мушукдай ёнғоқ дарахтининг учига чиқиб кетардим, кейин бир шохга жойлашиб олардим-да, таъқиб қилувчиларни юқоридан туриб ёнғоқ бўрон қилардим, лекин барибир, маъмурлар менинг таъзимни бериш чорасини ўйлаб топишди. Таъқибчиларнинг пастга тушиб, «таслим бўл», деган таклифларига унамай тихирлик қилиб юқорида ўтираверсам, улар бир ликобча тўла печенье келтириб дарахт тагига қўйиб, ўзлари эшикни беркитиб, уйга кириб кетишарди. Мен беозор мусичадай ҳеч ким йўқ деб ўйлаб, маза қилиб печенье ейиш учун аста-секин дарахтдан тушардим, лекин шу пайт тўсатдан таъқибчиларим пайдо бўлиб мени ўраб олишарди, сўнгра қуролсизлантириб, жазолаш учун уйга судраб кетишарди. Мен майда нарсаларга иштиёқманд одамларнинг улкан жасорат кўрсатишга ноқобил экашликларини ана шунда тушундим.

Менинг бундан бошқа ҳам беозор ўйинларим бор эди. Масалан, бир куни Вуичка хонимнинг ўзим сира ёқтирмайдиган оппоқ, сип-силлик, топ-тоза кучугини (қўйиб берсангиз хоним унга уна суртишга ҳам тайёр эди) шунақанги сиёҳга белаб ташладимки, Вуичка хоним ҳушидан кетиб қолди, жон-гани бўлган кучуқни бир йилгача сиёҳдан тозалай олмай юрди. Бошқа бир сафар акамнинг янги ботинкасига қорамой қўйиб қўйгандим, уни акамнинг оёғидан ечиб олиш учун ботинкани кесилдан бошқа илож бўлмади. Бир куни аса округ протоперейи ва барча амма-холаларим овқатланаётганда стол тагига кириб сим мушак ёққан эдим, шунақанги томоша бўлдики, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Стол ағдарилиб, акамни босиб қолди, барча идиш-товоқлар шарақ-шуруқ қилиб катта

холамнинг тиззасига тушди, ўртанча холамнинг (ўша менга ўхшаган холамнинг) этагига шўрва тўкилиб, расво қилди, округ протонерейнинг томоғига дўлма тиқилиб қолди, онамнинг юрак касали тутиб қолди, кичик холам эса, тилига вилка тиқиб олиб, уч ҳафтагача гапиролмай юрди. Бунда фақат ўша бир вақтлар нон устидаги тангани уриб кетган ўртанча акамгина омон қолди. У пирогни тарелкаси билан кўтарганча ғойиб бўлди, кейин анча вақтгача уни ҳам, пирогни ҳам топиша олмади. Хуллас, кўнгил очар томоша кўрсатиб, яхшиликка ёмонлик кўрдим: роса калтаклашди.

Мана бундай беозор ўйинларим ҳам бор эди: масалан, ҳеч ким йўқ пайтда ошхонага кирардим-да, ўзим ёмон кўрадиган кишиларнинг тарелкасига беш-олти сиқим туз ташлаб юборар эдим, кейин овқат пайтида ҳалиги одамларнинг афти буришишини томоша қилардим. Бир сафар қаердандир тулкининг думини топиб, унга тўғноғич ўрнагдим-да, эрталаб ва чошгоҳда ўзимни панага олиб туриб, уйимиз ёнидан хизматга ўтадиган суд ва округ амалдорларининг орқасига дум ёпиштириб юрдим. Амалдорлар думини судраб идорага боришар, ўтган-кетганга роса кулги бўлишарди. Бўлар гап шу-да, улар ўзларини ким думлик қилиб қўяётганини тезда билиб олишди, шундан кейин мен калтак емай, бошқа одам калтак есинми. Лекин ҳозир ҳам айтаманки, уларнинг кўпларига дум жуда-жуда ярашарди.

Менинг бундан бошқа ҳам ажойиб бир эрмагим бор эди. Агар уйимизга меҳмонлар келса, уларнинг қишқи пальтоларининг чўнтақларини ковлардим-да, бирдан топилган буюмни, иккинчисига солиб қўярдим. Бошлиқ хонимнинг уна қутиси бир неча марта жаноб судьяникига кетди. Бева Станка хоним эса, серб тарихи ўқитувчиси трубкаси ғилофни, поининг хотини округ бошлиғининг тамакидонини, уезд бошлиғи эса, солиқ йиғувчининг хотини Маре хонимга тегишли бўлган тўртта шилтали коштокни билан энди тўқий бошлаган пайпоқни уйига олиб кетди. Турган гап эртасига эрталаб чоп-чоп ва буюм алмашилар бошланар, ҳар хил шубҳалар ва жанжаллар туғилар, буларнинг ҳаммаси таомилга кўра менинг гарданимга тушар эди.

Меҳмонлар чақирилган тушлик ва кечлик овқат вақтида стол тагига кириб олишни жуда яхши кўрардим. Бу ерга экскурсия қилиб шунча нарса ўрганаман деб сира

хаёлимга келтирмаган эдим. Мен, рақам ҳамда ранглари-нинг маъноси бўлишини билардим, бироқ стол тагидаги оёқларнинг ҳам гаплашиши мумкинлигини мутлақо билмас эдим. У вақтларда судья билан аптекачи хотиннинг бир-бирларига худди ака-сингилдай меҳрибонлик кўрсатадиган оёқларига эътибор бермаган эдим. Протонерейнинг жубба тагидан чиқиб турган оёғи (аввал мен уни холамининг оёғи деб ўйлаган эдим) бошланғич мактабнинг учинчи синфига дарс берадиган ўқитувчи хонимнинг оёғини туртиб-туртиб кўярди. Холам бу аёл билан посоз бўлгани учун сирли оёқ ўйинига сира ҳам ақлим етмасди. Афсуски, у вақтларда стол тагида содир бўлган сир-синаотга тўшунмаган эдим, кейинроқ ақлим кириб, бунинг маъносига етадиган бўлганимда эса стол тагига кира оладиган даврдан ўтиб қолган эдим.

Лекин буларнинг ҳаммаси майда-чуйда қаҳрамонликлар эди; дуруст қаҳрамонликлар кўчада бўларди. Ота-оналар ҳукмини тан олмайдиган шумтакалар тўдаси доим мени кўчада кутиб турарди. Улар билан бегона одамларнинг экинларига, чердакларига ва томларига саёҳат қилардим, бекинмачоқдан тортиб, ҳукумат-ҳукуматгача ўйнардим.

Биз айниқса атрофда кўрган нарсамизга тақлид қилиб ўйнашни яхши кўрардик. Агар шаҳарга цирк келса, эртасига ҳаммамиз цирк артистларига айланиб қолардик, стулларни синдираддик, кир осадиган арқонларни кесардик, ертўлалардан бочкаларни думалатиб чиқардик. Хуллас, цирк санъатини эгаллаш учун не-не зарарлар келтирар эдик. Агар театр келса табиий, отамнинг идорасидаги қоғозлар жабр кўрар, уйдан гилам ва ёстиқлар, омбордан тахта, ошхонадан ун, ёстиқдан жун (соқол ва мўйлов учун) йўқоларди. Бундан ташқари, биз уйдан юбка, эски пальто ва бошқа кийимларни олиб чиқиб кетардик. Шаҳарда армияга олиш бошланса, биз аскар-аскар ўйнардик. Тоғларда гайдуқлар пайдо бўлса, гайдуқ-гайдуқ ўйинини ўйнардик.

Бир сафар биз кризис ўйинини ўйнадик. Кризис — давлат пайдо бўлган биринчи кундан бошланган ҳодисадир. Ёш боланинг туғма доғи бутун умр у билан бирга бўлгандай, кризис ҳам давлат путурдан кетгунча давом этаверади. Модомки, сиёсий гўдаклар шу ўйинни севиб ўйнар экан, нима учун биз ўйнамас эканмиз?

Турган гап, мен доим кабинет тузувчи бўлардим.

Менинг миссиям қандайдир бир Скушчянанинг ишончига тайна олмасди, лекин бу бизнинг сиёсий ҳаётимизда жилла ҳам фавқулудда бир ҳодиса эмасди. Доим бизнинг ҳовлида ўйнаганимиз учун мен ҳам Людовик XIV дан ҳам ортиқ ҳуқуқ билан: «L'état c'est moi!»¹ — дея эълон қилиб, шу асосда бутун ҳокимиятни ўз қўлимга олишга ҳақли эдим.

Биз ҳаммамиз министр бўлишни хоҳлардик, — ҳа, айтганча, бу заифлик фақат болаларгагина хос эмас, — лекин фуқароларимиз бўлмагани сабабли (нега десангиз, ҳеч ким фуқаро бўлишни истамасди-да), Скушчина ҳам бўлмасди.

Биз ҳовлимизни тўлдириб юрган ва ўзларининг бета-рафликлари билан кўнгилдагидай фуқаро бўладиган ғоз, ўрдак, курка ва бошқа хушфеъл мавжудотларни бошқаришни қўлимизга олган тақдирда ҳам уларни Скушчинага чақириб, бирор нарсага эришишимиз қийин гап эди. Улар албатта, вакиллар клубига, яъни куркалар клубига, ғозлар клубига ва ўрдаклар клубига бирлашарди. Лекин бу клублар ҳукуватимиз ваколатига заррача ҳам таъсир кўрсата олмасди, негаки, сиёсий клублар ўз аъзоларини ўз ақли билан яшамасликка ва виждон азоби тортиб юрмасликка ўргатиш учунгина мавжуд бўлади. Агар ғоз, курка ва ўрдак клубларнинг раиси бўлиб қолгудай бўлса, уларнинг ҳаммасининг шаҳсан овқатланишини яхшилаيمиз, деб қасамёд этиб ваъда берардик. Мана сизга кўпчилик, мана сизга ишонч.

Тўғри, ҳовлимиздаги уй жониворлари орасида сиртдан қараганда истаган вақтда оппозицияда туриши мумкин бўлган қирпи ҳам яшарди. Лекин шувиси борки, у эрталабдан кечгача уйқудан бўшамасди, уйқудаги оппозициянинг эса мутлақо хавфи бўлмайди. Бора-бора унинг ташқи қиёфаси ҳам хавфли бўлмай қолди, чунки игнаси фақат безак бўлиб хизмат қиладиган оппозициядан ҳечам қўрқмаслик керак.

Шу вайдан биз чексиз ҳокимиятдан фойдаланишга имкон берган барча шароитга эга эдик. Ҳеч ким чекламайдиган чексиз ҳокимият эса, шундоққина роҳат эди.

Бундай қулай шароитда мен ҳукуват кризисини осонгина ҳал қилар ва ҳукуват тузар эдим. Ташқи ишлар

¹ Давлат — бу менман (Фр).

министр лавозимни ўзимга қолдирардим. У вақтларда ҳеч биримиз лавозимсиз министрдек ажойиб ва сердаромад лавозимни тасаввур ҳам қилмас эдик. Биз, афтидан, министрсиз портфель бўлишни билардик, лекин портфельсиз министр анча кейин кашф этилди. Агар бизнинг вақтимизда шундай вазифа бўлганда мен, албатта, аниқ вазифасининг, идорасининг тайини йўқ лавозимсиз министрликни бошқаришдек, оғир заҳматни зиммамга олган бўлардим. Мен бўлсам ташқи ишларни ўз зиммамга олиб юрибман, нега десангиз ўзим «яхши оила»данман, чет тилларни жуда расво даражада биламанки, бу ҳам ҳозирги дипломатларимизга хос аломатлардан бири.

Ҳукуматга менадан ташқари яна тўрт министр: полиция, молия, маориф ва ҳарбий министрлар ҳам кирарди. Биз ҳукумат-ҳукумат ўйнаган бурунги вақтларда министрликлар кўп бўлмасди. Чунончи, халқ соғлиғини сақлаш министрлиги йўқ эди, зотан у вақтларда умуман халқнинг соғлиғи ҳам йўқ эди. Йўллар министрлиги ҳам йўқ эди. Афтидан, йўллар бор эди-ю, лекин бизлар доим ҳофизларга ўхшаб: «Йўллар ҳали туркларни қўмсаб қолиши тайин, уларни тузатгин, деб бизни ҳеч ким зўрламас», дея ашула айтардик. Маълумки, ўрмонлар ҳам бор эди, бироқ уларда қароқчилар хўжайинлик қиларди, фақат яқиндагина қароқчиларнинг ўрнини министрлар эгаллади ва ўрмон министрлиги ташкил қилинди. Маъдан ҳам бор эди дейишади, бироқ солиқларни ҳамма ўз вақтида тўлаб тургани учун бошқа даромад манбаларини қидиришга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган. Бурун ҳам ҳозиргидай тошқинларга сабаб бўладиган сув йўллари бор эди, бироқ у вақтларда тошқинни бошқариш учун алоҳида министр бўлишига ҳеч қандай эҳтиёж сезилмасди.

Ҳукуматимнинг рўйхати тахминан бундай эди: ташқи ишлар министри ўзим, гимназиянинг биринчи ва иккинчи синфларида икки йилдан қолган Чеду Матичини маориф министри қилиб тайинладим, чунки у бизларга қараганда кўпроқ ўқиган эди. Ундан ташқари, Чеду мактабдан икки марта ҳайдалган, демак, мактаб қонунларини сув қилиб ичиб юборган эди ва ниҳоят, у саводлиликни ортиқча ҳашамат деб ҳисоблар эди, ўша даврдаги ростакан министрлар ҳам шу фикрда эдилар. Полиция министри қилиб округ бошқармаси жандармининг ўғли Сима Станковични тайинладик, чунки полицияда хизмат қилиш

уларнинг оласида анъана бўлиб қолган, жандарм ўз ўғлига бера оладиган тарбия унинг Сербияда полиция министри бўлиши учун етарли деб ҳисоблардик. Симанинг бундан бошқа афзал томонлари ҳам бор эди. Масалан, у худодан тортиб, то кўрпадаги майда бургани ҳам болохонадор қилиб сўка олар, пичоқ кўрсатиб дўқ қилишни, ёни тўғридан-тўғри шартта тумшукқа тушуришни билар эди. Ана шу фазилатларнинг ҳаммаси унда ҳақиқий полиция министри учун зарур бўлган барча сифатлари мавжудлигини тасдиқларди, шунинг учун ҳаммамиз бу вазифага жуда бонга номзод топдик деб ҳисобладик. Бошланғич мактабнинг учинчи синф ўқувчиси Перица молвия министри бўлди. У ҳали кичкина бўлиб, ҳар доим орқа томони йиртиқ иштон кийиб юрарди, иштоннинг йиртигидан кўйлагининг бир парчаси ҳамisha чиқиб турарди. Бу дум фақат яқпанба кунлар чошгоҳгача бирмунча тоза турарди. Перицанинг ҳеч нарсага уқуви йўқ эди, ҳеч қандай ишга элмай олмасди, бироқ бу қусур ҳақиқий министрлик тузишга ҳеч қачон халақит бермайди. Кетидан чиқиб турган ўша ифлос думи унга сира халақит бермас, аксинча, ўз навбатида тақдирга сазоворлик белгиси бўлиб хизмат қилардики, бу барча молвия министрлари учун доим тақдирга сазоворлик белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди.

Ҳарбий министр лавозимини яҳудий мазҳабига мансуб бўлган дўстимиз Давид Мешуламга бердик. Бу иш ҳам бемақсад қилинмаган эди. Уни ҳарбий министр қилиб тайинлар эканмиз, бошқа бирор давлат билан урушишдан ўзимизни муҳофаза қиламиз, ундан ташқари, дўстимиз Давидга ҳарбий министрлик имзо чекадиган пудрат ва таъминотларда қатнашиш учун бевосита имкон яратиб бердикки, бусиз ҳам ўзи иштирок эта олишини билардик.

Тузилган кабинет йиғилиши кўпинча тахта омборнинг томида, баъзан ундан ҳам баландроқ бўлган ёнғоқ дарахтида ўтар, ҳар бир министр ўз шохда ўтирар эди. Бу баланд жойни ҳар қандай ҳукуматга ҳам тавсия қилса бўларди, чунки ёнғоқ дарахтининг бутоқларида ёки тўрт қаватли бино томида жойлашиб олган давлат арбобларининг еинчков журналистлар безовта қила олмасди.

Қўшнимиз тешасида Давид Мешулам тургани ҳолда ҳарбий министр кўнглининг энг ичкарасида қандай режалар борлигидан қатъи назар биз тинчликсевар эканлиги-

мизни бемалол айтаверардик. Лекин бир сафар, кабинетнинг павбатдаги йиғилиши кун тартибида ҳукумат бутун состави билан Миош новвойнинг деворидан ошиб ўтиб, ҳар қандай ҳукуматни ҳам йўлдан урадиган, пишган, асал бойлаб кетган, қип-қизил олчаларни ўғирлаб чиқиш ҳақидаги масала турганда Давид Мешулам халқаро аҳамиятга эга бўлган бир можарони маълум қилдики, бунинг натижасида бизнинг фуқаромиздан бирин қаттиқ жароҳатланди. Шу туфайли биз обрўмишни туширмаслик учун товон ҳақини олпришимиз керак эди.

Мешулам гапириб берган воқеа, сирасини айтганда, ҳаммамизга маълум бўлиб, бор гап мана бундай эди: бир неча кун муқаддам бизнинг эркак ғозимиз девор тагидан қўшнимизнинг ҳовлисига ўтади, бу пайтда қўшнининг эркак ғози ғозлар орасида йўқ экан. Бизнинг ғоз бошқа мода ғозларга қандай ният билан қўшилганини ҳукуматимиз билмас эди, бироқ хўжайин ғоз билан мода ғозлар бизнинг фуқаромизга шафқатсизлик билан ҳужум қилиб, уни шунақанги дўшпослаб, мажруҳ қилдиларки, у думининг ҳамда патларининг ярмини қолдириб, юртига ўлар ҳолатда қайтиб келди. Ҳарбий министр эртага, пайшанба куни чошгоҳдан кейин қўшниларга уруш эълон қилиш тўғрисида таклиф киритди. Бу вақт бежиз танланмаган эди: биринчидан, пайшанба куни чошгоҳдан кейин мактабимизда машғулот бўлмасди, иккинчидан, ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, эртага тушдан кейин қўшнилар токзорга кетиши, уйда ҳеч ким бўлмаслиги Мешуламга маълум эди.

Ҳарбий министр ўз таклифини Мусо пайғамбарнинг: «Қонга-қон, жонга-жон» деган васиятига амал қилишга чақирик билан тугатди, яъни ғозимизнинг узилган яримта думи ва юлиб олинган бир неча пати учун қўшниларнинг барча ғозларини тутиб, патларини юлиб, шир яланғоч қилишни таклиф қилди. У айниқса мода ғозлардан шафқатсиз ўч олишни талаб қилар, қўшнининг эркак ғози бизнинг ғозга ҳужум қилиш учун баъзи асослари бўлиб, у овла номусини ҳимоя қилди, лекин бу ишга аралашини мода ғозларга ким қўйинти, дерди.

Таклиф қабул қилингандан кейин Мешулам стратегик планни ишлаб чиқди. Бу планга кўра, молия министри жуда кичкина ва нимжон бўлгани учун экспедицияда фаол қатнашмас эди, бегона одамлар яқинлашиб келаётгани ҳақида бизга ўз вақтида хабар бериш учун девор ус-

тида соқчи бўлиб туриши лозим эди. Мен, маориф министри ва полиция министри учовимиз ҳамма мода ғозларнинг патини юлишимиз керак эди, ҳарбий министрнинг ўзи бўлса, патларни йиғиши лозим эди. План қабул қилинди ва эртаси кун туш пайтида ҳарбий министр экспедиция-мининг ҳарбий анжоми ҳисобланган ёстиқ жилдини қўлтиқлаб, тайинланган жойга етиб келди.

Ронпа-расо соат иккидан ўн етти минут ўтганда ҳужум бошланди. Вақт шундайлиги қанчалик тўғри эканини аниқ билмайман, бироқ черков қўнғироғи иккига бонг урганда қўшнимиз оиласи билан аравада тоқзор томон жўнади. Шундан кейиноқ ҳаммамиз девордан ошиб тушдик, молия министри эса девор устида қолди. Соат икки-ю, ўн етти минут деб аниқ кўрсатишимга сабаб шуки, одатда жанг майдонидан келадиган хабар шу тариқа бошланади. Соат иккидан йигирма минут ўтганда битта ғознинг, полиция министри бошқасининг, маориф министри эса учинчисининг патини шипшийдама қилиб қўйдик. Мода ғозлар жони борича қағиллашар, биз бўлсак, «қонга қон, жонга жон!» қондасига амал қилиб, ғозларни туҳумдан янги чиққандай жиш қилгунча ишимизни давом эттиравердик. Шу аснода ҳарбий министр патларни ҳафсала билан териб, ёстиқ жилдига жойларди. Иккидан ўттиз икки минут ўтганда яна учта ғозга ҳужум қилдик. Жанг план асосида ривожланиб борар, ғалаба яқинлашиб қолган эди. Бироқ одатда стратегияда бўлганидай, ҳарбий министр душманнынг ўз иттифоқдошидан кўмак олиши мумкинлигини ҳисобга олмаган экан. Шу вақтгача қаердадир ошхонада ухлаб ётган ит қутилмаганда фронтимининг ён томонида пайдо бўлиб қолди. Бунақанги тўсатдан қилинган ҳужум сафимизга бир қадар саросима солиб қўйди, ит билан биринчи бўлиб тўқнашимга тўғри келган полиция министри ярим пати юлинган ғозни қўйиб юбориб, тош олди-да, ён томонни ҳимоя қилиб, ит билан қўл жангига киришди. Иш шу аҳволда давом этса-ку, узил-кесил ғалабага эришар эдик, бироқ қутилмаган яна бир нарсачиқиб қолди. Итнинг вовиллашидан ошхонада ухлаб ётган хизматкор уйғониб кетди, у ҳам чўқмор билан жанг майдонида пайдо бўлди.

Ҳар қандай бошқа қўшин, ҳатто анча тажрибали қўшин ҳам бундай кучли артиллерия ҳужумига учраса чекинар эди. Кейин нима бўлганини билмайман, фақат маориф министрнинг елкасига чўқмор тушганини эслай-

ман, унинг жон ҳолатда «дод!» деб бақирганини эшитдим. Полиция министри мушукка ўхшаб дарахтга ўрмалаб чиқиб кетди, кейин хизматкор тош ёғдиргани учун мардларча омбор томига сакраб тушди. Мен ҳам оғир артиллерия зарбасидан бенасиб қолмадим, бироқ девордан енгилгина ошиб ўтиб, жуфтакни ростладим. Молия министри шунақанги дод-фарёд кўтардики, у худди Скупишчина олдиди ҳисоб бераётганга ўхшарди, у постини ташлаб қочмоқчи бўлувди, думи алмақандай бир миҳга илинди-ю, деворда осилиб қолди. Дум унга бир кун эмас-бир кун албатта ташвиш олиб келишини билардим, ҳақиқатан ҳам кўнглимга келган гап тўғри бўлиб чиқди. Кўшнимизнинг хизматкори, худди пишган нокни узгандай молия министрини девордан лип этиб олиб, шунақаям шишириб ташладикки, сўл қанотдаги энг ашаддий оппозициячи ҳам бундай қилолмас эди. Хизматкор ўз ишини қилиб бўлгач, молия министрини бир тепди-ю, футбол тўпидай девордан эшириб юборди. Ҳарбий министри ҳеч ким кўрмай қолди, унинг аҳволи нима кечганлигини анчагача билолмадик.

Оғир мағлубиятдан кейин аранг ўзимизга келиб, қўшнимиз ҳолатини аниқлаш учун бизнинг чердакка тўпландик. Маълум бўлишича, қўшнимизнинг руҳи тушкун, аскарлар сонн бут, бир киши қаттиқ ярадор бўлибди, бир киши ўлган. Биз ҳарбий министри ўлган ҳисоблардик. Мен ҳукумат ҳисобига кўмпилени деб буйруқ бердим. Бироқ министрининг жасадини ҳеч қаердан тополмаганимиз учун буйруқ бажарилмай қолди.

Кейинроқ билсак, ҳарбий министр хизматкорни кўргани ҳамон омбор орқасига пухта яшириниб олибди, кейин ҳамма ёқ тинчигач, у ердан чиқиб, гоз пати тўлдирилган жилдни кўтарганча уйига жўнабди. Кейинчалик полиция министри тўплаган ишончли маълумотларга қараганда, Давид Мешуламининг онаси ёстиқ қилиш учун пат қидириб юрган экан, биз бутун бу урушни шунинг учун олиб борган эканмиз. Арзимайдиган сабаб кўпинча жуда катта натижаларга олиб келади деган қадимий ҳақиқат шундай қилиб яна бир бор тасдиқланди.

Табиики, мағлубиятимизнинг бирдан-бир натижаси шунинг ўзи эмасди. Улкап жаҳоний тўқнашувларнинг оқибати урушдан кейингина сезилади. Ақалли кабинетимизни тузиш тажрибасини ҳисобга олсак, у ҳеч қандай

оппозицияга дуч келмагандек туюлса-да, ҳар қалай сўзларни ишонтариб айтаманки, биз аynи ҳолатда ўа қилмиши учун барча оғирлиқни ўа зиммасига олган бирдан-бир серб ҳукумати эдик,





ПАРКАЛЛАР¹

Турган гап, шўхликларим
 фақат менгагина эмас, оила аъзоларимга ҳам, уйдагилар-
 нинг ҳаммасига ҳам ташвиш келтирарди. Улар негадир
 менинг келажакимдан ташвишланар, отам бўлса яккаш:
 «Сен дорга осилиб тинчийсан, бола!» деб бақирар, онам
 эса, «сен қароқчини туғилганиндаёқ ўз қўлим билан
 бўғиб ўлдирсам бўлмасиди!» деб, пўписа қиларди.

¹ Қадимда рим мифологиясида инсон тақдирини белгиловчи
 учта аёл маъбуда.

Ота-онамнинг бу фикри менга ўтиришмасди. Холаларим ҳам уларнинг фикрига қўшилишмас, аксинча, меннинг ёнимни олишарди. Айниқса, «менга жуда ўхшайсан» деб жон-ҳолимга қўймайдиган холам мени жуда ақлли ва чаққон деб таъкидлагани-таъкидлаган эди.

Ақлли ва чаққон болалар одатда ота-она учун бош бериги экаплигини ҳамма билади, шунинг учун ота-онам меннинг келажагимдан ҳамisha қаттиқ ташвиш тортишарди.

Холам бу ташвишни жиндек бўлса ҳам енгиллатиш мақсадида келажагимга назар ташламоқчи бўлди. Бир куни қўйлагимдан бир парча йиртиб олиб, фолбинга олиб борди: фолбин қўйлак парчасини сув солинган тарелкага ташлаб, сувни ёғоч билан айлантирди, кейин чуқур ўйга чўмиб, пешонамга ёзилганларни гапирга кетди:

— У оғир дардга чалинади, бироқ омон қолади, жуда катта бахтсизликка йўлиқади, лекин қутулиб кетади, ёмон одамлар қўлига тушади, улар уни ўлдирмоқчи бўлишади, аммо сар қолади, денгизда қаттиқ довулга учрайди, ундан ҳам омон қолади. Аммо уйланади-ю, омонлик топмайди!— ҳақиқатан ҳам фолбиннинг шу каромати тўғри чиқди. Бироқ унинг: «Бой бўлади — бойлиги ошиб тошаверади, бахтли бўлади, бутун дунё унга ҳасад қилади»,— деган каромати сира тўғри чиқмади.

Бу гаплар онамга бир оз тасалли берса ҳам, отамга заррача таскин бермас, шунинг учун опламизда бу масала устида тез-тез гап бўлиб турарди. Табиий, ҳамма оталар ҳам ўз болаларининг тақдирига жуда қизиқади. Мени чўқинтирган отамнинг учта ўғли бор эди, улар билан жуда қалип эдим. Мана шу тутунган отам аксарият:

— Катта ўғлимнинг ақли жойида, ўқитувчи бўлсин, ўртанчам савдогар бўлсин, муттаҳам кенжамни бўлса офицерликка бераман!— дерди.

Унинг орзулари тақдирга хуш келмадимиз, ё осмон маҳкамасида бирор англашилмовчилик рўй бердимиз, билмадимиз, аммо менга маълуми шунки, тутинган отамнинг ўқитувчи бўлсин деган катта ўғли — боққол, савдогар бўлсин деган ўртанча ўғли ҳарбий оркестрда унтер бўлди. Кенжаси эса, ростдан ҳам форма кийди, лекин офицер формасини эмас, балки елкасига алифбенинг йигирманчи ҳарфи ёзилган формани¹ кийди.

¹ Серблар алифбесидagi «Р» ҳарфи «робиаш» — сургун қилинган киши.

Ота-оналар ўз фарзандларининг келажагини орзу қиладилар, болалар ҳам шуни орзу қиладилару, бироқ уларнинг ниятлари ота-оналариникига нисбатан кичик бўлади. Масалан, юзта боладан тўқсонтаси ўт ўчирувчи, мўри тозаловчи, жандарм, сомсапаз, музикачи бўлишни орзу қилади, ваҳоланки, юзта ота-онадан тўқсонтаси болаларининг министр, генерал, митрополит, банк директори ва шунга ўхшаш амалдор бўлишни хоҳлайди. Ана энди онладаги орзулар қанчалик бир-бирига зид келиб, тўқнашувини кўз олдингизга келтириб кўринг: ота ўғлининг митрополит бўлишни хоҳлайди, ўғли эса, мўри тозаловчи бўлишни истайди; ота ўғлининг министр бўлишни хоҳлайди, ўғли эса жандарм бўлишни истайди; ота ўғлининг генерал бўлишни хоҳлайди, ўғли эса, сомсапаз бўлишни орзу қилади. Тақдир шайини бўлса, икки томонга ҳам бутунлай босиб кетмай ўртада ликиллаб туради, ота-оналар хоҳишини камдан-кам рўёбга чиқаради-да, кўпинча болаларнинг орзусини амалга оширади.

Баъзан тақдир ота-оналар билан болалар хоҳишининг тўқнашуви вақтида қайси тарафга ўтишни билмай қолади. У баъзан ота-оналар орзусини амалга оширади, қисман бўлса-да, болаларнинг истаklarини ҳам рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳаётда жандармга жуда ўхшаб кетадиган министрлар, музикачига ўхшаш митрополитлар ва сомсапазларга ўхшаш генераллар тез-тез учраб туради.

Тақдирни белгилаш фақат ота-оналар қўлида бўлса-ку, баҳарнав тузук бўларди. Лекин бунга сира дахли бўлмаган кишилар аралашиб, ишнинг пачавасини чиқарадилар. Булар аввало, амма-холалар, ундан кейин эса ҳар бир оилада бўладиган текин маслаҳат берувчилардирки, деярли ҳар бир оила улардан безор. Менга келганда, ёшлигимда турли-туман нарсаларга ишқибоз бўлаверишим ота-онамни эмас, балки маслаҳат кўрсатиб ёрдам беришни истаган барча кишиларни ҳам ҳайронликка солиб қўярди.

Бир куни жамоа жандарми арзимаган иш учун қулогимни бураб, уйга олиб келганда онам жон ҳолатда: «Сен шумтакани туғилган вақтингдаёқ тагимга босиб ўлдириб қўйсам бўлмасмиди!» деб чинқирган куни ҳам менинг келажагим жуда катта шов-шувга сабаб бўлиб қолди. Турган гап, тарбиямга полициянинг аралашуви бутун хонадонимизга қаттиқ зарба бўлиб тушди, шундан сўнг ота-онам мени кечки овқат ўрнига калтакка роса тўйдириб, ухлаш учун уйга киритиб юборипди. Шундан кейин

қариндош-уруғлар ва барча меҳмонлар кимнингдир турилган кунини нишонлаш учун қўшни хонага тўпланишди.

Улар мени кўз ёшига фарқ бўлиб ухлаб қолди деб ўйлашган эди, бироқ, ҳатто печенъегача бўлган тўқия дастурхондан маҳрум қилганликлари учун улардан қасос олмаي, ухлаб бўпман. Шунинг учун ҳам жаноб протоиерей қўлига қадаҳ олиб ўрнидан турганда, унинг нутқи узоқ чўзилишини билиб, каравотдан секингина тушдим-да, ҳеч кимга сездирмай ошхонага кирдим ва доим мени ўзига ўхшатадиган холам кун бўйи не ҳасратда пардоз берган тортнинг гулларини чаплаб ташладим, кейин бармоғимнинг учи билан унинг тўрт жойидан тешдим, мороженоега ярим килограммча туз сепдим, тайёрланган қаҳвага сирка қуйдим, салатга стол устидаги лампанинг керосинини сепдим, кейин ишни қойил қилган одамдай бемалол каравотимга келиб, ўзимни уйқуга солиб, кўзларимни юмиб ётдим.

Қўшни хонадан оҳ-воҳлар, итзоҳлар, кечирим сўраган овозлар ва ниҳоят, кун бўйи тортга гул расмини солган ўша холамнинг ҳушдан кетиб йиқилган овозини эшитиб турган гап, роса маза қилиб, ўз ишимдан хурсанд бўлиб ётардим.

Бир оз вақт ўтгач, худди ўзим кутгандай, хонамга менинг ухлаётган — ухламаётганимни аниқлаш учун бутун бир комиссия кириб келди. Каравотим атрофида гуноҳқорни ухлаб ётганда дўшпослаш маъқулми ё тонг отишини кутиш керакми деган масала юзасидан мунозара бошланди. Мени эртага эрталаб дўшпослаш керак деб ҳисоблаган комиссия аъзоларининг фикрига қўшилган эдим, чунки, турган гап, тонг отмасданоқ уйдан жуфтакни ростлашни мўлжаллаб қўйган эдим.

Шундай қилиб, ўзим ҳақимдаги масалани кун тартибига ўзим киритдим, кейин паркаларим овқатланаётган ўша уйда холаваччамнинг бўлажак тўйи ҳақидаги гап-сўз тўхтади.

Мунозарани отам: «У дорга осилиб тинчийди!» деган бақирӣқ билан очди, онам эса яна: «Бу шумтакани турилгандаёқ ўз қўлларим билан бўғиб ўлдирсам бўлмасмиди!» деб, такрорлади.

Равшанки, меҳмонлар ҳам билан адо бўлган ота-онамни юпатмоқчи бўлишди. Боққол қўшнимиз деди:

— Уғилча ҳақиқатан ҳам ўжар, лекин зарари йўқ. Масалан, мен ёшлигимда дуч келган нарсани ўғирлардим,

мапа, ҳозир бўлса ҳамма пшим қўйилмақом. Ҳаммаси худонинг хоҳлагани!

Протоиерей ўз навбатида бу гапларни маъқуллади ва жиянини мисол қилиб келтирди:

— Ҳали уч ярим ёшга ҳам тўлгани йўқ, лекин бу валад худони шунақанги сўкадики, нақ халфалар мактабини битирган дейсиз. Инчунин, каминалари токи семинарийга киргунда қадар оллони бир марта ҳам сўккан эмасман. Буни қарангим, руҳоний оиласига мансуб фарзанд шундай қилса-я. Ҳозирги ёшлар ниҳоятда салоҳиятли, бовужуд, камол касб этмишларки, биз бунга қаноат қилишимиз керак!

Ҳозирги болалар «салоҳиятли ва камол касб этмиш» деган фикрга ҳаммалари рози бўлишгач, менинг ким бўлишим кераклиги масаласини ҳал қиладиган бўлишди. Бунга протоиерейнинг ўзи раислик қилди, унинг биқинида эса, мифологиядаги тақдир ишини йиғирувчи учта паркалар сингари учта ходаларим ўтирар, улар ҳар сафар гапга аралашиб туришарди. Катта холам калава ушлаб турган парка — Клото вазифасини ўтарди. Унда афсонабоп ҳеч нарса йўқ эди, фақат бурнининг тагида ўн тўққиз ёшлик йигитларникидай мўйловча бор эди, ўртанча холам ип йиғирувчи парка — Хезпсга жуда ўхшарди, бу холам ҳаётда ҳам ип йиғиришдан ташқари, уни чигаллаштириб юрарди, қайчи ушлаб турган парка — Антрона вазифасини инсон умриги қайчисиз ҳам қисқартириб турадиган кичик холам ўтаб турарди.

Отам маърузани қуйидаги баёнот билан очди:

— Мен уни темирчига шогирдликка бераман, белини бир оз эгса, ювош тортиб қолади.

Учта паркалар бу баёнотни очиқдан-очиқ норозилик билан кутиб олишди ва ҳар бири дарҳол ўз фикрини билдирди:

— Менимча, энг маъқули, уни офицерликка бериш керак, — деди Клото. — Офицерларнинг мойнаси яхши, деншчиги бўлади, бундан ташқари, офицерлик шуҳрати бор. У буйруқ беради, парадларда музика садоси остида ҳарбийларча қадам ташлаб ўтади.

— Уруш бўлиб қолса-чи? — деб хитоб қилди туғилганидан буён уруш деса зириллайдиган боққол қўшни.

— Уруш бошланди ҳам дейлик, штабда ўтириб, жанг майдонидан келган хабарни ўқимаса, унинг офицерлиги қайққа борди. Бундан ташқари, уруш — орден олиш учун

қулай вазият!— дея ўз нуқтаи назарни ҳимоя қиларди Клоата.

— Менимча, амалдор бўлгани яхши!— деб таклиф киритди Хезис.— Ҳеч бўлмаганда қийналмасди ва мактабни битириб юрмасди.

— Тўғри, бироқ амалдорда ҳам амалдор бор!— гапга аралашди қўшни боққол.— Мана, масалан, таможня амалдори бўлсанг шон-шухрат ҳам, ҳурмат ҳам сеники. Мутахассислик бундай бўпти. Бировларнинг молини ағдар-тўнтар қилиб кўради, контрабандани қўлга туширади, ўзига нима ёқса, олиб қолаверади. Бир вақт қарасанг: бошида контрабандистлардан тортиб олган шляпа, хотинида контрабандистлардан тортиб олинган кўйлак. Мен буни яхши биламан, бу жуда зўр мутахассислик, лекин почтада хизмат қилиш ҳам соз иш.

— Вой ўлай, бўлмайди,— гапга аралашди Хезис.— Кун бўйи марка ёпиштиришдан бўлак иш йўқ. Одамнинг тили охорланган ёқанинг ўзи бўлади-қўяди.

— Марка ёпиштириши, елим ялаши тўғри,— ўз фикрини ҳимоя қилди боққол,— лекин унинг қўлидан қанчадан-қанча пуллик хат ҳам ўтади-да.

— Гапингиз маъқул, бироқ хатлар сурғучланган бўлади,— гапга аралашади тоғам,— агар борди-ю, сурғучни очғудай бўлсанг, ўзингни тегингли жойга сурғучлаб қўйишади. Ўзинг танлаб олавер: хоҳласанг хатни очмай жўнатавер, хоҳласанг ўзингни сурғучлаб қўядилар. Агар сурғучланишни хоҳласанг, марҳамат! Модомики, одамнинг пешопасига пул билан шуғулланиш ёзилган экан, яхшиси, очиқ пул билан шуғуллансин, масалан кассир бўлсин. Дарвоқе, кассир бўлса яхши эмасми?

— Кассирлик бўлмайди!— эътироз билдирди протоиерей.— Бундай вазифада ишламоқ учун тугма салоҳият бўлмоғи даркор, зероки, кассирлик алоҳида ҳунар. Уззукун ўзгаларнинг пуллари ила машғул бўласану, аммо бир пақирига тега олмайсан. Бу, худонинг ўзи мени кечирсину, бамисоли кун бўйи бировнинг хотинига айланишиб, ҳеч ишнинг урдасидан... Протоиерейнинг ажойиб қиёсн шу ерда узилиб қолди, чунки учала паркалар — Клоата, Хезис ва Антропа — бир овоздан «вой ўлай!»— деб бақириб, унинг гапини тугаллашга имкон беришмади.

Кишиларнинг умрини қисқартирадиган учинчи парка: «Жияним муаллим бўлсин», деган фикр билдирди.

— Бундан аъло иш йўқ!— деди у ҳаяжон билан.

— Баракалло! — мийиғида кулиб қўйди прото-
перей.

У черков вакили бўлгани учун маърифатга нафрат билан қарар эди. — Филҳақиқат шундай. Минг марта афзал. Муҳими шуки, — магар домулла бўлсанг, ўзинг ўқитадиган фанни билишинг шарт эмас. Масалан, мен никоҳ вақтида ўқиладиган дуони жанозада ўқишим мумкин эмас, маъқулми? Падарингизга раҳмат. Муаллим эса, шундай қила олади; у ривзиёт дарсига кириб, плоҳият ҳақида гапиради, чизмакашлик дарсига кириб, қуёш тутилиши ҳақида гапиради, ҳеч қандай ҳукумат унга буни ман қила олмайди. Муаллим бўлиш, дарҳақиқат, яхши, эътироф қиламан, болалар унинг олдида бошларидан шапқасини олишади. Ота-оналар ҳурмат қилади, мабодо бирор комитет сайланса, муаллим албатта комитетга аъзо бўлади. Булардан ташқари, таътилни айтмайсиэми, ўн ойгача ҳеч нарсанинг ташвишини чекмайди, ҳеч нарса тўғрисида ўйламайди, яна икки ой ҳордиқ чиқаради. Бундан яхши иш борми!

Онагинам эса, менинг доктор, ё митрополит бўлишим тарафдори эди.

— Докторлик, — ҳақиқатан ҳам мақташга арзийдиган иш, — тасдиқлади тоғам. — Унга тилингни кўрсатсанг — уч динорингни олади, оғзингга қошиғини тикади-да, беш динорингни олади, қўлингни тимирскиласа, ўн динор олади, шу вақт ичида қўлини ўн динорга яраша ушлаб турдимми дегандай соатига қараб ҳам қўяди; агар елкангга қулоғини тутса, сендан ўн беш динор олади, борди-ю, агар одам боласи ўқий олмайдиган уч-тўрт оғиз сўз ёзиб берса, сендан йигирма динор олади. Энг зўр жойи шундаки, агар тузалсанг, мен тузатдим дейди, ўлсанг, ўз ажали билан ўлди, дейди.

Докторлик касби шунчалар мақталган ва одамни қизиқтирадиган бу гапларга қарамай, онажоним менинг митрополит бўлишимга кўпроқ мойил эди.

— Ҳамма одамлар уни ҳурмат қилади, ҳамма унинг қўлини ўнади, — дер эди у. — Бундан ташқари, унинг «Омин!» дейишдан бўлак қиладиган иши ҳам йўқ. «Омин»ни ҳам фақат катта байрамларда айтади.

— Мен бир нарсадан хавотирдаман, у жуда жони ичига сиғмайди-да, митрополит вазмин бўлиши лозим, — деди протонерей бу ҳақда ҳаммадан кўра ўзи гапириши кераклигини билиб.

— Ҳеч бокиси йўқ! — ўзига тасалли берарди онам. — Мабодо бирор ерда гуноҳ қилиб қўйса, мантия¹си ичида қолиб кетади!

Докторлар ҳақида роса хушомад билан гапирган тоғам мени министр бўлсин деб қаттиқ туриб олди.

— Бундан яхшиси йўқ, — дерди у қатъий. — Бутун ҳокимият қўлингда бўлади, хоҳлаганингни қиласан, ҳеч кимнинг олдидан жавоб бермайсан. Ҳозир сартарош бўлишдан министр бўлиш осон. Сартарош, биринчидан, соқол олишни билиши керак, иккинчидан, миждознинг бирор ерини кесиб олмаслик учун доим кўз-қулоқ бўлиб туриши лозим, министр учун соқол олишни билиш ҳам, бирор ерни кесиб олишдан хавотирланиш ҳам шарт эмас, кесиб олган тақдирда ҳам у барибир, гуноҳкор бўлмайди.

Ҳозирга қадар бошқаларнинг таклифлари ҳақида фикр юритиб ўтирган боққол қўшнимиз ниҳоят ўз мулоҳазасини айтишга жазм қилди:

— Каминага қолса уни савдогарликка берар эдим, бироқ менга ўхшаш боққол бўлмаслиги керак. Бу майда иш. Гуручнинг kilosи тўрт чақа туради, харидорга уч-тўрт грамм кам тортиб берганда ҳам уни алдаганинг етти йиллик ризқ бўлармиди. Шакар, ун ва бошқаларда ҳам аҳвол шу. Унга озроқ қум қўшасан, гуручга бир оз сули аралаштирасан, қаҳвага озроқ майда тош ташлайсан, лампа мойга сув қуясан ва кун бўйи атиги уч-тўрт динор ишлайсан. Атторлик ишларининг ҳам мазаси йўқ. Метр билан ўлчаётганингда харидор кўзини лўқ қилиб қараб туради. Тарозида тортаётганингда аҳён-аҳёнда бир оз ўмариб қолиш мумкин: ё тарозининг мол қўйиладиган палласига қўрғошин қалайлаб қўясан, ё жимжилоғинг билан босиб юборасан, ё ... лекин метр билан ҳеч нарса қилолмайсан, уни қисқартира олмайсан. Агар савдо соҳасига кирилса, фақат кўтара мол билан савдо қиладиганини танлаш керак: алдагандан кейин кўтарасига алдаш керак-да. Менимча, энг яхши савдо аптекада бўлади. Рост, аптекачи бўлсин!

— О, аптекачилик! — енгил нафас олди Антропа. — Жуда ажойиб фикр! Бутун ҳаётинг атир, упа-элик ичида ўтади!

— Ажойиб ҳам гапми! — давом этди боққол ёнини олаётганини сезиб. — Бу ерда чапг, қуруқ барг, ўргимчак уя-

¹ Мантия — сарбар, узун уст кийим.


си ва шунга ўхшаган нарсаларни пулга сотади. Аптекачилар тарозини қандай тортишини ҳеч ким билмайди, хоҳлаган нарсасини қўлингга тутқазиб юбораверади. Худо кўрсатмасин, доктор сенга сальватус пургатус ёки паркалий омалий ёзиб беради, сен аптекачига борасан, у кўнглига келган нарсани бераверади, хоҳлаганича тортаверади ва сендан хоҳлаганича пул олаверади. Уни нима ҳам қила олардинг! Дорини қандай тортаётганини тушунмайсан: «Сизнинг манови сальватус пургатусингиз бир оз айниганга ўхшайди» ёки, айтайлик, «сизнинг манови паркалий омалийивгиз бир оз куйганга ўхшайди», деб танбеҳ бера олсанг ҳам баҳарнов эди. Нархи ҳақида ҳам ҳеч нарса дея олмайсан: неча пул туришини қаёқдан биласан. Ҳатто: «Менга қаранг, дориларингиз жуда қиммат, Мита боққол сальватус пургатусни анча арзон сотади-ку!» ҳам дея олмайсиз.

Боққолнинг баландпарвоз гаплари кўпчиликка бирмунча маъқул тушди, фақат отамгина бошини чайқаб, боланинг эс-ҳушини жойига туширадиган бирор ерга жойлаштириш керак, деб олдинги фикрида оёқ тираб турарди.

Бу мунозара қачонгача давом этганини билмайман, кундузги шов-шувлардан чарчаб, қилиши лозим бўлган барча ишларни қойил қилган ва виждони заррача азобланмаётган кишидай ширин уйқуга кетдим.

Табиийки, шу кеча ғалати тушлар кўрдим. Гўё мен министр эмишман, гўё округ бошлигини тутиб олган эмишман, унинг бошини тиззаларим орасига олиб, сочили қириб ташлаётган эмишман. У чала сўйилган ҳўкиздай бўкирармиш, газабидан юзлари қип-қизариб кетганмиш, министр ҳеч кимга ҳисобот бермаслигини билиб, сочили қириб ётганмишман.

Кейин тушимда гўё митрополит эмишман, худди халфалар мактабини тугатгандай, протонерейнинг соқолидан ушлаб, бошлаб сўкармишман. Кейин яна туш кўрдим. Тушимда мен унга қум, лампамоёга эса сув қўшармишман. Шу кеча келажак ҳақидаги ширин хаёллар суриб ва тонг отгач, отанинг тасмаси зарбидан уйғонишни ўйлаб уйқуга кетган одам кўриши мумкин бўлган барча ғалати тушларни кўрдим.





УҚИШ

Мақтабга борадиган ёшга етганимда уйдагиларнинг ҳаммаси енгил нафас олишди. Улар мактабни, болага шакл бериш учун кўпчиган хамирни тунука товага солиб, тайёр ҳолда ота-онага қайтариб берадиган новвойхона деб билишарди.

Менинг ўқишим кун кечирини ва мустақиллик учун чинакам курашдан иборат эди. Даставвал, ўғлим мактабга қатнашти деб фахрланиб юрган отам билан тўқнашдим. Мақтабга боришим воқеасига мен анча ҳушёрлик билан баҳо бериб, жилла ҳам фахрланишга арзийдиган

жойи йўқ, деб ҳисоблардим. Ундан кейин, отамнинг илтимосига кўра мени мактабга олиб кетаётган мактаб қоровули билан жанг қилдим, йўлда унинг қўлини тишлаб олдим. Қоровул бу қилиғинг янгилик эмас, оилаларингдаги бошқа аъзоларни ҳам мактабга шу алфозда элтганман деди. Бироқ, асосий жангнинг каттаси мактабда бўлди, биринчи кундан бошлаб мурасасиз икки зиддият: айрим ўқитувчиларнинг менга нафрати ва менинг айрим фанларга нафратим тўқнашиб қолди. Бу тўхтовсиз ва узоқ давом этган ростмана жанг эди. Бу жангда бир томонда ўқитувчилар билан илм, иккинчи томонда мен қатнашар эдик. Турган гапки, бу кучлар нисбати тенг бўлмаган кураш эди, шунинг учун «Ақли бор одам ҳамиша енгиледи» деган халқ мақоли билан ўзимни овутиб, деярли ҳамиша енгилардим. Яна шунинг учун ҳам енгилишим керак эдики, мени ўзига душман деб билган ўқитувчилар ўзлари жуда яхши кўрадиган ғирром бир усулни қўллашарди: чунончи, дарс ва имтиҳонларда мендан нуқул мен билмайдиган нарсаларни сўрашарди. Шу тариқа улар мени мустақиллик учун курашда ғалаба қозониш имкониятидан маҳрум қилишарди.

Бу кураш эса, жуда бой анъаналарга эга эди: менинг кўпгина ота-боболарим, айниқса, уларнинг авлодлари шундай кураш олиб боришганди. Масалан, бир қариндошим гимназиянинг биринчи синфига кирган кўйи тўрт йил сурункасига шу синфдан жилмаган экан. У синфдаги шу жойни ҳеч ким тортиб ололмайдиган нақд мерос мулки деб ҳисобларди. Ўқитувчилар мактаб қоидасига кўра, биринчи синф билан хайрлашишнинг керак деб, уни ишонтиришга беҳуда уринишарди: у ўз фикрида туриб, аввалгидай ўша синфга қатнашни давом эттирди. Ниҳоят, ўқитувчилар қўл силтаб, уйланадиган ёшга етса, мактабни ўзи ташлаб кетар, деб чидам билан кутишди.

Бошқа бир қариндошим гимназияни шунақанги яхши кўрардики, ҳатто кейинчалик ўша ерда қоровул бўлиб қолди.

Ўқитувчиларни жинни бўлиш даражасига олиб борган бир қариндошим ҳам бўлган эди. У уч йил ўқибди-ю, бирор оғиз ҳам гап гапирмабди. Баъзи ўқитувчилар унинг овозини шувчаки эшитмоқчи бўлишибди, баъзиларининг сабр-тоқати тугаб, бир оғиз сўзини эшитиш учун уни аврашаркан. Чунончи, математика ўқитувчиси қўнғироқни жиринглатиш учун силкитгандай, ўқувчининг овозини

чиқариш учун унинг қулогини бураб ҳам кўрибди. Бироқ, у оиламизга хос бўлган одатни қилиб, ўқитувчига нафрат билан ўқрайиб қўйиб, аввалгидай жим ўтираверган. Унинг индамаслиги ўқитувчиларни дод дейдиган аҳволга олиб келарди. Чунки улар боланинг қайси фанга майли борлигини аниқлаша олмас, бола ўзининг индамаслиги билан буни бошлаб яширарди.

Ўз салоҳиятим тугайли эмас, балки отам ўқитувчиларнинг иззатини жуда ўрнига қўйгани учун мен мўътабар анъаналарни бузмай, бошланғич мактабни тугатдим. Мактабда тўрт йил давомида пашшаларга роса қирон келтирдим, дафтарларимга муштдай-муштдай сиёҳ томиздим, қаламтарош билан парталарни кесдим; ҳар куни машғулот охирида қўлларим шунақанги сиёҳ бўлардики, гўё мактабдан эмас, бўёқхонадан келаётганга ўхшардим.

Бошланғич мактабда тўртинчи йил ўқишим охирлаб қолганда онам эгнимга янги костюм кийгизди, унинг ҳамма тугмаларини солди, чўнтагимга тўрт букланган дастрўмол жойлади, сўнгра сочларимни силлиқ қилиб тарадида, ўзи мактабга олиб борди. Мактабда қанчадан-қанча меҳмонлар олдига чиқиб, ватанпарварлик руҳида ёзилган аллақандай бир шеърни декламация қилдим, шундан кейин протонерей пешонамдан ўпди, округ бошлиғи бошимни силади, отам эриб кетиб, йиғлаб юборди. Бу таътаналарнинг барчаси шу дақиқадан бошлаб мен гимназист бўлганимни билдирад эди.

Бироқ, гимназияга боришдан олдин отам жиддийроқ бўл, келажак ҳақида кўпроқ ўйла, деб роса ваъз-насиҳат қилди. Онам фотиха берди, холаларим эса, гимназияда мени кутаётган азобларни олдиндан сезгандай, йиғлаб юборишди. Отам ўз нутқида яхши ўқи, менга иснод келтирма, деб алоҳида таъкидлади. Отамнинг бу гаплари қалбимга қаттиқ жойлашиб қолди, агар ўқитувчилар қўллаб юборгудай бўлса, отамнинг бу хоҳишини бажарган бўлардим, чамаси. Эсимда, фақат бир марта гимнастика дарсида отамни хурсанд қилдим, бурним пачоқ бўлди; бошқа дарслардан эса ишларим хуржун эди. Бир сафар протонерей ўқитувчилар ҳақида гўё улар риёзиёт дарсида илоҳиёт тўғрисида, чизмакашлик дарсида қуёш тутилиши тўғрисида гапирадилар деган эди. Менда ҳам шундай бўлди-ю, лекин тескарисини бўлди: менга илоҳиётдан савол берсалар, мен қуёш тутилиши ҳақида гапирардим, борди-ю, риёзиётдан савол беришса, ақоиддан жавоб берардим: хуллас

калом мен спра ўзимга берилган саволларга жавоб қайтармас эдим. Агар ўқитувчилар менга дурустроқ эътибор беришса, мендаги муайян снәсий истәъдодни сезишар эди. Лекин улар буни сезиша олмади. Улар билан менинг орамдаги барча англашилмовчиликларнинг асосий сабаби ҳам шунда эди. Ўз-ўзидан маълумки, биринчи ўқув йили охирида учта фандан йиқилиб, биринчи синфда қолдим.

Ҳаётимдаги бу дастлабки муваффақият жуда яхши эсимда. Уша кунни эрталаб имтиҳон топширгани кетаётганимда онам ёқаси охорланган янги костюм кийдириб, ясантирди, тирноқларимни олди, сочимни силлиқ қилиб таради, чўнтагимга янги дастрўмол солди, кейин пешонамдан ўпиб:

— Ўғлим, мени суюнтергин,— деди.

Отамнинг қўлини ўпиш учун ёнига борганимда эса, у бундай деди:

— Ўғлим, бу сенинг биринчи жиддий имтиҳонинг, ҳаётдаги биринчи жиддий қадаминг, бунинг учун сени мукофотламоқчиман. Уйга қайтиб келганимда менга имтиҳондан ўтдим десанг, мана буни оласан.— Отам яп-янги олтин дукат¹ни кўрсатди.— Агар имтиҳондан ўтолмасанг, яхшиси уйга келмай қўя қол, чунки сени итдай савалайман.

Мана ниҳоят, имтиҳондан бошлаб йиқилиб, ташқарига чиқдим-да, ўйлай бошладим:

Барибир, калтақдан қочиб қутула олмайман, дукат эса менга тегмайди. Бунда икки томонлама зарар кўраман. Зарар битта бўлгани дуруст эди. Модомики, калтақдан қутулиш иложи йўқ экан, калтақ есам-ея қолай, лекин дукат ҳам менга тегсин-да!

Бошимга келган бу ажойиб фикрдан сакраб-сакраб кўчага отилдим. Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб, уйга қушдек учиб келдим, отам билан онамнинг қўлини ўпиб, овозим борича бақирдим:

— Имтиҳонни топширдим! Аълога топширдим.

Отам ҳам, онам ҳам хурсандликдан йиғлаб юборишди, кейин отам чўнтагидан яп-янги олтин дукат чиқариб менга берди-да, пешонамдан ўпди.

Табиий, бир оз вақт ўтгач, мени калтакка яхшигина тўйғазишди, бироқ калтақ есам ҳам, дукатдан қуруқ қолганим йўқ. Булар ҳақиқатан ҳам майда гаплар, албатта.

¹ Пул.

Бир марта шу тариқа гонорар ҳам олганимни кўрсатиш учун уларни йўл-йўлакай эслаб ўтдим.

Яна бир сафар, амал-тақал қилиб учинчи синфга чиқиб олганимда, отамга бутун ҳаётим давомида бошимни оғритган арифметика бўйича репетитор¹ кераклигини айтдим. Бу ишга мен «синфимиздаги энг яхши» ўқувчини таклиф қилдим, отам унга ойига ўттиз чақа тўлаши керак эди. Турган гап, бу ўқувчи мендан беш баттар ўқийдиган ўртоғим эди; у билан кўшимча дарс вақтида қулоқ чўзма ўйнардик, ой охирида отам берган пулни арра қилардик. Шу тариқа, ёмон ўқисам ҳам ой сайин ўн беш чақа олиб турар, бу пуллари ўз кайфи сафомга сарфлардим. Бу иш анча давом этарди-ю, лекин имтиҳонда менинг ҳам, репетиторимнинг ҳам бирор саволга жавоб бера олмаслигимиз очилиб қолганлиги ишқал қилди.

Шу тахлит йил кетидан йил ўтар, мен эса, секин суд-ралиб синфдан-синфга кўчардим. Бунга қандай эришганимни ҳозир ҳам тушунтириб бера олмайман. Биз синфдан-синфга кўчмасдик, балки синфларни ҳужум қилиб эгаллардик десам тўғрироқ бўлади. Биз гўё биринчи синф гимназистлари эмас, балки душман траншеяларини босиб олишга буйруқ олган кўнгиллилар ротаси эдик. Ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, кучимизни аямай, душман траншеяларини бирин-кетин босиб олардик. Кураш жуда шиддатли бўлиб, ўз йўлимизда ўлган ва ярадорларни қолдириб борардик, ўқ тегмай қолганлар эса, галаба яқинлашган сайин йўлимиз оғир бўлишини сезгандай фақат олға интилардик. Прогимназиянинг бир неча траншеясини эгаллашга улгурмасимиздан рўнарамызда гимназистларни йўқотадиган ҳозирги замон қуроллари билан қуроолланган янги қалъа — гимназия пайдо бўлди. Бу қалъанинг девор ва миноралари бошдан-оёқ ҳар хил синуслар, косинуслар, гипотенузлар, катетлар, илдизлар, логорифмалар, турлашлар, туслашлар ва бошқа ҳар хил катталикдаги дўзах азоби номаълум миқдорлар билан қопланган эди. Гимназиядек улкан қалъага қуруқ қўл билан ҳужум қилаверинг.

Бироқ, биз қўрқоқлик қилганимиз йўқ: йиқилсак, ўрнимиздан туриб кетдик, ярадор бўлсак, таътил кунларида яраларимизни даволадик, янги ҳужум учун куч тўпладик,

¹ Дарсдан кейинда қолаётган ўқувчига уйда ёрдам берадиган ўқитувчи.

асир тушиб, қулликда бир синфнинг ўзиде икки йиллаб азоб чекдик, бироқ пировардида узоқ давом этган етти йиллик урушимиз бизни етуклик аттестати учун ҳал қилувчи жангга олиб келди.

Сиз мендан етуклик аттестатига қандай қилиб имтиҳон топширдинг деб сўрасангиз, билиб қўйинг, бу мен жавоб бера олмайдиган савол бўлади. Бу ҳам филин танбур чалишга қандай ўргатса бўлади, деганга ўхшаш савол-да. Одатда, бундай саволга жавоб бермайдилар. Ақл тақозосига кўра, мантиққа кўра, ўз эътиқодимга кўра, ҳамма инсоний ва илоҳий қонунларга кўра, барча қоидаларга кўра, мен битирув имтиҳонларидан қулашим керак эди, лекин қуламадим. Демак, ҳақиқатан ҳам ҳар қандай қоидада истисно бўлар экан. Ҳамма қоидаларга кўра, қулаши мумкин бўлмаган бир қиз эса, менга зид равишда қулаганда, шу ҳикматли гап яна бир карра тасдиқланди. Турган гап, бу қиз етуклик аттестати имтиҳониде қулагани йўқ, балки, ҳаёт ёш қизлар олдига тез-тез кўндаланг қиладиган имтиҳонда қулади. Бироқ, шу қиз ҳам ўзини оқлаш учун юқориде келтирилган доно сўзларни эслади:

— Қулашим керак эмаслигини билардим, ўзимнинг обрў ва номусимни сақлаш кераклигини билардим. Шундай қоида борлигини биламан, аммо, «ҳар бир қоидада истисно бўлади».

Етуклик аттестатини олиш жилла ҳам осон эмас. Аттестат одамнинг етуклигини тасдиқлаб тегишли давлат органлари томонидан берилган расмий ҳужжат, гувоҳномадир.

Драголюб Аврамович Бертольдни Белградда ҳамма биледи. У шунақанги одамки, баъзи амалдорлар уни жиннихонага ётқизишса, бошқалари жиннихонадан чиқариб юборишди. Амалдорлар тез-тез ўзгариб турганидан Бертольд ҳали жиннихонага жўнатилар, ҳали у ёқдан чиқариб юборилаверар эди. Ниҳоят, бу ишлар унинг жонига текканидан амалдорларга учради ва ўзининг жинни эмаслиги ҳақида расмий гувоҳнома талаб қилиб туриб олди. Бертольд ўша гувоҳномани олгандан буён мен Сербияда эс-ҳуши жойида деб расмий равишда тан олинган танҳо одамман деб кўкрагини муштлаб юрибди. Одамларнинг етуклигини тасдиқлайдиган етуклик аттестати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Етуклик аттестати олганимда шу ҳужжат асосида ҳаётда анвоп номаъқулчиликларни қилишга ҳуқуқим бордек туюлди.

Табий, хурсандлигимдан теримга сизмасдим. Чоққиллаганча уйга келдим, онам билан опамни қучоқлаб ўндим, нима қиларимни билмай, укамни яхшилаб бир туширдим; бундан аввалроқ мактаб биноси олдида гарчи бизга ҳеч қанақа фандан дарс бермаган, бинобарин, етуклик аттестати олишимга зарра гуноҳи бўлмаган, мактаб қоровулини қучоқлаб ўпган эдим. Ҳануз хурсандлигим ичимга сизмай югурардим, боққол қўшнимизни қучоқлаб ўндим, кейин онамнинг дугонаси бўлмиш бир бева хотинни қучоқлаб ўлдим-да:

— Хоним-афандим, мен етилдим, мен етилдим!— дея бақирдим. Кейин оқсочимизга ҳам етилганлигимни кўрсатиб қўйдим. Шунингдек, сартарошни ҳам қучиб ўндим, хурсандчиликдан жазавам тута бошлаган вақтдаёқ етилган одамнинг дастлаб қиладиган иши соқол олдиришдан иборат эканлиги ёдимга тушган эди. Нафсамбирни айтганда, соқол олдиришимга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, бироқ соқол олдириш ҳолатининг ўзи барча битириб чиқувчилар каби менинг назаримда ҳам етукликнинг ташқи савлатига ўхшаб туюларди.

— Йигитча, соч олдиarmoқчиларми?— дея мени огоҳлантириб қўйди сартарош, шу ҳунар аҳлларига хос писмиқлик билан.

— Йўқ, соқолимни олиб қўйинг!— дедим креслога ўтирарканман гурур билан. Бироқ, оёғим ерга етмай ликиллаб тургани учун ичимда ўзимни сўқдим.

«Соқолимни олиб қўйинг» деган сўз менга жуда ажойиб туюларди, гўё бу билан ҳаётимда бурилиш рўй бергандай, гўё машаққатли интилишлардан кейин улкан темир дарвозани очиб, янги, номаълум дунёга, ҳақиқий ҳаётга олиб чиқадиган бўсагадан ўтгандай бўлдим. Ўша пайтда «соқолимни олиб қўйинг» деган сўзим Цезарнинг «*Jacta est alea!*»¹ деган сўзига қараганда аллақанча зўр аҳамиятга эга эди.

Бироқ сартарош соқолимни олиб, совун қолдиқларини ювиб ташлагандан кейин на қиёфамда, на қалбимда бирор ўзгариш содир бўлди. Қаршимда намоен бўлиши керак бўлган ўша ғалати, ўша номаълум нарса, мен кутган ўша ҳаёт афтидан ҳали бир тушканинг тагида эди. Сартарошхонадан чиққанда, соқолимни олдирдим, чўнтагимда етук-

¹ Чек ташланди (лот.).

лик гувоҳномаси бор деган ҳисдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди менда.

Лекин мен ҳали ўқишим ҳақидаги гапларнинг ҳаммасини айтиб берганим йўқ. Ҳали олдимда университет турарди. Биз негадир, университетда ўқишмайди, фақат «лекция тинглашади» деб ҳисоблардик, шунинг учун бу иш аллақанча осондек кўринар, уни бемалол удалаймиз деб ишонар эдик. Борди-ю, университетда мўлжалдагидан ортиқча қолиб кетилган тақдирда ҳам, биз уялмаймиз. Чунки, киши университетга киргандан кейин «гражданин» бўлади, «гражданин» бўлганингдан кейин бир йил олдин-кейини қаёққа борарди. Бундан ташқари, Ариле полицияхонасида мирза ёки Ерзой Палапкеда кичик ўқитувчи бўлгандан кўра абадий студент-гражданин бўлганинг афзал.

Келинг, киши умрининг энг яхши йилларини сарф қиладиган бошланғич мактабда ўқиш ҳақидаги ҳикояга қайтайлик. Мактаб билан никоҳ инсон ҳаётида энг муҳим икки босқич ҳисобланади. Шунинг учун: «Қимми мактабни яхши битириб, хотиндан омади келса, ундай одам ҳаётнинг нималигини билади», деган гап бечиз эмас. Бундан ташқари, мактаб билан никоҳнинг бир-бирига ўхшайдиган жойи кўп. Масалан, мактабда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам нимадир бирор нарса билиб олишга заррача умид бўлмаган ҳолда нималардир ўрганлади; мактабда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам қаттиққўл ва раҳмдил ўқитувчилар бўлади, қийин ва осон дарслар бўлади; оилавий ҳаётда ҳам, мактабда ҳам яхши ва ёмон баҳо олиш мумкин: у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам бир минут кечкиш мумкин эмас, у ёқда ҳам, бу ёқда ҳам йўқ бўлдингми, албатта ҳисобга олиб борилади. Оилавий ҳаётда ҳам, мактабда ҳам хулқингга баҳо қўйилади; оилавий ҳаётда ҳам, мактабда ҳам имтиҳонлардан йиқилиш мумкин; оилавий ҳаётда ҳам, мактабда ҳам каникул баҳрингни очади. Фарқи фақат шундаки, хотиндан ажралиш жараёни жуда узоққа чўзилади, мактабдан ажралиш эса, дунёдаги энг қисқа маросимлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, одам мактабни тугатаётганда маълум қадр-қимматга эга бўлса, никоҳ тамом бўлаётганда унинг бир пақирлик қиммати қолмайди.

Мана шу барча жиҳатларни ҳисобга олиб, бу китобда мактаб ҳақидаги эсдаликларимга кенг ўрин беришим керак. Аввалига ҳар бир сифф ҳақида бир бошдан ҳикоя

қилсам аэр бўлади деб ўйловдим, бироқ шу синфлар ичидан ёриб ўтиш учун қанчадан-қанча куч сарфлаганим эсимга тушгандан кейин яна шу гапга қайтишга сира-сира юрагим бетламай қолди. Яхшиси, бизга нималарни ўргатганликлари ҳақида обзор ёзиб қўя қоламан. Шундай қилсам, ҳеч бўлмаганда, ўтмишда менга берган азоблари учун ўзим ёмон кўрган фанлардан қасос оламан-ку.

Шундай қилиб, бошланғич мактабдан бошлаймиз.





БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ

Бола бошланғич мактаб остонасига қадам қўйрган, калтакка тўйишини олдиндан сезади. Ота-она «мактабда сени ҳеч ким урмайди» деб ишонтирмоқчи бўлади-ю, лекин бефойда. Бу эътиқод гўдак қалбидан шу қадар чуқур жой оладики, деярли ҳамisha тўғри бўлиб чиқади, ота-она ўқиган байти-ғазалнинг ғирт ёлғонлиги маълум бўлади. Бироқ, мен панжасига тушган бошланғич мактаб ўқитувчиси дуруст одам чиқиб қолди. Бузрук Савва санами тепасида осилиб турган таёқ ўзига хос педагогик пўниса вазифасини, аҳён-аҳёнда эса тарбия воситаси вазифасини ўтарди.

Биз синфга кирганимизда, ўқитувчи ҳаммамизни бўй-раста қилиб турғизди, кейин парталарга ўтқазди. Энг кичкиналар олдинги парталарни, энг катталар охири парталарни эгаллашди. Кейинчалик ўқитувчи саралашнинг бошқача усулини қўлади, яъни болаларни билимига қараб бўлди: энг яхши ўқувчиларни олдинги парталарга, ёмонроқларни улардан кейинги парталарга, энг ёмонларини эса «эшак парта» деб номланадиган охири парталарга ўтқазди. Мен бошланғич мактабда ўқиган ўша вақтларда «эшак парта»лар ҳам тарбия воситаси ҳисобланарди. Одатда, ўқитувчи ҳақиқатан ҳам ҳеч нима билмайдиган болаларни ўша парталарга ҳайдарди. Мен буни жуда оқилона тартиб деб ҳисоблайман, негаки, ҳеч нима билмайдиганлар шу кўйи ўзларини эшак деб ҳисоблашга кўникиб қолишарди. Бу тартиб бекор қилингандан буён ўша ҳеч нима билмайдиганлар ўзларини сира ҳам эшак деб тан олмай қўйдилар ва ҳаётда ҳамиша олдинги ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Бўй-бўйимизга қараб парталарга ўтирарканмиз, худди тарвуз уруғларига ўхшардик: ҳаммамиз бир хил, бир-биримиздан ортиқ еримиз йўқ, ҳаммамиз мишиқи эдик. Лекин бу ерда бўлажак министр билан бўлажак қароқчи, бўлажак епископ билан бўлажак судхўр, бўлажак қаторгага сургун қилинувчи билан бўлажак биржачи-миллиардер ... ёнма-ён ўтирибди деб ким айта оларди ўшанда. Улғайгач, ким нима бўлишини болалик чоғдан бошлаб билишнинг имкони бўлса, инсоният қанчалар бахтли бўлар эди, шундай бўлганда-ку, бўлажак министрни, бўлажак епископни ва бўлажак миллиардерни оддий бола чоғимизда роса калтакка тўйғизган бўлардик.

Аввалига бизларга ҳеч нима ўргатишмади. Ўқитувчи ҳар кимдан исмини сўради ва энг муҳими, оталаримиз нима иш қилишини аниқлади, холос:

- Сенинг отанг ким?
- Извошчи.
- Майли, ўтир... Сеники-чи?
- Колбасачи.
- Шунақами... колбасачи дегин? Отангга салом деб қўй. Сеники-чи?
- Кўкфуруш.
- Кўкфуруш, дейсанми? Сен ҳам отангга салом деб қўй.

Олдинга бу саломнинг маънисига тушунмай юрдик. Яхши ва ёмон бола ҳақидаги ривоятни ёдлаб олганимиздан кейингина ўқитувчи ҳар доим ота-оналаримиз вазифасини ўзгартиришини сезиб қолдик. Масалан, колбасачининг ўғли ўқитувчига тўртта колбаса олиб келгандан кейин ривоят бундай ўзгарган эди:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, Сима билан Ненад деган икки бола бўлган экан. Симанинг отаси извошчи экан... Сима қулоқсиз, бефаҳм, ярамас бола экан. Ненад эса, колбасачининг ўғли экан. Унинг отаси жуда ҳурматли, ҳалол, табаррук одам экан. Турган гап, ўғли ҳам отасига тортбди: одобли ва яхши бола бўпти».

Борди-ю, айтайлик, кўкфурушнинг ўғли дарсдан ҳеч вақон билмас ҳам ўша кун икки бир-икки кун илгарироқми ўқитувчига йигирма бош карам, уч бор пиз олиб келган бўлса, ўқитувчи унга бундай дерди:

— Менга қара, ўғлим, сенинг отанг жуда мўътабар, жуда ҳурматли одам. Сен ундан ўртак олишинг лозим. Бугун майли, кечираман. Бироқ, билиб қўй, эртага дарсни албатта, тайёрлаб кел. Отанга эса, салом айт!

Мабодо гўрковнинг ўғли дарсни билмас, ўқитувчи бундай дерди:

— Ўғлим, сең сира-сира одам бўлмайсан... Отанг сенга гўр ҳам ковлаб овора бўлмайди, нега десанг, дорга осилиб ўласан!

Хулласи калом, ўқиш ва хулқ-атвор соҳасидаги муваффақиятимиз шундоққина отамизнинг мавқеига боғлиқ эди. Масалан, колбасачининг ўғли энг яхши ўқувчи ҳисобланарди, ундан кейинги ўринда қассобнинг ўғли, кейин боққолнинг ўғли ва ниҳоят шунда ҳам (отаси ўқитувчига сабзавотдан ташқари, жўжа билан курка юборганидан кейин) кўкфурушнинг ўғли борарди. Энг охири парталарда гўрков, извошчи ва музикачининг ўғиллари, умуман, меҳнатидан фойда тегмайдиган ота-оналарнинг болалари ўтирар эди.

Отам савдогар бўлгани учун аввалига, мен ҳам шулар қаторига кирар, шу боисдан ёмон ўқувчи ҳисобланар эдим. Бироқ, кетма-кет уч марта (рождество, пасха ва Янги йил байрамида) ўқитувчига мўъжазгина оқ пакет олиб келганшдан кейин, у мени биринчи партага ўтқазиб қўйди. Энди эски ривоят мана бундай ўзгарган эди:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, Сима билан Ненад деган икки бола бўлган экан, Симанинг отаси извошчи экан,

Сима қулоқсиз, бефаҳм ва ярамас бола экан. Ненаднинг эса отаси савдогар экан...»

Бошланғич мактабни битиргандан кейин ўқиш ва ёзишни ўрганиш ҳар биримизга қанчага тушганини ҳисоблаб чиқсак ҳам бўларди. Масалан, ўқиш Сима Янковичга — уч юз саксонга тухум, Пера Вукичга — тўртта ғоз, ўнта жўжа, юз қирқта тухум, Миленек Пуричга — юз бош карам, ўн етти боғ пиез ва яхна қилинган ўн тўрт бузоқ оёғи, Янко Поповичга — икки юз тўқсон колбаса, тўртта сон гўшти, тўртта қовурилган чўчқа боласи, икки бўлак чўчқа мойи, ўн бир килограмм тўшга тушган эди.

Визларнинг савод чиқаришимиз ана шу нарсаларда ўзининг моддий ифодасини топган эди. Афсуски, ҳозирги кунларда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг муносабатларида бундай роҳат-фароғат йўқ, шу билан бирга, саводлилик даражасини баҳолайдиган ўша воситалар ҳам йўқ бўлиб кетди. Худди шунинг учун ҳам ҳозир саводсизлик жуда юқори баҳоланаётган бўлса керак.

Биз бошланғич мактабда «Отче наш» ни, алифбони ва юзгача бўлган рақамларни ўргандик.

«Отче наш»ни ёдлаб олдик, жавоб бераётганда, оғзига келганни жаврайверадиغان фолбиндай сирли сўзларнинг маъносига тушунмай гапираверардик. Гарчи бу суранинг маъносига тушунмасак ҳам, ҳар кун эрталаб ҳаммамиз худога мурожаат қилиб, шунини ўқир эдик.

Нафсамбирини айтганда, буни жилла катта гуноҳ демаса ҳам бўларди, чунки, бу дуомизни олди таолонинг ўзи ҳам тушунмаслигига имоним комил эди. Агар дуо деб аталадиган дод-войимизни худо эшитган тақдирда полиция фармойиши билан уни ман қилиб қўйган бўларди, албатта.

Алифбо масаласига келганда, битта англашилмовчилик содир бўлди. Мен мактабда ўқий бошлаган вақтда серб алифбосида ўттиз иккита ҳарф бўларди, бироқ, кўп ўтмай, иккита ҳарф йўқолди, шунда иккита ҳарф йўқолиши муносабати билан ўқитувчимиз ўзоқ вақт сўкиб юрди. Бу ҳарфларни бирор киши ўғирлаб кетмаганига, ёки, биров ютиб юборганига ишонмасдик. Балки бу икки ҳарф — ўқитувчи столдан тушиб кетган, уни фаррош сунуриб, ювинди чуқурга ташлаб юборган бўлса ҳам ажаб эмас. Эҳтимол, ўқитувчи уларни биёга кўрсатгиси келмай, столга яшириб қўйгандир.

Хуллас, нима бўлса-бўлдики, ҳарфлар йўқолганлигига кўникишга тўғри келди. Муроса ғалати аҳволда рўй берди.

Бир куни ўқитувчи бизга ҳар бир одамда ўттиз иккита тиш бўлади, шунинг учун ҳам серб алифбосида ўттиз иккита ҳарф бор, деди. Биз болаларча соддадиллик қилиб, ҳар бир тишда биттадан ҳарф осилиб турса керак, тишлар эса, роял клавишларига ўхшаса керак деб ўйлардик. Ўқитувчи аслида ҳар бир кишида ўттизта тиш бўлади, иккита «ақл» тиш эса, улғайганда чиқади деди. Шундан кейин, ўқитувчи иккита тиш йўқлиги учун ўша иккита ҳарфни столига яшириб қўйган бўлса керак деб ишонч ҳосил қилдик.

Ўқитувчимиз қўллаган ажойиб метод туфайли биз алифбони умуман анча тез ўрганиб олдик.

Одатда у бундай деб бошлар эди:

— Милан, сира бақани кўрганмисан?

— Кўрганман, жаноб ўқитувчи!

— Қанақалиги эсингдами?

— Ҳа!

— Унинг юқорида боши, пастда думи борлиги, икки ёнида иккита олдинга, иккита кетига чўзилган тўртта оёғи борлиги эсингдами?

— Ҳа.

Ўқитувчи доскага Ж ҳарфини ёзиб, «ўхшайдими?» деб сўрарди. Ҳақиқатан ҳам бу ҳарф, назаримда, боши, думи ва тўрт оёғи бор бақага ўхшарди. Мана шундай ажойиб метод ёрдамида «Ж» ҳарфини жуда тез билиб олдик.

Ўқитувчи бошқа ҳарфларга ҳам худди шундай ўхшашлик топарди: масалан, Б — лўлиларнинг доира чаладиган тоқиси, Г — дор, О — тешик, Ш — мевазор боғ атрофидаги девор, Т — вешалка, Х — ёғоч араланадиган чорпоя, У — сих, Д — туркларнинг ҳожатхонаси, Ф эса, икки қўлини биқинига тираб, бўлар-бўлмасга бизларга бақира-верадиган мактаб қоровулининг хотини Перса хола эди.

Буларнинг ҳаммасини ўрганиб олганимиздан кейин доскага исталган сўзни шатирлатиб ёзиш бизга чўт бўлмай қолган эди.

— Йован, «бог»¹ сўзини ёз-чи.

— Йован, ёза олмай уялади, ўқитувчи эса унга айтиб туради:

¹ Худо.

— Тоқи, тешик, дор.

Шу заҳоти ўша сўз доскада пайдо бўлади.

— Энди-чи, Пера, сен «дуд»¹ сўзини ёз.

Пера ҳам албатта уялади, ўқитувчи эса айтиб туради:

— Иккита турк ҳожатхонаси орасида қўйилган сихга тортилган қўзини кўз олдингга келтир.

Пера шу заҳоти эслайди ва айтилган сўзни ёзади.

Биз бутун алифбони шу усулда ўқиб, ўрганиб олдик.

Рақамларни ўрганиш ҳам унча қийин бўлмади. Бир, иккинчи тушунтириш учун ўқитувчи олдин бир бармоғини, кейин икки бармоғини навбатма-навбат кўрсатди, то бир қўлидаги бешта, иккинчи қўлидаги тўртта бармоғини кўрсатгунча шу ҳол давом этди. Бироқ, ўн рақами ўқитувчининг ўзини ҳам анчагина қийин аҳволга солиб қўйган эди. У нолнинг аҳамиятини сира тушунтириб бера олмасди. Ўқитувчининг барча жон куйдиришларидан наф чиқмасди: ё биз тушунмас эдик, ё унинг ўзи ҳеч балони билмас эди.

— Болалар, ноль ҳеч нарса эмас, бироқ, у бир нарса бўлиши ҳам мумкин. Нолнинг бир ўзи бўлса, ҳеч нарса бўлмайди, аммо унинг олдига бир рақами қўйилса, ўн, агар икки рақами қўйилса, йигирма бўлади. Нега шундайлигини худонинг ўзи билади. Буни тушунтириш осон эмас! Мана, масалан, менинг хотинимни... Менга эрга теккунга қадар у ҳеч ким ҳам, ҳеч нарса ҳам эмасди. Тўғрими? Менга теккандан кейин эса, у жаноб ўқитувчининг хотини бўлди. Шундай эмасми?

— Шундай!— жавоб берардик ҳаммамиз бараварига.

Ана шундан кейин, табиий, шаҳардаги барча хотинларни ноль деб ҳисоблайдиган бўлдик, ҳар бир ўнлик эса, бизга эри-хотин бўлиб туюларди. Бизнинг бола тасаввуримизда шаҳардаги ҳамма хотинлар ноль, олдидаги барча рақамлар эса уларнинг эри эди. Ҳатто, баъзи бир одамлар ҳам бирор ҳарфга ўхшаб кетарди. Масалан, округ бошлиғи билан унинг хотини бизга 90 рақамини эслатарди. Бу эса, оддий ҳаёл ўйини эмасди. Биз жаноб бошлиқ энг баланд мансабни эгаллагани учун энг катта рақамни танлаганимиз йўқ, албатта. Жаноб бошлиқ ҳақиқатан ҳам тўққиз рақамига жуда ўхшаб кетарди. Унинг оёқлари калта ва ингичка бўлиб, уларнинг устида кажавадай қорни осилиб турарди. Унинг теп-текис бўлиб кет-

¹ Тут дарахти.

ган боши, кўкраги ва қорни бутун оғирлигини ингичка оёқлар устига ташлаган бочкани эслатар эди.

Доктор билан хотинини биз 70 рақамига ўхшатардик. Докторнинг тана тузилиши жуда нозик бўлиб, бурни етти рақамининг юқориги чизигига ўхшаш анча олдинга туртиб чиққан эди...

Гимназия директори билан хотини 10 рақамига ўхшарди. Бир унинг севган баҳоси бўлгани ва ўқувчиларга сахийлик билан шу баҳони қўйгани учун эмас, балки симёғочга ўхшаш ориқ ва қотма бўлгани учун шу рақамни танлаган эдик. Банк директори билан унинг хотини 50 рақамига ўхшарди. Банк директорининг қорни осилиб кетганидан унинг 5 рақамига ўхшашлигини кўз-кўз қилиб турарди. Ҳадемай, шаҳаримиздаги барча эр-хотинларга хос ўхшашликни топдик, фақат поп бизларни анча ташвишга солди: жуббага ўралиб олган тақсиримиз деярли хотиндан фарқ қилмасди, шунинг учун бу эр-хотин икки-та полга ўхшарди.

Рақамларни эслаб қолишнинг бундай усули ўзини батамом оқлади.

Ўқитувчи бизларни доскага чақириб, масала, 70 рақамини ёз, деб буюрса, докторнинг бурнини эслаш кифоя эди, айтилган рақамни биз шу заҳоти доскага ёзардик.

Ўқитувчи доскага 100 рақамини ёзгунга қадар ишлар силлиқ борди. Бу рақам ҳаммамизни ўлгудай саросимага солиб қўйди. Бунақанги кўп хотинлиликни сира ақлимизга сиғдирилмас эдик.

— Албатта, тушунмайсизлар, — деди ўқитувчи тушунтириш қийин эканлигини олдиндан сезиб. — Буни тушунмасликларингни билар эдим. Агар, мана бунақа рақам ҳам бўлади десам, ҳанг-манг бўлиб қолармидинглар.

Ўқитувчи бўр олиб, доскага 7000000 рақамини ёзди.

Бизнинг жаҳлимиз чиқиб кетган эди. Ҳаётдаги ҳузур-ҳаловат ва хафагарчиликдан сира хабаримиз бўлмагани учун осий доктор шунча ҳарамни нима қилади деб ўйлаб, жонимиз чиқар эди.

Нима қилиб бўлса ҳам бизга 100 рақамини тушунтириш зарурлигини билган ўқитувчи бундай деб изоҳлади:

— Бир — бу ... эр дейлик... Шундайми?

— Шундай! — жавоб берди синф бараварига.

— Биринчи ноль, — унинг хотини дейлик... Шундайми?

— Шундай!

— Иккинчи ноль эса унинг қайнсинглиси. Эр-хотин


баъзан уни ўзлари билан бирга сайр қилдиргани олиб чиқишади. Хўш, энди, тушундингларми?

— Тушундик! — Нафсамбирини айтганда, ҳеч нима тушунмаган бўлсак ҳам, ҳаммамиз шундай деб бақирдик. Яхши ҳам хотиннинг синглиси битта экан, борди-ю, хотинидан ташқари, яна бешта синглиси судралиб юрса, усиз ҳам қорни елкасига уланиб кетган боёқиш банк директорининг ҳоли нима кечади? Ана шундай бўлса банк директори оғир биржани шатакка олиб оқимга қарши аранг судралиб кетаётган нимжон шатакчи пароходга ўхшаб қолмайдими?

Бу фикрлар бола тасаввуримизга оғирлик қиларди, бироқ, эътироф қилишим керакки, булар алифбони ўрганишгагина эмас, ҳатто рақамларни тушунишимизга ҳам ёрдам берди. Бошланғич мактабда ўқишимиз шу билан тамом бўлди.

Энди, бизни гимназия кутарди!





ИЛОҲИЁТ

Илоҳиётни ўрганган сайин ўзимда худосизликка тобора кўпроқ майл сеза бошладим. Бунга, чамамда, шу нарса сабаб бўлдики, христиан фанини ўқитадиган илоҳиёт домламиз бизларни христианликка тўғри келмайдиган даражада дўшосларди. Ҳозирда ҳам черковда христианларнинг юмшоқ кўнгиллиги ҳақида амри маъруф эшитаётиб, ҳа демай, митрополит хассаси билан, ёки дьякон бухўр тутадиган идиши билан

бошимга тушириб қоладигандай, атрофга алаяглаганим-алаяглаган. Бу илк ёшликдаги таассурот киши қа-бида ўчмас из қолдиришини яна бир карра исбот қи-лади.

Еттита ориқ сигирни деб мени йўғон таёқ билан етти марта урганлари ҳалигача эсимда, шу-шу семиз сигирлар ҳақида бирор ерда гапиришга сира журъат қилолмадим. Бундан ташқари, Мария билан Мағдалина эсимдан чи-қиши ҳечам мумкин эмасди. Бир сафар Мағдалина туфай-ли бутун синф олдида иштонимни ечиб, скамейкага ётиб, яланғоч баданимга ўн икки таёқ зарбига чидашга тўғри келган. Ўшандан бўён Мағдалина исмли хотинни учрат-сам, орқамга қарамай қочаман.

Бироқ осон дарслар ҳам бўларди. Масалан, ўзларининг соддалиги биланми, ёки биринчи гуноҳ умуман одамга хуш ёқиши учунми, ҳайтовур менга Одам Ато билан Момо Ҳаво жуда ёқар эди. Бироқ, гарчи Одам Ато билан Момо Ҳаво хушфеъл кишилар бўлса ҳам, уларнинг фарзандлари мени қаттиқ азоблашди. Машҳур, «Қобил ва Ҳобил» ҳан-гомаси учун мени уч марта калтаклашди. Биринчи марта Ҳобил Қобилни ўлдирди деганим учун дўппослашди. Ик-кинчи сафар Қобил билан Ҳобил саҳоба эди деганим учун калтак едим. Учинчи марта анигини билмайман, бироқ, афтидан, Қобил Ҳобилни ўттиз кумуш тангага мисрлик савдогарларга сотди деганим учун уришди.

Имтиҳон пайтида бўлса, кулги кетидан кулги кўта-рилларди. Комиссия раиси дам-бадам қорини ушлаб қий-қирарди:

— Бўш келма, барака топгур, бўш келма! Анчадан бери бунақа кулмаган эдим!

Имтиҳон олаётган протоиерей эса, менга уч марта мушт дўлайтирди-ю, бироқ, ҳар сафар вазиятнинг тантанавор-лигини эслаб, ўзини босар ва тишларини гичирлатиб, ота-онамни эслатиб кўярди.

Бир марта янглишдимми тамом, қолган ҳамма нарса оёғи осмондан бўлиб кетаверарди. Протоиерей мени қут-қариш учун ўзимга энг ёққан Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги лекциядан энг осон саволни бериб, баттар қилди.

— Одам Ато билан Момо Ҳаво,— деб бошладим,— биринчи одамлар бўлган... биринчи одамлар... Одам Ато биринчи эркак эди, Момо Ҳаво эса, биринчи хотин эди. Улар биринчи одам бўлганликлари учун жаннатда яша-

ганлар. Улар жуда яхши яшашган, аммо бир куни Одам Ато Момо Ҳавони тишлаб олади, Момо Ҳавони тишлаб олади... шунинг учун худои таоло унинг қовурғасини синдиради...

Буёғи ҳам комиссия раисининг кўнглига тортиб, шу руҳда давом этаверди. Эски васият билан янги васиятни шунақанги бошлаб аралаштириб юбордимки, бу ишимга ҳар қандай адаштиргич картабоз ҳам қойил қолар эди. Протоиерей икки марта мени тўхтатишга уришиб кўрди, бироқ ҳар сафар комиссия раиси давом этавер, деб далда берар, протоиерейга мурожаат қилиб:

— Ҳалақат берманг, илтимос қиламан, бир мириқиб кулайлик, — дерди.

Мен ўн иккита саҳобани Нуҳ кемасига ўтқаздим. Содом ва Гоморре муқаддас эҳром бўлган, Исо ўзининг яқин одамларига мурувват ҳақидаги назариясини шу ерда эълон қилган дедим. Исо илоҳиёт дарсига тайёрланиш учун наҳанг балиқ қорнида қирқ кун ётган дедим: Иуда худонинг ўн амрини Арофат тоғида сотган дедим. Ниҳоят, Пилат ҳақидаги саволга Пилат Мусонинг ўғли, буюк авлод ундан тарқаган, шундан кейин, у қўлини ювиб қўлтиғига урган деб, жавоб бериб, хотима ясадим.

Тўғриси айтсам, жавобларимнинг нимаси кулгили бўлгану, комиссия раиси нимага бунчалик кулганини ҳалигача тушунмайман. Мен учун ва ҳозирги аксар христианлар учун Исо ҳақидаги фан ғалати, ақл бовар қилмайдиган ривоятлар тўнламадан иборат бўлиб, уларни қориштириб юбориш унчалик гуноҳ эмас. Бу ривоятларни китобда ёзилгандек қилиб сўзлаб берадиган киши ҳам христианлик ҳақида мендан кўпроқ билмаса керак, чамамда.

Ҳалол гап шуки, протоиерей бизга фақат инжил ривоятларини гапирибгина қолмай, христиан фанининг моҳиятини ҳам кўрсатиб берган эди. Худди мана шу моҳият туфайли ўлиб кетишимизга оз қолган эди. Масалан, бир куни тақсирим христианликнинг асосий таълимотлари ҳақида олис, мукаммал гапирдилар, биз эса, у кишининг ҳикоясини диққат билан эшитиб ўтирардик, яъни битта-яримтаминни тушириб қолишларидан хавс-тирланиб, у кишининг қўл ҳаракатларидан кўз узмас эдик.

Одатдагидек, ўтилганларни келгуси дарсда такрорлар эдик.

— Христианликнинг биринчи, асосий амри-васияти нимадан иборат?— деб сўрайдилар ота-тақсир кўзлари тушган боладан.

Осий банда ўрнидан туради-ю, оғзига сув олгандай миқ этмайди. Тақсир ўзларини аранг босиб, саволни такрорлайдилар. Бироқ ўқувчи биринчи христианлар золим мажусийлар суди олдида жим тургандай ўжарлик қилиб тек тураверади.

— Ҳой лабашанг, христианликнинг биринчи амри нимадан иборат?— газаб билан такрорлайдилар тақсир кўлларини мушт қилиб. Осий банда миқ этмайди.

— Мурувват!— деб бўкиради поп ва ўқувчининг бошига шунақанги шафқатсизлик билан урадики, бечоранинг кўзларидан ўт чақнаб кетади.

Шундан кейин, илоҳиёт домласи бошқа болага ўгирилади.

— Айт-чи, христианликнинг иккинчи асосий амри нима?

Осий банда қулоғининг орқасини қашлайди ва попининг кўлидан кўзини узмай, христианликнинг иккинчи асосий амри қайси томондан тушишини билишга ҳаракат қилади.

— Яқинларга меҳр-оқибат, эшак мия!— деб бўкирадилар тақсирим жавоб ололмагач. Осий банда эса, узоқ вақт бурнини силаб, яқинларга меҳр-оқибат қизил рангга бўялмаганмикан дея хаёл суради.

Табиийки, христианликнинг учинчи асосий амри нимадан иборатлиги тўғрисидаги саволга учинчи ўқувчи ҳам сукут сақлаб жавоб беради.

— Олижаноблик...— деб бўкиради поп шалпанг қулоқ ўқувчисининг қулоғини бураб.

Биз эса ўтирибмизу, на ўликмиз, на тирик. Сияфда ўттиз тўртта одаммиз, агар христианлик амри ўттиз тўртта бўлганида мажусийлар эрмак учун ваҳший ҳайвонлар олдида ташлаган дастлабки жафокаш христианлар бошига тушган жабр-жафо бизларнинг ҳам бошимизга тушар эди.


Кўп худоликни мен мана шундай вазиятда маъқул кўриб қолдим, ўша динда қолавермаганимиздан жуда ачиндим.

Биринчидан, худолар қанча кўп бўлса, асосий амрлар шунча кам бўлади.

Иккинчидан, бир нечта худо ҳеч вақт якка-ягона худо
каби хавfli бўлмайди.

Учинчидан эса, кўп худолик давом этса борми, гимна-
зияда илоҳиёт дarsi ўқитилмас эди.





СЕРБ ТИЛИ

— Сен, ўтган сафар дарсни билмаган ўша эшакмисан?

— Ҳа, менман!— деб жавоб бераман ўқитувчим мени яхши танишидан мамнун бўлиб.

— Сенларнинг тилингда «клякса» деб аталадиган сиёҳ доғни сенинг дафтарингда кўрганмидим?

— Ҳа, ҳа, менинг дафтаримда кўрган эдингиз,— деб таъкидлайман, ўқитувчи мени унутмаганидан фахрланиб.

— Агар бундан кейин ҳам пала-партиш ва бепарво бўлсанг, жазолайман демаганмидим?

— Деган эдингиз...— тасдиқлайман энди бўшашиб. У қаламни олиб баҳомни бир қўяди-да, чўккалаб туришим учун мен грамматик жиҳатдан тўғри қурилган бир гап билан синф доскаси томонга жўнатади.

— Шу дарс тугагунча чўккалаб турасан ва ўзлик оломошининг турланишини ўрганасан. Шу турланишни билиб олгач, ёнимга кел, баҳонгни тузатиб, ўтиришингга рухсат бераман.

Лекин, турқи совуқ турланишни дарс охиригача ҳам ўргана олмадим, шу ваздан то қўнғироқ чалингунга қадар чўккалаб туришга мажбур бўлдим.

Бу турланиш бизларни айниқса қийнаб ташлади. «Ит» отининг бешинчи келишикда қандай бўлишини ёдлайман деб тортган азобларим ҳали-ҳали ёдимда. Бошқа келишикларни бир амаллаб ўргандиму, бироқ, бирлик сондаги бешинчи келишикнинг маъъум ундош келишиги сира миямга кирмас, уввало овора бўлганим билан уни ҳосил қила олмас эдим.

Фақат биргина мен эмас, атрофимдагиларнинг ҳаммаси ҳам бешинчи келишик номини эшитиш биланоқ бошлари айланиб кетарди. Барча фанларни ўрганган, юқори синфда таълим олаётган акам ҳам, «умримда бу келишикка ишим тушмаган» дерди. Укам бешинчи келишикда «ит» «итча» бўлади деди. Отам эса умуман лом-мим дея олмади, нега десангиз грамматиканинг савдога мутлақо алоқаси йўқ-да, бу соҳада менимча, грамматика қанча кам бўлса, фойда шунча кўп бўлади, деган қоидага амал қилса керак.

Боққол қўшнимизга ҳам бешинчи келишик нималигини олдиндан тушунтириб, бояги саволни берган эдим, бундай жавоб қилди:

— Итни чақирмоқчи бўлсам: «Ма, ма, ма», дейман, ҳайдамоқчи бўлсам: «Кет, нари!» дейман. Бунинг қанақа келишиклигини худонинг ўзи билади!

Ниҳоят, бир куни кечки овқатдан кейин, муллалигига ўзим қойил қолиб юрган жаноб протоиерейнинг ўзидан бешинчи келишик ҳақида сўрадим. Саволим уни ҳам хи-жолатга қолдирди.

— Бешламчи келишик... бешламчи келишик!— дея дудуқланиб бошладилар тақсир, қариндошларим назарида олимлик мартабасидан тушиб қолишдан хавфсираб.— Жами нечта келишикни ўрганапсизлар?

— Еттита.

— Еттита? — ажабландилар тақсирим — Кўп. Жуда кўп-да.

— Кўп! — деб тасдиқладим оғир хўрсиниб.

— Хайронман, — мурожаат қилди ота-онамга, — шунча келишкнинг нима кераги бор экан. Бу ўқитувчиларнинг хархашасидан бўлак гап эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Германиядек бепоён ва қудратли давлатда фақат тўртта келишк бор, ёки мана Франция билан Англия — булар ҳам жуда катта ва қудратли мамлакатлар, уларнинг бит-тасида ҳам тўрттадан ортиқ келишк йўқ. Хўш, бизлар нима бўймиз? Бир неча округдан иборат кичкина мамлакатмиз, шу ҳолимизга еттита келишк бўлса, бунисига нима дейсиз? Ўзингиз айтинг, бу хархаша эмасми? Кўрпамизга қараб оёқ узатганимиз шуми?

Протоиерейнинг фикрлари менга зўр тасалли берган бўлса ҳам, дарсда бир пақирлик фойдаси тегмади. Ўқитувчи «ит» бешинчи келишкда қандай келишини айтиб берасан деб туриб оларди, мен бошқа дарслардаги сингари бунда ҳам қойил қилиб индамай тураверардим.

Ўқитувчимизнинг ҳақиқатан ҳам келишк касалига мубтало бўлганини Станое Стамболич билан бўлган воқеадан ҳам билса бўларди. Катта рўза кунларидан бирида пешиндан кейин Станое Стамболич қўлини кўтариб, сўрайди:

— Жаноб ўқитувчи, эшикка майлими?

— Стамболич, шу гапни грамматик жиҳатдан тўғри айтсанг, рухсат бераман, — дейди ўқитувчи унга.

Стамболич уялади, қизариб кетади, изтиробли овоз билан такрорлайди:

— Жаноб ўқитувчи, эшикка мумкинми?

— Тўғрилаб айтсанг, рухсат бераман.

Келишк туфайлими, ё эшикка чиқишга рухсат сўрашга мажбур қилган бошқа сабабданми, ҳайтовур, Стамболич терга ботди-да, турган жойида тиширчилаб қолди.

Нима дейиш кераклигини ёнидагилар шивирлаб айтишади, у бўлса лавлагидай қизариб, тиширчилайди, кейин, тўсатдан бўкиради:

— Ташқарига чиқдим келяпти!

— Ҳа, бундоқ бўпти, энди тўғри айтдинг, чиқиб келавер! — дейди ўқитувчи.

— Энди бўлар иш бўлди, — дейди Стамболич хиқиллаб.

Келишклардан бошқа нарсалар билан ҳам жанг қилишга тўғри келганди. Грамматикада бундан бошқа ҳам

қалтис жойлар кўп, сал-пал гафлатда қолдингми, асфала-софилинга кетасан. Масалан, васваса аёллардай ўзгариб турувчи, инжиқ сўзлар борки, улар кўз очиб-юмгунча пардозини ўзгартириб туради. Бу қиёс мутлақо тасодифий эмас. Грамматикани ўрганаётиб, бу фанда жуда кўп хотинча хусусият борлигини пайқадим, агар билгингиз келса, хотинларда ҳам грамматик хусусиятлар жуда кўп бўлади. Мен бу ерда хотинларнинг гапириш усули — мажҳул ва буйруқ майллари ҳақида сўзлаётганим йўқ. «От»лардаги каби хотинларнинг ҳам қайси родга мансублигини ажратадиган белгилари бўлади, ундан ташқари, хотинларнинг ҳам, отларнинг ҳам, турловчи қўшимчалари бор, бу қўшимчалар ҳар бир янги келишикда ўзгариб туради.

Серб сўзлари орасида ҳар хил турда кўринишдан уялмайдиганлари ҳам учрайди. Ўқитувчи доскага яқинлашиб, «қора» сўзини, кейин, аллақандай математик формулани ёза бошлайди, йўл-йўлакай одам тушунмайдиган изоҳлар ҳам беради: «Қадимий славянчадаги «у» унсиз «юс» олдида келса, янги славянчага айланади...» — ва ҳоказолар; ёки «юс» «цис»га айланади, «цис» «бис» га айланади ва ҳоказолар. Ниҳоят, бояги «қора» «оқ»қа айланиб қолади.

Эсимда, ўқитувчи бир сафар Сербия тарихи ҳақидаги лекциясини тамомлаётиб, бундай деган эди:

— Минг уч юз ўттизинчи йилда болгар подшоси Михаил ҳалок бўлган Вельбудж яқинидаги жангда ёш серб қироли Душан айниқса қаҳрамонлик кўрсатди. Жанг бўлиб ўтган Вельбудж шаҳри ҳозир Джустендил деб аталади. «Вельбудж»нинг қандай қилиб «Джустендил»га айланиб қолганини тарих тушунтириб бера олмайди, грамматика эса бунга қодир.

Бу жиҳатдан грамматика ўқитувчилари шу қадар илгарилаб кетишган эдики, улар хўрозни товуққа ва товуқни хўрозга айлантиришни Вороновдан аллақанча илгари ўрганиб олишган эди. Шунинг учун мен ҳам, ўртоқларим ҳам «яхши» олдик деб доскадан жойимизга қайтиб келатганимизда «юс» «у» га, «у» яна алланима балоларга, чорак охирида «яхши»лар «ёмон»га айланиб кетардики, бунинг ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқ.

Серб сўзларининг бу беқарорлиги бизни кўп ташвишларга қолдирди, бироқ ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилиб юборши учунгина ўйлаб топилган тиниш белгилари

берган азобларни асти қўяверасиз. Нуқта, вергул, сўроқ ва ундов белгилари, гимназияни битиргандан кейин сира кераги бўлмайдиган, лекин шўринг қурғур ўқувчилар қаерга қўйишни билишга мажбур бўлган яна бир дунё белгилар бор эди. Бир вақтлар мен билан бирга грамматика ўқиган бир амалдор «грамматика ҳаётимда халақит беради холос» деб шикоят қилган эди.

— Масалан, белгиларни олиб кўр,— дерди у.— Илгарни хотинлар тепелукига¹ мунчоқ қадагандай бемалол ёзаверардим. Энди ўзинг айт-чи, нуқта билан вергул хотинлар тепелукини безай оладими? Хўп, майли, ундов белгиси нега кераклигини биламан, уни аҳён-аҳёнда ишлатса бўлади. Амали ўзимдан катта одамга хат ёзаётганда албатта ундов белгиси қўяман. Бизнинг секретаримиз эса ҳатто, масалан, «Сен эшаксан!» деган сўз охирига ҳам ундов белгиси қўйиш даражасига бориб етган. Бу фақат ундов белгисининггина эмас, балки бутун грамматиканинг ҳам обрўсини тўкишга уринишдир. Нега десангиз, бирор киши эшак бўлган тақдирда ҳам жилла бўлмаса грамматикада эшак бўлмаслиги керак-да.

Чегара полкининг командири маълумотда нуқта ва вергул қўйилмагани учун уни рота командирига қайтариб юборганлиги ҳам маълум. Негаки, чегарада бўлган жангда рота командири контрабандистлар тўдаси бошлигини ўлдирганми, ё тўда бошлиги рапорт юборган рота командирини ўлдирганми, шуни билиб бўлмабди. «Нуқта билан вергулларни жой-жойига қўйинг», деган буйруқ нуқта билан вергулни умр бўйи эътироф этмаган, бу белгилар душмани бўлган рота командирини ҳангу манг қилиб қўяди. Рота командири учун ўз рапортига йигирма бешта нуқта ва вергул қўйишга нисбатан йигирма бешта контрабандист билан тун бўйи жанг қилиш осон эди. У мушкул аҳволдан қутулиш ва командирнинг буйруғини бажариш учун бир варақ тоза қоғоз олиб, унга ўнта нуқта, ўн бешта вергул қўйибди, кейин қоғозни маълумотга тиркаб, ўша нуқта ва вергулларни тегишли жойларга қўйишни, борди-ю, ортиб қолса, командирнинг ўзи улар учун керакли жой топишни илтимос қилиб, командирга юборади.

Нуқта ва вергулларни ишлатиш қондасини ўқитувчимиз жуда яхши тушунтирганлиги яхши эсимда қолган

¹ Аёлларнинг бош кийими.

бўлса ҳам, бу белгилар бизга бунча кўп кўнгилсизлик келтиришидан ҳайрон эдим.

— Пассажир поезда, — деган эди у, — Белграддан Нишгача бўлган масофани босиб ўтиши керак. Тушунарлими? Поезд бу йўлни босиб ўтганда, яъни Нишга етиб борганда, ўйланган нарсани бажаради, аниқроқ қилиб айтсак: Белграддан чиқиб, Нишга етиб келиш вазифасини бажаради. Ҳар бир тугалланган фикр гап бўлади. Поезд ўйланган вазифани бажарди, тўхтади ва ундан нарига бормади, бинобарин, бу гап охирида: «Тўхта, етади!» дейиш керак. Мана шу «тўхта, етади!» нуқта билан белгиланади. Демак, гап охирида нуқта қўйилади. Тушунарлими? Бироқ поезд Белграддан Нишгача бўлган масофани тўхтамай босиб ўтолмайди. Бир жойда рўпарадан келаётган поездни кутиш керак, бошқа жойда паровоз сув олиши лозим, учинчи жойда эса, баъзи йўловчилар тушиши, баъзилари эса чиқиши учун тўхташ керак, бундай вақтларда поезд баъзан узоқ, баъзан озгина тўхтайдик, йўловчилар зинадан сакраб тушиш ёки унга сакраб чиқишга аранг улгуриб қоладилар. Шу туфайли темир йўлларда бекат деб аталадиган катта-кичик станциялар кўп бўлади. Поездлар бир-бирининг ёнидан ўтиб кетадиган, йўловчилар тамадди қилиб оладиган ресторани бўлган ҳар бир катта станция — нуқтали вергул бўлади. Поездлар атиги бир минут тўхтайдиган кичкина станциялар — вергул бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир узун гап бир-биридан нуқтали вергул билан ажратиладиган бир қанча қисқа гаплардан тузилган бўлиши мумкин. Шунингдек, қисқа гаплар ичида нафасни ростлаб олиш учун битта ёки бир неча вергул бўлиши мумкин. Энди ҳаммасини тушундингларми?

Ўз-ўзидан равшанки, бирор нарса англамаган бўлсак ҳам, ҳаммамиз тушундик деб жавоб бердик. Ўқитувчининг тушунтиришидан кейин ўзаро мана бундай деб гаплашдик:

— Нишдаги нуқта Младеновец ёки Чуприядаги нуқталарга нисбатан катта бўлса керак-да? — деб сўрарди Живко Янич.

— Нуқта ва вергулли жойда шўрва ичиш ва яхна гўшт, қовурма ейиш мумкинмикан ёки ўрама булкадан у ёғига вақт етмасмикан? — хаёл сурарди Стева Радойич.

— Хўп, поездлар бир-бирининг ёнидан ўтадиган ерни нуқтали вергул дейлик, агар ҳар бир поезднинг ўз нуқтали вергули бўлса, агар иккита поезд учрашиб қолса, де-

мак, иккита нуқта ва иккита вергул учрашар экан-да! — деб мулоҳаза юритарди Йовица Станкович.

Ўқитувчи сўроқ ва ундов белгиларининг қўлланишини анча содда қилиб тушунтирди, бироқ, кейин ҳаётий тажрибада қаноат ҳосил қилдикки, у нотўғри тушунтирган экан. Ўқитувчининг гапларига қараганда сўроқ белгиси, фақат сўроқ гапдан кейин қўйилиши керак, ҳолбуки, ҳаётда, тўғри келган ҳамма нарса: ҳурмат, муҳаббат, ватаншарварлик, олижаноблик, миннатдорлик, садоқат, дўстлик ва ҳоказолар, гапнинг ўртасида келадими, охирида келадими, бундан қатъи назар, улар шубҳа остига олиनावеради. Умуман, ҳаётда сўроқ белгисини ҳамма жойга қўйса бўлаверади, шунга ҳам ишончим комилки, у ҳаммаша ўринли бўлади. Киши ҳаётида туғилишдан бошлаб ўлишигача бўлган ҳар қандай ҳодисани шубҳа остига олса бўлаверади.

Ундов белгисига келганда, бу белги кўпинча шиорларда, партия йиғилишларида ва муҳаббат изҳор қилаётганда қўлланилади, шу сабабли унинг аҳамиятини биз жуда тез тушуниб олдик.

Биз икки нуқтанинг нималигини турли а, б, с лардан тuzилган физикани ўқий бошлагандан кейингина тушундик. Ҳар бир қонунда, ҳар бир таърифда ўзининг а, б, с лари бўлади. Ўқитувчи минбарга чиқиб, бундоқ-бундоқ, ундоқ-ундоқ деб қонунни тушунтиради, кейин эса қўшимча қилади:

— Демак:

- а) Бу-бу ва у-у,
- б) бу-бу ва у-у,
- с) бу-бу ва у-у.

Шу тариқа биз «демак» дан кейин ҳар доим икки нуқта қўйиш кераклигини билиб олдик.

Нуқтали вергул — бу қандайдир мавҳум белги; у нуқта ҳам, вергул ҳам эмас. Уни исталган жойга қўйсангиз бўлаверади; бундан ҳеч нарса ўзгармайди. Илья Сунич деган бир ошнам имзо чекаётиб фамилиясидан кейин нуқтали вергул қўярди, чиройликкина кўриниб тураверарди.

Кўп нуқта — ҳаракатнинг тугалланмаганини аниқлаш учун хизмат қиладиган белги. Лекин, биз қандай қилдиб тугалланмаган ҳаракат бўлишига сира тушунмас эдик; ҳаракатни бошладингми, тугаллаш керак-да. Бироқ, агар ўқитувчидан сўрасак, у эҳтимол, бундай деб жавоб берган бўлар эди:

— Поезд Белграддан Нишга кетаётган эди, аммо Ста-
лач ёнида ағдарилиб кетди, натижада уч одам ўлди, ўн
бир киши ярадор бўлди, энди поезд йўлда давом этолмай-
ди. Худди шунинг ўзи тугалланмаган ҳаракат бўлади,
мана шу ерга кўп нуқта қўйилади.

Поезднинг ағдарилиши каби бундай қутилмаган воқеа-
лар ҳаётда тез-тез бўлиб туради, шунинг учун кўп нуқта
ҳақиқатан ҳам жуда фойдали белгидир. Чунончи, маса-
лан, ўғри бировнинг киссасига қўл солди, бироқ, шу пайт
тўсатдан полиция пайдо бўлиб қолди, бу ҳам тугалланма-
ган ҳаракатдирки, кетидан кўп нуқта қўйилади. Ёки, ай-
тайлик, дарвоза ёнида бир йиғит студент қизга севги из-
ҳор қиляпти, бироқ, биринчи бўса чоғидаёқ қизнинг отаси
келиб қолади. Бу жойда ҳам ҳаракат тугалланмади, бу
жойга ҳам кўп нуқта қўйиш лозим бўлади. Ёки, бир
жаноб эри бир ёққа кетган хотиннинг уйига киради,
бироқ ёш хотин маза қилмоқчи бўлиб турган ўйнашининг
тиззасига энди ўтираётган пайтда эри келиб қолади. Бу
ҳаракат ҳам тугалланмаган ҳаракат ҳисобланади. Ҳаётда
бундай жумлалар бир неча нуқта билан, баъзан эса, бир
қанча ундов белгиси билан тамом бўлади.

Биз мактабда тиниш белгилари ҳақида мана шундай
билим олган эдик, кейинчалик ҳаётда бу билимларимизга
билим қўшилди. Лекин ўқитувчилар бизларни кўпроқ
қийнаш учун бу белгиларни ёд олишни талаб қилиш би-
лан кифояланмай, ўз фикримизни тиниш белгиларидан
фойдаланиб, ифода қилишимиз учун уйга ёзма машқлар
ҳам беришарди.

Бу стилистик машқлар кўпинча ўқитувчилар учун
эрмак вазифасини бажарди. Улар танаффус пайтларида
ўқитувчилар хонасида тўпланишиб, берган машқлари усти-
дани қотиб-қотиб кулишлари мумкин. Бу машқлар шакл
жиҳатидан мўри тозаловчиларнинг ошпаз аёлларга му-
ҳаббат изҳор этиб ёзган хатини, кўкфурушларнинг қиш-
лоқ маҳкамасига берган илтимосномасини ва тунда юра-
диган полиция патруллариинг чақувларини эслатарди.
Серб тили ўқитувчилари ўқувчиларнинг аҳмоқлигидан
ийгиладиган коллекцияни яна ҳам тўлдириш учун машқ-
ларни тез-тез бериб туришса керак. Бу аҳмоқликлар кул-
гини қистатадиган бўлиши учун, ўқувчилар устидан мири-
қиб кулиш учун одатда улар ҳатто ўзлари ҳам бажара
олмайдиган вазифаларни танлашарди.

«Пишир ва айт!» мавзуида берилган ёзма вазифа биз-

ларга қанчалик ташвиш келтирганлиги ёдимда. Ўқитувчи дарсни тамомлаётиб, бизларга шунчаки:

— Болалар, янаги сафар «Пишир ва айт!» деган мавзуда иншо тайёрланглар,— деди.

Бу вазифа бизларга: «Болалар янаги сафар «Эскимосларнинг ўтроқлиги ҳақидаги маълумотлар асосида патагонияликлар «бифуркация¹си» деган мавзуда иншо тайёрланглар!» деган сингари аниқ эди.

Мен ўша пайтга келиб мактабни тугатган акамдан: «Пишир ва айт!» нима дегани деб сўровдим, у бунинг маъносини тушунтириб бера олмади.

— Сўз пиширилган бўлиши мумкин, қайнатилган бўлиши мумкин, қовурилган бўлиши мумкин, ҳатто димланган ҳам бўлиши мумкин,— деди у.

Энди иншомизнинг нимага ўхшашини ўзингиз топиб олаверинг. Живко Средоевич берилган мавзунини уч-тўрт оғиз сўз билан ифодалади:

«— Ҳаммасидан кўра синга пишган сўз тез ўлаштирилади, бошлаб синга пиширилган сўзларни гапирадиган одамгина ақлли ҳисобланади!»

Сима Ягодич эса, аллақадан фалсафа топиб, бундай деб ёзди:

«Сўз роса синга пишмагунча оғиздан чиқармаслик керак. Сўзни эса, фақат уйда, қиздирилган стулда пишириш мумкин. Шунинг учун сўз пишгунча стулдан турма ва бутун шу вақт давомида энг муҳим фан бўлган серб тили грамматикасини ўрган, чунки, тил бўлмаса, инсон яшай олмайди!»

Қишлоқ руҳонийсининг ўғли Остоя Попович бир дунё нарсани жўнгина тушунтириб берди: «Оғзимизга соладиган ҳамма нарса: пирог ҳам, ракия² ҳам, қовурилган қўй гўшти ҳам, синга пишиши керак. Боз устига, оғиздан чиқадиган нарсаларнинг ҳаммаси синга пишган бўлиши лозим. Оғиздан бошқа нарсалар билан бир қаторда сўз ҳам чиқадики, бинобарин, у ҳам синга пишган бўлиши керак!»


Ўқитувчи бошқа бир куни бизларга: «Ўз-ўзингни билиб ол!» деган мавзуда иншо ёзишни тонширди. Бу темадаги иншолардан фақат биттаси эсимда қолган:


¹ Бўлиниши (лот.).

² Ароқ.

«Агар инсоён бирор бошқа кимсани билиш имкониятига эга бўлмаса, у бўш вақтдан фойдаланиб, ўз-ўзини билиб олишга ҳаракат қилса, чакки бўлмайди. Одам ҳаммадан ҳам кўра кўзгуда ўз-ўзини яхшироқ билиб олиши мумкин. Агар кўзгу яхши бўлса, одам ўзининг яхши томонларини кўради, агар кўзгу ёмон бўлса, одам ўзининг ёмон томонларини кўради!»

Мен «ўз-ўзингни билиб ол!» мавзuida ҳеч нарса ёза олмадим. То ҳозирга қадар ҳам бу ҳақда бирор нарса дейишдан ожизман.





ТАРИХ

Тарихнинг шубҳасиз фойдали томони аввало шундаки, бу дарсда гимназистлар қийин сўзларни гапиришни билиб оладилар ва тарихда ўз тилларини расво қилганлар химия, физика ва олий математикага оид мураккаб таърифларни осонроқ талаффуз этишлари мумкин. Ростдан ҳам қадимги дунё ҳукмдорларининг исмлари шу қадар қийин эдики, уларни тўғри талаффуз қилиш учун одам сеҳргарлик қудратига эга бўлиши керак. Бу исмлар фақат қийин бўлибгина қолмай, менимча, ҳокимларга муносиб исмларга сира ўхша-

мас эди. Марҳамат қилиб ўзингиз айтинг-чи, агар қиролнинг исми Успретезен, Чандрагупта, ёки Кудурнагупта бўлса, нима дейсиз? Ўз қиролини: «Яшасин Успретезен Биринчи жаноб олийлари, яшасин малика Успретезеница жаноб олиялари!» деб табриклаётган халқнинг шавқ-заъқини бир тасаввур қилиб кўринг. Айниқса, агар бутун бир успретезенлар сулоласининг Миср халқлари гарданига миниб, шу даҳшатли ном билан давлатни икки юз йилга яқин бошқаргани ҳисобга олинса, бундай номлар ҳатто подшонинг мутаассиб ихлосмандларида ҳам нафрат уйғотмаслиги мумкин эмас.

Битта ёки иккита сулола бўлса ҳам майли эди-я, ҳолбуки, қадимги дунё тарихининг бари мана шундай даҳшатли номлар билан тўлиб-тошиб ётганидан қадимги асрлардан ўтишга нисбатан, американинг чангалзор ўрмонларидан ўтиш минг марта осон. Эҳтимол, гимназистларнинг қанчадан-қанча авлодини қийнаган ўша толёи паст Артаксеркс эсингиздадир? Бу номни эшитгунга қадар биз: «Бир туп тут, бир туп турун, бир туп турун бир туп тутни туртиб турибди, бир туп тут бир туп туруни туртиб турибди», сингари тез айтишларни ёдлаб, оғзимиз бичилиб кетган эди. Аммо Артаксеркс номини эшитишимиз ҳаммоно, барча тез айтишларни йиғиштириб, шу исм устида тил қалдиратиб, гаров ўйнай бошладик. Беш-олти бола давра қуриб ўтиради, банкка ҳар ким биттадан тугма қўшади, кимда-ким «Артаксеркс» сўзини тўғри айтса, банкни ўша уриб кетади.

Турган гап, бизни роса қийнайдиган номларни эсда сақлаб қолишнинг бошқа усуллари ҳам бор эди.

Бизнинг вақтимизда футбол, теннис ёки спортнинг ҳозирги бошқа бирор тури ҳақида ҳеч қандай тупунча йўқ эди. Биз копток, қул-қул ва эшак-эшак ўйнардик. Копток ўйини ҳақида шуни айтиш керакки, бу деярли спорт ўйини эди; қул-қул ўйинини таёқ билан ўйнардик ва деярли ҳар гал кимнингдир бошини ёрардик; учинчи ўйин, эшак-эшак ўйини, бизга турклардан холва ва мороженое билан бирга эсдалик бўлиб қолган эди. Бу ўйин шундан иборат эдики, ўйинни олиб бораётган бола энгашиб турарди, қолган ҳамма бола унинг бирор жойига оёғини, гавдасининг бирор жойини теккизмасдан сакраб ўтарди. Беш-олти бола тўпланиб, доира тузардик-да, «игис, ипик, ушур, тошидушур, сойле, манойе» ва ҳоказо, ёки: «ендем, дину, саракатину, саракатика, така, елем,

белем, буф!» каби маъносиз сўзларни айтиб, ҳисоблай бошлардик. Охириги «буф!» сўзи тўғри келган бола турк ҳолатига кирарди, қолган барча болалар унинг устидан сакраб ўтар, ҳар сафар сакраб ўтганда тахминан: «Енид-жайес, манджебиргебирговец, бир мамузлари, бир капаклари, бир топузлари ва ҳоказо сўзларни бақириб айтишарди. Бир куни бошимизга ажойиб фикр келиб қолди. Биз ёдлашимиз керак бўлган ўша тарихий номлардан эшак-эшак ўйинида фойдаланмоқчи бўлдик. Тез айтишда маъносиз сўзлар ўрнига ўтмишдаги ҳукмдорлар: Клеомброт, Киаксар, Асаргаддон, Сенахериб, Сезострис, Тахарака, Каракалла, Артаксеркснинг номларини ишлата бошладик. Охириги «Артаксеркс» сўзи тўғри келган бола энгашарди, бошқалар эса, Кудурнагупта, Чандрагупта, Ассурбанипал, Навуходонсор, Тиглатпаласар, Набопаласар, Агесилай, Аменемхет, Успретезен каби ҳукмдорларнинг номини бақириб айтиб, унинг устидан сакраб ўтишарди.

Шу тариқа ўйиндан фойда чиқадиган қилдик. Ҳукмдорларнинг исмларини ўрганиш йўлини топдик, ўйиндаги аввалги бемаъни сўзларни янги, жуда янгроқ сўзлар билан алмаштирдик ва бу қудратли ҳукмдорларнинг ақалли бирор фойда келтиришига имкон туғдирдик.

Шу тариқа тилимиз чиқиб, ростини айтганда, гимназияда ўқитиладиган фанларнинг энг қизиқарлиси ҳисобланган тарихни ўрганишга киришишга ўзимизни тайёр деб ҳис қилдик.

Маълумки, тарих қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи ҳамда янги тарихга бўлинади. Қадимги тарихга, тарихдан олдинги даврлар, гўё бир муқаддимадек бўлиб киради, янги тарих кетидан кейин эса, одатда китоб охирида босиладиган матбаа хатоларига тузатиш сингари энг янги тарих баён қилинади. Революциядан бошланган энг янги тарих аслида китобдаги матбаа хатоларига ёки, тўғрироғи, ўтган асрлардаги сиёсий хатоларга тузатиш демакдир.

Агар дарсни билиш мажбуриятидан қутулган одам тарихга назар ташласа, унинг кўз олдига тахминан мана бундай манзара пайдо бўлади: Қадимги дунё тарихи — аҳромлар қуриш, давомли ва сермазмун суҳбатлар, фалсафа сотиш, кўп худоларга ва кўп хотинларга сажда қилиш.

Ўрта асрлар тарихи — ягона худога, ишониш ва

мана шу ягона худо туфайли доимий урушлар ва қон тўкишлар. Хотинларга сажда қилиш, хотинлар туфайли доимий кураш ва бир-бирини ўлдиришлар.

Янги тарих тарихий сохтагарликдан бошланади-ю, бироқ тарихни сохталаштириш билан тугайди.

Тарихчилар янги тарих буюк воқеадан, яъни Американинг кашф этилишидан бошланади деб ҳисоблайдилар. Бироқ, мана шу воқеанинг барча оқибатларига қараганда Американи бизлар эмас, балки, Америка бизларни кашф қилганга ўхшайди. Америкаликлар худди мана шу нуқтага назарда турадилар ва Американинг очилиши ҳақидаги барча гаплар тарихий сохтагарликдан бўлак нарса эмас, деб даъво қиладилар. Бир неча йил муқаддам мен Марк Твен деган жуда ёқимтой бир америкалик жаноб билан танишган эдим. Бу киши лимонад сотишдан ташқари, бўёқхонада ишлар, сартарошлик қилар, бодринг мариновка қилиш учун сирка тайёрлар эди. Американинг кашф этилиши хусусидаги баҳс Марк Твен шу сиркани Американинг кейинги ютуғи сифатида таклиф қилган пайтга тўғри келди.

— Йўқ, афандим,— жавоб қилдим унга.— Америкадан сирка сотиб олишимизга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ деб ҳисоблайман. Бодринг мариновка қилиш усулини биз европаликлар кашф этганмиз, демак, сиркани ҳам бизлар кашф қилишимиз керак.

— Наҳотки?— ажабланади у.— Назаримда Американи ҳам сизлар шу таҳлит кашф этган бўлманглар тагин?

— Ҳа, афандим, бодрингни мариновка қилиш усулини биз европаликлар ўйлаб топганмиз, Американи ҳам бизлар кашф этганмиз.

— Ҳа, ҳа, ёдимда,— деди жаноб Твен назокат билан.— Сизлар бизларни кашф қилганингларда биз америкаликлар қанчалик хурсанд бўлиб кетганимизни бир кўрсангиз эди!

— Ростдан-а?!— ажабландим мен.

— Шундай. Биласизми, бизлар минг йиллаб кутиб, тоқатимиз тоқ бўлиб, бир-биримиздан: «Ахир бу одамлар қачон бизни кашф этишни истаб қолишаркин?» деб сўрардик. Ёдимда, кунлардан бирида биз томонга Христофор Колумб келганида менинг бобом уни: «Вой-бў, бунча ўзингизга илҳақ қилмасангиз!» деган сўзлар билан кутиб олган.

— Афв этасиз, бобонгиз қандай қилиб Колумбни учратган бўлсин?

— Ўзим ҳам доим ўзимдан шуни сўрайман, бироқ, биласизми, тарихчилар бир кун эмас бир кун ҳал этиб бериши мумкин бўлган бундай мавҳум ҳодисалар билан тарих ҳисоблашиши керак.

— Демак, сиз Колумбнинг буюк кашфиётини тан олмас экансиз-да?

— Ия, нега тан олмас эканман! Яқинда жаноб Джон Боутерс деган бир ошнам Америкадан Европага қайиқда сузиб ўтишга уриная кўрган эди, уддасидан чиқолмадики, бу ҳол Колумбнинг шуҳратига шуҳрат қўшади.

— Американи кашф этишни молиявий жиҳатдан татминлаган испан қироли Фердинанднинг ташаббуси ҳақида нима дейсиз?

— О, уни мен жуда қадрлайман, шуниси ҳам борки, бу ташаббусда Америка капитали ҳам қатнашган. Менда ҳозир ҳам қирол Фердинанд томонидан таъсис этилган «Американи кашф этиш жамияти»нинг еттита акцияси бор; гап ўртамизда қолсини, бизда, яъни Америкада бу акцияларнинг қадри жилла баланд эмас.

— Нега энди?

— Чамаси, биз, америкаликлар, Американинг кашф этилишидан норози бўлсак керак.

— Норозимиз дейсизми?

— Ҳа, Европа Америкадан қарз олиш учун ҳам уни кашф этганлигига тобора кўпроқ қаноат ҳосил қилмоқдамиз, марсликлар ҳам бизнинг тажрибамизни ҳисобга олиб, Европа Марсни кашф этмаслиги учун қўлларидан келган барча чорани кўраётганликларига менда ишонч пайдо бўла бошлади.

Менимча, жаноб Марк Твен мутлақо ҳақ эди, шунинг учун ҳам янги тарих тарихий сохтагарликдан, яъни бор дунёни кашф этишдан бошланди-ю, тарихни сохталаштириш билан тугади, деган эдим. Янги тарихнинг сўнги даври охирида битта ғалати тарихчи пайдо бўлди. Уни Наполеон Бонапарт деб аташарди. Наполеоннинг бошқа тарихчилардан фарқи шу эдики, у тарихни ёзган, балки, ўзи ясаган эди. У давлат чегараларини йўқ қилиб ташлар, монархияларни ағдарар, янги халқларни ўйлаб чиқарар ва янги давлатлар барпо этар эди. У тарихнинг гениал сохталаштирувчиси эди. Бунга биз Болқон аҳолиси жуда ишончли далиллар кўрсата оламиз. У шунақанги тарихий жанжал ясадики, ишқилиб, у ер қурраси шаклини ўзгартиришга жазм қилиб қолмасайди, деб, бутун

оламнинг ўтақаси ёрилди. Гарчи Бонапартнинг бутун фаолияти энг янги тарих даврида давом этган бўлса ҳам, ҳар қалай, у ўзининг таваллуди учун ўтган даврдан қарздор эди.

Эътироф қилишим керак, биз, гимназистларга барча тарихий даврлар ичида тарихдан олдинги даврлар жуда ёқар эди. Чунки у даврларда давлатлар ҳам, подшоҳлар ҳам, йилномалар ҳам, ёзув ҳам йўқ эдики, уларни ёзиб олиб, кейин ўзлаштириш лозим бўлса. Агар инсоният тарихи кейин ҳам шу йўсинда ривожланиб борганда эди, у сира ҳам мактабда ўқитиладиган фан бўлмас эди. Агар одамлар орасида тарихчи деб номланган алоҳида маъза пайдо бўлиб, зараркунанда бактериялар сингари тез урчиб кетмаган тақдирда ҳам тарих мактабда ўқитиладиган фан бўлмас эди. Ҳар нарсага қизиқиши ва сабр-тоқати зўрлигидан кўзини парда босиб қолган бу кишилар эски китоблар ва чириб кетган пергаментлар саҳифаларида кундай ўрмалашди, тошларни ағдаришди, қалъа деворларига чиқишди, вайроналар орасида дайдишди, пойдевор ва гўрларни қазиб очишди ва гусли садолари остида тинглаш аллақанча ҳузур бахш этадиган тарихни гармондай чўза-чўза, мактаб фанига айлантиришди. Қадимги замонларда ва ўрта асрларда тарихчилар кам бўлган, худого минг қатла шукурки, ҳамма нарса ёзиб қолдирилмаган, бу ҳолат қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихини ўрганишни енгиллаштиради. Масалан, бизга қадимги дунё тарихидаги: «У давр воқеалари тарихга яхши маълум эмас», ёки «Юз йиллар билан ўлчанадиган антик даврнинг иккинчи ярмини номаълумлик зулмати қоплаган. Чунки ҳеч қандай обидалар сақланмаган» сўзлари билан бошланадиган дарслар шунақанги ёқардики, асти қўяверасиз.

«Номаълумлик зулмати қоплаган» жумласи ўқувчилар учун шу қадар ёқимли ва қулай эдики, агар тарихга кирган кўп воқеалар ана шундай номаълумлик зулмати билан қопланганида балки, ўқувчилар учун ҳам, қадимги халқлар учун ҳам яхшироқ бўларди.

Бироқ янги тарих воқеаларини қайд этиш жуда кучайиб кетган. Ҳар бир тарих ўқитувчиси бирор нарсани қайд этишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Ана энди сиз дунёда қанча тарих ўқитувчиси борлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Аммо гап ҳар бир ҳодисанинг бутун тафсидоти билан ёзиб борилишидагина эмас, балки, илгар

умуман эътиборга олинмаган жойлари ҳам тарих алғовдалғовларига аралаштирилишидадир. Қадимги замонларда тарих фақат Шарқда ривожланган, бироқ кейин у аста-секин барча қитъаларга тарқалган, ниҳоят дунёнинг энг ташландиқ бурчакларига ҳам кириб бориб, бутун дунёни эгалламагунча қўймаган. Ана энди сиз келгуси асрларни кўз олдингизга келтириб кўринг. Унда тарихчилар ворис шаҳзода Нюканука жаноб олийлари тахтга ўтириш учун ўз отаси қирол Путафута жаноб олийларини тириклай сихга тортиб, уни бутун қирол ҳукумати билан биргаликда еб юборгани ёки қиролича Папарука жаноб олиялари ўн еттинчи эрининг бошини кесиб, ўн саккизинчи эр қилганини ва уни Сисогора Биринчи номи билан қирол деб эълон қилинганини қайд қилиб боришга мажбур бўлишди. Тарихимиз яна беш юз йиллардан кейин қандай бўлишини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Қанча жилд китоблар, қанчадан-қанча номлар, қанчадан-қанча саналар ва қанақанги хилма-хил воқеалар бўлади! Яна тўрт-беш юз йилдан сўнг тарих ўқийдиган боёқш гимназистларни бир кўз олдингизга келтиринг-а! Мен ўша осийлар ҳақида ўйлар эканман, Мидҳад пошшонинг адолатли ҳукми ҳақида тўқилган эртақдаги лўли сингари уларнинг тақдиридан заҳарханда қилардим.

Ниша шаҳрининг губернатори Мидҳад пошшо ўғри ва талончиларни жуда қаттиқ жазолар экан. Ҳатто бир жуфт жўжа ўғирлагани учун ҳам ўғрини бозор майдонида дорга остирар ва жиноятчи нима сабабли қатл этилганини ўткинчилар кўрсин деб, осилган одамнинг ёнига ўғирланган буюмни қўйишни буюрар экан. Кунлардан бир кун Мидҳад пошшонинг ёнига уч лўлини олиб келишибди. Улардан бири мева, бошқаси тухум, учинчиси тарвуз ўғирлаган экан. Пошшо уларни саф тортдириб, биринчисига мевани, иккинчисига тухумни, учинчисига тарвузни бериб, чайнамай ютишни буюрибди. Биринчи лўли осонгина ютибди-да, хоҳолаб кулиб юборибди.

— Нега куласан? — деб сўрабди пошшо.

— О, лутфу карамли пошшо, мен учинчи лўлининг аҳволига куляпман: у тарвузни қандай ютаркин?

Тўрт-беш юз йилдан кейин тарих ўрганадиган гимназистларни ўйлаганимда мен ҳам худди ўша лўлига ўхшаб куламан. Биз-ку, мевани бир амаллаб ютиб юбордик, бироқ кейинги бечора осийлар тарвузни қандай ютишаркин?

Бутун дунё тарихидан ташқари биз Сербия тарихини ўқирдик. Бу тарих биз учун муҳим эди, уни ўрганиш ҳам осонроқ эди, бунга сабаб шу эдики, бу дарсда ўзимизни ўз уйимизда ўтиргандай бемалол ҳис қилардик, бундан ташқари, ўқитувчимизни жуда яхши кўрардик.

Ҳозир қандайлигини билмайману, лекин у вақтларда серб тарихи ўқитувчиси хизмат лавозимига кўра, улкан ватаншарвар бўлиши лозим эди. У барча дафн маросимларида қабр устида нутқлар сўзлар, барча тўйларда қадаҳ кўтариб гапирар, барча концертларда табрик хатларни ўқиб берар эди. Лекин қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, унинг барча нутқи одатда бундай деб бошланарди: «Мана, роса беш юз йилдан буён серб халқи чет элликлар зулми остида инграмоқда...» Душаннинг Вельбудж яқинида эришган ғалабаси ҳақида, ёки бошқа Неманичейларнинг ғалабалари ҳақида гапираётиб, гўё бизларни яккама-якка жангга чақираётгандай кўкрагига муштларди. Биринчи серб қўзғолони ва унинг қаҳрамонлари Синджелич, Раич, Зеки ва Кондаларга етиб борганимизда, у столга мушти билан шунақаям тушира бошладики, агар шу пайтда тўсатдан турк лашкарлари пайдо бўлиб қолса борми, албатта ўтакалари ёрилиб, тумтарақай қочиб кетишарди. Тарихнинг бу қисмини у гапириб бермасди, ашула қилиб юборарди. Халқ кўшиқларига навбат келганда у гўё тиззасида гусли бордай аста-секин ролга кириб, ҳатто бизлар билан ҳам ашула оҳангида гаплашарди:

Унча-бунча иш кўрган қаҳрамон бўлсанг агар,
Қани, ўрнингдан туриб, жавоб бер лўнда, содда
Эй, Живко, гапириб бер бурро қилиб сарлочин,
Ким бўлган эди Лука Лазаревич ҳаётда?

Келиб чиқиши Ужицк ўлкасидан бўлган Живко ўқитувчи билан ким ўзар ўйнашга жилла ҳам тоби йўқ эди-ю, лекин шундай бўлса-да, камончани қалб торларига уриб, у ҳам ашула билан жавоб берарди:

Ҳа, бизнинг Лазаревич Лука сингари
Ажойиб баҳодир жуда кам эди.
Шабодк ўлкасида оламга келди
Онаси — Еврасима, отаси — Тодор.
Шарафларга тўла ўн саккизинчи аср
Етмиш тўртинчи йил ўрталарида
Авлоднинг ғурури келди дунёга!

— Офарин, Живко! — қойил бўларди ўқитувчи, кейин унга беш қўйиб, бундай дерди:

Нутқи гўзал эди, маънодор, ўткир.
Шамшири ўзига содиқ ва кескир.

Бироқ, Живко қилган ишни қолганларимиз қилолмасдик. Масалан, бир сафар мёндан сараскар Конда ҳақида сўраганида ужицклики тасвирлашга роса уриндиму, удасидан чиқа олмадим. Мен бундай деб бошладим:

Бир вақтлар яшаб, Конда — сараскар,
Поломлея ёнидаги Македонияда.
Кичик Македонияда ҳукм сурганди
Сафар чоғи келса дарёларга дуч.
Соз кечик топарди иккиланмай ҳеч.

Турган гап, ўқитувчи бу ажойиб шеърга қойил қолмади, албатта. Бизга фақат кўзголон ҳақидагина шеър билан гапиришга руҳсат бериларди. Бошқа дарсларни физика ёки геометрия таърифлари сингари сўзма-сўз ёдлашимиз керак эди. Биз дарсларни шу қадар ёдлардикки, мабодо биронтамизни тунда уйғотиб сўрашса, сира тутилмай айтиб берардик. Ҳатто, шунча йил ўтиб кетганига қарамай, тарих ўқитувчисининг баъзи ҳикматли гаплари ҳозир ҳам эсимда турибди. Мисол тариқасида баъзи бирларини келтираман.

— Қирол Милутин* тўрт марта уйланган, лекин унинг бирдан-бир тарихий хизмати шундангина иборат эмас. Хотин олишдан ташқари у серб давлатининг чегараларини ҳам кенгайтирди ва ҳоказолар.

— Подшоҳи соҳибқирон Душаннинг заҳар бериб ўлдирилганига ҳозирги кунда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бунга қанчадан-қанча далиллар бор, бу далилларнинг биттаси шуки, у ўз ажали билан ўлмаган.

— Қирол Вукашин минг уч юз етмиш биринчи йили Марице яқинидаги жангда ҳалок бўлди. Бу унинг давлат ишларига бўлган таъсири тугашига олиб келди.

— Стеван Дечанский ёшмигида кўр бўлиб қолган эди. Бироқ, унда бошқа подшолар билан бўладиган ҳодисанинг тескариси рўй берди. Чунончи, Стеван Дечанский тахтга чиққан заҳоти кўзи очилиб кетди.

— Стеван Первовенчанний минг икки юз йигирма саккизинчи йил, йигирма тўртинчи сентябрда ўлди. Бироқ, шуни пазарда тутини лозимки, бу подшонинг сиёсий фаолияти унинг ўлиmidан илгарийёқ тутаган эди.

* Серб қироллари

Аммо, фан ҳам, ўқитувчи ҳам барчамизга жуда ёқишга қарамай, бу фанга нисбатан ўз гражданлик бурчимизни ҳис қилсак ҳам, мен у билан ҳечам муроа қила олмадим. Ўқитувчимиз доим: «Ўтмишга таянган одамгина келажакни қура олади»,— дер эди. Менинг эса, ҳеч қанақа ўтмишим, ҳеч қанақанги суянадиган нарсам йўқ эди, шунинг учун ҳам келажагимни қура олмаган бўлсам керак. Худди мана шу «ҳаёт муаллими» — тарих туфайли синфда икки йил қолиб кетдим. Бу эса, жуда ғалати ҳолатда рўй берди. Мен имтиҳонда подшо Урош Марице яқинидаги урушдан кейин ўлди деб қўйиб балога қолдим. Ана шунда бизга Урош ҳақидаги шеърни сурункасига етти марта ўқиб берган ва ҳар бир дарсда Вукашиннинг бўйнига тавқи лаънат осадиган ўқитувчи ўзини юлиб ташлади.

— Ҳой, инсон, ваҳотки, Урошни Вукашин ўлдирганини билмасанг?

— Биламан!

— Марицеда ҳалок бўлган Вукашин қандай қилиб у ердан келиши ва Урошни ўлдириши мумкин?

— Қаёқдан билай!

— Шунақами, билмайсанми, ундай бўлса, каникул вақтида билиб ол, кузда эса, имтиҳон топширгани келсан.


Дарҳақиқат, мен ёз бўйи тарихни ўқидим, бироқ, кузда имтиҳон топширгани келганда Вукашин Урошни ўлдирди дейиш ҳолва эканку, ундан ҳам зўрроқ гапларни айтдим. Масалан, Вукашин Урошни икки марта: бир марта Марице ёнидаги жангдан олдин, иккинчи сафар эса жангдан сўнг ўлдирди дедим. Учинчи марта «қирол Вукашин подшо Урошни ўлдирди» деб жавоб берган Панто Сречковичнинг фикрига қўшилиб, ўқитувчини мамнун қилишда яна ҳам илгарилаб кетдим, бироқ, менинг сулҳ-парварлигим иш бермади, натижада яна бир йил ўша синфда қолишимга тўғри келди.

Мана ҳозир менда жуда қизиқ, шундоққина юридик савол пайдо бўлди, буни мен шу вақтгача ҳеч кимдан сўрамаган эдим, негаки, урушда отказилган зарарларни ундириб олиш масаласи кун тартибига қўйилмаган эди.

Кейинроқ, ўқишни тугатганимдан сўнг, тарихчилар Вукашин Урошни ўлдирган бўлиши мумкин эмас, чунки, Урош Марице ёнидаги жангдан кейин ўлган деб исбот қилишди. Мен тарихдан бўлган имтиҳонда худди шундай

деб жавраган эдим, шундай бўлса ҳам мени иккинчи йилга қолдиришди. Энди шундай савол туғилади: давлат охири кунларгача ўз тарихини билмаганлиги туфайли мен йўқотган уч юз олтимиш беш кунни ким тўлаши керак?





ГЕОГРАФИЯ

Географияни ўрганишда йўл кўрсаткичлар ва поездлар жадвали катта ёрдам беради. Мактабда географияни ўргана олмаган барча кишилар бу керакли китоблардан фойдаланадилар. Улардан фақат давлат чегаралари, шаҳар, тоғ ва дарёларнинг катталигинигина эмас, балки, жуда кўп бошқа қизиқ маълумотларни ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, бу китоблардан сиз файтунда юриш баҳосини, меҳмонхона номерларининг нархини ва ҳатто, чегара таможняларининг қаерга жойлашганини ҳам контрабанда йўли билан олиб келмоқчи

бўлган нарсаларингизни яшириш учун олдиндан билишингиз мумкин. Шуниси ҳам борки, гимназияда ўтиладиган география дарсликларига бу маълумотлар мутлақо йўқ.

Бироқ, мана шундай ажойиб китоблардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, гимназияда айрим ҳодисаларни тушуниш учун зарур бўлган ақалли ибтидоий, бошланғич маълумотларни олишингиз керак. Мана шундай маълумотлар жумласига масалан, дарёларнинг ҳаминша ирмоқлардан бошланиб қуйи томон оқиши, Ер Ойдан қанча узоқда бўлса, Ой ҳам Ердан шунча узоқда эканлиги, тоғлар текисликларга қараганда доим баланд бўлиши, кўллар чуқур ҳам, юза ҳам бўлиши мумкинлиги, улар ҳар томондан ер билан ўралган бўлиши ва бошқалар киради.

Бундан ташқари, ернинг юмалоқ эканлиги ҳам асосий маълумотлар қаторига кирадики, буни ўқитувчимиз барча воситалар ёрдами билан тушунтиришга уринган эди.

Маълумки, болалар худога яқинроқ бўлганлиги туфайли динга ҳам яқинроқ бўлади. Дунёнинг чексизлиги ҳақида ақл бовар қилмайдиган афсонани болалар билан дин биргаликда яратишган. Буни ҳатто дунёнинг охирига етиб бориб, оёғини чексизликка осилтириб ўтирган ва кейин ўша чексизликка маза қилиб тупурган одам ҳақидаги эртақ ҳам парчалай олмади. Энди бўлса, оламнинг чексизлиги ҳақидаги тасаввуримизни ҳам, унинг чеккаси ҳақидаги афсонани ҳам, бир зумда Ер коптокдай юмалоқ, у ҳавода турли-туман муаллақ ҳолатлар ясаб, жиннидай гир-гир айланади, деган эътиқодга алмаштиришимиз керак. Ўқитувчимиз сон-саноқсиз далилларга суяниб, бизни шунга ишонтиришга уввало унаб кўрди. Бироқ, бу далиллардан биронтаси ҳам бизларни ишонтира олмасди.

— Ер шакли шарсимонлигининг биринчи исботи шундаки, — дер эди ўқитувчи, — Қуёш, Ой ва бошқа ҳамма сайёралар — юмалоқ, демак, Ер ҳам юмалоқ бўлиши керак.

Бу далиллар мустаҳкам мантиқдан холи эмаслигига шак-шубҳа йўқ, бироқ, бу нарса биз болалар учун:

— Пароход, қайиқ ва тарвуз пўсти ҳавонинг қаршилигини кесадиган шаклда бўлгани учун, ботинка ҳам ҳаво қаршилигини кесадиган шаклда бўлиши керак, — дейиш билан баравар эди.

Ернинг шарсимон эканлиги ҳақидаги иккинчи ва учинчи далиллар ҳам бизларга тушунарли эди. Кемага тушиб денгизда саёҳат қилаётганда, Ерга яқинлашишнинг билан биринчи навбатда тоғ чўққиларини кўрасан ва аксинча, қирғоқда туриб денгиздаги кемага кўзинг тушса, аввал мачтани, шундан кейин кемани кўрасан.

— Болалар,— деб сўрарди ўқитувчи бу далилларни изоҳлашга киришаётиб.— Денгизни кўрганмисизлар?

— Йўқ!— деб жавоб берамиз ҳаммамиз барабарига.

— Жуда соз! Ундай бўлса, денгизни ва ҳали кўринмай олис-олисларда сузиб юрган кемани кўз олдингларга келтиринглар, хўш, денгизни кўз олдингларга келтирддингларми?

— Ҳа!— деб жавоб берамиз, бироқ кўз олдимизга қандай келтирганимиз фақат худонинг ўзига аён.

— Хўш, ҳозирча кўринмаётган пароходни кўз олдингларга келтиряпсизларми?

— Ҳа!— деб жавоб берамиз, гарчи кўринмаётган пароходни сира-сира тасаввур қила олмасак ҳам.

— Хўш, энди, Милан, айт-чи, пароход яқинлашаётганда энг аввал нимани кўрасан?

— Тутунни, муаллим афанди!— ишонч билан жавоб беради Милан.

— Тутун, яхши... Тутунни кўряпсан дейлик,— давом этади Миланнинг жавобидан ҳайрон бўлиб қолган ўқитувчи.— Маълумки, пароход тутун чиқараётган бўлса, тутунни кўрасан, борди-ю, у тутун чиқармаётган бўлса нимани кўрасан? Пароход соҳилга яқинлашиб келяпти деб фараз қилайлик, бироқ у тутун чиқармаяпти. Унинг яқинлашиб келаётгани нимадан маълум бўлади?

— Гудогидан,— камоли ишонч билан жавоб беради Милан.

Гарчи тўртинчи далил барча далиллар ичида энг ишончлиси бўлса-да, бу масалада ҳам аҳвол чатоқ эди. Бу далил бўйича, агар бирор кимса бирор жойдан чиқиб бир томонга юраверса, юраверса, юраверса, у пировардида яна ўзи йўл бошлаган жойдан чиқиб қолар эди. Биз бу далилни ўзимизча бундай тасаввур қилардик: масалан, мен гимназиянинг биринчи синфидан чиқиб кетавердим, кетавердим, кетавердим, бир неча йилдан кейин эса ўртоқларим тўртинчи синфда ўқиётган пайтда мен яна ўша биринчи синфдан чиқиб қолдим. «Бирор кимса йўлга чиқди» сўзи бизлар учун: «Агар ҳеч бир кимса йўлга чиқма-

са, унда, Ер шаклининг шарсимонлигига далил ҳам бўлмас эди», деган маънони берарди.

География ўқитувчимиз кўрғазмали таълим система-сига амал қилгани туфайли бошқа барча ҳикматларни жуда тез эгаллаб олди.

Бизнинг гимназияда кўп йиллардан бери директорнинг кабинетига китоб шкафининг устида турадиган глобус бўларди. Глобус шу қадар аянч аҳволда эдики, унга ачинмасдан қараб бўлмасди. Унинг ўқи шу қадар қийшайиб қолган эдики, тажриба ўтказилаётганда, ўқитувчининг гапи рост бўлса, глобус ҳаммиса Ер айланадиган томоннинг тескарисига қараб айланарди. Глобусдаги Шимолий Американи жуда катта сибҳ доғи бекитиб турарди, шунинг учун ҳам, биз Қора денгиз худди шу ерда жойлашган бўлса керак, деб ўйлардик. Африканинг ўрнида бўлса, жуда катта тешик бор эди. Инглизлар фиръавлларнинг эҳромларини қидириб Африкани бошдан-оёқ илма-тешик қилиб ташлаганми, ёки бирор Америка экспедицияси Жюль Верн кўрсатган йўллардан юриб Ер қаърига кирганми, буни ҳеч ким билмасди. Аммо, аслида бу тешикнинг пайдо бўлишига ўқитувчилар сабаб бўлганлиги кўпроқ аҳтимолга яқин. Чунки, улар танаффус пайтларида сиёсат масаласини муҳокама қилганда глобусдан далил сифатда фойдаланишарди.

Дурустроқ глобус бўлмагани учун ўқитувчи бизларнинг ўртоғимиз Сретен Йовичнинг бошидан фойдаланар эди. Унинг боши шунақанги катта эдики, худди юрадиган глобусга ўхшарди.

— Сретен, бу ёққа кел! — дарс шундай сўзлар билан бошланарди. Бу сафар ўқитувчи кун билан тун алмашишини тушунтирмоқчи бўлди. — Бу ёққа, дераза ёнига келиб тургин, сенга қуёш тушиб турсин.

«Глобус» партадан туриб, дераза ёнига келади.

— Агар ўнг бетингни қуёшга ўгирсанг, бошингнинг ўнг томондаги ярми ёруғ бўлади, чап томони эса, соя бўлади. Шундайми? Яхши, энди, чап юзингни Қуёшга ўгир. Кўрясанми, чап томонинг ёруғ бўлди, ўнг томонинг эса, соя.

Ўқитувчи қутбнинг нималигини ҳам худди шу йўсинда, Сретеннинг боши ёрдамида тушунтиради.

— Мана бу жой, — ўқитувчининг кўрсаткич бармоғи Сретеннинг чаккасига тиралди, — бу жой Шимолий қутб. Бу ерда ҳаммиса қиш бўлади, ҳеч қандай гиёҳ ўсмайди,

ҳамма нарса яхлайди, бирор нарса пайдо бўлган тақдирда ҳам бир зумда умри тугайди. Хуллас, бу ерлар ҳали текширилмаган.

Бошқа бир сафар ўқитувчи географияга ишқибозлиги ва Ер шаклининг шарсимонлигини тасдиқлаш учун бир нуқтадан чиқиб, доим бир томонга юриб, яна ўша нуқтага қайтиб келган саёҳатчининг йўлини яна Сретеннинг бошида кўрсатди. Ўқитувчи кўзга ташланадиган белги сифатида Сретеннинг бурнидан йўлга чиқди. Ўқитувчи тахминан тушунтирди:

— Бурунни бошланғич нуқта деб оламиз,— ўқитувчи бурундан чап қулоққача бўлган масофани тирноғи билан кўрсатди — ва Шарқ томонга, яъни, оламнинг Қуёш чиқадиган томонига йўналамиз. Кейин биз... Сретен, қулоғингни қачон ювасан ўзи? Худди чўчқахонадан чиққандай қулоғингни қасмоқ босиб кетибди... Кейин, ер куррасини айланиб ўтамиз ва қарама-қарши томондан чиқамиз... Сретен, ўтган дарсда айтувдим-ку, сочингни олдириб кел деб. Нариги томонда ёввойилар яшайди, лекин, бармоқларимни бунақа пўпанак сочга теккизиб, ифлос қилмоқчи эмасман... Бизда кундуз бўлганда, нариги томонда кечаси бўлади ва, аксинча, бизда кечаси бўлганда нариги томонда кундуз бўлади. Шундан кейин биз яна юраверамиз, юраверамиз, ўнг қулоқ устидан ўтамиз, яна нари кетаверамиз, кетаверамиз, кетаверамиз ва мана, ниҳоят, ўзимиз йўлга чиққан ўша бурунга қайтиб келамиз.

Сретен ҳаммамизга жуда ёқарди, у бизга рostaкам кўргазмали қурол бўлиб кўринарди, биз унга шу қадар ўрганиб қолган эдикки, унинг боши ҳақиқатан ҳам ер куррасини акс эттирувчи глобусга ўхшарди. Унинг ҳурпайган сочлари биз учун ёввойи ҳайвонлар билан тўлган тайгани, пепонаси ҳайдаб қўйилган миср текисликларини, бурни тик Ҳимолай тоғ чўққисини, бурнидан оқаётган икки ариқча эса, оғизга қўйилишдан олдин бир дарё бўлиб бирлашадиган Дажла ва Ефротни эслатарди.

Биз Сретеннинг боши глобус эканлигига шу қадар ишониб кетган эканмизки, бир кунг Станко Милич ўйин вақтида Сретеннинг бошини ёриб қўйиб, ўқитувчи ундан нега бундай қилдинг, деб сўраганда:

— Мен географияни ўргандим,— деб жавоб берди.

Шундан кейин, ўқитувчи Станко Миличнинг бошидан кўргазмали таълим учун эмас, балки, мактаб кўргазмали

қуролини ишдан чиқаришга бўлган ҳавасимизни йўқотиш учун фойдалана бошлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, география ўқитувчимизнинг қўли жуда оғир эди-ю, лекин уни тез-тез ишга солиб турарди. У ер ҳақида, дарёлар, тоғлар ҳақида, кўллар ва денгизлар ҳақида сўзлаётганида бир оз ўзини тутиб турарди-ю, бироқ коинот ва сайёраларга гал келганида шу қадар кўлларини силкитар, шу қадар юзимизга тарсиллатиб туширардики, назаримизда гўё коинотда самовий жисмларнинг тўқнашуви натижасида ҳалокат рўй бераётгандай бўларди.

Бир кунни қуёш тутилишини тушунтираётганда бир варакайига учтамызни доскага чақирди.

Аввал орамизда энг каттамыз Живко доскага чиқади. Мўйлови сабза уриб қолгани учун барча ўқитувчилар унга уйланишни маслаҳат беришарди. Ўқитувчи уни ҳаммамизга кўринадиган қилиб турғизиб қўйди.

— Живко, ўзинг ғирт энак бўлсанг ҳам, ҳозир Қуёш вазифасини бажарсан.

Кейин, қолганларга қараб, деди:

— Диққат билан кузатинглар! Живконинг бошини Қуёш деб фараз қиламиз. У Ер билан Ойни ёритади. Ҳар вақтдагидай Сретеннинг боши Ер бўлади, хўш, Ой ўрнига иккинчи партадаги анови миттини оламиз.

Иккинчи партадаги ўша митти мен эдим.

— Хўш, энди бу ёққа қаранглар: Қуёш ҳозир Живко турган жойда эканида Ер Сретен турган жойда, Ой эса манови митти турган жойда бўлганида Қуёш нур сочиб, Ер билан Ойни ёритади. Шундайми, болалар?

Живконинг қандай қилиб ва нима билан ёритишига ҳеч кимнинг ақли етмаганидан ҳамма жим эди.

— Бироқ, — давом этади ўқитувчи. — Ер Қуёш атрофида айланаётиб, бир неча лаҳзага Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолади... Мана бундай!

Ўқитувчи шундай деб ҳаммамизни бир қаторга турғизади.

— Мана энди, кўриб турибсизларки, хумкалда Сретен манови миттини тўсиб қўяди, шунинг учун Живкодан чиқаётган нурлар унга тушмайди. Шу сабабли Ой тутилиши рўй беради. Тушунарлими?

— Мен тушунмадим, — деб минғирлади нур таратиши керак бўлган Живко.

Келиб-келиб нур таратиши керак бўлган Живко буни тушунмагани ўқитувчининг шунақанги жаҳлини чиқариб юбордики, у «қуёш»нинг бетига шарақлатиб тарсаки тортиб юборди. Ой тутилиши ҳақида жуда яққол кўргазмали тасаввурга эга бўлган гуноҳкор Живко кўзларини пирпиратиб туриб, шоша-пиша:

— Энди тушундим!— деб қолди.

Биргина Живко эмас, балки ҳаммамизга ҳам географиянинг бу қисмининг «физик» («жисмоний») деб аталishi бирданига равшан бўлиб қолди.

Ўқитувчи бизларга Қуёш системасининг тузилишини тушунтирганда ундан ҳам баттар бўлди.

— Олдинги дарсда доскага чиққан сайёралар, марҳамат қилсин,— деди у.

Бу сайёралар Живко, Сретен ва мен эдим.

— Сен, Живко, ҳаммага маълум, Қуёшсан. Мана бу ерда туриб, ўз атрофингда тинчгина айланавер. Сретен, сен ҳам ўз атрофингда, ҳамда айни вақтда Қуёш вазифасини ўтаётган Живко атрофида айланишнинг керак.

Шундан кейин у мени ҳам ўз жойимга турғазди.

— Сен, Ойсан. Ўз атрофингда айланасан ва шу билан бир вақтда Сретен атрофида айланасан, кейин у билан биргаликда Қуёш атрофида, яъни Живко атрофида айлан.

Ўқитувчи буларнинг ҳаммасини тушунтириб бўлгач, ҳайвонларни ўргатувчидай, таёқчани олиб, четга ўтиб турди. У бирортамиз хато қилсак, истаган вақтда бошимизга туширишга шай ҳолатда турар эди. Мана, унинг буйруғи билан айланиш бошланди. Живко ўз атрофида, бечора Сретен ўзи ва Живко атрофида, мен эса, ўз атрофимда ва Сретен атрофида, кейин у билан бирга Живко атрофида айланардим. Бироқ, биз бир марта айланиб улгурмай, кўз олдимиз қоронгулашиб, учаламиз ерга гупилаб қулаб тушдик. Аввал, мен — Ой йиқилдим, менинг устимга Ер қулаб тушди, Ернинг устига эса Қуёш ағдарилди. Шунақанги қиёмат бўлдики, Ой қаёқда, Қуёш қаёқда, Ер қаёқдалигини билиб бўлмасди. Қуёшнинг оёғи, Ернинг бурни ва Ойнинг қуймичи кўриниб турарди, холос.

Ўқитувчи эса, «кичик тўда» устида мағрур қиёфада турар, бизнинг дод-воймизга эътибор бермай, сайёралар системасининг тузилиши ва самовий жисмларнинг коинотдаги ҳаракатини тушунтирарди.

Ўқитувчи синфдан чиқиб кетаётди;

— Келаси сафар сизларга вулқон нималигини тушунтириб бераман,— деганида ҳаммамиз қанчалик ваҳимага тушганлигимизни тасаввур қилаверинг.

Уқитувчи ҳаминша кўргазмалилик системасига қаттиқ амал қилишини билганимиз сабабли янаги дарсда қайси биримизнинг қулоғимиз тагидан олов отилиб чиқаркин, деб ўйлаб, юрагимиз така-пука бўларди.





ТАБИИЁТ

Табиётга ёки табиий фанларга минералогия, ботаника ва зоология кирadi. Қолган барча фанлар, чунончи: математика, тарих, илоҳиёт, география, чамаси, нотабиий фанлар.

Минералогия масаласига келганда шуни айтиш керакки, қулинг ўргилсин тартиб билан терилган, номерланган ва бир текисда тахланган майда тош тўла қутичалар ҳаммамизга жуда ёқарди. Уқитувчи бу қутичаларни синфга олиб кирар, ҳар сафар дарс вақтида майда тошлардан битта-иккитаси ғойиб бўлиб қоларди.

Ботаникага ўқитувчилар сира зарурати бўлмаган лотин тилини тиқиштирамаганда, у ёқимли фан бўлиши ҳам эҳтимол эди. Эрталабдан кечгача: *Spinacia olagacea* *Raphanus satvus*, *Curecubita mole* деб ҳижжалайсан, бу сўзларни овоз чиқариб айтсанг, ҳеч бўлмаганда Горацийнинг мактубини ўқидётгандек бўласан, ҳақиқатда эса, бу сўзлар исмалоқ, турп, қовоқдан бошқа ҳеч нарсани англатмайди. Буни бизга ўсимликларнинг илмий номлари деб тушунтириб, бекорга овора бўлишарди, чунки, бундай тушунтириш, чалкашликка чалкашлик қўшарди. Округ бошлиғидай зотни ҳам оддийгина қилиб жаноб Яков Маркович деб аташади, унинг ҳеч қандай илмий номи йўқ. Бироқ, аллақандай бир турпнинг илмий номи ҳам бор экан, ваҳоланки, округ бошлиғи аллақандай турп эмаслигини ҳамма билади.

Шахсан мени, турпнинг лотинчада нима деб аталишини билишимдан қандай фойда бор? деган савол айниқса ҳайрон қолдирар эди.

Ахир мен бозорга бориб деҳқондан: «Азизим, бир бог *Raphanus sativus* неча пул туради?» — деб сўрашим мумкин эмас-ку. Ресторанда ҳам менга бир порция *Raphanus sativus* беринг дейишим мумкин эмас, борди-ю шундай деб сўраганда ҳам, ресторан эгаси унга оддий турпга нисбатан тўрт баравар қиммат ҳақ талаб қиларди. Гарчи сиёсий докладларда лотинча цитаталар бўлиши керак деган тартиб ҳукм сурса ҳам, мен ҳатто сиёсий докладларда ҳам бу сўзлардан цитата сифатида фойдалана олмасдим. Борди-ю, масалан: «Жаноблар! Жамятнинг ахлоқий кучи демократиядир деб сизларга қаттиқ ишонадилар, *Raphanus sativus...*» десам, бунинг маъноси: «Жаноблар! Жамятнинг ахлоқий кучи демократиядир деб сизларга қаттиқ ишонадилар, озингларга турп!» — деган маънони ҳам билдириши мумкин.

Модомки, бу лотин сўзлари сира истеъмоладан қилинмас экан, уни мактабда нега ўқитишади? Наҳотки, ботаника сингари қизиқарли фанга нафрат уйғотиш учун ўқитилса?

Айтганча, бизга табиёт дарси берган ўқитувчининг ўзи ҳам ботаникани, айниқса, минералогияни хуш кўрмас эди. Унинг фикри-ёди зоологияда эди, шунинг учун ҳам биз бу фанни муваффақият билан ўқирдик, зоологиядан жуда кўп фойдали билим олдим, деб бемалол айтаверсам бўлади.

Чувончи, мен одамнинг иккита, жониворларнинг эса,

тўртта оёғи борлигига, бироқ, курканинг оёғи иккита бўлса ҳам одам бўлолмаслигига зоология дарсларида қатъий ишонч ҳосил қилдим. Бундан ташқари, мен гарчи, кейинроқ бўлса ҳам «териси қалин» қанақа бўлишини билиб олдим. Мен яна эшак чидамли бўлишини, қўзи суйгунчаклигини, от олижаноблигини, йўлбарс қонхўрлигини, тулки маккорлигини, ит вафоли эканини, қуён қўрқоқ эканлигини, сассиқ кузан разиллигини, маймун масхарабозлигини, одам олий мавжудот бўлгани учун бу сифатларнинг ҳаммаси унда бир бутун ҳолда мужассамланганини билдим.

Модомики, бу фандан шунча фойдали нарсаларни билиб олган эканман, зоология ўқитувчисини эсламаслик ва унга қойил қолмаслик адолатдан бўлмайди, албатта.

Кишининг юз тузилиши, хулқ-атвори, ўзини тутиши ва қадди-қомати аксарият ҳаётда унинг истеъдодини белгилашини пайқаганмисиз? Инсон истеъдодини белгилайдиган бу хусусиятлар илк ёшликдаёқ кўринади. Чунончи, масалан, қисматига монахлик ёзилган киши ёшлигидаёқ ҳийлакорлиги, иштаҳаси зўрлиги ва бировларнинг чўнтагидаги пулни ҳисоблай олиши билан ажралиб туради, агар одамнинг қисматида полиция чиновниги бўлиш ёзилган бўлса, у ёшлигидаёқ бошқаларнинг гапига яширинча қулоқ солади ва ўртоқларини ўқитувчига чақади. Агар одамнинг қисматида ўқитувчи бўлиш бор бўлса, у ёшлигидаёқ керакли китобларни мактабга олиб келишни эсидан чиқариб қўяди, паришонхотирлиги туфайли ўзининг эски қалпоғи қолиб, бировларнинг янги қалпоғини кийиб кетади ва кейинчалик ўзи ўқитадиган фанни одатда ёмон ўрганadi.

Шунинг учун ҳам ҳамма нарса тескаридан келадиган вазиятлар айниқса кулгили бўлади: масалан, туғилган чоғида одамнинг пешонасига шоир бўлиш ёзилса ҳам, қассоб бўлади, ёки (бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради) туғилганида пешонасига қассоб бўлиш ёзилгану, лекин қарабсизки, шоир бўлади.

Баъзан кулгили томони шунда бўладики, кишининг истеъдоди ҳам, у ўзини бағишлаган иш ҳам бир-бирига мос тушади-ю, бироқ унда тегишли қиёфа, ўзини тута билиш, қадди-қомат бўлмайди. Масалан, хотинлар кўйлагини тикадиган тикувчини шу касб эгасининг бутун юриш-туриши билан бирга тасаввур қилиб кўринг-да, уни сизга бу одам пенсияга чиққан собиқ полк командир

дейишсин. Ёки иштаҳаси зўр, қорни ҳам шу иштаҳага яраша, узун гўштор қулоқли, гардани қават-қават бўлиб кетган, қўллари қассобникига ўхшаган кишини тасаввур қилинг-да, сизга уни композитор деб таништиришсин.

Бизнинг зоология ўқитувчимизни худонинг ўзи зоолог қилиб яратган эди; гўё у туғилган пайтда худо унинг бошига қўлини қўйиб, «сен албатта зоология ўқитувчиси бўласан!» — деган эди.

У найнов, ориқ, елкаси тор эди, унинг қўллари шу қадар узун эдики, худди тўрт оёқлаб юриб, яқиндагина тик туришни ўрганганга ўхшарди. Гапирганда томоғида нимадир гулт-гулт қилар, бу эса, худонинг ўзи кечирсини, худди кишнаётганга ўхшар, кулиши эса, эшакнинг хангра-шини эслатарди. Хуллас, одам эмасу, кўз ойнак таққан қирчанғи отнинг ўзи эди.

У бирор жонивор ёки уларнинг хусусиятлари ҳақида — отнинг олижаноблиги, чумолининг меҳнатсеварлиги, итнинг вафодорлиги, тулкининг ақллилиги, эшакнинг фалсафий чидами ҳақида ҳикоя қилганда шу қадар завқ-шавқ билан гапирар, уларнинг юксак фазилатларини шу қадар таърифлаб ташлардики, эшитган одам жонивор бўлгиси келиб қоларди.

Нафсамбирини айтганда, у бизларни одам деб ҳисобламас ҳам эди. Бизлардан бирортамизни ҳам туғилганимизда қўйилган исмибиз билан чақирмас, лекин ҳар биримизга зоология соҳасидан исм ўйлаб топган, унинг учун фамилиямиз ёзилган журнал йўқдек, бизларни лақабимиз билан чақирар эди. Тўғри, у журналга кўз ташлаб оларди ва қаламни рўйхат устида юргизарди-да, бирор фамилия ёнида тўхтаб:

— Ҳей, тўнғиз, қани, бир ҳурилла-чи, фалон нарса ҳақида нима биласан! — дерди.

«Тўнғиз» партадан туради, «думияни қисиб», доскага чиқади ва дарсни «хур-хур»лай бошлайди.

Бошқа бир ўқувчига эса у бундай дерди:

— Орангутанг, мен сенга бир қўяман; шундан кейин думинг узун бўлиб, исёнкор қуймичингни бекитса, ажаб эмас!

«Орангутанг» кўзларини цирпиратади, қулоғининг орқасини қачийди ва бизларга башарасини бурийштириб, жойи томон йўл олади.

Ўқувчилар билан шу усулда муомала қилишнинг яхши томони шунда эдики, биз деярли машаққат чекмай, кўп

нарсани ўрганиб олдиқ. Масалан, биз чўчқа ҳур-ҳурлаши-
ш, орангутангнинг қўймичи қизил бўлишини, сигирнинг
туғилишини (аранг-аранг учта туғдим), сассиқ кузан ёмон
ҳид чиқаришини, каккунинг бошқа уяга тухум қўйишини
ва бошқа кўп фойдали маълумотларни эслаб қолдиқ.

Бироқ ўқувчилар билан муомала қилишнинг бу усули
бизларга бошқа таъсир ҳам кўрсатди. Ҳар биримиз аста-
секин, сезмаган ҳолда ўз лақабимизга кўника бошладик,
ҳақат лақабга эмас, балки ўша ҳайвонга хос бўлган бар-
ча характерли хусусиятларга кўника бошладик. Турган-
гай, аввалига ҳар биримизнинг жаҳлимиз чиқди, лекин
кейинчалик тақдирга тан бердик, одатланиш шу қадар қуд-
рат касб этдики, қон-қонимизга сингиб кетди. Чунончи,
ўқув йилининг бошида ҳаракатчан, шўх бола бўлган
Люба-Фил, сезилмаган ҳолда аста-секин филнинг қилиқла-
р яни ўзлаштира бошлади, ўйламайдиган, ёқавайрон бўлиб
юрадиган, соддадиллик билан кўз қисадиган бўлиб қолди,
ҳатто унинг териси ҳам дағаллашиб, бурни нақ лабига
осилиб тушди. Йовица — Орангутанг ҳам илгари ўрни-
тагида бўлмаган бир қанча галати қилиқлар чиқарди.
Бўлар-бўлмасга қўлтиғининг тагини қашлар, кўз қисар,
ўртоқларига башарасини бужмайтирар, ва ҳатто, муштал-
чиш пайтларида қўли қолиб оёғини ишлатар, лиш этиб
партга устидан ҳатлаб ўтар ва ойнадан сакраб тушар эди;
стулда ўтирганида эса шу қадар типирчилардики, занжир
билан боғлаб қўйилса ҳам чакки бўлмасди. Средое — Ҳур-
ҳур ўзига лақаб берилган ҳайвон одатларини ўрганиш
учун жилла меҳнат сарфламади. Мактабга келгунчаёқ
эшакнинг баъзи одатларини ўзиники қилиб олган Йова —
Эшак эса мактабда чидамли бўлиш учун роса машқ қилди.
Барча ўқитувчилардан тапқари, бутун синф уни урарди,
аввалига унча-мунча парво қилган бўлса ҳам, кейинчалик
тақдирга шунақанги тан бердики, бевафо тақдирнинг
кажрафторлигига мардларча чидаш бера бошлади.

Бизга берилган зоологик лақаблар ҳаммага таъсир
кўрсатган эди, шунинг учун истасак-истамасак унга бўй-
сунардик ва ўша бизга лақаб бўлган ҳайвонга хос ода-
тларни ўрганар эдик.

Қизиги шундаки, кейинроқ, ҳаётга қадам қўйгач, шу
одатларни силлиқлашга ва йўқотишга қанча уринмайлик,
барибир олдинги нарсаларнинг баъзиларини сақлаб қолдиқ
ҳамда табиатимизга мос келадиган ва ёшлиқдан орттир-
ган кўникмалардан фойдаланишга имкон берадиган йўл

ва ҳунар танладик. Масала, Сима-Курка ўзини дипломатияга бағишлади ва бу соҳада анчагина муваффақиятга эришди; Йова-Эшак маориф министри бўлди ва бу соҳада қанчадан-қанча фойдали ислохотлар ўтказди; Пера-Лаққа балиқ Фанлар академиясининг аъзоси бўлди, у шу кунгача балиқ сингари лом-ним демайди; Спира-Зулук протоиерей бўлиб олди ва қизил тасма билан мукофотланганига ҳам анча бўлди; Тоша-Буқаламун сиёсатга шўнғиб кетди ва уни боплаяпти; Средое-Сассиқ кузан полицияга илиниб олган, у қаерда хизмат қилса, ўша ерда из қолдиради; Андро-Тимсоҳ васий бўлиб олиб, каттакон икки қаватли уй билан етти гектар ерни ямлаб юборди. Хуллас, ҳар ким ёшлигида олдиндан белгиланган йўлдан кетди.

Мен синфимиздаги болаларнинг энг кичкинаси эдим, шунинг учун ўқитувчи менга «сичқон» лақабини берган эди. Сичқон — бировларнинг дастурхонидаги ушоқ билан кун ўтказадиган, уни кўрганда хотинлар одатда қийқириб юбориб, юбқасини бекитиб оладиган уй жониворидир. Борди-ю, хотинлар тақдирнинг тақозоси билан мен кўрганда қийқириб, юбкаларини бекитиб олса, бунга чидан мумкин эди, бироқ, афтидан, тақдир менга буни эмас, балки сичқонларга хос бўлган бошқа бир хусусиятни берганди. Сичқон умр бўйи ўзгаларнинг дастурхонидаги ушоқ билан овқатланишига асосланиб, тақдир мени серб ёзувчиси қилди.





ЧЕТ ТИЛЛАР

Худди мен ўқитган вақтларда ўрта мактабларимизда асосий фан сифатида француз тили киритилган эди, бироқ ундан дарс бера оладиган ўқитувчилар етишмасди. Бироқ, бу ҳолат на мактаб бошлиқларини, на биз ўқувчиларни ҳам заррача ташвишлантирарди. Мактаб бошқармаси ўқитувчилар орасидан битта шўринг қурғурни ажратиб, унга биз билан француз тили ўрганишни топширди. Биз бундан хурсанд бўлдик. Негаки, бунақа дарс бизга чўт эмасди, Аксинча, француз тили

дарсларни бошқа фанлардан ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқариш ва дам олиш соатларига айланди.

Агар ўқитувчи вақт топиб дарсни билиб келса, бизларни роса терлатарди, борди-ю, у синфга тайёрланмай кирса, ишимиз юришиб кетарди, чунки унинг ўзи не-не гапларни гапирарди-ю, лекин француз тилига яқин келмасди. Масалан, у подшо Понтий Митридат VI ҳақида хикоя қиларди. Митридат VI Исо пайғамбар туғилишидан бутун бир аср муқаддам подшоҳлик қилган, йигирма икки тилни билган экан. Ўқитувчи ўзининг черногорлик бир ошнаси ҳақида ҳам гапириб берар эди. Бу киши бутун дунёни айланиб чиққан, бешта чет тилида гаплаша олган, лекин қайси тилда гапирмасин, черногор лаҳжасида гапирар экан. Ўқитувчи дарсга тайёрланиб келганида бўлса, лекция алоҳида суҳбат билан бошланарди. У суҳбатни ҳамيشа бундай деб бошлар эди:

— Болалар, француз тилига алоҳида диққат қилишинглар керак. Ораларингда, масалан, ташқи ишлар министри бўладиган ёки айтайлик, отельеда швейцар бўлишни орзу қиладиганлар учун бу тилни билиш жуда керак; ёдингларда бўлсин, француз тилини билмай туриб бунга эришолмайсизлар.

Мана шундай жиққа ҳикмат муқаддимадан кейин ўқитувчи Оллендорфнинг машҳур «Француз тилини ўқитиш методикаси» китобини рўпарасига очиб қўярди. Бу китоб ўша вақтларда биз ҳам, ўқитувчи ҳам француз тилини ўрганган бирдан-бир дарслик эди. Оллендорф методи бўйича ўқитувчи билан бизларнинг оралида мана бундай савол-жавоб бўларди:

Савол. Хотинингизнинг укасининг яхши сайрайдиган қуши борми?

Жавоб. Ҳа, хотинимнинг укасининг яхши сайрайдиган қуши бор.

Савол. Холаваччангиз жиянимнинг холаваччасига қариндош бўладими?

Жавоб. Ҳа, холаваччам жиянингизнинг холаваччасига қариндош бўлади.

Савол. Тоғанинг ичогини кўрмадингизми?

Жавоб. Ҳа, тоғанинг ичогини кеча битта олмага холамнинг боридаги курсида кўрдим.

Савол. Сизнинг акангиз французча гапиришни билардими?

Жавоб. Менинг акам французча гапиришни билмайди, лекин унинг қаламтароши бор.

Савол. Сизнинг опангиз пишлоқни яхши кўрадимиз?

Жавоб. Ҳа, менинг опам пишлоқни яхши кўради.

Француз тилини ўргатишда Оллендорф методининг гоят яхши эканини мана шу мисоллардан билса бўлади. Мен француз тилини Оллендорф методи бўйича ўрганган бир ёш дипломатни биламан. У бир расмий қабул мароси-мида мана бундай тахлитда гаплашган эди:

— Сизнинг мамлакатингиз бизнинг мамлакатимиз билан дўстона муносабатларда бўлишни хоҳламайдими? Ахир, нима учун сизнинг ватанингиз бизнинг ватанимизга, бизнинг ватанимиз сизнинг ватанингиз билан яхши қўш-ничилик муносабатларида яшашни хоҳлайди, деб айтмай-ди?

Ёш дипломат Оллендорфдан ўрганган француз тили билимини дипломатлар зиёфатида ҳам ишлатибди. Масала-ан, у бир кунни ўнг томонида ўтирган папанинг нунцийи-дан:¹

— Сизнинг опангиз пишлоқни яхши кўрадимиз? — деб сўрабди.

Бир сафар испан элчисининг хотини маркиза Иннес де Херера ундан:

— Инглизча гапиришни биласизми? — деб сўраганда, ёш дипломат Оллендорф бўйича жавоб беради:

— Йўқ, инглизча гапиришни билмайман, лекин флей-та чалишни биламан!

Немис тилини ўқишда анча қийналдигу, ўқитувчи жуда яхши тушунтиргани учунгина унинг уддасидан чиқ-дик. Ёрдамчи феълнинг аҳамиятини у қанчалик раво ва тушунарли қилиб тушунтирганинигина мисол тариқасида гапириб бераман.

— Ёрдамчи феъл, болалар, бу шунақа феълки, у бош феълга ёрдам беради. Масалан, мен токнинг тагини ковлаяпман, демак, мен «*ggeben*» феълман. Демак, «*ich g-geben*». Бироқ, *ggeben* нинг ўзи токнинг тагини кечгача ҳам ковлай олмайди. Кун қисқа бўлганидан улгуролмайди. Нима қилиш керак, илож қани? Ана шундан кейин *ggeben* ўзининг қўшнисини *haben* ни чақириб, унга: «*Барака топ-гур, қўшни haben, токнинг тагини ковлашга ёрдамлашиб юбор!*» — дейди. Раҳмдил қўшни *haben* рози бўлади ва

¹ Папа элчися.

иккаласи бирга ишлай бошлайди, мана шунда «ich habe gegraeben» пайдо бўлади; албатта, бундай вақтда haben ёрдамчи феъл бўлади, яъни graeben га ёрдамга келган феъл бўлади. Бироқ, graeben токнинг тагини ковлаган ўша кунгина қисқа бўлиб қолмай, йилнинг бошқа қисқа кунлари ҳам бор. Шундай қилиб, бир кунни graeben маккажўхорисини чопадиган бўлиб қолди. Ишлаб-ишлаб бундай қараса, қош қорайгунча барибир улгура олмайди. Кун қисқа бўлса, нима қилсин: «Нима қилиш керак?» — деб ўйлади у. — Яна haben ни чақирсам, бўлмайди, у ахир бир марта токимнинг тагини ковлашга ёрдамлашган эди. Шундан кейин graeben бошқа қўшнисини Werden ни чақириб қарор қилади. Ниҳоятда раҳмдил киши бўлган Werden илтимосга жон-дили билан хўп деб, қўшнисига ёрдамга келди. Улар биргаликда ишлай бошлайдилар, ана шунда: «ich werde graeben» бўлади. Бу ҳолатда werden албатта, ёрдамчи феъл. Хўш, қалай, гапимни яхши тушундингларми, болалар?

— Тушундик! — деб жавоб берамиз ҳаммамиз бараварига. Ҳақиқатан ҳам ўқитувчининг айтганларига жуда яхши тушунган эдик.

Кейинги дарсда ўқитувчи Сретен Йовичдан немис тилида ёрдамчи феъл деб нимага айтилади дея сўраганида, ҳаммасини яхши тушундим деб ўйлаган ўқувчи бундай жавоб берди:

— Ёрдамчи феъл дегани — қўшнилари дегани. Бирор одам токнинг тагини ўзи ковлай олмаса, қўшнисини чақириб, ёрдам сўрайди, қўшнисини рози бўлади, кейин биргаликда ишлашади. Бошқа сафар у яна маккажўхорисини ўз вақтида чопа олмаслигига кўзи етса, бошқа қўшнисини ёрдамга чақиради. Шунинг учун немис тилида ҳар қандай ёрдамчи феъл — қўшни дегани бўлади.

— Хўп, яхши, Сретен, — дейди ўқитувчи, — энди айтгин-чи, сен дарсни билмай қолганингда кимни ёрдамга чақирасан?

— Қўшним Живкони! — жавоб беради Сретен.

— Сен билан бир партада ўтирган Живконими?

— Ҳа!

— У сенга қандай ёрдам беради?

— Айтиб бериб туради.

— Нималарни айтиб бериб туради?

— Билмаганларимни.

— Бундан чиқдики. Живко ёрдамчи феъл экан-да?

— Шундоқ.

— Хайр, майли, ундай бўлса сен, ёрдамчи феъл, ўрнингдан тургин-да, Сретен унутган энг муҳим нарса нима-лигини ҳаммамизга эшитадиган қилиб гапириб бер.

— У шунни унутдики, — дейди Живко, — шунни унутдики, кун қисқа эди, шунинг учун ўша одам токнинг тагини ковлашга улгура олмасди.


Табиийки, бизлар фақат ёрдамчи феълни ўрганиш билан чекланиб қолмаган эдик. Бундан бошқа қийинчилик ва азоб-уқубатлар ҳам кўп эди. Масалан ўқитувчи бизга ҳар сафар ёдлаб келиш учун йигирмата сўз берар эди. Агар бу ишнинг уддасидан чиққудай бўлсак, ҳар биримиз оёқли чўнтак лугатига айланиб кетган бўлардик. Немс тили дарсидан олдин бўладиган ўн беш минутлик танаффус вақтида сифимиздаги қиёмат-қойимни бир кўз олдингизга келтиринг. Уй вазифаси қилиб берилган йигирмата сўзнинг ҳаммасини бир неча минут мобайнида ёдлаб, дарсдан кейиноқ унутиш учун синф шовқин-сурон кўтарар, бақирар, арининг уясидек ғувиллар эди. Умумий шовқин-сурон, бақирёқ ва ғувиллаш орасида: зертешен, ентвюрцельн, рикзихтслозигнайт, рикшритпартай, цвириштрумф, маркграфшафт ва шунга ўхшаш оҳангдор немисча сўзлар эшитилиб турарди.

Бу сўзларнинг маъноси бизларни қизиқтирмасди, чунки бу сўзлар ҳеч қандай маънога эга бўлмаслиги мумкин эмас ва бизларни қийнаш учун ўқитувчилар уларни ата-ийн топган деб ишонардик. Лекин, ҳар қалай, эътироф қилишим керакки, баъзан жуда оқилона ўйлаб топилган, бошқа сўзлар ҳам учраб қолардики, буларни ёдлаш осон бўларди. Афтидан, немислар иқтисодни кўзлаб, кўп сўзларга икки-уч хил маъно беришган. Бундан ташқари, ёдда сақлаш осон бўлиши учун бўлса керак, бу манолар маълум бир йўсинда ўзаро боғлиқ бўлади. Чунончи, масалан, «қалъа» сўзи немисчасига «Schloss» бўлади, ўша қалъа эшигига солинадиган қулф ҳам «Schloss» деб аталади. Ёки масалан, ҳалокат, вайроналик немисчасига «Verfall» дейилади, лекин ҳалокат сўзи билан яқин алоқада бўлган «тўлов бадали» ҳам немисчасига худди ана шу сўз билан айтилади. «Versetzen» «зарба бериш» демакдир, «буюмларни ломбардга олиб бориш» ҳам «Versetzen» бўлади. «Unterhalten» «кўнгул очмоқ»ни билдиради, айни вақтнинг ўзида у билан жуда яқин алоқада бўлган «боқмоқ» маъносини ҳам билдиради. Нафсамбирини айтганда, қизлар

билан кўнгул очган киши, табиийки, болаларни боқиш харажатины ҳам кўтариши керак.

Лекин бизга ҳаммасидан ҳам қондаларнинг истисноси кўпроқ ғам-ташвиш келтирарди. Буни бутун бир авлодимиз демасак ҳам, ҳар ҳолда бутун синфимизнинг суяги кўмилган гўр деса бўларди. Тўғри, бошқа грамматикаларда ҳам истиснолар бўлади, бироқ уларнинг маълум чегараси бўлади, немис тилида истиснолар шу қадар кўпки, буларни немислар душманни йўқотиш учун атайлаб ўйлаб чиқармаганмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Бундай бўлмаганда ҳам, бу билимни бошқалар билиб олишидан қўрқиб, немис тилини тиканли сим билан ўраб қўйганга ўхшаб кўринади. Бирор сўзга тилинг келишгунча ёки бирор қонданни ўргангунча жиққа терга ботиб кетасан. Доскага хурсанд бўлиб чиқасан, ёдлаганларингни мамнуният билан айтиб берасан ва мана, ҳозир ўқитувчи: «Яхши, жуда яхши. Ўтир!» дейишни кутасан. У бўлса бунинг ўрнига: «Хўш, энди менга айт-чи, бу қонданинг истиснолари борми, агар бор бўлса, қайсилар?» — дейди. Бундай вақтларда маза қилиб шафтоли шарбати ичиб турганингизда офицант: «Энди, мана шу тоғолчани еб юборинг!» деганидай кайфият пайдо бўлади. Немис тилидаги истиснолар дастидан жуда кам ўқувчини истисно қилганда, синфимиздаги болалар бу фандан дуруст баҳо олишмасди.





МАТЕМАТИКА

Жаноб доктор, илтимос қилман, болани яхшилаб кўриб қўйинг, аҳволдан жуда ташвишланыпман.

— Нима бўлди ўзи? Нимадан ташвишланыпсиз? Унда қанақа ўзгаришларни пайқадингиз?

— Бола илгари хушчақчақ, дилкаш эди, тўсатдан индамас ва қовоғини солиб юрадиган бўлиб қолди. Қандайдир паришонхотир, аввалгидай гаплашмайди, бирор нарса сўрасангиз эшитмайди, уйқусининг ҳам тайини йўқ. Ёмон тушлар кўриб чиқади, баъзан шунақанги даҳшатли туш-

лар кўрадики, каравотдан сакраб туриб кетади, бир амаллаб, аранг тинчитамиз.

— Ҳим! Ҳим!— дейди доктор ташвиш билан ва «Ёш беморни бу ёққа олиб келинг. Ўзим сўраб кўрай»,— деб қўшиб қўяди.

Ранги заҳил, силласи қуриган гимназист киради, доктор унинг у ёқ-бу ёғици ушлаб, баданига болгача билан уриб кўради, тиллини чиқазилшни буюради ва кўз жиякларини ағдариб кўради.

— Уйқинининг мазаси йўқми?

Гимназист тасдиқлайди.

— Тушинингга нималар киради, қанақа қўрқинчли тушлар кўрасан, шуларни гапириб беролмайсанми?

Гимназист қўрқиб, атрофга аланглайди, кейин қулфи дилини очиб гапирга бошлайди:

— Тушимда ўткир темир тишли, соч ўрнида илонлар ўсган, юрак ўрнида тўп ўқи бор, қўллари темир паншахага ўхшаган, қоронғида ёниб турган шиша кўзли, қорни буқа терисини эслатадиган, оғзидан ҳар хил рақам чиқариб турган аллақандай даҳшатли, баҳайбат махлуқни кўраман.

— Эй, бу математика-ку! Ҳа, ҳа, математиканинг ўзи!— ташвиш билан бошини қимирлатади доктор, ёшлигини эслаб.— Бу касални биламан, жуда яхши биламан. Ўзим ҳам шу касал билан оғриганман. Ухламаётганингда ўзинини қандай ҳис қиласан? Хотиранг яхшими? Масалан, бирор нарсани ёддан биласанми?

— Билардиму, эсимдан чиқиб қолди.

— Эҳтимол, бирор халқ қўшигини биларсан?

— Билардиму, эсимдан чиқиб қолди.

— Ёки, эҳтимол, бошқа бирор нарсани, масалан, шеърни биларсан? Билганингни айтавер.

Гимназист ўйлаб-ўйлаб, тўсатдан бошлайди:

— Пифагорнинг иштони, тенгдир ҳамма томони...

Доктор қошларини чимиради ва касалга аниқ диагноз қўйгандай беморнинг ота-онасига ўгирилиб, маслаҳат беради:

— Бунга қуритилган олхўридан компот қилиб беринглар, бирор спорт клубига ёздиринглар, бу йилги имтиҳонлардан албатта қулайди, деб тақдирга тан бераверинглар.

Грипп ёки зотилжамга қараганда хавфлироқ бўлган бу касаллик билан оғриганларнинг барчаси мана шунақа

беморлар эди. Ҳаммамиз қуритилган олхўри компоти пчпб, пмтиҳонларда қулашни бўйнимизга олиб бораверардик. Математика ҳаммамиз учун арвоҳга ўхшаш бир нарса эдики, тунда қоронғуликдан қўрқиб ухлай олмасдик, кундузи эса, биров уни эслатиб қўйса, дағ-дағ титрардик. Математика чексиз ва тубсиз денгиз эдики, бизларни чўкиб кетсин ёки фанқулодда куч сарфлаб қутулиб чиқсин деб, унга ташлаб юборишганди. Математика чалкаш лабиринтни эслатарди, бекордан-бекор дайдиб юриш, дам у деворига, дам бу деворига урилишимиз учун бизларни атайлаб унинг ичига итариб юборишган эди. У ваҳший ҳайвонлар макони — чаңгалзорга ўхшарди, биз унда адашиб-улоқиб юрар эдик, қандай чиқиб олиш мумкинлигини билмасдик. Биз худо хотинни жаннатдан қувганида туғиш балосига йўлиқтирганидек, эркакни ҳам математика балосига мубтало қилган бўлса керак, деб ўйлар эдик.

Шунинг учун кечалари даҳшатли тушлар кўришимиздан, халқ қўшиқларини, «Отче наш»ни, ақсарият ҳатто ўз исмига ҳам, фамилиямига ҳам, туғилган йилга ҳам ва ота-оналаримизнинг исмларини ҳам унутиб қўйишимиздан ажабланмас бўлади.

— Спира, қаерда туғилгансан? — деб сўрайди математика ўқитувчиси Спира Найдановичдан.

Спира ғиқ этмайди, кўзларини пирпиратиб, шифтга қарайди.

— Спира, қаерда туғилгансан? — қайтариб сўрайди ўқитувчи.

Спира ғиқ этмайди, кўзларини пирпиратиб, шифтга қарайди.

— Вой худойим-ей, нима, қаерда туғилганингни билмайсанми?

— Эсимдан чиқиб қолди.

— Унда нима эсингда бор? Қани, айт-чи, агар ҳатто туғилган жойингни ҳам билмасанг, нимани биласан?

Спира гўсатдан, худди пулемётдан отгандай бидирлаб кетди:

— А плюс В нинг квадрати тенг А нинг квадрати плюс икки АВ плюс В нинг квадратиға!

Ўқитувчи Спиранинг туғилган жойини эсидан чиқариб қўйганига ажабланиб турганида унинг икки сон йиғиндисини квадратининг формуласини яхши хотирлаб қолганига ажабланиб ўтирардик, чунки, бизлар бу формулани билмас эдик.

Бу фандан билган парсамиз (бизгача математика устда бош қотирган) авлодлар шеърда тасвирлаб қолдирган қондалар эди. Гап шундаки, биз ўрта асрнинг яхши таомилига қайтдик, яъни айрим теоремаларни, формуларни ва қонунларни ёдлашни енгиллаштириш учун янми ҳақиқатларни шеър билан баён қила бошладик.

— Қавслар олдига плюс¹ қўйилса, улар нима бўлади? — деб сўрайди ўқитувчи.

Ўқувчи бирданига: «Агар қавс олдига қўйилса бут, дарҳол қавсни қилади нобуд» — деб шеър билан жавоб беради ва шунга қараб иш тутади.

Пифагор теоремаси ҳам шеърда худди шунга ўхшаши ифодаланарди:

Гипотенуза квадрати
Дويم турсин ёдингда
Икки катет квадрати
Йиғиндисига тенг роса.

Шўринг қурғур Карно теоремаси эса бундай жарангларди:

Учбурчак томонининг квадрати,
Ишонтиришга кўра
Икки томонининг квадрати
...Йиғиндисига тенг, ура!

ва ҳоказолар.

Агар мана шу ажойиб, фавқуллодда силлиқ шеър бўлмаганида насрда: «Учбурчак бир томонининг квадрати қолган икки томон квадратларининг йиғиндисидан шу икки томон билан улар орасидаги бурчак косинуси кўпайтмаси иккилангани айирмасига тенг» деб ўқиладиган теоремани бирортамиз ёдлашимиз амримаҳол эди.

Лекин шеър қанчалик ёрдам бермасин, барибир, теоремалар бизларни жуда қийнади.

Масалаи, Пифагор теоремасидаги гипотенуза мени шу қадар қийнаган эдики, унинг устида ҳар қанча уринган бўлсам ҳам, барибир гипотенуза нималигини ҳалигача билмайман.

Фақат унинг квадрати қандайдир катетлар квадрати йиғиндисига тенг бир нарса эканлиги осинда, холос. Мен

¹ Плюснинг (+) бутга ўхшашига ишора (тарж. изоҳи).

га доим гипотенуза гипнопотом¹ нинг холаваччасига ўхшаб туюлар эди.

Бир сафар умумий тарих дарсида ўқитувчи:

— Қани, тўққиз маъбуданинг номларини айт-чи, — деб қолди. Нафис санъат маъбудаларига менинг иштиёқим жуда зўр эди, бу дарсни иложи борича яхши билиб олишга ҳаракат қилардим: лекин шундай бўлса ҳам, улардан биттасининг номини эслаб қололмадим, шунинг учун жавобим бундай бўлиб чиқди: Эрато, Каллиона, Клио, Мельпомена, Полигимния, Талия, Терпсихора, Урания ва Гипотенуза.

Бироқ гипотенуза ва катетлар биргина менинг онгимни хиралаштириб қўйган эмасди. Баъзиларимиз математикани ўқийвериш бугунлай меров бўлиб қолгандик. Уртоғим Ненад Протич француз сулоласининг асосчиси Людовик Катет деб ва барча француз Людовиклари — Катетлардир, деган фикрда қаттиқ туриб олган эди.

Гипотенузани шу қадар ёмон кўриб қолган эдимки, агар бирор одамнинг башарасига шу сўзни айтсам, албатта уни ҳақорат қилган бўламан деб ҳисоблардим. Бир сафар уйда уни шу маънода ишлатиб қўйиб, бошим балога қолган эди.

Бир куни бизникига лаяжлиги туфайли эрга тегмай, уйда ўтириб қолган қирқ ёшлардаги бир қари қиз қариндошимиз келган эди. Бу мужмал холам дўлдай савол ёғдирадиган расво одам эди. Оламда у қизиқмаган нарса йўқ эди. Уни митрополит ухлашга ётаётганда ким ечинтириб қўйишидан тортиб, товуқ тухум қўяётганида бирор маза қилиш-қилмаслигигача ҳамма нарса қизиқтирарди.

Мана шундай ғалати одати бор холам келиб-келиб иккинчи марта математикадан имтиҳонга тайёрланаётган пайтимда, бошим турли-туман синуслар, косинуслар, конуслар, параллелолипедлар, сегментлар, тангенслар билан ёрилай деб турган пайтда уйимизга кириб келса бўладими. Мен ҳадсиз саволларга кўмилиб, чидаш мумкин бўлганча тишини-тишга қўйиб ўтирдим, бироқ мужмал холам жуда ҳаддидан ошиб кетгач, сабр косам тўлиб, уни бир амаллаб хафа қилиш учун:

— Сиз — гипотенузасиз! — деб бўкириб юбордим.

— Оҳ! — чийиллади табиати нозик холам ҳушидан кетишга ҳозирланаркан.

¹ Сув оти.

Унинг бақирганини эшитиб бошқа хонадан онам югуриб келди, холам унга оҳ-воҳлаб шикоят қила бошлади:

— Мен, болаларингни кўз қорачиғидай яхши кўрсаму, улардан эшитганим ҳали шу бўлдимми,— айтиб-айтиб йиғларди холам кўз ёшларини жаладай оқизиб.

— Шумтака, холангга нима дединг?— жон-жаҳди билан бақирди онам.

— Мен унга гипотенузасиз деддим.

— У нима дегани ўзи?

— Нима қиласан ундан сўраб! Ҳаммага маълум, гипотенузаси мингоёқ дегани бўлса керак, балки ундан ҳам баттар нарсадир,— деб чийилларди холам.

— У нима дегани? Айт, ҳозир!— дағдаға қилди онам менга дилсийҳликни бир оз юмпатиш учун. Нега индамайсан! Айт, нима деган сўз у?

— Гипотенузанинг квадрати катетлар квадрати йиғиндисига тенг,— дедим ўргатилган тўтидай.

— Ана, айтмадимми мингоёқ деб,— дея яна чийиллади холам. Шу гапдан кейин у мандан шунақанги хафа бўлдики, гипотенуза расво махлуқ бўлса керак деб ишонганидан то ўлимга қадар мен билан гаплашмади.

Тавба, математикадан олган бирдан-бир тушунчанинг ўзи холамга мингоёқ бўлиб туюлибди, бизга қонхўр ҳайвон бўлиб кўринадиган бутун математика ҳақида нима дердийкин. Агар ҳайвонот оламида унга қиёс қилинадиган бирор махлуқ топини керак бўлса, математика, аввало ўз қурбонига чангалини ботириб, томчима-томчи қонини сўрадиган қонхўр саккизоёққа ўхшайди. Арифметика, алгебра, геометрия, тригонометрия, стереометрия, планиметрия, гониометрия ва аналитик геометриялар бу саккизоёқнинг чангалларидир. Мана шу чангаллардан қайси бири миянгизга киришига рози бўласиз, ўзингиз танлаб олаверинг. Холисанилло айтинг-чи, мана шундай жирканч қонхўрнинг чангалига тушган одам ўлимдан омон қоладими.

Мана шу саккизоёқ чангалларидан фақат биттасини чўзади ва миянгизни пармалай бошлайди. Менга ишонаверинг, худди баданингизни эликта илон чақаётгандай бўкириб юборасиз, борди-ю, сизни ким шунчалик азоблаётганини сўрасангиз, бу номаълум миқдор бўлиб чиқади.

Вой, бу номаълум миқдорлар-эй. Бизга қанчалар азоб-уқубат келтирмади! Номаълум миқдорлар мактабда ҳам, кейинчалик ҳаётда ҳам одамларга фақат азоб-уқубат ва

гам-гусса келтиради! Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда — буни ҳамма аллақачон билиб олган, албатта — номаълум миқдорлар кўпинча жуда катта роль ўйнайди. Масалан, сиёсатда номаълум миқдорларнинг сўзи одатда ҳал қилувчи кучга эга бўлади: ижтимоий ҳаётда баъзан улар жуда юксакликка кўтарилади; адабиётда ҳам улар бошнинг баланд кўтариб юришга муваффақ бўлади ва ниҳоят, инсон ҳаётининг асоси бўлган ниҳоқнинг ўзи ҳам номаълум миқдорларнинг қўшилишидан ўзга нарса эмас. Ҳаётнинг ўзи шунақа. Инсон унга қадам қўйдими, хоҳласа-хоҳламаса бу ҳолатлар билан муроса қилишга тўғри келади, бироқ бизлар мактабда ўқиб юрганимизда бу номаълум миқдорлар билан, буниси ҳам майли-я, бутун бошланк фаннинг номаълум миқдорларда кўмилиб ётиши билан сира муроса қилгимиз келмас эди. Бир сафар гўллик қилиб, агар маълум миқдорлар бор бўлса, номаълум миқдорларнинг нима кераги бор деб савол берган эдим, математика ўқитувчиси:

— Агар ҳамма миқдорлар маълум бўлганида математика фан бўла олмасди, — деб жавоб қилди.

Бироқ фақат математикада номаълум миқдорлар бўлганда-ку, уни кечириб мумкин эди, аммо бунда алмойилалжойи миқдорлар тўдаси шу қадар кўпки, математикадаги миқдорларни фикран тасаввур қилишга нисбатан кoinотдаги барча сайёраларни бир йўла кўриш осонроқдир. Масалан, математикада маълум ва номаълум миқдорлардан ташқари яна мусбат ва манфий миқдорлар, чексиз (чексиз кичик ва чексиз катта), мавҳум ва ниҳоят, ҳақиқий миқдорларга ҳам, мавҳум миқдорларга ҳам кирмайдиган, хунаса комплекс миқдорлар ҳам мавжуд. Яна, энг расво томони шундаки, бу миқдорларнинг ҳаммаси қўшпилади, айирилади, кўпайтирилади, бўлинади, даражага кўтарилади ва умуман улар ўзаро шу қадар самимийки, қайси бири бегона эканлигини ҳечам билолмайсан. Мана шу буламиқдан шунақанги расво майпо-мажруҳлар, шунақанги ғалати қонунлар ва қондалар вужудга келадикки, буларни келтириб чиқарадиганларни жилла бўлмаганда, текшириб кўриш учун касалхонага юбориш керак бўлур эди. Сув, ёғ ва сода аралашмасидан совун кўпинги олингани каби, турли миқдорлар муносабатининг буламингидан соғлом ақлдан минг чақирим узоқ турган: «Агар нолни нолга бўлсак, ноль чиқади, балки бир ҳам, икки ҳам, уч ҳам, тўрт ҳам, беш ҳам ва умуман хоҳлаган миқдор-

вияг чықпши мумкин. Ёки: «Агар тўртни полга бўлсак, чексиз катта миқдор чиқади», ёки «агар хаёлий миқдорни хаёлий даражага кўтарсак, бутунлай реал миқдорга эга бўламиз» сингари ғалати қонунлар келиб чиқади.

Модомики, бу фаннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ экан, модомики у номаълум миқдордан маълум миқдорни, хаёлий нарсадан реал нарсани ҳосил қилишга қодир экан, унда нима учун математика ёрдами билан, айтайлик, мапа бундай масалани ечиш мумкин эмас: «Агар жаноб таъминот министри шоферининг ёни қирқ йил, уч ою, ўн икки куплик бўлса, Канададаги Квебек шахри кўпригининг узунлиги эса беш юз етмиш етти метр бўлса, Босния темир йўл полотноси кенглигининг 0,7 метр эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда турли ёшдаги тўрт кишини тўйдирриш учун неча зувала хамир қориш керак бўлади? Ёки, айтайлик, олий математикадан мапа бундай бир масалани ечиш мумкин эмасми: (буни яқинда аллақандай газетада ўзим ўқиб қолдим) «Агар менинг туғилган йилимнинг квадрат влдиэини телефон номери кўпайтмасидан айирсак ва ундан қайнанамининг ёшینی олиб ташласак, уйимнинг номери чиқади».

Эҳтимол, булар математикани фан сифатида обрўсиз-лантиришга интилиш натижасида келиб чиққан хом хаёл самараси бўлса керак, деб бу масалалардан кулишингиз мумкин. Бироқ математикага нисбатан бу сира хом хаёл эмас. Исталган бир математикка Зенон масаласини тушунтириб берсангиз, деб мурожаат қилиб кўринг-чи. Аммо математикка мурожаат қилишдан олдин, маслаҳатимга кириб, асабларни тинчитиш учун албатта, маълум миқдорда бром ичиб олинг, аке ҳолда у шунақанги нарсаларни исбот қилишга киришадикки, қўлингиз беихтиёр стулгами, пиво кружкасигами ёхуд, жуда бўлмаганда, гиштнинг ўзигами чўзилганини сезмай қоласиз. Дилингизда математикнинг миясини пачақлаш истаги туғён қилади.

Гўё грекларнинг машҳур файласуфи бўлган Зенон математикадан теккап жинни эди. У Исо пайгамбар туғилишдан бир неча аср илгари яшаган бўлиб, ўша вақтдаёқ, йигирма тўрт аср илгари битта математик масалани ўйлаб топган эди. Математикани билмайдиганлар аллақачон ҳал қилиб қўйган бу масала устида математикани биладиган барча кишилар ҳозир ҳам бош қотирмоқдалар. Зенон қуён тошбақани сира ҳам қувиб ета олмаслигини математик жиҳатдан исбот қилган. У бундай деб даъво

қилган: агар тошбақа ўрнидан қўзгалса, юз метр пари кетгунча қуён уни кутиб туради, сўнгра унинг кетидан югуради, қуён эллик метр югургунча, тошбақа бир неча қадам ўрмалаб қўяди, шундай қилиб, масофани оширади. қуён йўлнинг ярмини босиб ўтгунга қадар тошбақа яна бир қадам ўрмалайди ва улар орасидаги масофа яна ўзгармай қолади. Бу ҳол чексиз давом этаверади. Турган гап, ҳаётда қуён тошбақани қувиб етиш у ёқда турсин, ҳатто аллақанча орқада қолдириб кетиши кун каби равшан, бироқ математикада бунинг иложи йўқ.

Менинг бир математик ошнам бор. Дўстлигимиз ҳурмати, соғлом ақл ҳамда инсонийлик ҳурмати қуён тошбақани қувиб етади деб эътироф этишни қанча илтижо қилсам ҳам у оёғини тираб туриб олди.

— Ҳаётда бўлиши мумкин, бироқ математикада мумкин эмас! — дейди у.

Бунга қадар икки доза бром ичиб олганимга қарамай, асабийлаша бошладим ва дўстлик ҳурмати уни инсофга чақирдим, ниҳоят математик бир оз ён беришга рози бўлди:

— Албатта, шундай бўлиши мумкин! Қуён тошбақа кетидан бир йил ёки ундан кўпроқ югурса, унга етиб олишини математик жиҳатдан ҳам исбот қилиш мумкин. Бироқ бу чексиз узоқ ва жуда мураккаб ҳисоб бўлади. Чунки ҳисоблаб бўлгунга қадар қуён ҳам, тошбақа ҳам, бу масала берилган ўқувчи ҳам, уни берган ўқитувчи ҳам ўлиб кетган бўлади.

Бироқ Зелоннинг қуён билан тошбақаси математика очиқ-ойдин кўриниб турган нарсани тан олмай қиладиган бирдан-бир қайсарлиги эмас. Масалан, у коптокни олиб, сиздан:

— Бу копток думалоқми? — деб сўрайди.

— Жуда ҳам думалоқ! — деб жавоб берасиз ишонч билан.

— Э, йўқ, — дейди математика. — Математика нуқтаи назардан бу копток думалоқ эмас.

Худди шунингдек, математика, ўқдек тўғри йўлни кўрсатиб, сизга у сира тўғри эмас дейди; ойнадек текис сатҳнинг тегишлигини эътироф қилмайди ва ниҳоят рад этиш иштиёқи кучайгандан кучайиб шу даражага бориб етадики, ҳатто ўзи сизга ўргатган нарсаларни ҳам инкор эта бошлайди.

Геометрия дарсида сизни параллел чизиқлар шундай

чизиқларки, улар бир-биридан маълум (ўзгармас) масофада туриб ҳеч қачон кесишмайди, деб ўқитилса, олий математика параллел чизиқларнинг чексизликда кесишилгини исботлайди.

Мен ўз ошнамдан нима учун математика ўз кўзинг билан кўриб, қўлинг билан ушлаган нарсани тан олмайди, деб сўраганимда у:

— Математика сезгиларга ишонмайди! — деб жавоб берди.

Аввалига мен инсон ўз кўзи билан кўрган нарсани фан нега тан олмаслигига ажабланардим, бироқ кейин ҳаётда тез-тез шундай бўлиши ёдимга тушди. Масалан, Белград богемаларининг оқсоқоли, дўстим Чича-Илья Станоевичнинг шундай «математик» севгиси ёдимда. Чичанинг ёшини ва бутун вужудини абгор қилган ҳаёт кечириш йўсинини ҳисобга олсак, жуда навқирон деб аташ мумкин бўлган бир жазмани бор эди. Шу ваздан бўлса керакки, бир куни Чича-Илья ярим кечада уйга қайтиб келганида, ётоқхонаси эшиги ёнида турган фельдфебелнинг бир жуфт этигига кўзи тушиб қолади. Бу этик артист қалбини қанчалар ларзага солганини тасаввур қилиб кўринг. У ғазабдан ўзини йўқотиб ётоқхонага отилади ва ўз каравотида, ўз ёстигида этиксиз ётган фельдфебелни ўз кўзи билан кўради. Артистнинг бутун вужуди қалтираб, кўз олди қоронғилашиб кетади. Бир дам, бир лаҳза тортган изтироб учун қандай қасос олишни ўйлайди. Шу пайт унинг назарида икки хил чора бор эди: ё коридордан этикни олиб кириб, фельдфебелга кийдириб, жойни бўшатиб қўйинг деб илтимос қилиш, ёки фельдфебелни безовта қилмай, кафана¹га қайтиш ва у ерда тасалли топиш. Артист иккинчи чорани танлади. У мана шу ишим бевафолик қилган аёл учун энг оғир, энг даҳшатли жазо бўлади деб ишониб, ҳатто улар бош қўйиб ётган ўз шахсий ёстигига ҳам кўз қирини ташламай, чиқиб кетди. У уч кеча-ю уч кундуз ичди, шундай бўлса ҳам ташналик уни қийнади. У бир кафанадан чиқиб, иккинчисига кирар, бироқ ичиш хумори босилмасди. Тўртинчи куни у: «Белград, «Рус подшося» кафанаси, артист жаноб Илья Станоевичга. Йўқлаб олгунча» деган откритка олди. Откритка ўша жазманидан келган эди. «Азизим Чича, — деб ёзар эди у, — ўша сен кўрган нарсаларнинг ҳаммаси ёлгон эди» — ва ҳоказолар,

¹ Қаҳвахона.

Кўриб турибсизки, ҳиссиётни назарга илмасликнинг математик принципи бу севгида жуда муносиб қўлланган. Чича-Илья фанининг ҳар қандай кўринишларини ҳам қаттиқ ҳурмат қилгани туфайли, мана шундай ишончли математик далилга эга бўлганидан кейин уйига қайтиб келади.

Аммо зеҳнимизни бутунлай ўтмаслаштириб қўйган чекли ва чексиз, мавҳум ва комплекс, маълум ва номаълум миқдорлардан ташқари математикада: аждарлар, мингоёқлар, итбошлар, рўдаполар, тимсоҳлар, медузалар, илонлар, чаёнлар, итбалиқлар, акулалар ва булардан ташқари оғзидан етгита олов тилини чиқазиб турган бошқа даҳшатли махлуқлар бор эди. Доира ректификацияси¹ тепамизда худди Ҳимолай чўққилари каби юксалиб турарди. Ҳар хил экспедициялар бу чўққиларга кўтарилишга уринар, бироқ бедарак йўқолар, чохларга қулар, қор ўпирилиши вақтларида ҳалок бўлар ва қор уюми тагида қолиб очдан ўлар эди, Ҳимолай чўққилари эса, ҳануз кишилар чиқолмайдиган ва билолмайдиган бўлиб қолаверарди.

Мана шу барча тўсиқларни бартараф қилиб, етуклик аттестати олгунча қанчалар мислсиз куч сарфлаганимизни тасаввур қилаверинг. Мана шу тиришишлар, шу жасоратлар, шу меҳнатлар бу томонида марра бўлган, нариги томонида биз осий гимназистлар турган жуда узун чопиш йўлини эслатмайдими. Бир неча йил давомида марра томон чопишимиз учун йўлнинг нариги томонида старт берилганда, биз нафасимиз тиқилиб, йиқилиб, дўмбалоқ ошиб, оёқ-қўлимизни ва қовурғамизни синдириб, ёки ҳолдан тойиб, ҳушдан кетиб, йўлда қолиб кетардик. Чопаётган одам қоқилиб, бўйни узилсин деган мақсадда йўлга ўтиб бўлмайдиган алоҳида тўсиқлар қўйилган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, илдиз чиқариш ана шу даҳшатли тўсиқларнинг биринчиси эмасми? Биз болаларга, илдиз чиқариш иши улкан соғ жағ тишни темирчининг омбурида илдизи билан суғуриб олиш операциясини жуда ҳам эслатарди. Агар ишонмасангиз, минус тўртдан квадрат илдиз чиқариб кўринг. Яна бунинг устига ўқитувчи минус тўртнинг квадрат илдизи манфий ҳам, мусбат ҳам эмас, умуман, сон эмас, деб тушунтирган бўлса, нима қиласиз. Бу

¹ Ректификация — эгри чизиқнинг узувлигини ҳисоблаб топиш.

тўсиқларнинг биринчиси эди, холос, эҳ-қе, бунақалардан яна қанчаси бор! Ичидан ўткир найзали синуслар, косинуслар, логарифмалар, радиуслар, диаметрлар, сегментлар, секторлар, нормаллар, конуслар, пирамидалар, параллелепипедлар, тангенслар, гиперболалар, параболалар, дифференциаллар, интеграллар ўрмони кўриниб турган кенг ва чуқур хандақларни тасаввур қилинг. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам мана шу ажал уруғи қайнаб турган хандақлар устидан сакраб ўтиш керак эди. Агар бунга муваффақ бўлсангиз, учинчи тўсиққа дуч келасиз: қаршингизда чексиз ва мавҳум миқдорли бўлакчалар тўлиб-тошиб ётган кенг майдон намоён бўлади, бу чексиз ёки мавҳум миқдорлардан сакраб ўтиш ҳақиқий миқдорлар устидан сакраб ўтишга қараганда ҳам оғирроқдир. Борди-ю, бир дунё куч сарфлаб, бу тўсиқни ҳам енгилга муваффақ бўлсангиз, шунақанги бир баҳайбат деворга дуч келасизки, уни на айланиб, на ошиб ўта оласиз, на бошингиз билан теша оласиз. Бу девор — доира ректификацияси бўлиб, у масала умр бўйи ечилади, ўлим олдидан эса ўғлингизнинг қўлига бўр тутқизиб, ўшани ечишда давом этишни ва бу бўрни у ҳам ўз ўлига қолдиришини васият қиласиз. Бу чексиз миқдорларни чексиз ёзавериш етти пуштингизга етиб ортади.

Бироқ, ишлар ҳақиқатан ҳам шундай экан, ана шу барча тўсиқларни енгилга қандай қилиб муваффақ бўлдинг ва етуклик аттестати учун бўладиган имтиҳонларгагина етиб келиш билан чекланмай, бу аттестатни олишга ҳам қандай эришдик, деган савол туғилади.

Бу саволнинг қизиқарли жойи шундаки, ўзим ҳалигача унга жавоб беролмайман, бурунги авлоддан ҳам, ҳозиргисидан ҳам, келажак авлоддан ҳам бирор киши бунга жавоб топа олмаса керак.

Фан қанча куч-ғайрат сарфлаганлигига қарамай, табиатда инсоният ҳалигача била олмаган ҳодисалар бор. Баъзи ёруғлик ҳодисалари, психологик ҳодисалар ва бошқа кўнгина ҳодисалар шу жумлага киради. Менинг қандай қилиб барча тўсиқларга қарамай, математикани енгганлигим ва етуклик аттестати олганлигим ҳам инсоният учун жумбоқ бўлиб қоладиган ана шундай ҳодисалар жумласига кирса керак.

Лекин ҳар қалай, фан сифатида математикага ўзимнинг чуқур мишнатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман. Ахир ёш адабиётимизга кўплаб ажойиб истеъдодларни,


Ёш театр санъатимизга эса бир қанча машҳур артистларни математика бердики, санъатимиз улар билан ҳозир ҳам фахрланмоқда. Агар математика бўлмаганда, барча истеъдодли кишилар, ҳозирги шоир ва артистлар ўз ўқишларини давом этдирган ва балки, улкан ва ҳурматли амалдор бўлган бўлурди.

Лирик шоирларимиздан бири агар ҳар куни беш динор топсангу, йигирма динор сарфласанг, ой охирига келиб қанча тафовут бўлади деган жўн арифметик масалани ҳали ҳам ечиб бера олмади. Бу масалани у умри бўйи еча олмай ўтиб кетди.

Гимназиянинг охири синфигача кўтарилиш nasib бўлган ва олий математиканинг таъмини татиб кўрган бир машҳур трагик артист эса, номаълум ва мавҳум миқдорлар билан ҳозиргача ҳам фожиали кураш олиб бормоқда.

— Кўрянсизми, математиканинг ҳам мақтайдиган томонлари бор.





ФИЗИКА ВА ХИМИЯ

Билмадим, физика билан химияни шерик деб ҳисоблаш, фирма вивескаларида уларни ёнма-ён ёзиш мумкин бўлармикин. Бироқ, физика билан химияни табиат қонуларини ўрганадиган табиий фанларнинг бир хил группасига киритадиган баъзи таърифлар ҳозир ҳам ёдимда. Мен бу иккала фанни ҳеч тушунмас эдим. Бу иккала фан мени шунақанги қийнаган эдики, назаримда, улар ёшликни заҳар-заққум қилиш учун атайлаб яратилган, яшашни истайдиган вужудни кўра олмайдиган опа-сингил — қари қизларга ўхшарди.

Менинг назаримда физика — бу фан, унинг вазифаси мактабга илк бор қадам қўйган ўқувчилар онгидаги жуда машҳур ва оддий ҳодисаларни бошлаб чалкаштириш ва қийинлаштиришдан иборат эди. Бу ҳодисалар ҳақида мактабга келгунга қадар соғлом фикр юритган ўқувчи физикани ўқигандан кейин уларни сира тушунмайдиган бўлиб қоларди.

Масалан, бошқа ҳамма ўртоқларим сингари мен ҳам найнинг нима эканлигини жуда яхши билардим: най ёғочдан ясалган, пуфласанг овоз чиқарадиган музика асбобидир. Бундай тушунтириш ҳаммага беш қўлдай маълум бўлган нарса. Аммо физика нуқтаи назаридан бундай эмас. Физика бундай эмас, деб даъво қилади: «Бирор узун ёки калта най ичига ҳаво юборилса, ҳаво оқими найнинг устки қисмидаги тор каналга тегади ва тешикнинг ўткир қиррасига урилиб, икки қисмга ажралади. Ҳаво оқимининг бир қисми найнинг кичик тешикларидан чиқади, иккинчи қисми эса найнинг ичига қайтади ва ҳавони қуюқлаштиради (зичлаштиради). Бу қуюқлашган ҳаво най ичига янги оқим киришига тўсқинлик қилади. Бу ҳаво бутун най бўйлаб ёйилганда, унинг ичида ҳаво сийраклашади, кейин ичига тўхтовсиз ҳаво юборилавергач, яна ҳавонинг қуюқлашиши рўй беради. Шу тариқа пайдо қилинган узун овоз тўлқини, найга ҳаво тўхтовсиз юборилиши натижасида пайдо бўлган янги тўлқин билан бирга биз эшитадиган товушлар комплексинигина ҳосил қилади.

Бу тўлқинлар маълум узунлик ва тарқалиш тезлигига эга бўладикки, товуш баландлигини шунга қараб аниқлаш мумкин».

Холисанилло айтинг-чи, мана шунақанги тушунтиришдан кейин найнинг нималигини айтиб бера оладиган бирор одам боласи топиладими?

Бироқ фанга таъзим қилиш керак, унинг ҳар бир сўзини ҳикмат деб билиш зарур, чунки, инсоният ўз муваффақиятлари учун фандан, айниқса, амалиётга татбиқ қилинган, одамларга катта фойда келтирган фандан миннатдор бўлиши керак, дейдилар. Фанни фақат ҳурмат қилибгина қолмай, уни кенг омма ичига кириб боргани ва нодонликни йўқотгани учун оммалаштириш ҳам керак. Буларнинг бари яхши ва тўғри. Бироқ фанни кенг омма орасига ёйиш иштиёқи билан ёнган бир физика ўқитувчиси қишлоққа бориб, якшанба куни туш чоғида най чалаётган йигит атрофини ўраб олган одамларга дуч келса, нима бўлади.

Ўқитувчи қўлда ясалган найини беш қўлидай биладиган. унинг дардини сезадиган йигитнинг ёнига бориб:

— Менга қара, йигит, найингнинг узун товуш тўлқини етарли садо бермаяпти!— деса:

— Нима деб валдираяпсан?— деб сўрайди йигит, албатта.

— Менинг назаримда, интерференция натижасида пайдо бўлган тўлқинлар етарли узунликка эга бўлмаяпти.

Бу гапга қишлоқ музикачиси ва унинг атрофидаги кишилар қандай жавоб қайтаришини билмайман, аммо оқсоқол дарҳол иккита жандарм чақириб, жиннихонадан қочган бу бечора ўқитувчининг оёқ-қўлини боғлаб ташлашига имоним комил.

Аммо, фақат найга шунақа изоҳ берилган, холос, деб ўйламанг тагин. Э худо, ўзинг тўзим бер, ишқилиб! Физика дарслигида ҳар биримиз мактабга бормасдан илгари тасаввурга эга бўлган бошқа буюмлар ва ҳодисалар ҳам худди шу тариқа тушунтирилар эди. Мана, масалан, биз ёшлигимизда яхши кўриб ўйнайдиган пирилдоқни олиб кўрайлик. Физика дарсида унинг таърифини эшитганимдан кейин бу ўйинчоқ кўзимга шунақанги ёмон кўриниб кетдики, унга қарагим келмай қолди. Илгари мен пирилдоқ пастки томони ингичка, юқори томони йўғонлашиб борадиган оддий ёғоч буюм эканлигини билардим. Қамчи зарбидан у ўз ўқи атрофида пилдираб айланади, бир марта урилмай қўйилса, мастга ўхшаб ёнбошига ағдарилади. Пирилдоқ ҳақидаги мана шу оддий ва равшан тасаввурни физика бутунлай чалкаштириб ташлади. У мени «агар конус ҳажмининг ярим доира моментига тенг бўлса, бундай турдаги жисм мувозанатда бўлади. Иккала момент ҳам сирт билан уришиш нуқтасидан ҳисобланади», деган қонидани ёдлашга мажбур қилган эди.

Кейинчалик, пирилдоқ ўйнаётган болаларни кўрганимда физикадан хабардор одам сифатида уларга жуда раҳмим келарди.

— «Болакайлар-эй, сенларга жуда раҳмим келади! Жуда раҳмим келади!»— дея хаёлимдан ўтказардим ва:

— Аазиз болажонлар, конус ҳажмининг momenti ярим доира моментига тенг бўлганидагина пирилдоқ мувозанатда бўлишини билсаларингиз, бу бегуноҳ ўйин кўзларингизга қанчалик шумшук кўринган бўлур эди!— деб юборгим келади.

Ёки бўлмаса, дунёда маятникдан ҳам оддийроқ нарса

борми? Буни болалар йўрғагидаёқ билиб олишади. Масалан, гўдакнинг беланчагига бирор ўйинчоқни ипга осиб қўйишади. Ўйинчоқ тебранади, бола эса, унга қараб овунади. Бола бир оз улғайгандан кейин бу мослама билан мушукни эрмак қилади: бир парча қоғозга ип ўтказиб, уни эшик қабзасига боғлайди, мушук эса, уни уёқ-бу ёққа силкитади. Биз, болалар, қадимги вақтларда эски девор соатининг маятникига ҳавас билан қарардик. Мактаб доскаси ёнига осилган латтани неча-неча марта маятник қилиб ўйнаганмиз. Черков қўнғироқхонасига чиқиб олиб, арқонга осилганча черков зангини эрталабдан кечгача силкитган вақтларни гапирмай қўя қолай. Мана шуларнинг ҳаммасини соат маятниги тушунчасига жамлаган эдик. Маятник осилиб турган ва тебранадиغان нарса дегани жуда оддий тушунча эди, лекин у биз учун аниқ ва равшан тушунча эди.

Мана шу равшан тасаввурни чигиллаштириш учун физика пайдо бўлади ва қуйидагиларни ёдлашга бизни мажбур қлади:

1. Маятникнинг тебраниш даври ернинг тортиш кучи тезланишининг квадрат илдизига тескари пропорционалдир;

2. Турли нуқталардаги тезланиш секунд тебранишлари узунлигига тенгдир;

3. Бир хил маятниклар учун турли нуқтада тебраниш даври билан тезланиш кўпайтмасидан чиқарилган квадрат илдиз ўзгармас катталиқ бўлиб, у тебраниш даврининг тезланишидан чиқарилган квадрат илдиз кўпайтмасига тенг.

4. Маятник йўлидаги ҳар қандай нуқтада тебраниш частотаси ўзгармас катталиқдир.

5. Тебранишлар сони арифметик прогрессияда ортганда тебранишлар амплитудаси геометрик прогрессиядан камаяди.

Мана, марҳамат қилиб ўзингиз айтинг-чи, шундай изохдан кейин фақат маятник эмас, балки тебранадиغان нарсаларнинг ҳаммаси кўзингизга шумшук кўриниб қолмайди!

Аmmo сиз, ҳаммаси шу бўлса керак, деб ўйласангиз, яна хато қиласиз. Ҳамма нарсани бутунлай чалкаштириш учун, физика маятникларни бир қанча турларга бўлади. Агар сиздан қандай маятниклар бўлади деб сўрашса сира ўйлаб ўтирмай:

— Маятниклар девор соатларида, пасхада чалинадиган қўнғироқларда, черков қўнғироқларида ва ҳоказоларда бўлади,— деб жавоб берар эдингиз.

— Бўлмаган гап,— дейди физика.

Маятниклар, аввало математик ва физик маятникларга бўлинади, бундан ташқари: қайтма маятниклар, сўнувчи маятниклар, бифеллар, тарсионлар, дифференциал ва ниҳоят, даврий маятниклар бор.

Физикани ёмон кўриб қолишимизга энг асосий сабаб унинг бошдан-оёқ а, в, с дан иборатлигидир. А, б, с, иштирак этмаган бирор қонун, бирор қоида йўқ; бу а, в, с лар бўйинингга мишиб олмаса, бирорта ҳам қондани ёдлаш мумкин эмас. Борди-ю, асосий қондани ёдлаб олганининг тақдирда ҳам албатта ё а билан, ё б билан, ёки с билан жанг қилиш керак бўлади, бу а, б, с ёнидан ўтиб кетиш мумкин бўлмаган ўзига хос пистирмадир.

— Пона деб нимага айтилади?— деб сўрайди ўқитувчи.

— Пона — бирор буюмни ажратиб учун икки сирт орасига қистириладиган уч томонли призма,— деб жавоб берасан дарсликда ёзилганидай сўзма-сўз. Бироқ, ўқитувчи сени пистирмага илинтириб олиб, савол беради:

— Сиртлар понага таъсир этганда қандай ҳодисалар рўй бериши мумкин?

— Агар билсанг, мана бундай ҳодисалар бўлиши мумкин деб жавоб берасан:— а) сиртлар понанинг иккала томонига бир хил таъсир кўрсатади; б) сиртлар понанинг фақат юқори қисмига таъсир кўрсатади ва с) сиртлар ис-талган йўналишда таъсир кўрсатади.


Бу а, б, с лар бутун физика бўйлаб аччиқ ичакдай чўзилиб боради. Ўқитувчи мана шу учта лотин ҳарфи билан бизларни шунақанги қийнаб ташлаган эдики, биз унга Абеце домла деб ном қўйган эдик. Ўқитувчи бу ҳарфларга шу қадар одатланиб қолган эдики, агар мен дарсни билмай қолсам, у:

— Сен, ошна: а) бугунги дарсни билмайсан; б) илгари ҳам бирор дарсни билган эмассан ва с) хулоса шуки, келгусида ҳам бирор дарсни билмай ўтасан. Буларнинг ҳаммасидан шундай хулоса чиқади: сенга икки қўйиш керак, жойингга ўтиришинг мумкин.


Физиканинг қариндоши бўлмиш химия ҳақида — ўрта асрларда бошқа ном билан аталган ва ўзини бадном қилиб қўйгандан кейин номини ўгартириб олган фан ҳақи-

да эса шуни айтишим керакки, уни сўқиш иштиёқидан олисда бўлсам ҳам, мақташ учун мақтайдиган сўзим йўқ. Бутун бошлиқ химиядан инсон ўрганса ва ҳаётга татбиқ қилса бўладигани тахминан қуйидагилар:


Гексозалар қайтарилганда соф алкоголь; $\text{CH}_2(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, CH_2OH , яъни фруктоза, қант маннители, альдегид: $\text{CH}_2(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, CHO , мева қанди эса — альдекетоспирт: кўп атомли спиртлар беради: $\text{CH}_2(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, $\text{CH}(\text{OH})$, CO_2 , CH_2OH ; дигексозалар — гексоза ангидридлари: $\text{C}_6\text{H}_{11}\text{O}_5\text{OH} + \text{HO}$, $\text{C}_6\text{H}_{11}\text{O}_5 - \text{H}_2\text{O} = \text{C}_6\text{H}_{10}\text{O}_5$. $\text{C}_6\text{H}_{11}\text{O}_5$ мева ва резавор мева қанди, яъни оддий қанддир.




мальтоза — мева қанди ва галактоза ангидриди:



Дигексозалар — қаттиқ ангидридлар, бироқ кислотали муҳитда қайнатилганида иккита гексоза молекулаларига гидролизлашади:



Полигексозалар эса гексозалар: ангидридларидир — $\text{pC}_6\text{H}_{12}\text{O}_6 - \text{pH}_2\text{O} = (\text{C}_6\text{H}_{10}\text{O}_5)_\text{p}$ ва шунинг учун, улар гексозаларга гидролизланади:



Ўқувчиларимнинг саломатлиги ҳақида ўйлаш химиядан яна бирор мисол келтиришимга имкон бермайди. Лекин химиянинг фойдали фан эканлигига уларни ишонтириш учун шунинг ўзи етарли бўлса керак, деб ўйлайман. Менимча мана шу кичик лекциядан амалдорларни йўқотишнинг радикал усули сифатида ишга фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш мумкин. Амалдорларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганини ҳамма билади, давлатни бу ортиқча юкдан озод қилишнинг бирор воситасини топиш жуда қийин. Қарорлар ва қонунлар асосида баъзи амалдорлар бўшатилади-ю, лекин халқ депутатлари, клуб бошлиқлари, амма-холалар янги амалдорларни хизматга суқиб қўядилар, натижада амалдорлар сонини қисқартириш учун кураш худди давлат темир йўлида қатнай-диган вагонлардаги каналарга қарши курашга ўхшаб кетади: дирекция бир ёқдан эски паразитларни йўқотса,

меҳмонхоналарда тунаган йўловчилар вагонларга янги паразитларни олиб келишади. Албатта, амалдорларни йўқотиш учун қаттиқ дезинфекция қиладиган дори-дармон зарурлиги аниқ: табиийки, юқорида химиядан келтирилган лекция, бундай дори-дармон бўлиши мумкин. Барча амалдорларга ўша лекцияни ёддан билиш тўғрисида фармойиш бериш, бунинг уддасидан чиқмаганларни эса дисквалификация қилиш ва давлат хизматидан бўшатиш мумкин бўлур эди. Шу тариқа давлат бюджетига юк бўлиб турган амалдорларнинг тўқсон фоизидан қутулиш мумкин бўлурди.

Бироқ бусиз ҳам қулоғигача ботқоққа ботиб ётган амалдорларга бу вазифани ҳам юклаш айб бўлур эди. Бошланмасига бу лекцияни ёдлашни мен фақат халқ депутатлари номзодлигига танланадиганларга, ёки давлат маслаҳатчилари постига тайинланадиганларга, ёки ҳаммадан ҳам яхшиси, епископликка танланадиганларга ҳавола қилардим. Бошига бундай фалокат келишини билган одам боласи бу ўринга ҳавас қилармиди дейсиз. Борди-ю, менинг таклифим мақбул келмаса, у ҳолда жилла бўлмаса, мактаблар учун ўқув программалари тузиш бўйича маориф советининг барча аъзоларидан бу лекцияни ёдлашни талаб қилиш лозим бўлур эди.

Ўқитувчи дарсни тамомларкан, бармоғи билан мени кўрсатиб:

— Тайёрланиб кел, келаси дарса сендан сўрайман, — деди. Мени худди яшин ургандай бўлди. Мен ўзимни ҳозиргина ўлимга ҳукм қилинган ва қатл қилиниш куни, соати маълум қилинган одамдек ҳис қилдим. Ваҳоланки, одатда ўлимга ҳукм қилинган маҳбус қачон қатл этилишини билмайди, сўнгги дақиқагача «қутулиб қоларман» деб, ўзига тасалли беради.


Мени аламли ва қўрқинч фикрлар қуршаб олди, лекин шундай бўлса ҳам бу лаънати лекцияни ҳижжалашга ҳафсала қилмадим. Аммо мен вақтни бекорга ўтказиб нима қиламан. Ундан кўра, полицияга бориб, ҳимоя сўраш ёки ҳайвонларни муҳофаза қилиш жамиятига мурожаат қилиш, балки гайдуқларга қўшилиб кетиш яхши эмасми? Шу тариқа ўйлаб-ўйлаб Абеце домлага кичкивагина назокатли хат ёзишга қарор қилдим:

«Ҳурматли жаноб ўқитувчи.

Бутун моҳияти қайтарилганда соф алкоголь берадиган кўп атомли спирт бўлган гексозалар ҳақидаги лекцияни ва сиз

гапириб берган барча маннит альдегидлар ва кетонлар, шунингдек, ангидридларининг асли гексозалар бўлмиш барча дигексозаларини ўрганиб олганим йўқ. Чунки $\text{CO}_{64}(\text{OH})\text{CO}(\text{OH})$, $\text{O}_{72}\text{H}_{112}\text{OH} + \text{OH}$, $\text{C}_{36}\text{H}_{606}\text{O}_{17} = \text{C}_{14}\text{SH}(\text{OH})\text{O}_{46}\text{OC}_{52}\text{H}_{348}$ бўлади. Мени тушунган бўлсангиз керак, чунки $\text{SH}(\text{OH})\text{SH}(\text{OH})$, $\text{OH} + \text{C}_2\text{O}_5 = \text{C}_{18}\text{H}_{27}\text{O}_{72} + \text{C}_{32}\text{H}_{17}\text{O}_9$. Шунинг учун мени кечиришингизни сўрайман.

Сизнинг шўрлик ўқувчингиз.



Менинг бу хатим ўқитувчини ҳаяжонлантирмаган тақдирда ҳам ҳеч бўлмаганда менга берган вазифаси билан беллашадиган жумбоқ бўлишига амин эдим. Бироқ хатни жўнатмадим. Мен асл спартачи сингари, сокин, ташвишланмай, бир оғиз гап айтмай, бошимни жаллод болтасига тутиб бериш учун дарсга бордим. Худди ўзим кутгандай бўлиб чиқди: ҳалок бўлдим, лекин ёнги деган овоз чиқармадим.





УЛИК ТИЛЛАР

Турли гимназияларга тиқиштирилган қадимги грек ва латин тили ўқитувчилари, аллақачон йўқ бўлиб кетган римликлар ва эллиникларнинг тирик қолдиқларидир. Агар Цицерон билан Тацит, Гомер билан Демосфен, Тит Ливий, Сенека, Марк Аврелий, Овидий ва бошқалар асрлардан буён ёш авлоднинг миёсига тиқиштириб келинаётган бир нечта мактаб машқларини ёзмаганларида, қадимий римлик ва эллиникларнинг бу қолдиқлари — латин тили ва қадимги грек тили ўқитувчилари — аллақачон бутунлай нес-нобуд бўлиб кетарди.

Лотин ва қадимги грек тиллари ҳозир ўлик тиллар ҳисобланади. Лекин мен «ўлик тил» деган тушунчанинг маъносини шу вақтгача ҳам аниқлай олмай ҳайронман. Тил йўқ бўлиб кетиши, халқ эса, яшайвериши мумкинлигини тушунаман, аммо халқ йўқ бўлиб кетиб, тил қолишини сира миямга сиғдира олмайман. Бунинг устига тилнинг «ўлик» деган ном билан яшашини ўзингиз бир ўйлаб кўринг! Ахир ўлик тил ўқитувчиси бўлиш ҳам ҳунар эканми. Бундай ўлик тил ўқитувчидан бўлак кимга ҳам керак? Масалан, хизмат рўйхатининг тегишли катагига: «Она тилидан бошқа ўлик тилларни ҳам билади» деб қайд қилинар экан, шунга эсламай бўлмайди. Улардан кундалик ҳаётда ҳам фойдаланиш мумкин эмас. Негаки, «Она тилидан ташқари битта ўлик тилни ҳам биладиган, ёш қобилиятли эркак фалон нарса қидиради ва ...» деб ёзилган эълондан зиғирча ҳам наф бўлмайди.

Шунга қарамай ўзингиз ҳам пайқаган бўлсангиз керак, ўлик тил ўқитувчилари ота-оналар болаларини ўлик тилларни эгаллаш учунгина мактабга юборади деб астойдил ишонишади. Уларнинг фикрича, бошқа фанларнинг барчаси иккинчи даражали аҳамиятга эга, ҳаётда лотин ва қадимги грек тилларини билишгина бирдан-бир зарур нарса-ю, бошқа фанларнинг сира ҳам кераги йўқ.

Агар сиз Антонийнинг суҳбатларини, Демосфеннинг оташин нутқларини ва дарвиш файласуф Демокритнинг фалсафасини билмасангиз, ўқиш-ёзишни билганингиздан, кўшиш ва олишни, кўнайтириш ва бўлишни билганингиздан нима фойда.

Қуръон тарғиботчиси бўлмиш имомлар бу жиҳатдан анча муруватлидир. Агар ёш толиб бирор оятни ёддан билмаса, имом кўзларини осмонга қадайдими ва:

— Олло, сенга фаросат ато қилсин, бу оятни ўрганадиган қаноат берсин!— дейди.

Борди-ю Цицерон нутқини сўзма-сўз такрорлай олмаслигинини лотин тили ўқитувчиси билиб қолса, қўлга тушдигини дегандай, ҳузур қилиб қўлларини ишқалайди ва «*Quosque tandem abutere Puero Inur patientia nostra?*»¹ ни йил давомида бир юз қирқ олтинчи марта такрорлаш имконини берганингдан қувонади.

Шуни ҳам билиб қўйиш керакки, лотин тили ўқитувчилари ҳатто энг оддий буюмлар ҳақида ҳам цитатасиз

¹ Қачонгача сабри тоқатимизни синайсан? (Лот.)

гапира олмайдилар. Агар, масалан, ўқитувчимиз менинг фанимни кўнгил қўйиб ўқинглар, демоқчи бўлса, у таҳминан бундай дерди:

— Кўзингга қара, нима қиялсан, ахир, *quilibet ortipae suaе!*¹ сен яхши ўқишинг ва яхши ишлашинг керак, чунки, *non volet in buccas tuas assa columba*². Гапирётган гапингни ўйлаб кўр, чунки, *quidquid in buccam*³ буларнинг ҳаммасини билиш ва эслаб қолиш керак, чунки ҳаётингда асқотади — *non scholae sed vitae discimus!*⁴

Яна бир кун и хулқ-атворимизга доир масалани текшира туриб, бизларга бундай деган эди: «... Ўзинг расво одам бўлганингдан кейин сенга яхши баҳонинг нима кераги бор. *Qui proficit in literis et deficit in moribus, plus deficit quam proficit!*⁵»

Лекин биз ўқитувчининг насихатига тушунмаганимиз учун ҳам эътибор бермас эдик, негаки, унинг гапларини таржима қилиш учун луғат талаб қилиш мумкин эмас-да.

Ўқитувчи бизларни лотинларнинг ўтиб бўлмайдиган ботқоғига худди садистлардек роҳатланиб ҳайдашини кўрсангиз эди. Баъзан яна ҳам чуқурроқ чўктириш учун у бизларга қўлини узатарди. Бизларни ботқоқнинг нақ ўртасида қолдириб, ўзи чиқиб оларди-да, чўкишимизни тиржайганча томоша қиларди.

Бизларни иккинчи турлаш ёки учинчи тусланишгача судраб борганида хурсанд бўлганидан унинг оғзи қулоғига етарди. Учинчи тусланиш лотин грамматикасининг энг расво қондаси бўлиб, ундан ўтиш Ламаншдан сузиб ўтишга қараганда оғирроқдир. Лотин тилидан фойдаланишга мажбур бўлган қадимги римликлар худди ана шу тусланиш туфайли қирилиб кетган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бутун бошлик халқлар ўлат ва вабодан қирилиб кетгани сингари лотин халқи ҳам *accusativus cum infinativo*⁶ ҳамда феълларнинг перфектда тусланишидан қирилиб кетган.

Ўрта асрларда машҳур инквизиция вақтларида *consecutio temporum*⁷ энг даҳшатли қийноқ қуроолларидан бири эди.

¹ Ҳар ким ўз тақдирининг (яратувчиси) (лот.).

² Ҳаракатда баракат (лот.)

³ Бошга келган гапинг ҳаммаси (тасодифан келмайди) (лот.).

⁴ Биз мактаб учун эмас, балки ҳаёт учун ўқиймиз (лот.)

⁵ Кимки фанда илгари кетса-ю, яхши хулқ-атвори орқада қолса, илгари кетишдан кўпроқ орқада қолган бўлади (лот.).

⁶ Мажхул феълдаги тушум келишиги.

⁷ Лотин синтактик қондасининг номи.

Турмачи — монах маълумот бериш учун Буюк инквизиторнинг ёнига келган пайтда у сўрагучи эди:

— Дон Мигуэль Фернандес граф Сакраменто ҳали ҳам тирикми?

— Ҳа, тирик.

— Хўш, худодан қайтганига иқрор бўлдимиз?

— Йўқ, иқрор бўлмапти.

— Гилдиракка оёқ-қўлидан михламадинглами?

— Михладик.

— Оёгини яланғоч қилиб, қўрга бостирмадинглами?

— Бостирдик.

— Тирноғи остига ғаров юбормадинглами?

— Юбордик.

— Бўзига доғ қилинган ёғ қўймадинглами?

— Қуйдик.

— Шунда ҳам иқрор бўлмайдими?

— Йўқ!

— Ундай бўлса, — деб бақиради жаҳли чиққан инквизитор, — худо ўзи кечирсин, бу мажусийнинг иблисона қайсарлигини йўқотиш учун энг сўнгги чорадан фойдаланишга мажбурман. Унга аккузативнинг пассив конструкциясидаги *суп инфинитиво* сининг учинчи тусланишни берингла, агар перфект ва сунин формаларини айтиб беролса, барча гуноҳи кечилади ва озодликка чиқади.

Қадим замонларда шундай бўлган, аммо бизнинг давримизда ҳам ана шунга ўхшаш воқеалар содир бўлиб туради. Бир неча йиллик урушдан кейин Германияда озиқ-овқат танқислиги сезила бошлагач, немис олимлари қоғоздан нон олиш масаласи билан жиддий шуғулланган бир пайтда, бир немис иқтисодчиси барча ҳарбий асирларига (асирлар эса жуда кўп эди) перфектнинг учинчи тусланишини ёд олдиришни таклиф қилган эди. Бироқ, немис олий қўмондонлиги у ҳолда душман аскарлари перфектнинг учинчи тусланишини ёдлашдан кўра, жанг майдонида ўлишни афзал кўриб, янада қаттиқроқ уришади деб ҳисоблаб, бу таклифни рад қилган эди. Кайзер ҳукумати бутун дунё матбуотининг Германияга қарши исён кўтаришидан чўчиб, одамларни ваҳшиёна қиришнинг бундай усулига қарши чиққан эди.

Бу чоранинг ҳақиқатан ҳам қанчалар шафқатсиз эканлигини биринчи навбатда, лотин тилини ўрганиш ёшларимизда қолдирган оғир асоратдан билиш мумкин. Лотин тилини ўқишга маҳкум қилинган болаларга қара-

гад киши ичидан эил кетмай иложи йўқ. Уларнинг лаб-лариди, аллақачоноқ кулгидан асар қолмаган, ранг-рўйдан ажрашган, кўзларида шўхлик учқунлари сўнган, пешона-ларини ажин босиб кетган. Улар ҳатто уйқуларида ҳам: fallo, fefelli, falsum; tango tetigi tactum¹ деб пичирлаб чиқишади.

Бундай болалар ота-оналар уйида бошга битган бало бўлади, чунки, улар кунма-кун, кечама-кеча, ойма-ой лотин тилини ҳижжалашади. Уйдагиларнинг бари истаси-истамаса лотинча гаплашишга ўтади. Ота ҳе йўқ-бе йўқ, қачонлардан бери мақбул бўлган ажойиб миллий сўкиш-ларни ишлатмай, уйда ҳам, кафанада ҳам, айниқса, кар-тадан омади қелмай қолганда, лотинчасига сўка бошлайди. Она пайшоқ тўқиб ўтириб, Овидий мактубини серб халқ куйлари оҳангида хиргойи қилади, хиэмактор хотин эса, кирларни классик гекзаметр оҳангида ювади, пиэз тўғра-ётиб «Пирам ва Фисба» даги ёқимли арияларни куйлайди.

Имтиҳон арафасида уйдагиларнинг қандай ташвишга тушишини айтмайсизми! Ота-оналар милтиқ, пичоқ, сода, сирка, оҳак ва бошқа ҳалоқ этиши мумкин бўлган восита-ларни беркитиб, кунин-туни мижджа қоқмайдилар. Лаънати лотин тили туфайли ўғлидан: «Меҳрибон ота-онам, мен яшагани севардим, бироқ, лотин тили мени гўрга тиқди. Худо бундай тилни ўйлаб чиқарган қадимги римликлар-ни қириб ташлаган бўлса ҳам, гуноҳини кечган эмас. Ал-видо, онажон, укаларимни ва сингилларимни лотин тили-дай аҳтиёт қилинг!» деб ёзилган хат қолишини қайси ота-она истарди, дейсиз.

Имтиҳондан қулаганларнинг қисмати шундай бўларди, бироқ ўтиб олганларнинг қисмати ҳам бундан кўра дуруст бўлмасди. Имтиҳон топширган болаларнинг афт-башараси жуда қаттиқ зотилжам билан оғриган, шу касал асорати-дан сира қутулолмаётган беморга ўхшарди. Адолат юза-сидан, инсонпарварлик важдан айтганда, лотин тилидан ўтганлар учун аллақачон алоҳида курорт, яъни муздай душан, сертаом, ўқувчиларни қайта тирилтирадиган лотин курорти ташкил қилиш керак эди.

Шу мавзу ҳақида ўйлар эканман, «қаровсиз болалар-ни ҳимоя қилиш жамияти» лотин тилидан имтиҳон топ-ширишга маҳкум қилинган болаларни ҳам ўз ҳимоясига

¹ Лотин феъллари «хато қилмоқ» ва «тегмоқ»нинг асосий фор-малари.

олса бўлмайдими деб ўзимга ўзим савол берганим-берган. Ана шундай қилинса, Жамият ароқхўрликка қарши курашга чақирувчи плакатга ўхшаш рангли плакат чиқариши мумкин бўларди. Унга букчайиб қолган, сўлгин юзли, сўник кўзли ўспирин суратини ишлаш мумкин бўларди; у бир қўли билан сочини юлиб, иккинчи қўлида тўппонча ушлаб турса, яна яхши бўларди. Бундай расм тагига йирик-йирик ҳарфлар билан: «Лотин тилини ўрганма!» деб ёзиб қўйиларди. Бу плакатларни кишилар билан гавжум ерларга: вокзалларга, ресторанларга, бозор майдонларига, вестибюлларга ва жамоат ташкилотларининг фойеларига, умуман, ҳамманинг диққатини тортадиган жойларнинг барига ёпиштириб қўйилса, одамлар одамларни ўлим хавфидан эҳтиёт бўлишга мажбур қилган бўлур эди.

Бу гапларни минбад лотин тили туфайли ёшлиги заҳар-заққумга айланган кишилар номидан айтяпти, деб ўйламанг. Мен ҳаёт ўлик тилларнинг мутлақо кераксиз эканлигини шундоққина исботлаб тургани учун шундай деяпман. Мен лотин тилидан имтиҳон топширишга муваффақ бўлган ҳамда ўз билимларини ҳаётда мана шу *non scholae sed vitae discimus* асосида фойда келтирадиган қилиб ишлатиши мумкин бўлган кишиларни диққат билан кузатиб бордим. Уларнинг хотираларида ёдлаган лотинча сўз ва иборалардан қанчаси қолгани ва бу сўзларнинг қанчасини амалда қўллашлари мумкинлиги билан қизиқдим.

Уч марта ишдан бўшатилган ва тўрт марта фирибгарликда нотўғри айбланган бир собиқ округ бошлиғи шикоят ва илтимосномаларида эсида қолган бирдан-бир: «*Fiat justitia, pereat mundus*»¹ иборасини бошлаб ишлатганлигини ҳикоя қилган эди. Бир адвокат лотинчадан фақат Персия сатирасидан қалам ҳақини «*O quantum est in rebus inane!*»² деган сўзлари ёдида қолганлигини ва ҳар сафар адвокатликдан келган гонорар билан ҳамёнини тўлдирганда шу сўзларни шивирлашини эътироф қилган эди. Ота-боболари Косово майдонида ҳалок бўлгани сингарип ҳалок бўлган, расво найрангбозликлар қилиб етти марта қўлга тушган бир собиқ министр хўрсиниб, лотинчадан фақат биргина: «*Sist gansit gloria mundi*»³ ибораси ёдида қолганлигини айтган эди. Интендантликка ўтказилган

¹ Олам ҳароб бўлса ҳам, адолат қарор топсин. (Лот.)

² Оҳ, дунёнинг ишлари қанчалик пасткаш! (Лот.)

³ Шундай келар жаҳоний шухрат! (Лот.)

бир жанговар командир яккаш: «*Quintili Varre, redde mihi legiones*»¹ деб таъкидларди. Бир ҳукмдор Исо пайгамбарнинг машҳур: «Яқин кишиларингни ўзинг каби сев!» — деган иборасини лотин тилига таржима қилиб: «*Proximus sum egomet mihi!*»² деб талаффуз қиларди.

Бир журналист эса менга:

— Ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди-ю, фақат мақолаларимда тез-тез ишлатиб турадиган икки ибора эсимда қолди. Булардан бири: «*De qustibus nichl nisi bene*»³ иккинчиси эса: «*De mortuis non est disputandum*»⁴ деган эди.

Бироқ, лотин тили билишни талаб қиладиган, лотин тилисиз яшай олмайдиган ҳунарлар ҳам бор. Лотин тили ўқитувчиларнинг ҳисобламаганда, врачлар билан аптекачилар шу жумлага киради. Агар гимназиянинг бешинчи синф талабаси лотин тили имтиҳонида йиқилиб чиқса-ю, ўз-ўзини ўлдирмаса, кейин албатта апкетачига ёрдамчи бўлади. Бир мунча вақт ўтгандан кейин у лотин сўзларини шунақанги кўп ўрганиб оладикки, ҳатто туйилган гуручни оддийгина «туйилган гуруч» демай, «*Pulveris risen se*» деб атайди ва уни шу ном билан қимматга пуллайди.

Врачлар масаласига келганда шуни айтиш керакки, марҳум онам одатда:

— Докторларки лотинча гапирдим, уларнинг келгани учун кўпроқ пул тўлаш керак бўлади, — дерди.

Ростини айтсам, бунга ўз тажрибамда қапоат ҳосил қилганман. Бир кун жуда қаттиқ оғриб қолдим, қариндош-уруғларимнинг эси чиқиб кетди. Уй доктори аллақандай порошоклар, ҳабдорилар ва шўр сув ёзиб берди. Мени ҳўл чойшабга ўрашди, турли-туман расво процедуралар қилишди, қисқаси, кўнгилларига келган номаъқулчиликдан қайтишмади. Лекин касалим кучайгандан кучаяверди. Ниҳоят, касалнинг энг зўрайган кунни келди. Ўша кунни эрталаб доктор:

— Агар болажон бугун терласа, хатардан ўтиб кетади, — деди.

Шундан кейин бошқа дори ёзиб берди. Бироқ барибир, терламадим. Соат сайин ота-онамининг турқи бузилиб

¹ Квинтилиий Варр, менинг легионларимни қайтар! (Лот.)

² Менга энг яқин одам — ўзимман. (Лот.)

³ Дид ҳақида фақат яхши гап айтиш керак (Лот.).

⁴ Ўливлар ҳақида баҳслашмайдилар. (Лот.)

борарди. Ниҳоят, улар консилиум чақиришга қарор қилишди ва кечқурун уч врач каравотим ёнида ҳозир бўлди. Мени диққат билан кўришиб, уй докторининг фикрига қўшилишди.

— Врач ёзиб берган ўша дорини бераверинлар, агар болажон терласа, демак, хатар ўтган бўлади.

Шундан кейин, врачлар ўз билими билан ота-онамни қойил қолдириш ва кўпроқ чойчақа ундириш мақсадида лотинчага ўтишди:

— *Volate ire, collegae ad bibendum pivae.*¹

— *Ego praeferro ante vesper bibere aquam slivoyensem?*²

— *Cum cucurbitis aeqris ex aqua*³. Бу сўзларни шу қадар сирли оҳангда айтишардики, ҳақиқатан ҳам менинг касаллигим ҳақида гаплашишаётган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди. Учинчи врач: «*Cucurbitis aeqris aqua*» дегандан сўнг, қолганлари худди менинг терлашим зарурлигини ҳал қилгандай, унинг гапини маъқуллаб, бош иргашди.

Бироқ уларнинг барча тадбирларига, ҳабдориларни мардонавор ютишимга қарамай, сира терламадим. Ниҳоят, онам ҳуши бошидан учиб, мени кўчириқ қилдириш учун совунгар Стивалинг хотини Ната холани чақириб келди.

Ната хола биқсиб ёнаётган кўмир солинган товоқ билан хурмачада сув келтирди, каравотим ёнига ўтириб, хурмачадаги сувни кўмирга сепа-сепа саннай бошлади:

— Трчак, натрчак, протрчак, кенца, венца, бенца, изид, злиден, гўдакдан олиб кет...

Ундан кейингисини эшита олмадим, фақат пешонамни, кўз ва чаккамни уқалаганини ҳамда кўрпа билан бошимни ўраб қўйганини сездим, холос.

Кўрпа тагида ўзимни бир оз овутиш ҳамда вақтни теароқ ўтказиш учун Ната холанинг сўзларини такрорлашга уриниб кўрдим, бироқ, бу сўзларидан фақат биттаси, яъни, «натрчак» эсимда қолган экан. Бу сўз менга шунақанги даҳшатли бўлиб кўриндики, ўзимни йўқотиб қўйдим. Уни бошимдан чиқариб ташлашга роса уриниб кўр-

¹ Ҳамкасблар, пиво ичишга тобларингиз қалай? (Лот.)

² Мен олхўри ичимлигини маъқул кўраман. (Лот.)

³ Лотин сўзларининг маъносиз йиғиндиси (сўзма-сўз маъноси: сувдан чиққан ёмон қовоқ билан).



дим, бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга ҳаракат қилдим, «Отче наш»ни ўқидим, беш юзгача санаб кўрдим, бироқ сира ёрдам бермади. Тилимда ўша сирли «натрчак» сўзи айланаверарди. Мен ётган жойимда типирчилардим, бўлар-бўлмаста кулаверардим, лекин у сўз менга сўнадай ёпишиб олганди. Бу ҳам етмагандай: «шу сўзни иккинчи турлаш бўйича турлаб кўрсам қалай бўларкин?» деган аҳмоқона фикр миямга келса бўладими. Бу фикр менга худди зулукдек ёпишиб олган эди, ундан ажралишининг сира иложи йўқ эди. Аммо, ўйлаган ишни бажариш учун жуда кўп куч сарфлашга тўғри келди, чунки, иккинчи турлашни умримда билган эмасдим. Ниҳоят, кўрпа тагида пичирлай бошладим:

— Номинатив: натрчкус, геиптив: натрчкуси, датив: натрчкусо... — Бор кучим билан тиришганимдан баданимдан тер чиқиб кетди.

Онам югуриб кириб, мени кўрпа тагидан тортиб олди, боёқиш ўзида йўқ хурсанд эди.

Эрталаб эса, хатар ўтганлиги маълум бўлгач, ҳамма севинди. Доктор меннинг дориларим фалокатни даф қилди деб ўйлар, Ната хола эса, болани менинг писиллаган кўмирим тузатди деб ишонарди. Иккинчи турлаш туфайли терлаганимни ёлғиз ўзим билардим. Лотин тилини билишим умримда ёрдам бергани ҳам шу бўлса керак.





БИРИНЧИ СЕВГИ

Биринчи севги ҳақида аввалроқ ёзишм керак эди. Чунки у ҳам айтиш мумкинки, таълим фани бўлиб, мактабда ўқишдан бошланади. Бироқ мен мактабдаги фанлар обзорининг узилиб қолишини кс-тамадим. Негаки, уларнинг ҳаммаси йиғилгандагина мажбуран ўтишимиз керак бўлган бошланғич мактаб деб аталмиш расво лабиринт¹ тўғрисида аниқ тасаввур қолдиради.

¹ Одам адашиб қоладиган айланма йўл.

Ишқ-муҳаббат маъносига гўдак пайтимдаёқ фаросатим етиб қолган эди. Ўша вақтларда мен, хизматкор қиз ва маҳкамадаги практикант йигит учовимиз ҳар кун кеч-қурун дарвоза ёнида ишқ-муҳаббат ҳақида узоқ вақт гаплашиб ўтирар эдик. Нафсамбирини айтганда бу севгига худди каминалари сабаб бўлди, нега десангиз, практикант аввал камина билан танишган, сўнгра мен уни хизматкор қизга рўбарў қилган эдим. Танишишимиз жуда тасодифий бўлди. Бир кун хизматчи қиз дарвоза ёнида мени кўтариб ўтирарди. Кўчадан ўтиб кетаётган практикантнинг кўзи менга тушиб, биз томон бурилди, кейин бошимни силаб:

— Жуда ширин бола экан, ўглингизми?— деб сўради.

— Вой, қанақасиз ўзи!— чўчиб тушди хизматчи қиз,— ҳали эрга тегмаган бўлсам, қаёқдан болалик бўламан?

Эрга тегмаган қизлар болалик бўлиши мумкинми, йўқми, деган савол атрофидаги баҳс шу қадар чўзилиб кетдики, унинг давомини янаги кунга қолдиришга тўғри келди. Эртасига эса улар жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетишди, ўша кундан бошлаб учовимиз ҳар оқшом дарвоза ёнида учрашадиган бўлдик. Эҳ-ҳе бу ерда бўлиб ўтган гапларни эсласам, уялганимдан хизматкор қизнинг юзига қарай олмай қолардим. Баъзан бу гапларга аралашмоқчи ҳам бўлардим, бироқ практикантнинг қўлида доим қоғозга ўроғлиқ попук қанд тайёр турарди, бирор гап айтай деб оғиз очдимми — бас, йигит лунжимга конфет тиқиб қўярди, ваҳоланки, ширин сўз айтишга менинг эмас, унинг майли бор эди.

Саводим чиқмагани учун ўша вақтда дарвоза орқасида бўлиб ўтган гапларни ёзиб ололмаганим ва хотирамда сақлаб қололмаганим адабиёт учун қимматга тушди.

— Йоцо,— даярди баъзида хизматкор қиз практикантга,— кечки овқатдан сўнг, бизникилар ухлаганда келгин. Сенга шницель олиб қўяман.

— Оҳ, жонгинам, ҳозир шницель хаёлимга келадими,— деб жавоб берарди практикант.— Лекин, олиб қўяман десанг, майли, олиб қўй, озроқ аччиқ-чучуги ҳам бўлсин. Ҳозир бутун фикри хаёлим фақат сенда, дўндиғим. Бутун фикри-зикрим сени қачон бағримга босарканман деб ўйлайман, шницель совиб қолса ҳам майли!

Бундан бошқа яна ҳам нозик гаплар ўтарди. Бир сафар практикант хизматкор қиздан:

— Юла, қачон кпр ювасизлар?— деб сўради.

— Яқинда, ялмайди?

— Агар хўжайиннинг кирлари орасига менинг ич кийимларимни ҳам қўшиб юборсанг, юндириш ҳақидан қутулардим-да.

— Майли, опкелақол,— деди Юла эркаланиб.

— Оҳ... жонгинам, бунча ҳам мурувватлисан! Учта кўйлак, тўрт жуфт иштон олиб келаман, фариштам!

Бунга ўхшаш гаплар мени фақат овунтирибгина қолмай, кейинчалик ҳаётимда амалий тажриба ортдиришда ёрдам берди. Бироқ, бундан бошқа ишлар ҳам бўларди. Якшанба кунлари туш пайтида уйда ҳеч ким йўқлигида биз учовлон хизматкор қизнинг ҳужрасига кирардик. Улар мени курсига ўтқизиб қўйиб, икковлари каравотга ўтирар эди. Бундай пайтларда курсидан қулаб кетмаслик учун бор кучимни сарфлаб, қовоғимни солиб ўтиришни афзал кўрардим.

Кўрғазмали ўқитиш ва амалий тажриба еевги соҳасида менга шунақанги билимлар бердики, гимназиянинг биринчи синфидаёқ севиб қолганлигимга сира ажабланмаса ҳам бўлади. Албатта, мен гимназиянинг биринчи синфидаёқ севишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эмасдим. Жуда ёшлиқда ортдирган тажрибамга кўра бу иш билан аввалроқ шуғулланишим ҳам мумкин эди. Лекин гап шундаки, гимназияга киргунга қадар орқаси қийиқ иштон кийиб юрардим. Бундай иштонда мени ҳеч бир қиз севмаслиги хаёлимга келмабди. Гимназиянинг биринчи синфидагина менга ҳақиқий шим кийдирганларидан кейин севиш вақтим келганига ишонч ҳосил қилдим.

Қўшнимизнинг Перса деган қизига хуштор бўлиб қолдим, чунки бизга энг яқин қиз шу эди.

Персанинг юзили сепкил босиб кетган эди, у ҳамisha сариқ пайпоқ, пошнаси ейилиб кетган туфли кийиб юрарди. Севиб қолгувимга қадар унга қайрилиб ҳам қарамасдим. Севиб қолишим биланоқ Перса менга жаннат ҳурларидай гўзал бўлиб кўрипти. Унинг едирилиб кетган пошнасига кўзим туниши билан ҳаяжонланиб, сепкилли юзига табассум югуришидан илгари етиб бориш учун олдига чопар эдим.

Персанинг отаси арифметика ўқитувчиси эди. Билмадим, негадир у менинг тўғримда ёмон фикрда эди. Персанинг ёши тўққизда бўлиб, бошланғич мактабнинг учинчи синфида ўқирди. Мен унга жуда ажойиб романтик ҳолатда муҳаббат изҳор қилдим. Бир кун бекнимачоқ ўйна-

ётган пайғимизда Перса иккаламиз қарам тузлайдиган бочка ичига бекидик. Худди шу жойда унга муҳаббат изҳор қилдим. Бу хотира мен учун шу қадар азизки, ҳатто ҳозир ҳам бочка зотига кўзим тушса, юрагим ўйнаб кетади.

Бир куни дарсдан кейин мактабнинг орқасида Персани кўриб қолдим-да, биргаликда уйга кетдик. Унга ҳар жума сотиб оладиган ширин кулчамдан бердим. Пайшанба кунлари тушдан кейин шиша сотиб топган пулларим шу ширин кулчага сарф бўларди. Пул ҳафтада бир марта қизга ширин кулча орқали хушомад қилишимга араша етарди. Сўнгра, жиддий тарзда сўрадим:

— Перса, сен нима дейсан, уйингга совчи юборсан, отанг менга берармикин?

У қизариб, кўзини ерга тикди ва ҳаяжонланганидан пешбандини уч бўлак қилиб йиртиб юборди.

— Йўқ, — деди у эшитилар-эшитилмас.

— Нега энди? — дедим ҳаяжонланиб, кўзларимдан ёш қуйилиб кетди.

— Чунки, дадамнинг дарсини билмайсан!

Мен арифметикани кеча-кундуз ўқиб, баҳомни албатта тузатаман деб қасам ичдим. Дарҳақиқат, шу кундан бошлаб арифметикани ўргана бошладим. Аммо, одамларнинг неча-неча авлоди бош қотириб келган масалани еча олармидим? Ахир, арифметикани севги билан яраштириш қўлимдан келармиди? Шундан кейин, севги билан арифметикадан бирини танлаш керак бўлган пайтда, мен энгилини, яъни севгини танладим. Арифметикадан бўлган кейинги дарсдаёқ шу вақтга қадар олиб келган икки ўринга бир олдим.

Келгуси пайшанбада бир чақа ҳам ишлай олмадим. Шунинг учун жума куни эрталаб кийим турадиган шкаф ичидаги отамнинг қишқи пальтосидан йигирмата тугмани кесиб олиб, мактабда сотдим. Бу пул ширин кулча сотиб олишга етди-қўйди. Туш пайтида Персани мактаб ёнида учратдим ва уни уйига кузатаётиб, аҳволим яна ҳам оғирлашганини, арифметикадан бир олганимни эътироф қилдим.

— Ундай бўлса мен ҳеч қачон сенга тегмайман, — деди Перса ғам-ғусса билан.

— Агар бу дунёда бўлмаса, нариги дунёда менга тегшининг керак! — дедим уч-тўрт кун бурун театрда эшитган гапни эслаб.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлди Перса.
— Кел, биргаликда заҳарланамиз.
— Нима билан заҳарланамиз?
— Ҳозир топамиз, — дедим қатъият билан, — заҳар ичамиз.

— Хўп, — деди у ҳам қатъий, — мен розиман. Қачон ичамиз?

— Эртага, тушдан кейин.

— Эртага бўлмайди, дарсимиз бор.

— Рост-а, — дея эсладим мен. — Эртага мен ҳам ича олмайман. Эртага мактабга бормасам, прогул ёзиб қўйишади. Усиз ҳам йигирма тўртта прогулим бор. Мактабдан ҳайдашлари мумкин. Агар хўп десанг, пайшанба куни. Пайшанба куни тушдан кейин иккаламизнинг ҳам дарсимиз йўқ.

У рози бўлди. Мен пайшанба куни заҳарланиш учун керак бўлган барча нарсаларни тайёрлайдиган бўлиб гапни бир ерга қўйдик.

Пайшанба куни тушдан кейин ошхонага кириб, бир қутича олтингуғурт ўғирлаб, Перса иккаламиз нариги дунёга жўнашимиз лозим бўлган ерга югурдим.

Иккаламиз бизнинг полизда учрашиб, майса устига ўтирдик, қалбимиздан дард-алам отилиб чиқди. Мен чўнтагимдан гуғурт солинган қутичани чиқардим.

— Энди, нима қиламиз? — деб сўради Перса.

— Гуғурт еймиз.

— Гуғуртни қандай еймиз?

— Мана, бундоқ қилиб еймиз, — дедим-да, гуғуртнинг бошини синдириб ташлаб, қолганини оғзимга тикдим.

— Нимани ташлаб юбординг?

— Униси сассиқ экан.

У ҳам бир қарорга келиб, қўлини гуғуртга чўзди. Мен гуғуртнинг бошини синдириб ташлаб, қолганини унга бердим. Қиз гуғуртни оғзига солиб, дангал чайнай бошлади. Учта гуғурт еб бўлгандан кейин, Персанинг кўзларида ёш кўринди.

— Бошқа еёлмайман. Уримда гуғурт еган эмасман. Энди ея олмайман.

— Шундоқ ҳам заҳарланган бўлсанг керак.

— Бўлмаса-чи, — ҳиқиллади Перса, — сезиб турибман. Томоғимни бир нарса тирнапти.

— Мана, кўряпсанми, демак, заҳарланибсан! Мен эса, аҳдидан қайтмай, тўққизта гуғурт едим. Бироқ, ниҳоят,

менинг ҳам иштахам бўғилди, томоғимни алланарса тир-
наётганини сездим.

— Тамом! Мен ҳам заҳарландим!— дедим таянганов
руҳда. (Бундай пайтларда одатда шундай қилинади). Шу
пайт орамизга қаттиқ сукунат чўкди. Бу сукунат чоғи
тўрт қарра етти неча бўлишини сира ҳисоблай олмадим.
Перса ҳам тиши орасига кириб қолган гугуртни чиқариш-
га уриниб, алланималар ҳақида ўй сурарди. Ниҳоят, у та-
танали жимликни бузиб, сўради:

— Энди, нима бўлади?

Бу савол мени жуда ташвишга солиб қўйди, чунки,
заҳарланиш маросимини ўтказганимиздан кейин яна нима
қилиш кераклигини билмас эдим.

Ниҳоят калламга бир фикр келди.

— Модомики, иккаламиз заҳарланган эканмиз, кел.
чўқинамиз.

Перса чўқинди, ундан кейин, мен ҳам шундай қилдим.

— Энди,— дедим гапни давом этказиб,— иккаламиз
ҳам уй-уйимизга бориб ўламиз. Бу ерда, полизда ўлиб
қолсак, уят бўлади. Сен билан мен яхши оиланинг бола-
ларимиз, девор тагида ўлиш бизга муносиб эмас.

— Бўпти,— деди у.

Шундан кейин хайрлашдик.

Мана бу ишнинг хотимаси бундай бўлди: Перса уйи-
га бориб онасига: жой солиб беринг, ётиб ухламоқчиман,
гугурт чўпи еб заҳарландим, депти. Онаси эса унинг
аҳволига ҳам, ҳис-туйғусига ҳам эътибор бермай:

— Полиздаки чўп еган бўлсанг, уйда ҳам таёқ ей-
сан,— деб бақиритти.

Кейин, Персанинг бошига ўрнаниб қолган нарсалар-
ни чиқариб ташлаш учун унинг юбкасини кўтариб, орқа
томонига роса савалапти.

Мана шундай саваланишдан кейин Перса мени жуда
ёмон кўриб қолди. Шу билан биринчи севгим ниҳоясига
етди.





БИРИНЧИ ВА ОХИРГИ ШЕЪРЛАР

Мен умрим бўйи атиги пикита шеър ёзганман, холос; бироқ бу қилмишим учув шу қадар таъзиримни едимки, шеър ёзиш у ёқда турсин, ҳатто шеър зотини ўқимасликка ҳам қасам ичдим. Неча марталаб илҳомим келар, вужудим ижод оташида ёнар, тасаввуримда ажиб сюжетлар жилдоланар, лекин, шундай бўлса ҳам, бутун продамни ишга солиб, ўзимни қаҳрамонларча бу ишдан тияр эдим.

Ахир, илҳом учун шўх кўзлари ғамза билан қулиб турган, инсон бемаъниликларининг дабдабали мажмуаси

бўлиши, муқовасига олтин ҳарфлар билан «Poesia» сўзи ёзилган альбомни сизга узатиб турган аёлдан ҳам юксакроқ сабаб бўлиши мумкинми? Сон-саноқсиз эагу-пестаклар билдирилган ва «оҳ» кетидан «ух» келадиган, «гул-булбул», «ошиқ-маъшиқ», «қундуз-юлдуз» га ўхшаш қофияли, ўғитли шеърлар билан тўлиб-тошган бу альбомлар!

Нақ перони сиёҳдонга ботирган жойимда четга олиб қўйган пайтларим неча-неча бор бўлган.

— Келинг, ёза қолинг, илтимос қиламан, ақалли бир сатр ёзиб беринг...— деб шивирлайди сизга «қошларни қундузлар».

Қаламни яна сиёҳдонга ботирасан, кейин эса, альбомни охишта ёпасан.

— Утиниб сўрайман,— эшитилар-эшитилмас илтижо қилади у.

— Мени кечиринг, ҳозир парҳездаман,— деб оқлайман ўзимни.

Ҳақиқатан ҳам бу, мен сабот-матонат билан амал қилган ўзига хос парҳез эди. Мен врачга мурожаат қилмадим, унга тилимни кўрсатмадим, шоирларимизнинг шеърларини ўқитмай қўйишини олдиндан билиб, унга ошқозонимдан шикоят ҳам қилмадим. Мен бошқа парҳезга риоя қилдим, яъни шеър ёзмадим. Бу эса, менга ҳам, ўқувчиларимга ҳам самарали таъсир кўрсатди.

Умрим бўйи атиги иккитагина шеър ёзганман. Бироқ, мана шу икки шеър мени шу қадар қийнадики, кейинчалик мадорга кириб куч тўплаб олиш чорасини қўллашга мажбур бўлдим. Биринчи шеърим аёл кишини, иккинчиси эса, қиролни ҳақорат қилди. Агар аёллар билан қироллар жуда ҳам кўнгли нозик ҳамда ўта кекчи бўлиши эътиборга олинса, шеърларим учун қандай мукофот олганимни тасаввур этиш қийин эмас. Бир ошнам ҳам мен сингари умрида иккита шеър ёзган эди. Бироқ у ҳаётда аллақанча кўп муваффақиятларга эришди. Бунинг сабаби шуки, дўстим биринчи шеърда етмиш яшар жуда бой холасини тугилган куни билан табриклаб, унга «узоқ умр» тилаган, иккинчисида эса мансабга эндигина тайинланган бир министрни мадҳ қилган эди. Дўстим иккинчи шеърини мана бундай сўзлар билан тугатган эди:

Бундай ҳалол фарзандлар доим керак ватанга.

Бундан кейин шоир дўстим ҳозирга қадар ҳам шеърини парҳезга амал қилмай қўйди,— қабр тошларига эшпта-

фий¹ ёзишни ва катта байрамларга аталган шиорларни қойиш қиляпти.

Биринчи шеърни жуда эрта, гимназиянинг биринчи синфида икки йил ўтирган вақтларимда ёзган эдим.

Ушанда менга шеърый илҳом қандай келганини билмайман. Баъзилар одамга шеър ёзиш истаги қичиган жойни қашлаш истагига ўхшаб келади, деб ҳисоблайдилар. Лекин менда бундай бўлгани йўқ. Мен, аксинча, биринчи шеърни ёзганимдан кейин қаеримдир қичиганини сездим ва натижасини ўз кўзим билан кўрдим. Бошқа бировлар шеърый илҳом одамдан одамга тез ўтадиган тумовнинг бир тури дейди. Шундай бўлиши ҳам мумкин, бироқ, одатда, тумов бўлганда бурнингни бўшатиш аҳтиёжини сезсанг, киссадан рўмолча чиқариб, бу ишни ўз қўлинг билан қилсан, шеърый тумов бўлганда эса, ёмон шеър чиқаришинг биланоқ, танқидчилар бурнингни шундай артиб қўйишадикки, бунақа тумов бўлишни сира-сира орзу қилмайдиган бўласан.

Ҳомиладор бўлганига тўрт ой тўлган аёл сингарй ёш шоир ҳам ўзида аллақандай илҳом сезади ва бу илҳом она қорнидаги гўдак жараёнини бошдан кечиради, дейишади. Ҳомиладор бўлган йигит ўзини лоҳас сезади, қорнида оғриқ пайдо бўлади ва ниҳоят, тўшакка ётиб, ҳомиладан холис бўлади.

Эҳтимол, серб адабиётидаги айрим шеърый асарларга нисбатан бу қиёс ўринли ҳамдир, лекин дастлабки шеърлар мутлақо бундай пайдо бўлмайди. Бизнинг гимназияда шеър ёзиш юқумли касалга ўхшаган бир нарса эди. Гимназистлар авлоди дастлаб ўзларидан олдин ўқиган талабаларининг мактаб ҳожатхонаси деворига ёзиб кетган ёзувларидан илҳом олишар эди. Кейинчалик, чоп қилинган қанчадан-қанча нафис лирик ашулалар тўшлами ўзларининг дунёга келганликлари учун ана шу ҳожатхона деворларидан миннатдор бўлишлари керакки, шу вақтга қадар шу деворлар ҳиди серб лирикасининг баъзи намуналаридан анқиб туради. Ёш шоирлар эски дарсликларнинг муқовасидаги ёзувларни ўқиб ҳам баъзи жуда фойдали билимларни олар эдилар. Кўпдан буён серб мактабларида бундай таомил бор: синфдан синфга ўтсанг, китобингни собиқ синфингда ўқийдиган болага сотасан, ўзинг эса, навбатдаги синфга кўчган ўқувчининг дарсликларини

¹ Қабр тошига ёзилган хат.

сотиб оласан. Эски дарсликларнинг муқоваларида ҳам, саҳифаларида ҳам, умуман, жиндаккина жой бўлган ҳам-ма ерда гимназистларнинг кўпгина авлодининг қимматбаҳо изларини топиш мумкин. Бунда шеърлар ҳам, ҳикматли сўзлар ҳам, афоризмлар ҳам ва бошқа жуда фойдали ёзувлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим дарсликларнинг охирида шу фандан бўлган имтиҳонда бир неча бор қулаган китобнинг собиқ эгаларининг канализация чуқури ёнида «Эҳтиёт бўлинг!», «Чапга юрманг!» сингари эслатмаларини учратиш мумкин эди.

Гимназистлар авлоди дастлабки илҳомларини худди ўша манбалардан олишарди. Табиийки, биринчи муваффақиятсизликдан кейин кўплар бундай фаолиятдан бутунлай воз кечарди, аммо фақат ўз китобларинигина эмас, балки бошқаларнинг китобларини ҳам шеърга тўлдириб ташлайдиганлар ҳам бор эди. Ўзгалар шеър ёзишдан бутунлай совиб кетса ҳам, энг матонатчилари ижод билан шуғулланаверадилар. Мана шу кейингиларни тезда синф шоири деб эълон қилишади: борди-ю, шундан кейин ҳам тиришқоқлик билан шеър ёзаверса, гимназия шоири бўлади, узун соч қўяди, бурнига нарвон қўйиб ҳам етиб бўлмай қолади, ёлгондакамига ўзини паришонхотир кўрсатишга уринади ва шу тариқа чинакам шоирларга хос бўлган барча хусусиятларга эга бўлади.

Қизиғи шундаки, ёш истеъдод дастлаб ўзини кўрсатган даврдаёқ ўша шоир қайси йўналишдан кетишини эмас, балки уни илҳомлангирадиган муҳит қайси эканлиги ҳам маълум бўлиб қолади.

Масалан, жуда яхши ёдимда қолган мана бу шеър ўша вақтлардаги ўртоғимни илҳомлантирган шеърини йўналиш ва муҳитни аниқ, равшан кўрсатмайдими?

Қатикни хуш кўраман, сутли шовла ёқади,
Ёғлик қарам, угра ош, жонга беради роҳат.
Гўшти сомса чаккмас, тухумлиси ҳам яхши,
Мол гўшtidан ер эдим, бўлса агар ҳар соат.

Афтидан, қишлоқ руҳонийсининг ўғлига тегишли бўлган лотин грамматикаси дарслигининг муқоваси ичида бундай бир шеърни ҳам ўқишимга тўғри келган:

Ҳар ишга қодирсан подшоҳи олам,
Жамийки миллатни ўзинг сақлагил.
Оғир мусибатдан мени овод эт,
Турлашни ёдлашга ўзинг ёрдам қил.

Флейтачининг ўгли бўлмиш бир ўртоғим эса, ҳар ўқув йили юхирда бундай деб ёзарди:

Гармон, чалеа чаққон уйнар,
Йигит билан барно қиз.
Йиғиҳойлар келаб қолди,
Йиғиҳойларини саноқсиз.

Синфда иккинчи йил қолганлар аксарият, шеърни халқ дostonларига ўхшатиб ёзардилар. Бундай шеърда миллий гам-ғуссани изҳор қилиш осон бўлгани учун шундай қилишган бўлсалар керак:

Масалан, ушкнчлик Живко учинчи синфда иккинчи йил ўтиришини билгандан кейин манави шеърни ўқиган эди:

Жангларда отилган ўқлардан эмас,
Савашда урилган шамширдан эмас,
Қандайдир ажнба дотин тилининг —
Домласи кўш илжиқ Лука туфайли
Тақдир, илҳомга чидайман, майли.

Мен ҳам биринчи шеъримни халқ дostonларига ўхшатиб ёган эдим. Бироқ ана шу шеърни синфда иккинчи йил қолганим учун ёвдимми, ё уни ёзганим учун синфда иккинчи йил қолдимми, ҳайтовур шу вақтгача билмайман.

Ўртоғимни афтидан ошхона илҳомлантирган эди, негаки, бунгача у ҳеч ерда ишламаган эди, пошнинг ўглини тоат-ибодат, флейтачининг ўглини эса, лапар илҳомлантирган эди. Худди шунингдек, мен ҳам ўзим аралашиб юрган муҳитдан, яъни, холаларим ҳаммаша бир-бирларига қиладиган гийбатлардан илҳомланган эдим. Мен биринчи шеъримни унутадёганман, лекин у қайта тикланса, тахминан мана бундай бўлса керак, деб ўйлайман:

Якшанба кунн кўш чикмасдан
Айица ховим ўрнидан турди.
Уй деразасин очиб юбрди.
Ховим ойнадан бешин чиқариб
Ўнг ва чапига калласин бурди:
Уйи ёнидан ишга қатновчи
Амалдор йигит Пайани кутариб

Шеър ўзим кутгандай зўр шов-шувга сабаб бўлди, бу — яна битта ёш исеъдод пайдо бўлганидан далолат берар эди. Уйимиздагиларнинг ҳаммаси фақат «оҳ, оҳ, оҳ!», «вой, вой, вой!» дейишдан бўшапмасди. Бироқ бу

ундовлар сира ҳам қувонч аломати эмасди. Бирор одам вал уйдаги катта кўзгуни синдириб қўйгандай қариндошларимнинг чеҳрасида қўрқувдан бўлак нарса йўқ эди.

— Буни ёзишга қандай журъат қилдинг? — деб учала холам бирданига устимга ташланди.

— Рост бўлгандан кейин нега ёзмас эканман? — деб ўзимни ҳимоя қилдим.

— Бу рост деган гапни қаёқдан топдинг?

— Ўзинглар гапирдинглар-ку, ахир.

— Худонинг газабига йўлиққур, бизларни доим рост гапирди деб сенга ким айтди? — ўзини мудоффа қилди ўртанча холам.

— Шундай шеърларни ёзишга сизлар ўргатдинглар, деб айтишдан ҳам тоймайди бу... — ув тортиб юборди катта холам. Ҳолбуки, у ичида менинг асаримдан мамнун эди ва Аница хонимга етиб борадиган қилиб қўлма-қўл ўтказиб юбориш хаёлида эди.

Ҳақиқатан ҳам шеър Аница хонимга мен ўйлаганимдан анча пилари етиб борди. Шундан кейин жаноб аптекачининг осойишта уйи остин-устун бўлиб кетди. Аница хола чинқириб, ерга ағнади, сочларини юлди, диванни ардариб юборди, чироқни синдирди, хизматкорини туфлиси билан дўппослади, аптекачининг ёрдамчисини тишлаб олди ва ниҳоят, ўзини заҳарламоқчи бўлиб, тўла бир стакан сода ичди. Жаноб аптекачи бу воқеани эшитиб, муқаддас авлиё Михаил иконаси олдида шоирни қўтир итдай дўппослайман, деб қасам ичди.

Аптекачи халқининг қонга ташналигини билганим ва жаноб Сима мени қириб ташлашга қасам ичганини эшитиб, қўлимдан келганича қасосдан қочиб юришга ҳаракат қила бoshладим.

Мақтабга кетаётганда деворлардан ошиб, нариги кўчага яширинардим, соатлаб чердакда ўтирардим, умуман, ногаҳоний ҳужумдан қочиб учун ҳамма чорани кўрар эдим. Чердакда ўтириб, адабиётчининг жамиятимиздаги аянчли тақдирини ҳақида ўйлардим. Шу жамият ёш шоирни қўллаш ва руҳини кўтариш ўрнига кетидан қувиб, чала жон қилгунча калтакламоқчи бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шоирларни ҳар бир шеъри учун дўппослайверинса, нима бўларди? Шундай қилинган тақдирда шеър жуда кам ёзиларди. Шунга қарамай, қофия билан шуғулланувчиларни эса, чиндан ҳам дўппослаш керак бўларди.

Жаноб аптекачи қасамини бажариши осон эмаслигига

тезда кўзи етиб қолди. Шундан сўнг у, пистирма қўядиган қилиқ чиқарди, эшиклар орқасига яшириниб мени пойлай бошлади. Илгари сира юрмаган кўчаларда тўсатдан пайдо бўлиб қоларди. Бироқ, мен ҳар сафар сайёдни чалғитган тулкидай пистирманни усталик билан айланиб ўтардим. Учрашувдан ўзимни ҳар хил йўллар билан олиб қочардим. Шундан кейин жаноб аптекачи тактикасини ўзгартирди: устимдан гимназия директориға арз қилди.

Эртаси кун ўқитувчилар совети ҳузурида ҳозир бўлдим, мени Искандария кутубхонасига ўт қўйган кишидек суд қилишди. Ўқитувчилар советининг аъзолари яшил стол атрофида жиддий қиёфада, хўмрайиб, бошларини қуйи солиб ўтиришарди, улар мени ўтда куйдириб ўлдиршига ҳукм қилсалар керак, деб, жуда қўрқиб кетдим. Ҳатто гулхап атрофида тўпланиб турган одамлар кўзимга кўриниб кетди. Мен жазоланаётган майдонда учта холамининг ҳушдан кетиб йиқилгани, почтмейстернинг зор-зор йиғлаб турган қизи Марица ва худди шу пайтда хурсанд бўлиб, ҳаммани спирт билан меҳмон қилаётган аптекачи кўзимга кўришиб кетди...

Биринчи бўлиб гимназия директори сўз олди. У ўқитувчилар советининг бошқа аъзоларига мурожаат қилиб, шундай деди:

— Жаноблар, мактабимизда жудаям расво бир ҳодиса авж олиб кетяптики, бунга, қандай бўлмасин, тезликда чек қўйиш лозим. Жаноблар, ўқувчи болалар байт ёзмоқдалар. Улар тўғри келган ҳамма ерга: китобларга ҳам, мактаб деворларига ҳам, мактаб доскаларига ҳам шеър ёзиб ташлашяпти. Биномиздаги хосхоналар деворларига бошдан-оёқ бўлмағур нарсаларни ёзиб ташлашибди, ундаги байтларни ўқиган одамнинг тепа сочи тикка бўлади. Мана, бир неча кун муқаддам сиз жаноб ҳақида ёзилган шеърни ўчириб ташлашни қоровулга буюрган эдим, — директор лотин тили ўқитувчисига имо қилиб қўйди. — Бу шеър ҳаммага маълум бўлган ва керагидан ортиқча ичишингизга бағишланган экан.

— *Above maiorī discit arare minorī*, — деб ғулдиради лотин тили ўқитувчиси, гўё ўша шеърнинг дунёга келишида сизларнинг ҳам ҳиссаларингиз бор деган маънода.

— Бундан ташқари, — давом этди директор, — бу йил, жаноб протоиерей сиз ва яна аллақандай бева хотин Роса

¹ Кичик ҳўкив ер ҳайдашни катта ҳўкивдан ўрганади (лот.).

ҳақида ҳожатхонага ёзилган шеърни ўчириб ташланг деб қоровулга икки марта тайинладим.

— Бу учинчи синф талабаларининг иши... ҳу, бувиларининг иши... — Пои менинг ўқитувчилар совети мажлисида қатнашаётганимни унутиб, учинчи синф болаларининг онасини ёппасига ишлаб қолди.

— Ундан ташқари, — давом этди директор география ўқитувчисига тикилиб, — ҳозир эсимда йўқ, бироқ менимча, бошқа ўқитувчилар ҳақида ҳам шеърлар бор эди.

— Менинг ёдимда, — ўрнидан сакраб туриб кетди география ўқитувчиси афтидан директорнинг шамасига тушуниб, — деворда, масалан, мана бундай шеър ҳам бор эди:

Мақтабимиз синфлари жуда ҳам совуқ
Химия ва тарихда шам каби қотдик
Қўли эгри директор мактаб ўтинин
Энасининг ўйига тунда жўватди.

— Аввало, шеърда сохталик бор, — деб бақирди серб тили ўқитувчиси. Бошқа қофия қўллаш керак эди. Масалан, феъл билан от қофияланмапти.

— Ана айтмадимми, — бўқирди директор қутуриб. — Ёлгон деялман-ку! Деворда мутлақо бундай шеър йўқ эди. Уни ўзингиз тўқиб чиқаргансиз...

— Бор эди, шунақа шеър борлиги учун ҳам ҳожатхонани оқлатгансиз!

— Филҳақиқат, — деб бақирди протонерей, — деворни бева Роса учун оқлатмаган бўлсангиз керак.

Менинг шу ерда эканим ёдларига тушганга қадар ҳаммалари бақирди, столни муштлашди, ер тепинишди ва аллақанча вақт ўтгач, эсларига тушиб қолдим шекилли, мени ташқарига чиқариб юборишди. Бўрон хануз давом этарди, умумий шовқин-сурон орасидан аҳён-аҳёнда: «Роса... ўтин... рақия» сўзлари қулоққа чалларди. Чама-си, ногирон глобус ҳам умумий баҳса аралашган эди. Ниҳоят, бўрон босилгач, мени яна канцелярияга киритишди. Ўқитувчилар совети аъзоларининг чехраси ҳозиргина бирор муҳим методик масалани муҳокама қилгандай жиддий эди.

Яна директор ўрнидан турди.

— Жаноблар, — деди у, — мактабимизда жуда ҳам расво бир ҳодиса авж олиб кетяпти.

Бу сафар жавоб директорнинг кириш сўзи анча қисқа

бўлди, у дарҳол амалий ишга ўтди: — Мана, рўпараларингизда апа шундай байт ёздингиз, қоғоз булгатувчилардан бири турибди. Сифф журналларига қараганда бу шеър гўқувчи ўлгудек ношуд ҳамда ёмон ўқувчи эканлиги сезилиб турибди.

Ҳамма ўқитувчилар худди команда берилгандай бошларини кўтариб, менга қарадилар. Уларнинг қиёфаларидан: «Э, буми, бу болани билман, менинг дарсимдан ўқинининг тайини йўқ», деган маъно сезилиб турар эди.

— Бу шеърни сен ёзддингми? — сўроқни бошлади директор, чамаси аптекачи берган қоғозни менга кўрсатиб.

Шу пайт қалбимдаги инсон билан шоир ўртасида қаттиқ кураш бошланди. Инсон шеърдан дарҳол воз кечишни маслаҳат берар, у меники эмас, бировдан, масалан, катта холамдан эшитганман дейишга ва бундай шеърларга нафрат билдиришга ундарди. Шоир эса, шўҳратпарастлик алаңасига ёр қуйиб: «Тўнғич фарзандингдан кеча кўрма. Олдинда буюк истиқбол турибди», деб маслаҳат берарди.

Ҳамишагидек, бу сафар ҳам инсон билан шўҳратпарастлик ўртасидаги курашда кейингиси голиб чиқди, шеър — меники деб эътироф қилдим.

— Жаноблар! — деб эълон қилди директор ҳамкасбларига мурожаат қилиб. — Бола иқрор бўлди!

— Бу унинг гувоҳини енгиллаштириши мумкин, — луқма ташлади тўрт йилдан бери хотинидан ажралиш процесси билан банд бўлиб юрган ва қонунчилигимизни мукамал билан деб даъво қиладиган география ўқитувчиси.

— Шундай қилиб жаноблар, рўпарамизда энг қаттиқ жава берилиши лозим бўлган ҳодисалардан бири турибди. Шундай қилайликки, ўқув юртимизнинг маълум жойини булғайтган барча бошқа номаълум байтчиларга ибрат бўлсин... — деди директор. Шу пайт яна кўз олдимга гулхан келди. Гўё алаңга тиллари баданимни яларди, учала холам майдон ўртасида ҳушсиз ётарди. Кўз ёшига гарқ бўлган Марица, хурсандчилигидан дўстларини ароқ билан меҳмон қилаётган аптекачи кўз олдимга келди.

— Мен жаноб ўқитувчиларнинг фикрларини билишни истардим, — деди директор. Шундан кейин фикр ёғилиб кетди, улар таҳминан мана бундай эди:

Протоперей. Бунга зудлик билан мактабдан даф қилмоқ лозим. Майли шопрлигини қилаверсин ва байту

газал тўқийверсин. Борди-ю, бундай қилинмаган тақдир да, жазосига бир ҳафта рўза тутсин.

Т а р и х ч и. У бир эмас, иккита жиноят қилди. Биринчиси, нисбатан енгили шуки, у аптекачининг оиласини масхара қилди ва иккинчиси, нисбатан оғирроғи, аллақандай Пайа-мирзани мақташ билан Королевич Марко Сияджелич ва гайдук Вельколар мақталган шеърни ҳақорат қилди. Мапа шу иккинчи жинояти учун ҳам уни жазолаш керак.

Т а б и ё т ў қ и т у в ч и с и. Одам ўз сезгиларининг юксаклиги билангина ҳайвондан фарқ қилади. Одамлар ҳар хил жанрда шеър ёза олгани ҳолда, эшакларда бу қобилият йўқлиги шу билан изоҳланади. Маълумки, эшаклар шеър ёзмайди. Лекин баъзан одамлар шунақанги шеърлар ёзишадикки, уни эшаклар ёзмаганмикин, деб ўйлаб қоласан киши. Бундай шoirлар учун эшакларга қўлланган усулни қўллаш керак, яъни уларни ҳам қулоқ чўзма қилиш керак. Бу шoirлага ҳам худди ўша усулни қўллаш лозим.

М а т е м а т и к. Бу ҳодисадан мен биринчи навбатда илдини чиқарар эдим, тўғрроғи илдини эмас, баъзи бир фойдаларни чиқарардим. Биз бу ерда икки миқдорни, аптекачининг масхара қилинган оиласини ва шеър муаллифини, унга қўшимча шеърнинг ўзини кўриб турибмиз. Биз ана шу маълум миқдорлардан номаълум миқдорларни, яъни, яна кимлар ўз ўқитувчилари ҳақида шеър ёзишларини билиб олишимиз мумкин.

Г е о г р а ф. Мен уни карцерга, ертўлага қамардим, шу ерда у қуёш тутилишини ўз кўзи билан кўрарди. Бундай шеърлар оилавий ҳаётда ёнгни чиқилишига сабаб бўлади. Мапа шунинг учун ҳам жаноблар, ҳозир эр-хотинлар ўртасида қўйди-чиқди кўпайиб кетяпти.

Л о т и н т и л и ў қ и т у в ч и с и. Гарчи Горацій: «Pictoribus atque poetis quidlibet audendi semper fuit acque potestas»¹ деган бўлса ҳам, бироқ мапа бу талабанинг ярамас қилиниши жуда қуюшқондан чиқиб кетган. Мен жуда қаттиқ жазо бериш тарафдориман.

С е р б т и л и ў қ и т у в ч и с и. Унга биринчи навбатда эргаш гапни бош гапдан вергул билан ажратмагани,

¹ Рассомлар ва шoirларда довм хоҳлаганини қилиш имконияти тенг бўлган... (лот.)

шунингдек, иккинчи сатр охирига нуқта қўймагани учун ҳам жазо бериш керак. Лекин, умуман олганда, шеър силлиқ чиққан дейиш мумкин, фикрлар яққол ифодаланган, шуларни эътиборга олиб, унга енгилроқ жазо берар эдим.

Гимназия директори мана шу ўхшатиб айтилган фикрларни эшитиб бўлгандан кейин менга ўғирилди ва оталарча бир неча насихат қилиб, қулоғимни бураб қўйди (ботаникнинг хоҳиши). Сўнгра, дарсдан кейин уч кун ертўлада қолишим кераклиги ҳақидаги ҳукмини ўқиди (географнинг талаби).

Шундай қилиб, биринчи шеърим эвазига карцерда ўтириб чиқдим, иккинчи шеърни ёзганда ҳам худди шу мусибат бошимга тушди. Етти йил мобайнида шеър ёзишдан ўзимни мардларча тийиб юрдим. Аммо бир кун менда киши ёшликдаги биринчи гуноҳни хурсандчилик билан такрорлайдиган ажойиб бир кайфият пайдо бўлди ва ўзимнинг иккинчи, сўнги шеъримни ёздим. Яна азоб-уқубат чекишимга тўғри келди. Бу сафар аптекачи эмас, жандарм пайимга тушди ва мени гимназия директорининг эмас, балки, округ суди раисининг олдига олиб келди.

— Бу сизнинг шеърингизми?— деб сўради округ судининг раиси худди гимназия директори сингари.

Менда бу сафар ҳам шухратпарастлик устун келди.

— Ҳа.— деб жавоб бердим... Бироқ, бу шунчаки ҳазил, унга жиддий нарсга деб қарамаслик керак.

— Шундайликка шундайку-я,— деди округ судининг раиси,— бироқ жиноят кодекси бизнинг зиммамизга ҳазилга ҳам жиддий қараш мажбуриятини юклайди.

— Ахир бу шеър, шеърятнинг энг оддий талабларига ҳам жавоб бермайди-ку,— яна ўзимни ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан мен.

— Аммо, у жинсий кодекс талабларига тўла жавоб беради,— дейди жаноб раис.

— Бироқ мен айбдор эмасман, жаноб раис, уни ҳеч бир ёмон ният билан ёзган эмасман. Бу анчайин пилҳом самараси, ҳолос.

— Шундай, шундай, гапингизни тушуняпман,— гапимни бўлди раис.— Бироқ, кўрасизми, жинсий кодекс мана шу пилҳом самараси учун сизни жазолайди.

— Ақлга сиғмайди,— деб ажабланиман.

Жаноб раис мени жинсий кодекснинг барча диққатга сазовор жойлари билан таништиргандан кейин у «жаноб олийларини ҳақорат қилганим учун» мана шу кодексга

асосан, пекки йил авахтага ҳукм этилганини маълум қилди.

Шундан кейин минбаъд шеър ёзмасликка қасам ичдим ва ҳанузгача ҳам ўша парҳезга мардонавор амал қиляпман, кўриб турибсизки, бу нарса саломатлигимга яхши таъсир кўрсатапти.





ИККИНЧИ СЕВГИ

Биринчи сеvги — сабаби ҳатто полицияга ҳам маълум бўлмаган ёвғиндир. У гугурт сивгарп ишқаланшндан аланга олади ва мойи ёниб тугаган чироқ каби ўзл ўчади.

Биринчи сеvги қонни заҳарлашга олиб келмайдиган, фақат баданни қичитадиган чивиннинг чақиншидир, холос.

Биринчи сеvги — рекрутлар қабул қилишнинг алоҳида бир туридирки, унга кўра сени ҳақиқий хизматга чақиргандагина чинакамга яроқли тонадилар.

Биринчи сеvги — сўнгги бўлгандагина хавфли бўлади. Лекин, аслида иккинчи сеvги ҳақиқий сеvги бўлади.

Иккинчи севгида киши ўзини бир синфда иккинчи йил ўтиргандек ҳис қилади: у ҳамма нарсани билади-ю, шундай бўлса ҳам, имтиҳондан ўтажагига кўнгли ишонмайди.

Иккинчи севги — парҳезга риоя қилмайдиган одамлардаги тузалмас касалликнинг хавfli равишда қайта кўзишидир.

Иккинчи севги — давлат хизматига киришни орзу қилган ҳар бир киши учун мажбурий бўлган ҳақиқий хизмадир.

Бироқ, биринчи ва иккинчи севги ҳақидаги бу ҳикматларнинг барики эътиборга олмаганда ҳам шунини айтиш мумкинки, мен учун биринчи севги ўзига хос бир уриниш бўлган эди, иккинчи севги эса, таомилга кўра келди. Фожиа билан тамом бўлган биринчи севгимдан кейин, менда яна севшдан иборат кучли истак пайдо бўлди. Кимни севсам экан, деб ҳамма ёқни қидирдим ва бир кунни кўздан алам ёшларни қўйиб туриб малла сочли қизни учратиб, шунини севишга аҳд қилдим.

Одатда, ҳиссиётли қизлар ва ҳиссиётсиз хотинлар йиғлайди дейишади. Мен ҳиссиётли қизга ошиқ бўлишни афзал билдим.

Малла сочли қизнинг исми Марица эди.

— Марица, нега йиғлаяпсан? — деб сўрадим.

Қиз оғир хўрсиниб, бундай деди:

— Ўқитувчи бир синф болалар олдида мени ургочи гоҳсан... — деди, мияси йўқ ургочи гоҳ, деб сўқди... Ҳамма кулди... кейин...

— Ия, арзимаган гап экан-ку! Шунга йиғлаяпсанми? Ургочи гоҳ деса нима бўпти! Буни қара-ю! Ўқитувчимиз мени бир синф бола олдида неча марталаб аҳмоқ, эшак деб сўққан, эшак ургочи гоҳдан анча катта бўлса ҳам гинг демаганман! Қўй, йиғиндан айлансин. Ўқитувчи отангнинг ҳам кичкиналигида ургочи гоҳ деб сўқишган, мана, энди бўлса, ўзи ўқитувчилик қилипти.

Афтидан мен берган тасалли малла ранг сочли қизнинг кўнглига ёқиб тушди. У овуниб, ёшли кўзларини менга тикиб, умид билан қаради. Мен яна тасалли беришни ўз бурчим деб ҳисобладим.

— Ундан ташқари... ургочи гоҳ, — дедим шу сўзни яна бир марта такрорлаш учун иборалар қидириб, — ургочи гоҳ дейишнинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ, бу ҳақорат ҳам эмас. Мана, масалан.., мен, гоҳ гўнги менинг жон-ганим. Қиз

сўзларим изҳори севгим — йўқми эканини аниқламоқчи бўлгандай, менга маъноли қилиб тикилиб қолди.

— Рост, гоз гўшти жон-таним, — давом этдим, бу гапни севги изҳор қилиш ўрнига ўтиб қолар деб ўйлаб, — Айниқса, унинг оёғини яхши кўраман.

— Қанақа оёғини? — ҳайрон бўлиб сўради малла сочли қиз.

— Юрадиган оёғини-да. Ойим гознинг ичига гуруч тикиб пиширганда, доим оёғини беринг, деб сўрайман.

Эртаси куни малла сочли қизни яна учратдим, шундан бошлаб иккаламиз деярли ҳар куни учрашадиган бўлдик. Биз севги изҳор қилмасданоқ бир-биримизни севиб қолган эдик. Қиз ўзига берган ўша тасаллимни (танншувимиз шу тасаллидан бошланди) изҳори севги ўрнида қабул қилган эди. Кўпинча бева хотинлар ҳам тасалли сўзларини изҳори муҳаббат ўрнида қабул қилишади. Малла сочли қизда беваларга хос сентименталлик пайдо бўлган эди, зотан унинг ўзи мендан бурувч биринчи синфдаги бир гимназистни севиб қолганини эътироф қилди.

Биз гарчи ҳар куни дарсдан кейин учрашиб турсак ҳам, уни уйига кузатиб қўйсам ҳам, барибир, хуфя учрашиш зарурлигини сезардик. Маълумки, ошиқ-маъшуқлар холи қолган тақдирдагина уларда севги титратмаси пайдо бўлади. Биз пайшанба куни тушдан кейин кўҳна қабристонда учрашишга аҳдлашдик. Гимназия талабалари бўлган ҳиссёвтли маъшуқа билан розининг оёғини жондидидан севган ошиқ учун кўҳна қабристон жуда қулай висолгоҳ бўлиб туюлган эди.

Биз учрашгандан кейин узоқ гаплашдик. Иمتиҳонлар ҳақида, унинг ўқитувчиларнинг қаттиққўлиги ҳақида гаплашдик. Кейин Марица онасининг тушлик овқатга қовоқ дўлма қилганлини айтди, мен эса, ўтган куни кечки овқатга пишлоқ билан макарон еганимизни айтиб, мақтандим. Яна алданималар тўғрисида гаплашиб, кейин уй-уйимизга кетдик.

Кўриб турибсизки, бу учрашувимизнинг сира ҳожати йўқ экан, нега десангиз, бундай учрашувларда севги ҳақида тўлиб-тошиб гаплашилади, биз бўлсак, мактабдан уйга қайтиш чоғида кўчада гаплашгани мумкин бўлган нарсаларни гаплашиб юрибмиз.

Қийин жойи шунда эдики, мен ҳам, у ҳам ишқий сўзларни билмас эдик. Ытга-ярымга ишқий сўзни қандай ўргансам экан, деб, бир неча кун қаторасига бош қотириб

юрдим ва ниҳоят холамининг битта китоби борлиги эсимга тушди. Холам бу китобни ҳар куни кечқурун хўрсиниб ва уҳ тортиб ўқир, кейин ёстиги тагига бекитиб қўярди. Бу китобда ишқий сўзлар бўлиши керак. Чунки, қаря қизлар фақат севги ҳақидаги сўзларни ўқигандагина йиғлайдилар.

Ниҳоят, бир куни туш пайтида шу қимматбаҳо китобни ўғирлаб, саройга кирдим-да, қалтирай-қалтирай уни варақлай бошладим. Холамининг кўз ёшларидан хўл бўлиб кетган китоб саҳифаларини алоҳида синчиклаб қарадим ва улардан бирида чиндан ҳам аллақанча ишқий сўзларни топдим; шуниси ҳам борки, булар қабристонда учрашган ошиқ-маъшукларнинг бир-бирларига айтган гаплари эди. Китобда тасвирланган дон Родриго Мондега билан гўрковнинг ўғай қизи, етим Хуана ўртасида тахминан бундай гап бўлиб ўтарди:

Д о н Р о д р и г о. Э, қиз! Сенга мана шу унсиз шохидлар олдида қасамёд қиламанки, менинг муҳаббатим мана шу ўлим майдони устидаги кўзга кўринмас ғам-ғусса сингари самимий ва чуқурдир.

Х у а н а. Оҳ, кошья эди бу сўзларга ишона олсам.

Д о н Р о д р и г о. Менинг сўзларим — олиҳиммат рицарнинг қалб нидосидир. Сўз мен учун муқаддас, қасам эса имонга тенг.

Х у а н а. Севгингдан шу қадар бахтлиманки, бу бахтга берилишга журъат ҳам қила олмаяпман.

Д о н Р о д р и г о. Ақалли, қалбнинг нима сезаётганини айтсанг-чи...

Х у а н а. Сени севаман.

Д о н Р о д р и г о. Оҳ, малагим Хуана!

Х у а н а. Севгим, Родриго!

Бу сўзларнинг ҳаммаси атайлаб биз учун ёзилгандай эди. Уларни яхшилаб икки нусха қилиб кўчириб, китобни яна ёстиқ тагига обориб қўйдим. Кейин бир нусхасини Марицага бердим, иккинчисини эса, пайшанба кунигача ёдлаб олиб, қабристонда севги ҳақида гаплашиш учун ўзим олиб қолдим.

Кейинги пайшанба кuni, иккаламиз учрашганимизда ундан аввало бундай деб сўрадим:

— Қалай, ёдладингми?

— Ҳа!

— Кел, бўлмаса, синаб кўраман!

У ҳаммасини сўзма-сўз беҳато ёдлаган эди. Шундан кейин, ўзимни синаш учун қоголни Марицага узатдим ва

гарчи мактабда орттирган одатим бўйича бир оз дудуқлансам ҳам, ҳар ҳолда анча силлиқ қилиб ўқиб бердим. Ҳаммаси сип-силлиқ кетаётганига ишонч ҳосил қилгач, худди дон Родриго Мондега билан гўрковнинг ўғай қизи, етим Хуана сипгарини бир-биримизга ишқий гаплар айта бошладик.

Ҳамма ишимиз ростаканм ошқ-маъшуқларникидай силлиқ борар эди. Қиз алоҳида назокат билан: «Сени севаман!» дерди, мен эса сира дудуқланмай, «Оҳ, малагим Хуана!» деб жавоб берардим. Бу гаплар унга ҳам, менга ҳам манзур тушганидан шу тариқа давом этдиравердик.

Учрашувдан кейин ўша китобдан бошқа бир жойини, ундан ҳам яхшироқ жойини кўчприб олиб, келгуси пайшанбагача ўз ролини ёд олиши учун бир нусхани Марицага бердим.

Бу пайшанба қандай ажойиб кун бўлиши мумкин эди-ю... бироқ мени қабристонда бир соатдан тўлроқ кутган малла сочли гимназист қизнинг ёнига бора олмадим. Севги дарсини ёдлай олмаган эдим. Шунинг учун мактабдаги одатни қилдим: яъни, учрашувга келмадим. Ёмон баҳо олгандан прогул қилиш маъқулроқ деб ўйладиму, бироқ севги бобида севишганлардан бирининг келмай қолиши энг хатарли нарса эканини билмабман.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди, негаки, севгимизга дарслар бостириб кирган эди. Маълумки, дарслар ҳатто никоҳ билан тугайдиган севгини ҳам ҳазон қилиб ташлай олади. Менинг севгим нима бўпти, мен хинивдан қандай жиркансам, дарслардан ҳам шундай жирканар эдим. Дарсларни ҳам калтақдан қўрқиб, хини ютгандай, топлож ўқирдим.

Барибир, шундай бўлса ҳам, қабристонга боролмаганимга жуда айсусландим, чунки, ана шу иккинчи дарсада бир-биримизга айтадиган муҳаббат сўзларимиз яна ҳам кўп эди. Дон Родриго ўз монологини мана бундай сўзлар билан тамомларди: «Севгим Хуана, қучоғимга кел, қучоғимга! Лабларимиз бир-биридан лаззатли бўса олиб ёпишиб қолсин, мана шу илк бўсада қалбларимиз бир-бирига сипсиб кетсин». Шундан сўнг улар қабр тошларидан бирининг орқасида узоқ қучоқлашиб, ўпишардилар. Дарсинг бу қисми менга жуда ёқар эди, лекин унда одамнинг юрагини қон қилиб юборадиган бир жой ҳам бор эдики, мен уни сира ёдлай олмадим. Дон Родриго севгимнинг самимийлигига Хуанини ишонтириш учун уни

бобоснинг қabri тепасига олиб келиб, мана бундай қасамёд қиларди:

«Кастилиялик испанлар билан бирга Гренадани қамал қилиб, Абу Абдул Боабдални Гибралтарнинг нариги томонига қувиб юборган, Муҳаммад абу Соҳиб Барбароссанинг бошқиси шахсан ўз шамшири билан кесиб ташлаган мондонедиллик дон Пелажининг невараси кастилиялик дон Гиацинт Нуеца де Коркуэлнинг машҳур авлодидан тарқалган ла фуэнталик дон Алгуациланинг номи билан сенга қасамёд қиламан!»

Биргина «Артаксеркс» сўзи устида олти ой тил калдиратган ва миср фиръавни Успретезен туфайли уч марта «икки» олган мен каби ўқувчи учун бундай дарсин ёдлаш қанчалар оғирлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Табий, учрашувга бормаганимдан кейин, малла сочли гимназист қизга рўнара бўлишдан қоча бошладим. Бир кунни нима бўлса ҳам унинг кўзига кўринишга аҳд қилганимда эса, ҳайит ўтган эди. Малла сочли гимназист қиз бошқа бировни севиб қолинти.





УЧИНЧИ СЕВГИДАН СЎНГГИ УН ИККИНЧИ СЕВГИГАЧА

1940

Муҳаббат — ичкиликбизликнинг бир тури. Шуниси борки, одам дастлабки икки қадаҳни ичгандан кейин унда иштаҳа ва ташналик пайдо бўлади ва у қадаҳ келидан қадаҳ сиққораверади. Менда ҳам тахминан шундай ҳодиса рўй берди. Хоҳ ишовнинг, хоҳ ишонманг шундоққипа алкогольнинг ўзи бўлдим-қолдим. Аввалги севгининг кайфи тарқамай туриб, олдимда турган қадаҳга ёпишавардим.

Менинг фаразим севги — тамаки чекишга ўхшаш одат эканлиги эҳтимол шу билан тасдиқланса керак. Мутлақо

чекмайдиган одамлар ҳам бор, бироқ, чекмасдан туролмайдигаллар ҳам кўп. Бировлар меъёри билан чекишади, бошқа бировлар эса, оғизларидан папиросни тушпришмайди. Бировлар тамакини тез-тез ўзгартириб туради, шунинг учун ҳам қаттиқ йўталга мубтало бўлишган, бошқа бировлар эса, чекиш организмга зарар қилишини сезганлари ҳамоно йўқолган паштахани қайтариш учун, чекишни ташлаб юборишади. Мен тамакини тез-тез алмаштирадиган, бир папиросни тугатмай туриб, иккинчисини бошлайдиган ашаддий кашандалар топфасдан эдим.

Ёшлик йиллари муҳаббатга фарқ бўлиб ўтгач,

«Муҳаббат бир бало шайду, грифтор ўлмаган билмас», деганларидек, шу бало мени хароб қилди.

Учинчи севгим замирида гугурт чўпи ейиш ва испанча номларни хижжалашга сира ўхшамаган баъзи реал вистаклар ҳам бор эди. Агар тарозига ишониш мумкин бўлса, саксон килограммдан кам бўлмаган хизматкор аёлимга хуштор бўлиб қолдимки, у бутун оғирлиги билан қалбимга ўзини таплаган эди.

Хизматкор аёл қўлидаёқ севги алифбосини ўқиганлигим учун бу муҳаббат менда илк ёшлик эсдаликлари сифатида бир лаҳзада найдо бўлди-қўйди. Дастлабки таассуротлар таъсири шу қадар кучли эдики, Фанинга севги изҳор қила туриб: «Оҳ, малагим! Ҳозир кўнглимга шницель сизадими? Лекин, майли, агар қолдирмоқчи бўлсанг, бир оз аччиқ-чучукдан ҳам қолдир. Бутун фикри-ёдим сенда, фақат сенда. Фақат сени бағримга босиш дақиқаларингизна кутяпман. Гўшт совиса, нима бўпти!» деб юборишимга оз қолган эди.

Ўзимнинг ўша вақтларда ёзилган, эълон қилинмаган шеърим ҳали ҳам эсимда:

Жон-дилимдан севаман
Семиз бўлсанг ҳам, Фанни!
Дил толпинар сен томон.
Доним ўйлайман сени.
Хувиллаган қалбимга
Юк бўлдинг сен салмоқдор
Майлинг борми ҳеч менга,
Дилингдагин эт ошкор.

Бироқ бу кўтаринки, идеал севгимни ҳам бегонанинг фитна-фасоди вайрон қилдики, бунақа ишлар тез-тез бўлиб туради. Ота, оналарим ҳеч қанақа ишим бўлмаса ҳам ошхонада кўп ўралашиб қолганимни сезиб, Фанини

бўшатиб юборишди. Севгим объектсиз қолганлиги туфайли сўнишга маҳкум бўлди.

Тўртинчи севгимиз қизлар гимназиясида ўқир эди. Унинг қон-қора, чақнаб турган кўзлари, шўх табассуми соз эди. Бизнинг севгимиз олисдаги севгининг бир хили эди. Бир-биримиз билан бир оғиз гаплашмадик, аммо биринчи маънодор қарашдан кейинроқ хат ёзиша бошладик. Бу севгининг ижобий томони шунда эдики, мен хат олиб-хат бериш билан шуғулланар эканман, уйга берилган «пишир ва айт!» ёки, «ўз-ўзингни билиб ол!» сингари вазифаларни бажаргандагига нисбатан аллақанча завқ билан фикримни баён этиш машқини олдим. Бунда мен ўз фикримни баён этишнинггина ўрганиб қолмай, барча тиниш белгиларини ишлатишни ҳам тажриба қила бошладим. Мен сира хасислик қилмай тиниш белгиларнинг ҳаммасини бирданига қўллаб бошладимки, улардан биттаси ҳам бошқа белгига нисбатан уни кам қўллади деб шикоят қила олмас эди. Ишқий мактубларимдан бирп тахминан мана бундай эди:

«Азизим!!! Мен, сени севаман...? бутун жонимдан ва; меним бутун «қалбимдан» севаман?! Сендан илтимос қиламан.— Сендан илтимос қиламан.— Сен мана шу Хатга! иложи борича тез жавоб бер? Сени аттанг; ўлгунча севувчи?»

Севгимизнинг мактубига ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмаган эди, унинг грамматикадан бўш эканини дарҳол пайқадим.

Бироқ бу севги ҳам тугамади, балки ўчди-қолди. Ажойиб куларнинг бирида қиз дафъатан хатларимга жавоб бермай қўйди, кейин эса, мен ҳам унга мактуб ёзишни йиғиртирдим. Шу тариқа оҳиштагина кўз ёшларисиз, оҳвоҳларсиз бир-биримизни унутдик.

Менинг бешинчи севгим — тугалланмаган сентиментал романинг бир бобидир. Бу сафар ўзимдан йиғирма ёш катта бир хонимга ошиқу беқарор бўлиб қолдим.

Унинг юзидаги кулдиргичлари шунақаям одамнинг ҳаловатини олиб қўядиган, садафдай тишлари шунақаям чиройли, лаблари шунақаям асал суртилган эдики, у ёнимдан ўтганда бутун вужудимни қалтироқ босарди. Бир томондан у мени масҳара қилишидан, иккинчи томондан эса менга нафратдан бошқа нарсани билмайдиган эридан қўчганим учун унга дардимни айтишга ботинмас эдим. Унинг эри кўзимга ёш кийикни бўғиб ўлдиривдап олдин

чангаллари билан уни қийнайдиган қонхўр йиртқичга ўхшаб кўринарди. Ҳазимни эса, оқ от миниб қизни қутқараётган авлиё Георгий деб фараз қилардим. Мен у вақтларда боёқиш қизларнинг ўша ёввойи йиртқич чангалида роҳат қилишларини билмас эдим, албатта.

Бешинчи севгим мапгулик сир бўлиб қолди, буни ёстигимдан бошқа ҳеч кимга айтганим йўқ. Холи қолганимда ёстиқни қучоқлардим, ўлардим ҳамда лаблари бол, кулдиргичи юракка ўт соладиган гўзал хонимга аталган самимий юрак сўзларимни ёстиққа айтардим.

Олтинчи севгида иш ниҳоят, бўса олишгача бориб етди. Бу ҳаётимдаги биринчи бўса эди. Биринчи бўса ҳам севгининг маълум ва номаълум миқдорларига эга олий математикаси ўқитиладиган келгуси синфга кўчганликдан далолат берувчи ўзига хос табелдир.

Ишим тушгунга қадар мен биринчи бўса ширин конфетнинг бошқачароқ хили бўлса керак деб ўйлардим, аммо, лабимни бошқанинг лабига теккизганим ҳамано бу фикрдан қайтдим. Биринчи бўса менга жимирлаб турган бир бокал шампанский бўлиб кўриндики, уни ичгандан сўнг лабларда аллақандай ширин там қолади, қонда зўр олов пайдо қилади, кўзлар тиниб, бош айланади. Ажабланадиган жойи шундаки, лабимни ўзга лабдан ажратганим заҳоти, ҳаётнинг барча бошқа соҳаларидаги каби севгида ҳам зарур бўлган тажрибага эга эканимни сездим.

Бироқ тажриба ҳамиша ҳам одамнинг ҳафсаласини пир қилиб қўяди. Менинг бу севгим ҳам шундай бўлди. Нафсамбирини айтганда, ҳафсала пир бўлиши ҳар қандай севгининг табиий ва мажбурий интихосидир.

Ғалати туюлиши мумкин, бироқ еттинчи севгимдан ҳеч нарса ёдимда қолмаган. Севганимни биламан, қиз мени севганини биламан, нариги дунёда ҳам бир-биримизни севамиз, деб қасам ичганимиз эсимда, бироқ, шундай бўлса ҳам, унинг кимлиги ёдимда йўқ.

Бир гал десангиз, қулинг ўргилсин бир аёлни учратиб қолдим. У менга қараб ширингина жилмайди. Ҳанда тўсатдан у менинг унутилган севгимга ўхшаб кўринса бўладими. Отнинг калласидай юрак ютиб, у билан гаплашишга жазм қилдим:

— Бекам, эслай олмайсизми, бир вақтлар мен сизга хуштор бўлганмидим, йўқми?

— Буни била олармидим дейсиз?

— Билишингиз керак эди, негаки, бу гапни ўзим сизга айтганман.

— Сиз менга ҳеч қачон бунақа деган эмассиз.

— Аттанг!

Кейинроқ, ҳатто бир хонимни сиз мени севгансиз, деб ишонтиришга уриниб кўрдим (У буни эсламаслиги ҳам мумкин, албатта). Бироқ, хоним жуда қатъий қилиб, бундай деди:

— Кечирасиз, афандим, менда эрга теккунимга қадар ўзим севган кишиларнинг аниқ рўйхати бор. Бу рўйхатда сиз йўқсиз!

Хуллас, ҳар қанча уринсам ҳам, еттинчи севгим ҳақида шу вақтга қадар ҳеч нарса билмайман.

Менинг саккизинчи севгим бошдан-оёқ ҳаммага маълум бўлган севги рецепти бўйича тайёрланган эди. Унинг кўпчиб турган кўнғир сочлари, ёниб турган тимқора кўзлари бор эди. У мени жон-дили билан севар, ҳатто вафодорлигим ҳақида қасам ичишимиз талаб қиларди, ўзи ҳам шундай деб қасам ичарди. Аммо, қасам ичган кунимиздан кейинроқ, кунларнинг бирида бошқанинг этагини тутиб кетди.

Менинг тўққизинчи севгим Вука Каражич тўпламидаги ҳаммага маълум бўлган ашулага, тўғрироғи, иситилган карам шўрвага ўхшарди. Унинг кўпчиб турган қоп-қора сочлари, ёқимли мовий кўзлари бор эди. Уни жон-дилидан севардим. Ҳатто, севгига вафодорлиги тўғрисида қасам ичишни талаб қилдим, ўзим ҳам қасам ичдим, бироқ шу қасамдан сўнг кўп ўтмай, ажойиб кунларнинг бирида бошқанинг этагини тутиб кетдим.

Менинг ўнинчи севгим қувноқ фожиадирки, буни сиз ҳам билиб қўйсангиз, чакки бўлмайди.

Аввал унинг эри билан танишдим. У мени уйига таклиф қилди. Тилидан кўра кўзи билан кўпроқ гапирадиган кичкина ўйноқи хотинига таништирди. Бир кўришдаёқ унга ошиқи беқарор бўлиб қолдим ва эри мени меҳмонга таклиф қилганда ўзимни жуда бахтиёр сезиб юрдим. Назаримда унинг ҳам менга майли борга ўхшар эди. Ҳар қалай иккаламиз холи қолганимизда у эри бор вақтдагидан кўра бошқачароқ равиш-рафтор қилар эди. Аммо эрининг равиш-рафтор қилиши ҳам чакки эмасди. Аксинча, у менга алоҳида ишонч билан қарадики, уни ўзимнинг энг самимий дўстим деб биладиган бўлдим.

Бир кун иккаламиз паркнинг хароба хиёбонларида

анча вақтгача санғиб юрдик. Орамизда жуда қизиқарли гаплар бўлиб ўтди.

— Пайқашимча, хотиним сизга ёқиб қолганга ўхшайди,— деди у хотиржам ва босиқ оҳангда.

Мен шунақанги хижолат бўлдимки, қулоқларим лавлаги бўлиб кетди чамамда.

— Мен... ҳалиги...— дея гап бошладим дудуқланиб,— тўғри, хотинингиз жуда назокатли аёл... Уни жуда ҳурмат қиламан.

— Э, қўйсангиз-чи, ўзингизни у ёқ-бу ёққа ташлаб нима қиласиз? Бир-биримизни жуда яхши биламиз, очиқ-часига гаплашаверайлик. Сизнинг ёшингиздагилар ёш жувонларни ҳурмат қилишмайди, йўқ, севишади. Тўғрими?

— Аммо... ҳалиги... нимайди... агар кўнглингизга бошқа гап келаётган бўлса...

— Бошқа гап келаётгани йўқ, мутлақо, бошқа гап келаётгани йўқ. Хотинимга очиқ эканлигингизни аниқ биламан, бироқ, хотиржам бўлаверинг. Сиздан зарра ҳам хафа эмасман... Сира-сира хафа эмасман... Ҳечам!

— ???!!!

Унинг гапларидан анграйиб қолдим. Оғзим очилганча, бутун вазоҳатим билан сўроқ ва ундов белгиларини бир вақтда ифодалаб, унга тикилиб қолган эдим.

— Гапимни қандай тушунтирсам экан-а,— давом этди у.— Сизга ғалати туюлиши турган гап, яъни, мен, эр бўла туриб... бироқ...

Шу онда хаёлимдан борди-ю, бу одам мени бу бурчакка олиб келишидан мақсад сирни билиб олса-ю, кейин тўппончасида қанчаки ўқ бўлса, ҳаммаси билан кўкрагимни ғалвир қилиб ташласа-я, деган фикр кечди; шундан кейин ўлар-тириларимга қарамай, ўзимни ҳимоя қила бошладим.

— Аммо, афандим, хотинингизга муҳаббат деган нарса хаёлимга ҳам келган эмас. Уни чиндан ҳам ҳурмат қиламан, холос.

Афтидан у ўтакам ёрилиб кетганининг сабабини пайқадди шекилли, дарҳол тасалли беришга ўтди:

— Гапимга ишонинг, сизга зигирча ёмонликни раво кўрмайман. Худо сақласин! Гапимга қулоқ солсангиз, тушуниб оласиз.

У самимият билан, дўстона оҳангда гапга тушиб кетди.

— Гап бундай, дўстим, эр-хотин ўргамизга жуда ёмон

совуқчилик тушган. Ундан кейин десангиз, ажраладиган бўлиб турибмиз.

— Сиз-а?!— ажабландим.

— Ишонмаяпсизми?

— Йўғ-э, бўлмаган гап!

— Бўлмайдиган иш йўқ, дўстим. Эри хотин икковимизнинг бир-биримизга меҳрибонлигимиздан чўчимай қўя-қолинг. Иккаламиз рози бўлиб ажрალიшмоқчимиз. У мени, мен эса, уни кўришга тоқатимиз йўқ. Нега бундайлигини сўраманг. Хўп деяверингу, бу вазият сизга жуда қўл келади. Агар иккалаңгиз бир-бирингизга маъқул келиб қолсанглар, ажойиб кунларнинг бирида хотиним бошини очиб олади-да, у ёғига нима қилсангиз-қилаверасиз. Аммо бунга эришиш учун иккаламиз бирга жон куйдирмасак бўлмайди. Бир-биримизга дўстона ёрдам беришимиз керак.

— Бир-биримизга ёрдам дейсизми?

— Ҳа, отангизга раҳмат! Сизга ёрдам бериш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, бироқ сиз ҳам менга жиндаккина хизмат қиласиз.

Мен бу ғалати эрта ҳайрон-ҳайрон боқарканман, у гапни давом эттирди:

— Қўйди-чиқди вақтида мақсадга эришувим учун менда далил бўлиши керак, лекин шу далил қурғур йўқ. Ўша далил сиз бўлишингиз мумкин!

— Мен... Қандай қилиб?

— Йўли жуда осон. Менга хотинимнинг суюқоёқлиги тўғрисида далил керак...

— Бироқ...

— Гапимни бўлмай тулинг. Унинг ахлоқи жойидам, ёки суюқоёқми, бу нарса мени қизиқтирмайди. Аммо, менга далил керак, агар хўп десангиз, шу ишда ёрдам берган бўлардингиз.

— Гапингизга тушунмаялман!

— Ҳозир тушунасиз. Унга муҳаббат изҳор этгансиз, тўғрими?

— Бироқ...

— Қулоқ солинг, агар муҳаббат изҳор қилишга улгурмаган бўлсангиз, дарҳол шу ишнинг пайдан бўлинг. Мен сизга шароит яратиб бераман, бироқ лалайиб ўтирманг, дўстим. Агар у алай-балай деса, уялса, кетингизга тисарилманг, дадилроқ ҳаракат қилинг. Тўқсон фоиз хотинлар бундай вақтларда ўзларини уялганга солишади, нега десангиз, йўли шунақа. Хуллас, дадил бўлинг, бўш келманг.

Муҳаббат изҳор қилдингизми, сира тўхтаманг. Хотинлар учун эркакнинг ярим йўлда тўхтаб қолганидан расво нарса йўқ. Уялиш-буялишни йиғиштириб қўйинг-да, албатта, махфий учрашишга розилигини олинг. Турган гапки, у бешбаттар уялади ва сизга: «Вой ўлай, бу жуда ортиқча-ку, йўқ, йўқ!» дейди. Бироқ сиз парво қилманг. Савдогарнинг: «Ғалимга ишонинг, бу мол ўзимга қимматга тушган» деб қасам ичиши қанчалик рост бўлса, бу ҳам шунчалик рост. Хуллас, агар сиз маҳкам туриб олсангиз, албатта, ниятингизга етасиз ва у учрашишга розилик беради. Бунга тўсиқ ёлғиз менман. Бироқ, сиз билан келишиб олишимиздан осон нарса йўқ-ку, мен масалан, бир ёққа кетарман.

Бу ғалати эринг гапига борган сайин ажабланиб қулоқ солардим.

— Ғаининг каттаси шундан кейин бошланади. Сиз учрашувга келасиз. Мен эса, ўзингиз пайқагандирсиз, ҳеч ёққа кетмаган бўламан. Иккита гувоҳни бошлаб келаман. Сиз сира кутмаган бир пайтда ичкарига бостириб кираман. Агар шу пайтда шимсиз бўлсангиз, айни муддао бўлади. Турган гап, хотиним дод солганча, ҳушидан кетиб йиқилади, мен эса, сизга ташланиб ерга йиқитаман, тепкилайман, кейин тумшуғингизни пачоқ қиламан ва вафоли эр хиёнат устидан чиқиб қолганда бошингиздан қанча соч юлиб олиши мумкин бўлса, шунча соч юлиб оламан. Кейин, ашъвий далил сифатида шимингизни олиб қолиб, иштонингизда кўчага қувиб чиқараман. Бу ишларни иккита гувоҳ иштирокида қиламан, албатта. Қалай, энди ҳаммаси тушунарли бўлдимми?

— Ахир, ғалимга қулоқ солсангиз-чи...

— Ҳа, дарвоқе, тушундим! Дўшносламоқчи бўлганим сизни ташвишга солаётганга ўхшайди. Лекин бошқа илож йўқ: севги қурбонсиз бўлмайди. Ўрта асрларда рицарлар хонимларга бўлган севгисини исбот қилиш учун ўлимдан ҳам тап тормаганлар. Ўша рицарларга ўхшасангиз, муҳаббат йўлида калтак есангиз нима бўпти?

— Бироқ ўзингиз ўйлаб кўринг, хотинингизнинг олдида нима деган одам бўламан?

— Шимсиз аҳволда жуда яхши кўринишингиз мумкин. Кейин сизни ураётганимда хотиним сизга раҳми келади, маълумки, раҳм-шафқатдан, аксарият, теран севги пайдо бўлади.

— Аммо мени жуда аянч аҳволга туширмоқчисиз...

— Ох, азизим, айтинг-чи, математикадан хабарингиз борми?

— Мазам йўқроқ.

— Кўриниб турибди. Бунинг ҳисоби пухта. Хотиним ахлоқи тоза, бузилмаган ва ҳалол аёл сифатида процессда ютиб чиқди деб ҳисоблайдик. Лекин у диркиллаган, тобида аёл. У тақдирда нима бўлишини биласизми? Ҳамма торт-торт қилиб, уни бурнингизнинг тегидан олиб кетиб қолишади. Агар менга ёрдам берсангиз, иш бошқача бўлади. Хотиним отнинг қашқаси, суюқоёқ аёл сифатида процессда ютқизади, ундан кейин нима қилади? Унга сиз қоласиз, тушунасизми, сиз.

Бу одамнинг гапларида темир мантиқ бор эди-ю, лекин унинг кетида мушт дўлайиб туриши чакки эди.

У мен билан хайрлашаркан, тушдан кейин уйига келишимни таклиф қилди. Бироқ келсам, ўзи уйда йўқ эди. Афтидан, у битишдик деб ишониб, дастлабки ишларим учун менга шароит яратиб мақсадида ҳамма чорани кўрган эди.

Мен эса, бундай хотинни алдаб бўлмайди, деган қарорга келдим. Унга эри билан ўртамизда бўлган гапларни айтиб бермоқчи бўлдим.

— Мен сиз билан очиқчасига гаплашиб олмақчиман. Сизга айтадиган кўп, жуда кўп гапларим бор,— деб гап бошладим тўлқинланиб.

— Шунақа дег?

— Ҳа...— гўлдирадим гапни нимадан бошлашни билмай.— Биласизми... анави... сизни қанчалик ҳурмат қилишимни...

— Ташаккур.

— Бироқ мен ҳурмат деб атаган туйғуни бизнинг ёшимизда бошқача ном билан аташади.

— Ия, наҳотки? Билмас эканман! Қандай аталишини билсак бўлмасмикап?— деб сўради у. Жувоннинг кўзлари кулиб турарди.

Бир неча дақиқа индамай қолдим, кейин ўзимни босиб томдан тараша тушгандай:

— Бу туйғу муҳаббат деб аталади!— дедим.

— Хўш, хўш,— деди у осойишталик билан.— Умуман айтганда, шу гапни кутган эдим.

— Кутган эдингизми?— гўлдирадим ваҳима билан, эри бўлган воқеани мендан олдиноқ айтиб қўйдимкан деб ўйлаб.

— Ҳа, кўз қарашингиздан, хулқ-атворингиздан, ҳаммасидан билган эдим...

— Наҳотки?

— Сиз нима жавоб қилишимни билмоқчисиз-да?

— Ҳа,— деб шивирладим эшитилар-эшитилмас.

— Жуда сабрсиз йигит экансиз. Ўз садоқатингизни амалда исботлаганингиздан кейингина жавоб бераман.

— Оҳ! Қани энди, уни исбот қилишга имкон берсангиз!

— Сизга шунга имкон бераман, сизни илҳақ қилиб қўймайман,— деди у бир оз жим қолиб, кейин, давом этди.— Биласизми, қадрли дўстим, шу кунларда эрим билан ўртамызга совуқчилик тушиб қолган. Ундан кейин деса-нгиз, ажралиш олдида турибмиз. Эрим иккимиз бир-биримизга бунчалик меҳрибон эканлигимиз сиз учун қутилмаган нарса бўлиб кўринса керак. Биз ўз розилигимиз билан ажралишмоқчимиз. У мени, мен эса, уни кўришга тоқатим йўқ. Нега бундайлигини сўраманг. Бироқ, ҳозир менга изҳор этган муҳаббатингиз ҳақиқатан ҳам самимий бўлса, менимча, бу ҳолат сизга жуда қўл келади. Лекин шуниси борки, эримга қарши курашда менга ёрдам беришингиз керак.

— Наҳотки?

— Ҳа, менга сира эсдан чиқмайдиган яхшилик қилган бўласиз. Бокира аёл эканлигим ҳақида иложи борича қўп далил керак менга. Турган гап, далилларим бор, бироқ, эрим мени ёмон оглиқ қилиш учун қўлидан келган ишнинг ҳаммасини қилмоқда, шунинг учун ҳам менга рад қилиб бўлмайдиган фактлар керак.

— Мен худди шу гаплардан сизни огоҳ қилиб қўймоқчи эдим...

— Хуллас, режам мана бундай: сизга учрашув куни ва соатини тайин қиламан, ўзим эса, иккита гувоҳни қўшни хонага яшириб қўяман. Бизнинг тил бириктирганимизни улар билмайди, албатта. Сиз дангал туриб ҳайиқмай-нетмай менга муҳаббат изҳор этасиз, мен эса шаштингизни қайтараман. Эрим борлигини, унга содиқ эканимни айтаман. Сиз эса, бу гапларга эътибор бермай, мени ўпишга ҳаракат қилинг. Ана шунда мен фарёд кўтараман. Яшириниб турган иккита гувоҳ ўйлайманки, дарҳол менга ёрдам бергани ошиқади. Улар эшиқдан кўриниши биланоқ қулоғингизнинг тагида шовла қайнатиб, сочингизни юламан, башарангизни юмдалайман, кейин ўша икки киши-

дан яхшилаб таъзирингизни бердириб, сизни кўчага улоқтириб ташлашларини илтимос қиламан.

Жувоннинг ана шундай гапларидан қандай аҳволга тушганимни тасаввур қила оласизми? Пенюнамда шўрим бўлмаса, шунақа қонхўр эр-хотинга дуч келаманми! Ундан кейин нега энди мен уларнинг муносабатини тартибга солиш учун ўзимни ўзим балога қўйишим керак? Ахир, ўзингиз кўриб турибсиз, эрни ҳимоя қилсам ҳам, хотинни ҳимоя қилсам ҳам, барибир беланги бўлмай иложим йўқ. Фарқи шунда бўларканки, бир ҳолатда шимда, иккинчи ҳолатда шимсиз калтак ер эканман.

Узоқ бош қотирганимдан кейин бу расво ҳолатдан ҳам, севгидан ҳам қочиб қутулмасам бўлмайди, деган қарорга келдим. Худди шундай қилдим ҳам.

Орадан бир неча ой вақт ўтгач, уларни кўчада кўриб қолдим. Иши черков судида кўрилиши керак бўлган бу эр-хотин бир-бирларининг қўлларини ушлаб олишган, ёнларида эса ёшгина бир жаноб борар эди.

— Қаёққа даф бўлдингиз? — бараварига бақиринди эр-хотин. Уларнинг гап оҳангидан: «Ҳамма иш пишганда қаёққа йўқолдингиз?» — деган маъно англашилиб турарди.

Бир амал-тақал қилиб узримни айтдим ва улар менинг ўрнимга далил сифатида фойдаланмоқчи бўлган шўрлик йигитга юрагим туздек ачиб қараб қўйдим.

Мана шундай пўртанали севгидан кейин ўн иккинчи севгим жуда осойишта, тўғрироғи, художўй севги бўлди. У чиндан ҳам санамни эслатар эди. Бу севгим рангпар, чўзиқ юзли, манглайи теғис, узун қора сочи силлиқ таралиб, фарқи тўғри очилган, пистадахан, мужгонлари узун, боқинлари майин қиз эди.

Қисқаси, у ўта камтарлик, тортинчоқлик ва уятчанликнинг мужассам тимсоли эди. Унга севги изҳор қилганимда, аввал бошини қуйи солди, кейин қип-қизариб кетди, кўзларини юмиб, олис дам индамай қолди. Ниҳоят, бошини кўтариб, бирданига:

— Ҳозир айтган гапингизни бундан кейин сира ҳам айтмайдиган бўласиз! — деб гапни қаторлаштириб ташлади.

Унинг қўлини қисганимда яна аввал бошини қуйи солди, кейин қип-қизарди, кўзларини юмиб олис дам қолди. Ниҳоят, бошини кўтариб, гапни қаторлаштириб ташлади:

— Ҳозир қилган ишингизни бундан кейин ҳеч қачон қилмайсиз!

— Майлику-я, лекин, сизга муҳаббатимни қандай изҳор қиламан?

— Мен сизни кўриб турганимнинг ўзи етади, шу билан кифояланишингизни илтимос қиламан.

Хуллас, бор-йўқ севгимиз бир-биримизга унсиз термилишдан иборат эди. Мен унга, у эса менга термиларди. Бироқ, у мени, мен эса уни кўрмайдиган кун ҳам келди. Шундай қилиб, бир-биримизни кўрмадик.

Лўнда гап шуки, ўн иккинчи севгим ишқий таом мўл-лигидан бузилган ошқозоним учун зарур бўлган аллақандай парҳезга ёки рўзага ўхшаш нарса эди. Христианча итоаткорлик билан шу рўзани тутдим. Ошқозонимни ўн учинчи севгини ҳазм қила оладиган ҳолга келтириш учун шу парҳез зарур эди.





Q. B. F. F. S.

«Q.b.f.f.s» одатда докторлик дипломининг юқори бурчагига ёзилиб (Quot bonum, faustum, felix, fortunatumque sit!) эркин таржима қилинса, «Хайрли соатда!» ёки «Худого шукурки, атиги бир марта!» деган маъноларни билдиради. Чамаси, университет ҳам безор бўлган ўз ўқувчилари билан хайрлашаётганида ана шундай хитоб қилса керак. Ўқишдан безор бўлган студентлар ҳам университет билан ана шундай хайрлашсалар керак. Университетни тугатгандан кейин мен олган дипломда юқоридаги ҳарфлар йўқ эди, бироқ мазкур ҳуж-

жағни қўлимда кўриб, чин юракдан: «Q. b. f. f. f. sl» деб хитоб қилиб юбордим.

Дипломнинг юқори бурчагига жиноят ҳуқуқи ўқитувчимизга тегишли бўлган: «Жазоланишга лойиқ, бўлган кўп ишлар маълум жойларда ва маълум ҳолатларда жамият уни хурофотлар, адашишлар, урф-одатлар, таомиллар ва баъзан қонун ёрдамида ошкор қилиб қўйганлиги туфайли жазога тортилмайди» деган сўзларни ёзиб қўйиш керак эди.

Агар энди университетни тугатганлигим ҳақида менга диплом топширилиш воқеаларига ўтсам, ўқувчилар эътироз билдирмасалар керак. Чунки университетда ўқитилган барча фанлар тўғрисида ҳам аввалги боблардаги сингари муфассал ёзсам, бу китоб ҳар бир фан ҳақида ҳеч нарса билмаслик учун қанча ёзиш керак бўлса, шунча ёзиладиган ўзига хос қомусга айланиб кетарди. Ким билди дейсиз, ҳар бир фан ҳақида алоҳида гапирадиган бўлсам, ўзимни ҳам, ўз китобхонларимни ҳам баттарроқ қийнаб қўйган бўларимдим. Бундай қилиш профессорлар ўртасида боши-кеги йўқ, зерикарли мунозараларга сабаб бўлса ҳам ажаб эмасди. Газета муҳаррири бир профессорнинг китоби ҳақида «икки оғиз» сўз ёзиб беришни бошқа бир профессордан илтимос қилгани ёдимда. Муҳаррир ўша пайтда ўз бошини ўзи қандай балога қўйганини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Модомики, у ҳужумга йўл қўйган экан, бунга жавобни босишга ҳам мажбур эди. Ундан кейин жавобга жавоб, жавобга жавоб муносабати билан жавоб ва шу тариқа, поёнсиз равишда давом этаверди. Иккала профессор газетанинг қоқ ярмини эгаллаб олиб, бир неча йил давомида бирор кун йўқ эдики, бир-бирларини сўкишмаса. Шундан кейин газетхонлар ошкора норозилик билдира бошладилар, муштариёлар газетани олмай қўйишди, муҳаррир эса, аламига чидолмай сочини юларди. Ниҳоят, ҳужумлардан қутулиш учун муҳаррир газетани ёпди ва профессорлардан холи бўлган чекка шаҳарчага кўчиб ўтди. Лекин кўчиб кетишдан олдин маориф министридан шаҳарчада ҳали-бери гимназия очилмаслиги ҳақида кафолат олди.

Бир америкалик муҳаррир яна ҳам ишбилармон чиқиб қолди. У мана шундай балога қолиб кетишдан ўзини асраш учун газета номининг тагига: «Газетада профессорлар мунозарасидан бошқа ҳамма нарса босилди» — деган сарлавҳа қўйган эди.

Эҳтимол тутилган тортишувлардан қочиб учун кўларнинг бирида қўлда дипломим билан университет ташқарисига чиқариб ташланганимдек, университетни ҳам ҳатлаб ўтаман. Ректор идорасидан дипломимни олиб чиқиб келаётим, зинадан тушарканман: «Энди, олдимда ҳамма эшиклар очилди. Бутун дунё ўзимники. Ҳар қандай эшикни очишга қодир калит қўлимда. Аловиддиннинг сирли лампаси қўлимда, энди тоғлар ҳам менга йўл беради; дипломим бор экан, истаган жойимга олиб боради», — деб ўйлар эдим. Бироқ университет эшигидан кўчага чикишим биланоқ чапга юрсаммикан ёки ўнгга деб ҳайрон бўлиб қолдим.

Кўчада дипломимни яна бир марта очиб, ўқиб кўрган-дан кейингина билдимки, диплом менга амалдор бўлиш ёки эркин касб танлаш, яъни адвокат, журналист ёки артист бўлиш имкониятидан бўлак ҳеч нарса бермас экан.

Амалдорми?

Чиндан ҳам одамнинг ҳавасини келтирадиган ҳунар. Сендан бош қотирмасликни талаб этишсади ва муносиб мойна тўлашади. Қоғоз буклашни-ю, таъзим қилишни билсанг, бошлигинини дўндириб мақтасанг, нима воқеа юз берганда ҳам ундан олдинги бошлиқ дуруст эди, демасанг, ўзингдан юқори лавозимдагилар олдида ҳушомад-гўйлик, қўл остидагиларни масхара қилсанг, қўлоғинг ҳамма гапни эшитмаслиги, кўзинг ҳамма нарсани кўра-вермаслиги, зарур бўлиб қолса, оқ нарсадан бир қора томонни, қора нарсадан эса бирор оқ томонни топишинг, сатрлар орасидаги яширин маънони ўқий олишинг, навжа орасидан қарай билишинг, тилга маҳкам бўлишинг учун қўлоқ ва кўзларингни ўргатишинг керак, сени ерга урганларида жилмайишинг, сўкканларида миннатдорлик билдиришинг, мукофотлаганларида эса, бошинг ерга киргунча қўллуқ қилишинг керак. Агар шуларнинг ҳаммасини мукамал билиб олсанг ва бошдан ўтказсанг, юз йил яшайсан ҳамда албатта, тўла пенсия олишга эришсан.

Адвокатми?

Чиндан ҳам ҳавасини келтирадиган ҳунар. Назарий жиҳатдан сен айбисини оқлашинг ва айбдорни айблашинг, амалда эса, айбдорни оқлашинг ва айбисини айблашинг керак. Агар назарияда айтилгандай иш тутиладиган бўлса, адвокатларнинг кераги бўлмасди. Айбсиз кишининг

айби бўлмаса, уни оқлашга ҳам эҳтиёж бўлмайди, гуноҳкорнинг айби бўлса, қонун унга адвокатсиз ҳам жазо бераверади. Шунинг учун айбсизга ҳам, айбдорга ҳам ишини тушмагани яхши, негаки, уларнинг қайси бири ҳақ ва қайси бири айбдор эканлигини аниқлаш жуда қийин, яхшиси маслаҳатингни пуллаш билан кифояланиш лозим. Адвокатнинг бир ажойиб афзал томони ҳам бор: бошқалар, чунончи: ота-оналар, ўқитувчилар, профессорлар ва қариндош-уруғлар маслаҳатни текин бергани ҳолда, фақат адвокатларгина маслаҳат учун пул оладилар. Яна энг муҳим томони шундаки, сен харидор сифатида адвокатнинг ёнига келиб, берадиган маслаҳатини салмоқлаб кўролмайсан: «Бундан бошқа сифатлироқ молингиз йўқми?» деёлмайсан. «Менга қаранг, афандим, маслаҳатларингиз ачиб, моғорлаб қолибди», — деб унинг маслаҳатини қайтариб ҳам беролмайсан. Йўқ, маслаҳат сенга ёқса-ёқмаса, бундай қилишга ҳаққинг йўқ.

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а, борди-ю, умримда бировдан маслаҳат олмаган мендек одам, фалакнинг гардиши билан маслаҳат сотадиган бўлиб қолса, нима бўларди?

Журналист-ми?

Чиндан ҳавасни келтирадиган ҳунар. Бизда кепак баҳоси турганлигидан тежалмайдиган, ҳавога созуриладиган, сочиб-тўкиб ташланадиган сўзларни, сен тансиқ молдек юқори нарҳда сотасан. Сен ҳеч нима билмаслигинг мумкин, шундай бўлса ҳам, ҳамма нарсани билади, деб ном чиқарасан; ҳар доим жим юрадиган кишилардан ақллироқ бўлишинг шарт эмас, лекин уларнинг номидан гапирарасан.

Бу истеъдодда қанчадан-қанча сеҳрли куч бор! Бировнинг сирига қўл теккизишинг билан у бирданига сирлигини йўқотади. Бирор кишининг обрўсига салгина қўл теккизишинг билан у ёмон отлиқ бўлиб қолади. Бирор одамнинг осойишталигига тегиб қўйсанг, туртган кишинг ҳаловатидан ажрайди. Сен сувни винога, виқони сувга айлаптира оласан, қорани оққа, оқни қорага бўяй оласан, ўлганларни тирилтирасан, тирикларни эса, гўрға тикасан. Сен совунсиз кир юва оласан, устгарасиз соқол ола биласан ва пичоқсиз сўя оласан...

Артист-ми?

Чиндан ҳавасни келтирадиган ҳунар. Кўтаринки, театр кассирини истисно қилганда, барча оддий ва кунда-

лик нарсалардан олис бўлган ҳунар. Ҳақиқат ва севгининг улуғвор сўзлари ёлғонга бурканган ва ёлғон билан ўралган чоғдагина бу сўзларни очиқ айтиш, чинакам гўзаллик ва кўтаринкилик ҳақида барала гапириш мумкинлигига очиқ-ойдин ишонтирадиган ҳунар. Полотноларга ажи-бужа қилиб ишланган эҳромлар, саройлар, шаҳарлар ҳамда ўрмонлар, қоғоз тожлар, олтин суви югуртирилган кийимлар, ёғоч қиличлар, ёлғондакам уҳ тортишлар ва сохта кўз ёшлар, ясама эҳтирослар ва сохта хушнудликларнинг ҳаммаси ўша улуғвор, мангулик сўзларни айтиш мумкин бўлсин учун тайёрланган. Ахир йиртиқ иштон, пахтаси оқиб ётган пальто кийган, бошига роз пати қадаб, тўнтарилган тоғорани тахт гумон қилиб подшо ўтирган бахтли болалик қани? Шундай бўлса ҳам болалик тасавури унинг эгнида савсар ридо, бошида эса тож кўрарди. Тоғора устида ўтирганни худонинг инояти билан подшоликни қабул қилган одам деб ишонар ва қўрқув ҳамда ҳурмат билан: «Жаноб олийлари!» деб шивирларди. Катталар буни болаларнинг соддалиги деб ҳисоблайдилар. Бироқ болалар тасавури яратган нарсаларни кўрсатиб бериш учун ўзлари қанча сохта соддалик ва қалбакилик қилишлари керак бўлади.

Артистлар ҳақиқатнинг ҳар бир муқаддас сўзини сохталикнинг олачиפור нақшига ўраб берганликлари учун уларни Талия¹нинг дин хизматкорлари деб атаганлар. Мен биринчи марта болалигимда артистларни дин хизматкори деб аташларини эшитганимда, ўзимча бундай тасаввур қилган эдим: ўйнаш ролини ижро этувчи Архимандрит бўлиши, фирибгар ва маккор ролини ўйновчи вилоят прогонерейи бўлиши, кулгили ролларни ўйновчи консистория² райси бўлиши керак, шаҳзода Марко ролида жилпанглаётган ва чўқморини силкитаётган киши эса, дъякон бўлиши керак, деб ўйлардим, чунки бизнинг дьяконимиз ибодат вақтида қўлида кадила³ни худди чўқмордай силкитади. Кейинроқ, ҳақиқатан ҳам, артистлар дин хизматчилари эканлигига ишондим, фақат уларда черков даромадлари, амал ва қизил белбоғлар бўлмайди, белбоғлари бўлган тақдирда ҳам барибир, ёпишиб кетган қоринларида турмас эди.

¹ Талия — тўққиз музадан бири. Комедия ҳомийси.

² Консистория — йигин, мажлис жойи.

³ Кадила — ибодат вақтида бухур тутатиладиган идиш.

Артистлик касбининг энг хуш ёқадиган томони шундаки, у ўз бурчини жамиятга қиладиган хизматини юзига ниқоб кийиб бажариши мумкин. Бошқалар ҳам албатта, ҳаётда шундай қиладилар. Улар билан артистлар орасидаги фарқ фақат шундаки, артист ўз ролига мос келадиган ниқоб кияди: худбинга худбин ниқобини кияди, ёвузга ёвуз ниқобини, пасткашга пасткаш ниқобларини кияди. Ҳаётда эса бошқача бўлади, ўйнайдиган роли бошқа ва киядиган ниқоби бошқа бўлади. Масалан, олғир сиёсатдон ўз худбинлигини яшириш учун юзига ватанпарвар ниқобини тутати, золим ҳақиқат учун курашчи қиёфасида кўринишга ҳаракат қилади, бой ўзининг судхўрлигини хотамтойлик ниқоби билан бекитади. Суюқоёқ аёл устмонлигига анойилик ниқобини кийдиради, маккор душман эса, ўзини дўст кўрсатиб сизга маслаҳатлар беради.

Бу ҳунарлар барча афзал томонлари билан кўз олдимдан ўтаркан, мен дипломимни чўнтагимга солиб, адвокат бўлсаммикин, журналист бўлсаммикин, артист ё амалдор бўлсаммикин деб, нима қиларимни билмай турардим.

Қийин пайтларда тажрибага мурожаат қилган яхши дейдилар. Бироқ, мен унинг ҳар ишга қодир эканига ишонмайман. Тажриба ақлнинг отаси дейдилар. Шундай бўлса бордир, лекин у ҳолда энгилтаклик тажрибанинг онаси бўлади, негаки, энгилтаклик бўлмаса, тажриба ҳам бўлмасди.

Тажриба канцелярияси қаердалигини ва келувчиларни қабул қилиш вақтини аниқлаб, тўғри шу ёққа йўл олдим.

— Мен университетни тугатдим. Адвокат, журналист, артист ё амалдор бўлиш ҳуқуқини берадиган дипломим бор. Бошқа ҳунарларга тишим ўтмайди. Лекин шундан қайси бирини танлашга ҳайронман.

— Давлат хизматига киравер!— деб жавоб беради Тажриба.

— Бироқ, мен бирор эркин ҳунар танламоқчи эдим.

— Қайси ҳунарни?

— Масалан, адвокатликни.

— Адвокатликни дейсанми?— қошини чимирди Тажриба ҳайрон бўлиб.— Агар қонунга қаттиқ амал қилсанг, умрбод қорнинг тўймайди, агар қонунларга чап бермоқчи бўлсанг, адвокат бўлмай қўя қол, ука. Яхшиси, ўрмонга бориб ўткинчиларни талайвер, шунда тезроқ одам қаторига кирасан, сенга ҳеч қанақа диплом керак бўлмайди...

Ёки, ахтимо, айбдорларни ё айбсизларни оқламоқчидирсан? Бироқ, айбсизлар кам пул тўлашади, айбдорларнинг эса, майда пули бўлмайди. Ёки, аёлларга эрларидан қай тариқа ажралиш қулайлиги ҳақида, ёки бировнинг уйида яшовчиларга қандай қилса ижара ҳақи тўламаслик тўғрисида, ёки жамоат пулини талон-торож қилган қишлоқ жамоа раисига қандай қилса суддан қутулиш ҳақида маслаҳат бермоқчидирсан. Бироқ, буларнинг ҳаммаси майдачуйда ишлар. Отасидан катта мерос қолган бир неча ака-ука чангалинга тушса, бунинг устига уларни жиққа-мушт қилиб қўйиш қўлингдан келса, бу бошқа гап! Биласанми, ака-укалар судлашса умрбод судлашади, сен эса, адвокат сифатида уларнинг бутун бойлигига ворис бўлиб қоласан ва подшолардай яшайсан. Аммо, бундай ҳодисалар камдан-кам учрайди, шунинг учун унга ишониб бўлмайди.

— Журналист-чи?

— Журналист? — ажабланди Тажриба. Унинг қошлари яна пешонасига чиқиб кетди. — Жамоат фикрини ифода қилиш чиндан ҳам эркакларнинг иши. Бироқ шундай бўлса ҳам, мана шу эркаклар ҳунарида хотинча қилиқлар жуда кўп. Яхши журналист аввало ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиши, ўзига алоқаси бўлмаган ишларга ҳам бурнини суқавериши лозим. Унинг тили бурро бўлиши, энг зарури эса, қўшиб-чатишнинг машқини олган бўлиши даркор. Мана шу қўшиб-чатишлар унга ҳар куни зўр ҳузур бахш этади: уни полициячилар повестка билан қидириб юради, ҳақорат қилинганлар тўппонча билан пайига тушади, хотинлар унга ҳужум қилиб, шамсия билан савалайди, унга имзосиз хатлар ёзишади, сўкишади ва ана шуларнинг бари эвазига унинг меҳнатини юксак қадрлаб, кам ҳақ тўлашади.

— Артист-чи?

— Артист?

— Ҳа!

— Ҳа, айтганча, — деди Тажриба, унинг қоши яна пешонасига чиқиб кетди. — Айтганча, бу ҳунарнинг ёлғониди кўп ҳақиқат, унинг ҳақиқатида эса кўп ёлғон бор.

— Шон-шухрат-чи?

— Унутилиш-чи?

— Олқишлар, қарсақлар-чи?

— Ҳуштакбозлик-чи?

— Гулчамбарлар-чи?

— Оч-наҳор юришлар-чи?

— Барибир, артистларни ҳамма севади.

— Қимлар севади-ю, қачонгача севади? Икки хил одамлар бор: бир хиллари истеъдоднингга, бошқа хиллари эса, ёшлигинингга чапак чалади. Биринчилари, саҳнадан тушишинг ҳамона, иккинчилари эса, юзингда дастлабки ажин пайдо бўлиши биланоқ сени унутади.

— Ҳамонки, шундай экан, нимани маслаҳат берасиз?

— Барча йўллар давлат хизматига олиб боради. Она давлатимизга мурожаат қил, розилик берганидан кейин уни соғин сигирдай соғаверасан. У ойнинг ҳар йигирма олтинчи кунда оғзингга эмизигини тикади, сен эса, оғзингни тутиб ҳеч нарсадан хавотирланмай бемалол эмавер.

— Аммо, — эътироз билдираман, — наҳотки, мен давлат хизматидан бўлак нарсага ярамасам?

— Э, биродар, давлат сени ўқитди, ўқиган қарзингни тўлашинг керак. Дипломингни гаровга қўйиб, эвазига бирор нарса олишинг мумкинми, ёки у бирор қимматбахона нарса сифатида биржада муомалага ўтадимми? Йўқ, биродар, диплом фақат давлат учун қимматли ҳисобланади.

Тажриба Тажрибалигини қилади, унга бўйсуниб керак.

Ажойиб кунларнинг бирида давлатнинг эшигини қоқдим. Мени келажаги таъминланган, бағбақасидан давлатнинг бўталоғи эканлиги сезилиб турган давлат кишиси қарши олди. У мен узатган дипломга бепарво кўз югуртириб чиқди-да, босиқ оҳангда:

— Ўрин йўқ, ўзимизда амалдорлар етарли, — деди.

Ҳафсалам пир бўлиб турувди, менга давлатнинг эшиги кўчилигини, мен илгари ўйлагандай битта эмаслигини айтишди. Шундан кейин навбати билан давлатнинг барча эшикларини қоқа бошладим, бироқ, ҳамма ерда ҳам рўпарамга келажаги таъминланган, бағбақаси осилган кишилар чиқар ва дипломимга бепарво назар ташлаб:

— Ўрин йўқ, ўзимизда амалдорлар етарли! — дерди.

Бор умидим тугаганда яна Тажрибани эсладим ва у томон йўл олдим.

— Давлатга керак эмас эканман.

— Эшикларни қоқдингми? — сўради Тажриба.

— Қоқдим!

— Ҳамма эшикларни-я?

— Ҳаммасини!

— Хўш, нима дейишди?

— Ҳеч нарса. Менимча, улар дипломимдан хижолат бўлишяпти.

— Ажаб эмас. Шундай бўлиши жуда ҳам мумкин!— деди Тажриба, гўё бир нарсаларни ўйлаётгандай,— дарвоқе, диплом сенга халақит беради деб айтиш эсимдан чиқибди. Маълумотни давлат унча қадрламайди. Аксинча, жаҳолатнинг қадри аллақанча юқори. Сербияда университет дипломи жуда ортиқча ҳашамат. Қайтиб бориб, яна ўша эшикларни қоқ, аммо, гашимга қулоқ сол: университетни тугатганингни сир тут. Маълумотим йўқ, мактабдан нари ўтмаганман, дегин, агар шундай қилсанг, сени ҳамма ерда қулоч ёзиб кутиб олишади, ҳамма ерда хизматга олишади, ҳамма ерда иш таклиф қилишади.

Янгидан умидларим қанот боғлаб, дипломимни астар орасига ташлаб, яна давлат эшикларини қоқа бошладим.

— Жаноб бошлиқ,— деб бошладим келажаги таъминланган, бағбақаси осилган бошлиққа, университетни тугатганимни билдириб қўймаслик учун, эҳтиёткорлик билан.

— Сиздан бирор хизматга олсангиз, деб илтимос қилгани келувдим.

— Қаерни тугатгансан?

— Анави... Ҳаммаси бўлиб... гимназиянинг тўрт синфини, аммо, имтиҳон топширмаганман.

— Ёзишни биласанми?

— Унчалик бўлмаса ҳам, бир оз. Бироқ, ўрганиб оламан.

— Албатта, албатта,— деди бошлиқ.— Ҳаракат қилсанг, ўрганиб кетасан. Мана, ўзим ҳам гимназиянинг атиги икки синфини битирганман. Қандай одамлигимни кўриб турибсан.

Шу тариқа практикант сифатида биринчи давлат хизматига кирдим ва саводсиз эканимни кўрсатишга жонжаҳдим билан ҳаракат қила бошладимки, бу ишим чиндан ҳам мартабамнинг жуда баланд бўлишига ёрдам берди. Бирга ишлайдиган ҳамкасбларим университетни битирганимни аллақадан сезиб қолиб, бошлиқларга чақмаганларида балки мартабага эришардим ҳам. Юқоридагилар дарҳол каминани кўз тагига олишди. Бошлиқ эса, ғазабланиб, сен университет дипломини гимназиянинг тўртинчи синфини битирганлик гувоҳномасига айлантир-

ган сохтагарсан деди. Мени таъқиб қила бошлади ва пировардида думимни тугишди.

Бироқ хизматга қандай йўллар билан киришни билганимдан кейин ҳа деса умидсизликка тушавермадим. Хукуматдагилар университетни битирганимни унуттишларини бир оз кутиб тургандан кейин бошқа бир министрлик бошлиғи томон йўл олдим.

— Жаноби бошлиқ, — дедим мулозамат билан ва илтимосимни баён қилдим.

— Аввал ким бўлиб ишлагансан?

— Капрал эдим.

— Бирор ерда ўқиганмисан?

— Армияда бир оз ўқиганман.

— Шунинг ўзи етади, биродар, етади. Менинг ўзим ҳам жандарма поручиги эдим, мана, худога шукур, кўриб турибсан. Агар Карагеоргий¹ қўзғолончиларни саводли бўлганларида мамлакатимиз ҳеч қачон озод бўлмасди!

— Жуда тўғри! — деб хитоб қилдим тўлқинланиб.

Шундай қилиб, яна давлат хизматига кирдим. Менга қарши қутуриб кампания бошламаганларида аҳтимол бу сафар узоққа кетган бўлардим. Аввалига, университетни битирганим ҳақида министрга имзасиз хатлар кела бошлади. Кейин министрлигимиз органи бўлиш «Товуш» газетаси очиқдан-очиқ: «Маҳкамамиз тармоқларида университетни тугатган одамлар ишлар экан, бу ерда тараққиёт бўлиши мумкин эмас!» — деб ёза бошлади. Бу ҳаракат шу қадар кенг қулоч ёзиб кетдики, ҳатто Скулпчинага: «Давлат хизматига университетни битирган кишининг кириб қолганидан жаноб министرنинг хабари борми?» — деган сўров хати келди.

Турган гап, шундан кейин менга кун беришмади. Ажойиб кунларнинг бирида яна «Q. b. f. i. f. S» билан кўчада қолдим.

Ўз виждонимга тасалли бериш учун дипломимни рамкага солиб, менинг ашулачилар жамияти аъзоллигига қабул қилинганимни тасдиқлайдиган диплом солинган рамка ёнига осиб қўйдим.

Шундан кейин дипломимга муносиб ўрин топдим деган фикрга келдим ва яна ўзимча: «Чапга борайми,

¹ Карагеоргий (1762—1817) туркларга қарши кўтарилган қўзғолоннинг раҳбари.

ўнгами? Адвокат бўлайми, журналист бўлайми, артист бўлайми?» — деб савол бера бошладим.

Лекин ҳар ҳолда давлат туққан опангдай бир нарса: у сенга адолатсизлик қилиши мумкин, бироқ, ўз айбини ювиш учун кейин сени эркалайди. Менга ҳам худди шундай қилди. Кейинги тақдирим ҳақида ўйлаб қолганимни ва бу масала устида кўп бош қотиражагимни билиб, давлат менга ёрдам беришга шошилди. Турманинг тўрт девори ичида дилимдаги гапларни ўйлаб олишим учун имкон яратиб бериш мақсадида мени икки йилга кесинди ва Пожаровец турмасига жўнатишди.

Бу чиндан ҳам давлат томонидан кўрсатилган ноёб ғамхўрлик эди.





ТУРМА

Янги анжуманда биринчи бўлиб ярмарка кассавури ёнимга келди ва «Э, аранжел бозоридаги эски қадрдоним-ку!» — дегандай кўз қисиб, ошналардек қўл узатди.

- Қадамларига ҳасанот, меҳмон!
- Ия, сен ҳам шу ерда экансан-да, ошна!
- Ушлашибди-да, оғайни, шундайми, ушлаб олинди-ми?
- Ушлаб олинди!
- Келаси сафар бировнинг чўнтагига қўл суқаётган-

да хушёр бўл. Мана, мен ҳам қўлга тушдим, ҳамён кесмоқчи бўлиб турувдим, бу анча оғир кўчади энди.

— Мени бегуноҳдан-бегуноҳ кесиб ўтиришибди.

— Бегуноҳ дейсанми?— ҳайрон бўлди киссавур.— Нега энди? Қасддан ўт қўювдингми?

— Йўқ, ошна!

— Балки, ёш болага ўхшаб одам ўлдиришда қатнашгандирсан!

— Йўқ, унинг учун ҳам эмас!

— Бўлмаса, нима учун ахир?

— Бир шеър ёзувдим.

— Шеър?— ажабланди киссавур.— Бу чўпчагингни бувингга айт, ошна.

— Рост айтяпман.

— Черковга ибодатга борганим учун қамадилар ҳам дерсан, ҳали?

— Ишонмасанг-ишонма.

— Бунақа ғалати гапни биринчи эшитишим. Шеър ёзганларнинг ҳаммасини албатта каторгага жўнатишадими?

— Аслида-ку шундай қилиш керак, бироқ кўплари чап бериб қолишади. Одатда, худди ёмон шеър ёзганлар очикда юраверади.

— Ўзинг яхши шеър ёзганмидинг?

— Олий суднинг ҳам, кассация судининг ҳам аъзолари уни яхши шеър дейишди.

— Неча йил беришди?

— Икки йил.

— Ана холос! Ҳатто ўғирлик қилганим учун менга бир йил беришди! Бундан чиқди-ки, шеър ёзиш расво иш экан-да?

— Расво бўлганда қандоқ. Ёзаётганингда ўзингни қийнайсан, кейин босиб чиқаринг деб, муҳаррирни қийнайсан, ниҳоят сени айблайман деб, прокурор қийналади ва ундан кейин ўқийдиганларни қийнайсан, ниҳоят, сени суд қилиш лозим бўлади.

— Айбингни енгиллаштирадиган ҳолатлар йўқмиди?

— Шунақа нозик томоқларни ҳам биласанми?

— Нега билмай. Биринчи марта судланаётганим йўқ. Мен бутун жиноят кодексини сув қилиб ичиб юборганман. Айтавер, енгиллаштирадиган ҳолатлар бормиди?

— Бор эди.

— Масалан, қанақа?

— Обрўйимга доғ тушмаганлиги.

— Бу, ошна, гуноҳни оғирлаштирувчи ҳолат. Бизда обрўйига доғ тегмаган кишилар албатта, заҳмат чекишади, шубҳали кишилар эса, бир амал-тақал қилиб, удалаб кетиши мумкин. Адвокат ҳам вилоят бошлиғи ҳам, партия ташкилотининг раиси ҳам унинг ёнини олади. Масалан, обрўйимнинг даргумонлиги менга ёрдам берди ва атиги бир йилга кесишди. Сен албатта, айбингга иқрор бўлгандирсан?

— Ҳа.

— Шўрлиг-эй, ўзим ҳам сезиб турувдим. Бу ҳам оғирлаштирувчи ҳолат! Сени жиноят устида ушласалар, бўйнингга олмай иложинг йўқ, бунисини биламан. Аммо, сени ҳеч ким қўлга туширмаганда айбингга иқрор бўлсанг, бу оғирлаштирувчи ҳолат бўлади. Тўғри, ҳукмда иқрор бўлиш гуноҳни енгиллаштирувчи ҳолат деб ёзлади, бироқ, ўзингни ўша ҳолат билан қўшиб каторгага жўнатишади.

— Рост гап!

— Қалай, бу ердан бўшагандан кейин яна шеър ёзсанми?

— Энди ёзмайман!

— Жуда тўғри қиласан. Заррача наф йўғу, бекордан-бекор турмага қамашади. Яхшиси, гапларимга қулоқ сол: хўп десанг, бу ердан бўшагандан кейин бирга иш қиламан!

— Қанақа иш?

— Бозорларда кармон кесамиз. Икки киши бўлса, иш енгил кўчади. Масалан, сен уни гапга чалғитиб турасан, ё папирос сўрайсан, мен эса, ҳамёнини «чиқ» этиб кесиб оламану, хайр-маъзурни насия қиламан. Кейин арра қиламиз.

— Йўқ, бу иш менга тўғри келмайди.

— Нега энди?

— Мен университетни тугатганман.

— Университетни? Уни итни думига боғлаб «сафар қочди» қил. Мана бу ерда тугатган университетинг ҳаётингда бирор фойда келтирса ажаб эмас, анови тугатганингни эса, «сафар қочди» қилиб юборавер. Ундан сенга нима фойда?

— Катта амалдор бўлишим мумкин.

— Бунинг учун аввал чўнтак кесишни ўрганиш керак.

— Министр бўлишим мумкин.

— Эҳтимол, бироқ чўнтак қоқлашни ўрганмай туриб, бунга эришолмайсан. Умр бўйи университету, шеър билан кетавераман деб ўйлайсанми. Бўпти, сен шеър ёзавер, мен эса, ўғрилиқ қилаверай, қани, йигирма йилдан кейин учрашайлик. Ёдингда тут, учрашамиз! Ўша вақтда мен Скупишчина депутаты бўлмаган тақдирда ҳам, камид, бирор банкнинг таъсис ёки назорат кенгашининг раиси бўламан. Сен йвртиқ шимда ва сийқа ақлинг билан ёнимдан шапкангни олиб, таъзим қилиб ўтасан, менга ҳурмат пэхор қиласан ва эллик дивор учун туғилган кунимга атаб табрик шеъри ёзиб бераман деб ялиласан. Балки, шу вақт ичида имзонг билан битта ё иккита шеър китоби ҳам чиқар, бироқ, унғача менинг имзом билан юз мингларча акция чиқади. Кун сайин китобчангнинг баҳоси тушаверади, менинг акциянинг нархи эса кўтарилаверади; китобингни ўзингга ўхшаган икки-уч киши қадрлайди, менинг акциям эса, ҳатто биржада ҳам юксак қадр топади. Савдо кўчасидан ўтиб кетаётганигда сени масхара қилиб қулишади, менинг ҳақимда эса, ҳурмат билан гапиришади. Шундай эмасми?

Ҳақиқатан ҳам йигирма йилдан кейин учрашишга тўғри келадиган бу ўғрининг галига зўр ҳайрат ичида қулоқ солардим.

— Модомики, шу нарсани эътироф қилган экансан, ўзинг айт: ҳаётда қайси дорилфунун муҳимроқ: ўша тугатганимми, ё мен ҳозир тугатаётганимми? Яхшилаб ўйлаб кўр, ўйлаб кўр!

— Мен ўйладим, узоқ ўйладим, зотан, турма ўйлаш учун энг қулай жой ҳисобланади, ўйлаш эса, одамнинг бирдан-бир текни ва хавфсиз эрмагидир. Фақат, ўйлай билиш керак. Дунёда кўп одамлар шуни ҳам билмайди.

Менинг ҳозирги хизматкорим Лена хола пишлоқли, кнедли ёки ёнқоқли пирог пишришни билмагандай, ўйлашни ҳам билмайман дейди.

— Хайр, майли, Лена хола, ёшлигингизда ўйлашни билгандирсиз-ку, ахир? деб сўрайман.

— Йўқ.

— Сиз бева аёлсиз, демак, эрга теккансиз. Наҳотки, тўйдан олдин, марҳум эрингизга тегинш-тегмаслик масаласини ҳал қилганда ўйламаган бўлсангиз!

— Йўқ, ўйламаганман.

— Бу ёки қандоқ бўлди?

— Марҳум билан тўйдан олдин ҳам бир-биримизни

билардик. Танишувимизнинг еттинчи ойга борганда ўйлаб-нетиб ўтирмай унга тегдим.

— Яхши. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин. Марҳум билан танишганингизда ва бу танишиш сизни еттинчи ойга олиб борадиган бўлганда наҳотки, ўйламаган бўлсангиз?

— Йўқ.

— Қандай қилиб?

— Бундай пайтларда одатда, ўйлаб ўтирилмайди.

— Эрингиз билан атиги бир йил яшагансиз, кейин ҳимоясиз, суянчиқсиз, бева қолгансиз, ҳаёт эса, қанчалар машаққатли! Эҳтимол, ўша пайтларда бирор нарса ҳақида ўйлагандирсиз?

— Йўқ, шунда ҳам ўйлаган эмасман.

— Нега энди?

— Ёш эдим, ҳусним бор эди.

— Албатта, албатта. Бироқ, Лена хола, ундан бери кўп замонлар ўтиб кетди, ёшлик ҳам, ҳусн ҳам ўтиб кетди, ўйлаш лозим бўлган ҳолатларга кўп марта дуч келгандирсиз?

— Дуч келганман, лекин ўйлаган эмасман. Билмайман, мени бунга ўргатишмаган, шунинг учун ҳам ўйлай олмайман.

— Ўйлай олмайман деганингиз қанақаси?

— Шунақаси! Кун бўйи ишдаман, ўйлашга вақт йўқ. Ҳамма ўйни кечқурунга олиб қўяман, кечқурун ётдим дегунча, бошимни кўрпа билан буркаб ўзимга-ўзим: «Қани, Лена, кел, фалон-фалон нарсалар ҳақида ўйлай-миз» дейман. Аввалига унча-мунча иш чиқаётгандай туюлади, кейин фикрлар айқаш-уйқаш бўлиб кетади. Шундан кейин осмони фалакка кўтарилиб кетганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан. Апа шунақа, ўйлашни билмайман — вассалом.

Аммо, бундай ҳодисалар битта-иккита эмас. Бир идора бошлиғи менга ўйлай олмаслигини айтиб, дарҳол ишонтирган эди. Шундай бўлса ҳам одоб юзасидан сўрадим:

— Худоё тавба, наҳотки шу рост бўлса?

— Шундай, афандим, ўйлай олмайман. Баъзан уйга бирор муҳим ишга оид қоғозни олиб келаман, министр-га доклад қилишдан олдин уни яхшилаб ўйлаб олишим керак бўлади. Ўзимга-ўзим: бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак, деб қўяман. Столга қоғозларни ёйиб ташлай-

ман, бошимни ушлаганча ўйлай бошлайман. Аммо фикрим тахминан қўйидагича ривожланиб боради: «Акционерлик кампаниясининг даъвоси сира ҳам маъмурий даъво эмас, демак... Ёш инженер яна уй ёнидан ўтди, хотиним яна деразадан қарагандай бўлди... Умуман олганда... Антоние Жоржевич нима учун уйи устига учинчи қават қурдирганини билишим керак... ахир фалон нарсани ҳисобга олганда... эртага жаноб Паничга эслатиб қўйиш керак, овчи итини энди маҳкамага олиб келмасин, агар ҳамма амалдорлар уй ҳайвонларини маҳкамага олиб келишаверса, ишимиз нима бўлади, умуман айтганда... Манови қизил қалампирдан безор бўлдим, эртага Натига айтиш керак, бошқа овқат қилсин, масалан... ҳимм, яхши, бироқ, нима учун Петкович тўсатдан синганини эълон қилиб қолди? Ишлари силлиқ кетаётган эди-ку, ҳалигидай»... Шу пайт чўчиб тушаман ва олдимда қоғоз турганини, унинг устида жиддий ўйлашим кераклигини эслайман. Хушёр тортиб, ўзимни қўлга оламан ва бошқатдан ўйлай бошлайман: «Акционерлик кампаниясининг даъвоси сира ҳам маъмурий даъво эмас, демак... Қизик, министрликни иситишга мўлжалланган ўтинлар сотиб юборилганлиги ҳақида министрға ким имзосиз хат ёзди экан? Учинчи бўлимдаги мирза Арсадан бошқа ҳеч ким бўлиши мумкин эмас... Ўша Арса бўлса... Аттанг, қаҳрабон мундштугим синиб қолди-да, уни жонимдан яхши кўрардим... Анови инженер уй ёнидан ўтиб кетаётганда пайт пойлаб, бошига сув қўйиб юбориш керак эди». Шу тариқа давом этаверади. Бунинг ҳаммасига ўйлашни билмаганим сабаб.

Гарчи турмани ҳукумат сиёсий маҳбуслар, яъни ўйлай оладиганлар учун чиқариб қўйган бўлса ҳам, у ўйлашни билмайдиганлар учун ажойиб госпиталь бўлиши мумкин. Ҳаёт шўришидан, одамларнинг говур-ғувури ва ҳаракатидан мутлақо холи бўлган киши турманинг тўрт девори орасида денгиз пўртанасини кузатиб турган машъал қўриқчиси сўққа бош Робинзон сингари ўз ўйларига берилиши мумкинки, бу ўйлар атроф-теварақдаги жамийки нарсаларни худди рефлектор сингари ёрита олади.

Турма камерасининг тешиги сингари туйнукдан оламга қарасанг, кўз олдинда қандай ажойиб манзаралар намойён бўлади.

Ҳаёт лиммо-лим дарё сингари йўл танламай, тўсиқларни улоқтириб, соҳилларни ювиб, тўғонларни ағдариб, ўт-

лоқларни кўмиб, ўз йўлида дуч келган, қаршилик кўрса-тишга қодир бўлмаган ҳамма нарсани оқизиб кетаверади. Турма камерасининг ажойиб дурбинидан қарасанг, инсон-нинг қанчадан-қанча фазилат ва нуқсонлари саф тортиб ўтади. Бу ерда оддий кўз билан кўриш мумкин бўлмаган қанчадан-қанча янгиликлар, қанчадан-қанча қизикарли нарсалар, қанчадан-қанча ҳақиқат бор.

Мен буларнинг ҳаммасини илгари ўзим ўша ҳолатда бўлган пайтимдаёқ кўрганман, лекин бу ердан катта қилиб кўрсатадиган ойна орқали қараганингда, ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиб кўринар экан. Мана масалан, тиззадан юқори юбка кийган, орасидан пушти ранг териси кўриниб турган нафис тўр пайпоғи, нозик кийими устидан бадани-нинг эгик жойлари сезилиб турган, чуқур ўйма ёқасидан бўлиқ кўкраклари барала кўриниб турган Бокиралик. Мана, жиннилар кийимини кийган, қўнғироқ осилган ола-чипор қалпоқли Ҳалоллик телбаларча кулиб, аллақандай бемаъни гапларни бақириб, югуриб кетяпти. Мана, ни-ҳоят ҳомилдор хотин сингари катта қорнини олдинга чи-қариб, бурнини юқори кўтариб Хайр-аҳсон кетяпти. У одамлар бош кийимини олиб, икки букилиб, таъзим қи-лишларини кутиб, атрофга аламлидайди, холос. Мана, унинг кетидан кийим-бош кийгандан кўра яланғочга кўпроқ ўхшаган Шухратпарастлик кетяпти; юпқа териси суякка шунақанги ёпишиб қолганки, қовурғалари кўри-ниб турибди; кўкраги қуриб қолган, тишлари чирик, юз-лари ғайри табиий қизариб турибди, кўчаларда тунги соқ-чилар тутиб оладиган қизларники сингари қошларида ярим пуд қора қуя. Мана, Ғурур, орқасига учта тулки думини ёпиштириб, шляпасига бир нечта бўялган ғоз паг-ларини қадаб олибди, бошини баланд кўтариб, ўткинчи-ларнинг ҳар учтасидан бирига тикилишчи қилади. Мана, дид билан кийинган, хушфеъл, сертакаллуф, лабларидан жозибали табассум аримайдиган мушук қарашли Адоват. Мана, ниҳоят қари қиз Адолат ҳам рўпарада турибди: у тушиб кетган тишлари ўрнига сунъий тишлар қўйдириб-ди, юбкасини шу қадар юқори кўтарганки, ҳатто кир босган ич кўйлаги ҳам кўриниб турибди, ғилай кўзлари-ни одамлардан яшириш учун бурни устига қора кўз ой-нак қўндириб олибди, осилиб кетган ва ҳозиргача инсо-нийат сўриб келаётган кўкрагини сал тартибга келтириш учун сийнабандининг тагига икки ўрам жун қўйиб олиб-ди. Унинг кетидан эса, бошқа-бошқалар: Ватанпарвар-

лик, Мунофиқлик, Худбинлик, Саховат, Иллат, Елгон, Ҳақиқат ва ҳоказолар саф тортиб турибдики, уларни яқиндан кўрсанг дурбин линзаси орқали кўрингандан бутунлай бошқача бўлиб туюлади.


Турма камерасининг кўзчаси ҳисобланган линзада ҳақиқий дурбиннинг бошқа фазилатлари ҳам бор. Дурбиннинг кичик ойнасида катта нарсага қарасанг, буюм кичрайиб, катта ойнасида кичик нарсага қарасанг, катталашиб кўринади. Бу ажойиб экспериментни турма камераси кўзчасидан иборат дурбин орқали ҳам осонлик билан қилиб кўриш мумкин.


Масалан, бир томонидан бирор сиёсатдонга қарайсан ва кўз олдинда ҳар бир сўзи давлат тараққиётида бир даврни белгилайдиган, ҳар бир қадами тарих қадами ҳисобланган улуг давлат арбобини кўрасан; одамлар тўдаси унинг донолиги олдида бош эгади. Бундай арбоблар бир замонлар одамлар орасида яшаган. Олимпия худолариңинг ўрнини босади. Борди-ю, дурбинни айлантириб, бошқа томондан қарасанг, ҳар бир сўзи таъма ва мунофиқлик билан сурғорилган, ҳар бир қадами талончиликка қаратилган аянч давлат амалдори кўринади. Ёлланган агентлар тўдаси унга таъзим қилади, уни кўкларга кўтаради, у эса, бурди кетган васиятдаги сарроф сингари савдо-сотик қилиш орзусида оллонинг эҳромига кириб қолган.

Яна бундай ҳам бўлади: дурбиннинг бир томонида саховатни бир неча марта каттайтирилган машҳур меценат ва филантропни кўрасан. Унинг меҳрибон қўллари ҳар қандай фалокат ва дард-аламни енгиллаштиради, унинг олижаноб қалби ҳар қандай қийинчиликда ёрдам беради. У жуда кўп кўз ёшларни қуритган, кўп дард-аламларни енгиллаштирган, кўп фалокатларни даф қилган, бахтсиз одамлар уни ҳаётлигидаёқ авлиё деб ҳисоблайдилар, унинг руҳи эса, вафотидан кейин муқаррар равишда жаннатдан ўрин олади. Аммо, дурбиннинг бошқа томонини ўгириб кўр-чи, кўплаб камбағалларни солиқ билан қийнаган, қанчадан-қанча оилаларни хонавайрон қилган, яқинларининг охириги бурда нонини тортиб олган, ҳозир эса ўз виждонини хотиржам қилиш ҳамда кишиларга панжа орасидан қараётган, олижаноблик ниқобига яширинган ҳокимият вакиллариининг нотинчлигини йўқотиш учун майда садақа эвазига газеталарда ўзининг олижаноблигини кўз-кўз қилаётган ашаддий жиноятчини кўрасан.

Кейин номи рўйхатларда биринчи бўлиб ёзилладиган ва ҳурмат билан тилга олинадиган буюк адабиётчи ёки олимни кўрасанки, одамлар сўнгги сўзни ундан эшитгилари келади. Атрофдагилар унинг ёзган ва ёзмоқчи бўлган нарсаларига қойил қоладилар, азиз бошини шуҳрат гултожи билан безайдилар, унинг учун қасрларнинг эшиги ҳам ланг очилди. Дурбиннинг бошқа томонини айлаштириб кўр-чи, катта халқларда юзлаб учрайдиган оддий профессорни кўрасан, умри бўйи бўш сафсата сотиб келётган одамни кўрасан, йиғиб қўйган товарларини ҳар олти ойда реклама қиладиган, йўл-йўлакай мол арзон баҳода сотилади деб эслатиб қўядиган, модачи аёлга ўхшаш олимни, бизнинг соддалигимиздан фойдаланиб, сохта виқорини намойиш қиладиган олимни кўрасан.

Агар каттайтириб ё кичрайтириб кўрсатадиган ойна орқали одамларга қарасаңг, қанчадан-қанча бошқа томонларни кўриш мумкин. Турма камерасининг кўзчалари эса шундай ойнадирки, унинг ёрдамида энг яхши Америка дурбинига нисбатан яхшироқ кўрасан.





АРМИЯ

Одамдан фақат якки марта — армияга жўнаётганда ва нариги дунёга кетаётганда ўлчов олинади. Мурдадан ўлчов олиншининг сабаби тушунарли, бунга амалий зарурат бор, бироқ армияга чақирилувчидан нима учун ўлчов олиншининг сабаби сира ҳам тушунарли эмас. Кўкраги тор киши армияга олинмайди, шунинг учун янги чақирилганлар ўлчаб кўрпади, дейишади, бироқ, менимча, бошқа жойлардагига қараганда армияда кўкраги тор кишилар кўпроқ бўлади.

Янги чақирилганлардан ўлчов олиш жараёнининг ўзи медицина комиссияси деб аталади. Одам мана шу комиссиядан ҳам икки марта: суғурта жамиятига кириш билан ўз ҳаётини таъминлаганда ва армия сафига кириб, ўз ўлимини таъминлаганда ўтади. Суғурта кампаниясининг чечан агенти сизга: «хотиржам ўлиш учун ҳаётингизни суғурта қилдиринг!» деб ишонтирганидек, вэвод командири ҳам сизни: «Мангу барҳаёт бўлиш учун хотиржам ўлаверинг!» деб илҳомлантиради.

Турган гап, бу билан сиз армияга жўнаётиб ўзингизни олдиндан ўлимга маҳкум қилган бўласиз, демоқчи эмасман. Агар шундай бўлганда, бу одамийликка кирмас эди. Армия аксарият бахтсиз билет чиқиб қоладиган ўзига хос лотереядир; одам армия сафига кириб бир қанча лотерея билетлари олганга ўхшаш иш тутадики, шу билетлардан баъзиларигина ютуқ келтиради. Аммо бу ютуқ том маънодаги ютуқ бўлади.

Капрал Люба буларнинг ҳаммасини жуда маънилик ва лўнда қилиб тушунтириб берган. У ҳарбий хизмат бу дунёнинг жаннати деб бизларни имкони борича ишонтиришга ҳаракат қиларди: «Урушда ким ўлиб, ким тирик қолишини ҳеч ким билмайди. Аксарият, тирик қолишга умид қилган одам ҳалок бўлади, ҳалок бўламан деб ўйлаган киши эса, тирик қолади. Тўғри, кимнинг ҳалок бўлиши ва кимнинг тирик қолиши олдинроқ билинса, тартиб ва интизомни сақлаш учун жуда фойдали бўларди. Командир менга: «Бугун шунча-шунча одам ҳалок бўлиши керак»,— дейди, мен эса, ўринлатиб: «Сен, сен, сен, сен ва сен сарф бўласан!»— деб буюраман. Сен роҳатланиб ҳалок бўласан, ишлар ҳам, рўйхат ҳам тартибли бўлади, одам боласи учун хизмат ҳам мазанинг ўзи бўлади. У ёғда эса иш қай томонга бурилиб кетиши номаълум, ахир, ҳамма ўқ ҳам нишонга тегавермайди-ку. Сенинг бурчинг ҳалок бўлиш, борди-ю ҳалок бўлмасанг, сен айбдор эмассан.

Балки худди шунинг учун бўлса керак, янги чақирилганларни кўриқдан ўтказувчи комиссия назаримда сўйишга яроқли молларни кушхонага юборишдан олдин танлаб оладиган ветеринария комиссиясига ўхшаб туюлади. Нафсамбирини айтганда, чақирилувчиларни кўриқдан ўтказадиган комиссиянинг мантиқи ҳам шупақа ажойиб: яшашга ноқобилларни у ўлишга ноқобил деб эълон қилади, яшашга қобилларини ўлишга қобил деб топади.

Комиссия сизни кўриб, яроқли топиш биланоқ сочингизни тап-тақир қириб ташлаб, белгиланган шаклда форма кийгизишади. Шу ондан бошлаб сизни бир қолипга тушира бошлашади. Армияга келганингизда ёноқ суягингиз иккита бўлади, бироқ, бошлигингиз бунча кўп ёноқ суягининг нима ҳожати бор, деб биринчи қуилардаёқ уни битта қилиб қўяди.

Армиядаги бир қолипчилик шундан иборатки, ҳамма-нинг сочи тап-тақир олинади, ҳамма форма кияди ва ҳеч нарса ҳақида ўйламайди. Ўйламаслик, айниқса, муҳим, бу бир қолипчиликнинг энг зарур шартларидан бирidir.

— Солдат ўйламаслиги керак!— деб тушунтиради бизга капрал.— Агар ҳаммамиз ўйлайверсак, жаноб майор нима иш қилади? Солдат эшитиши ва бажариши керак, ўйлаш унинг иши эмас!

Хуллас, одам ўйлаш керакми, йўқми ақаллигини ҳеч биллолмайди. Мактабда: «Ўғлим, ўйлашни ўрган. Агар ўйлашни билмасанг, ҳаётда қийналиб қоласан», деб мияннга қуйишади. Мактабни битириб, армияга борганингда: «Ўйлай кўрма! Сен бу ерга ўйлаш учун келган эмассан», деб бақаришади. Уйланганингда эса хотининг: «Менинг ишим янаш ва уйда тартиб жорий қилишдан иборат, ўйлаш эса, сенинг ишинг!»— деб писанда қилади. Бироқ, бу нарса давлатга яна маъқул келмайди, ўйлаганинг учун сени у икки йил турмага ўтқизиб қўяди.

Мана шундан сўнг ўйлаш яхшими ё ўйламаслик яхшими эканини ҳал қилиб кўр-чи. Ўйлайдиган одамлар ўйламаган яхши деб тасдиқлашади, ўйламайдиган кишилар эса, ўйлаш яхши деб таъкидлашади. Омади юришмаган бир одам менга мана бундай деб шикоят қилган эди:

— Мен гоҳ ўйлаб, гоҳ ўйламай юрган вақтимда укам анча пул тўллаб қўйибди. Мана ҳозир у бадавлат бўлиб кетди, менинг эса ҳамёним қуруқ.

— Қачонки бир нарса тўғрисида узоқ ўйласам, албатта тескариси чиқарди, борди-ю шу ишга ўйлаб-нетиб ўтирмай киришиб кетсам, ҳамма нарса қулинг ўргулсин бўлиб чиқарди,— деб ишонтирарди яна бир тажрибали киши. Кўп вақтларини ўй суришга сарф қилган кишилар шундай афсусланадилар, бироқ, ҳаётда бир марта ўйламаган одамлардан ҳам шикоят эшитиш мумкин.

— Агар мен илгари оз-моз ўйлаганимда, сира ҳам сенга тегмас эдим!— деб бақиради ёш аёл қари эрига.

— Ҳйламабман ука, Ҳйлаганимда, бу савдолар бҮлмас эди,— дейди йиғламсираб, йҮқотганларини қайтариб олишдан умид узган киши.

Мана шу шикоятларни эшитиб туриб, қайси бири яхши: Ҳйлаганими, Ҳйламаганими?— деб сҮрамай бҮлмайди. Менимча, бунда ҳаммаси касбга боғлиқ. Ҳйлаш қобилиятини талаб қиладиган касблар ҳам бор, бироқ Ҳйлаш сира шарт бҮлмаган ҳунарлар ҳам бор, масалан, шоферлар, стрелкачилар, учувчилар, машинистлар ва лопманлар Ҳйлаши шарт. Давлат арбоблари, профессорлар, адабиётчилар, баланд ва қуйи мартабали амалдорлар, руҳонийлар ва офицерлардан бу нарса сира талаб қилинмайди.

Формани кийиб ва Ҳйлашни унутишинг биланоқ сен одам эмас, балки солдатсан, сени сафга турғизишади ва биринчи навбатда тенглашишга Ҳргатишади. Армияда тенглашишга алоҳида эътибор берилишининг сабаби ҳаммани ич тортиб бараварлаш ва олдинга чиқиб кетмасликка Ҳргатишдир. Ҳарбий бошлиқлар бу фойдали малакани ҳосил қилдириш учун жуда кҮп куч ва вақт сарфлайдиларки, оқибат натижада, тенглашишга интилиш одат бҮлиб қолади. Бироқ киши армия билан хайр-маъзур қилган заҳоти мана шу фойдали одатларни йҮқотади-қҮяди. Олдинга чиқиш учун интилиш ҳаётда кҮпроқ қадрлангани учун ҳам шундай бҮлса керак.

Армияда фақат тенглашишгагина эмас, балки тенг юришга ҳам Ҳргатадилар. Сен кетда қолишинг ҳам, олдинга Ҳтиб кетишинг ҳам мумкин эмас, худди олдиндаги ё кетиндаги киши сингари қадам ташлашинг керак бҮлади. Бунда сенинг университет дипломинг уч пуллик фойда келтирмайди, у сенга каттароқ одим ташлаб юриш ҳуқуқини бермайди. ЙҮқ, сен Ҳз фамилиясини биринчи дафъа армияда эшитган, сочи биринчи марта армияда олинган кишилар билан бир хилда қадам ташлаб юришга мажбурсан. Македонияда бҮлганимда битта аравага қҮшилган от билан эшакка кҮзим тушган эди. Улар ҳам тенг қадам отишлари керак эди. Боёқиш от аравани тезроқ тортиш учун ақалли бирор йирик қадам ташлашга ҳар қанча уринмасин, унинг ҳамма ҳаракати эшакнинг қайсарлигига дуч қелиб, пучга чиқарди. Эшак тезроқ юришни сира хоҳламас, аксинча, баъзан таққа тҮхтаб қолар, эшакларга хос файласуфона паршонлик билан бутунлай бошқа томонга судрарди. Агар армияда Ҳйлашга

рухсат этилса, мен мана шу воқеа ҳақида албатта ўйлар эдим: узукка кўз қўйгандай ўхшатиш-да.

Тенг қадам ташлаш санъатини эгаллаганингдан кейин сенига депсинишни ўргата бошлайдилар. Депсинна билиш армияда катта аҳамиятга эга. Агар взвод депсинганда пошнаси тагидан ўт чақнаса, взвод командири алоҳида ташаккур олади. Солдатнинг марш пайтида нега бунчалик депсиниши кераклигини шу пайтгача ҳам билмайман. Тўғри, балки бу талаб уставдаги: «Ҳар қандай ҳаркатиинг мақсади маълум масофани, маълум вақтда энг кам куч сарф қилиб босиб ўтишдан иборат», дейилган параграфга мос келар, балки, бу шахардаги тош йўллари ва провинциядаги қишлоқ йўллариини шиббалашда армияниинг жамоага ва давлатга берадиган ёрдамидир.

Депсинишни армия учун пойабзал етказиб берувчилар ҳарбий таълимнинг таркибий қисми сифатида ўйлаб чиқарилиб, уставга киритишга мажбур қилганликларини менга тушунтириб беришмаганда, депсинишнинг мақсади мен учун қоронғилигича қолаверади.

Тенглашишни ва тенг қадам ташлаб юришни ўрганиб олганингдан кейин, сени бошлиққа салом беришга ўргатишади, кўпчилик орасида бирор кишига салом бермасанг, анчайин одобсизлик бўлади, бироқ, армияда честь бермасанг, бу шундоққина жиноят ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам армияда салом бера билишга алоҳида эътибор қилинади, ҳарбий уставларда бу ҳақда мукамал ва аниқ-таниқ талаблар бор. Бу уставлардан солдат биринчи навбатда бошлиққа рўпара келганда бошини тескари томонга эмас, (кўпинча шундай бўлади), балки бошлиқ томонга буришни ўрганиши керак. Бундан ташқари, солдат бошлиқ ўтиб кетгандан кейин эмас, балки, ёнига яқинлашганда унга салом бериши кераклигини билиб олиши зарур. «Аммо, муайян шароитларда, — дейилади уставда доноларча, — мабодо бошлиқ у томонга қараса ва унга қайта қарамаслиги аҳтимол тутилса, солдат бошлиққа параграфда кўрсатилганидан илгарироқ салом бериши ҳам мумкин». Уставда солдатга мана шундай эркин ҳаркати қилиш имкони берилиши чиндан ҳам қувончли ҳолдир.

Армияда саломлашишга ўргатиш оғир машқлар қаторига кирмайди, бироқ шундай бўлса ҳам уставдаги баъзи бир параграфлар мени ҳайрон қолдирар эди. Оддий солдат қандай саломлашиши кераклиги менга равшан эди,

биноқ уставда дўмбирачилар ва трубочилар бошлиқ билан қандай саломлашишлари кераклиги ҳақида ҳам айтилган эди. Агар устав ҳар бир музикачига бошлиқ билан «ўз музика асбобининг хусусиятларига кўра саломлашиш» мажбуриятини юкламаган тақдирда буни тушунса бўлар эди. Ана шу жойига сира ақлим бовар қилмасди. Масалан, флейтачи бошлиққа «ўз музика асбобининг хусусиятларига кўра» салом бермоқчи дейлик, агар шунга амал қилинса, офицер яқинлашиши ҳамано солдат хуштак чалиши керак бўлади. Майли, буниси ҳам тушунарли. Агар дўмбирачи ҳам ўз музика асбобининг хусусиятларига кўра офицер билан саломлашадиган бўлса, бошлиғи яқинлашганда ўнг келган одамнинг елкасига мушт тушириши керак бўларди. Яхши, буниси ҳам тушунарли. Аммо, геликон ёки бас чаладиган киши «ўз музика асбобининг хусусиятларига кўра» бошлиғи билан қандай саломлашиши керак? Бундай «ўз музика асбобининг хусусиятларига кўра» саломлашиш одобсизлик бўлиб кўриниши мумкин-ку.

Мана шу муҳим ишни, яъни саломлашишни ўрганганидан кейин, сенга милтиқ беришади, шу аснодан бошлаб милтиқ сеники бўлмайди, балки, сен милтиқни ки бўласан. Бошқача қилиб айтганда, милтиқ асосий нарса бўлади-ю, сен милтиққа иловадек бир нарса бўласан. Масалан, сен кир-чир бўлишинг мумкин, бироқ, милтиқ тоза бўлиши керак; бекордан-бекорга сенинг бурнингни пачақ қилишлари, қулогингни суғуриб олишлари ёки бармогингни синдиришлари мумкин, аммо, милтиқда бирорта ҳам тирналган жой бўлиши мумкин эмас. Сен йўқ бўлиб кетишинг, хоҳласанг, ҳалок бўлишинг, қисқаси, рўйхатдан ўчиб кетишинг ҳам мумкин. Бироқ, шунда ҳам, милтиқ рўйхатда қолиши шарт. Агар, айтайлик, безгак бўлиб қолсанг, ёинки, оёгинг чиқиб кетса, ё қорнинг оғриб қолса, ё буйрагинг умуртқангдан ажраб кетса, улар сени амбулаторияга юборишади. У ерда бир неча грамм хинин юттиришади, қулогингни уч-тўрт кун вижиллатишади ва яна сафга қайтариб юборишади. Борди-ю, милтигингга бирор кор-ҳол бўлиб қолса, унда комиссия тузишади, милтиқни ҳар томонлама текшириб кўришади, ишнинг барча ҳолатларини ўрганишади, муфассал маълумот тузишади, азият чеккан милтиқни авайлаб ўраб, ремонт қилишга жўнатишади, у ёқдан эса, милтиқ сонна-соғ бўлиб, сафга қайтиб келади. Сени уйингдан армияга олиб кетганлари-

да ота онаинга ҳеч қандай тилхат беришмайди. Икки йил ўтгач, у ёқдан қайтасанми ё дом-дараксиз йўқоласанми, бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Милтиқни эса, фақат тилхат билан оласан. Яна бунинг устига тилхатда милтиқни кам-кўстсиз ҳолатда олдим, худди шу ҳолатда қайтариб бераман, деб ёзасан. Борди-ю, ўша ҳолатда қайтармасанг, унда текшир-текшир, рапортлар, комиссиялар, терговлар бошланадики, шўринг қуриши муқаррар бўлиб қолади.

Аввал ўқсиз отишни ўргатишади. Иш шу билан тамом бўлганда, ҳар бир одам армиядан қимматли билим олиб қайтган бўларди. Ўқсиз отиш жуда кенг авж олган. Бундай отиш аксарият, сиёсатда, шунингдек кўпинча, фан ва адабиётда ҳам, ҳаммадан кўпроқ эса шахсий, оилавий ҳаётда қўлланилади.

Бироқ армияда ўқсиз отиш билан чекланилмайди. Бир кун келиб маълум масофага одамга ўхшаш қўғирчоқ қўйишади, кафтнингга жанговар патрон тутқизишади. Сен шунга теккизишни машқ қиласан. Қўриқчи ўзига тўғрилланган милтиқ оғзига совуққонлик билан дангал қараб тураверади. У кўпчилик солдатларда инсонийлик устун келади деб ўйлайди, ҳақиқатан ҳам солдатлар аксарият нишонга теккиза олмайдилар.

Мен шу қўғирчоққа округ бошлиғи формасини кийдириш лозим деб ўйлардим. Бу билан икки мақсадга эришиш мумкин эди: солдатларнинг аксар кўпчилиги халқ ичидан чиққанки, улар яхши нишонга олган ва аниқ мўлжалга урган бўларди, ундан ташқари, бошлиқ ҳукмидан қутулганларидан кейин ҳаётда жуда зарур бўлган тажриба орттирган бўлишар эди. Бу эса, уставда айтилган: «Якка-якка отишга ўргатишдан мақсад шуки, у жанг пайтида, ҳатто бошлиқлар назоратидан чиққандан кейин ҳам ўз бурчини мустақил, онгли ва қатъий адо этадиган бўлсин», деган фикрга жуда мос келарди.

Хизматга янги чақирилган йигит тенглашишни, тенг оёқ ташлашни, товонини тош йўлга уришни, бошлиқлар билан саломлашишни ва сира ўйламай одамларни отишни билса, уни ярим солдат деб ҳисобласа бўлади.

«Солдат назария ва амалиётдан иборат!» — дер эди бизга доим капрал. У бу гапни осмондан олган эмас албатта. Ҳамонки гапирянтими, турган гап, буни қачондир, кимдандир эшитган.

Мен назария ва амалиётдан ташкил топган одамни

Бял, ундан ҳам баттари, солдатни сира тасаввур қила олмайман. Бироқ, солдатлар уни қўйидагича тасаввур қилса керак: масалан, ҳозиргина уйи билан хайрлашишга мажбур қилинган рекрут, ҳали фақат назария бўлса керак. Уша рекрут тенглашишни ўрганиб, барабар оёқ ташлашни ва ер депсишни билса, бунда назария амалиёт билан қўшилиб, у энди солдат бўлади. Отишни билмайдиган солдат қўлидаги милтиқ фақат назария бўлади. Аммо рекрут одамларни ўлдиришни ўрганса, назария амалиёт билан қўшилиб, мукамал солдатни беради.

Умуман, назарий машғулотлар солдатга энг кўп фойда келтиради. Биз худди мана шу машғулотлар пайтида жуда кенг, жуда зарур билимларни эгаллаганмиз. Масалан, назарий машғулотларда биз капралдан Ватан нималигини ва сечка нималигини билиб олдик. Ундан ташқари, давлат нямаю, қалпоқ нималигини, ғалаба нималигинию қашлагич нималигини билдик ва ундан бошқа қанчадан-қанча фойдали билимларни ҳам эгалладикки, уларнинг ҳаммасини айтиб бериш мушкул. Буларнинг ҳаммасидан ташқари, назарий машғулотларда капралдан ҳар бир серб умри бўйи, то ўлгунга қадар солдат ҳисобланишини эшитдик. «Сен ўз хизмат муддатингни ўтаб, уйингга қайтасан, бироқ, уйда ҳам солдатсан, армияда мени рўйхатдан ўчириб юборишган деб ўйлай кўрма. Йўқ, биродар, тирик экансан, Ватанга керак бўлиб қолдингми, истаган вақтда сени чақаришлари мумкин».

Бир неча йилдан кейин буни ўз тажрибамда кўриб, капралнинг ҳақлигига ишондим: ҳақиқатан ҳам, одам умр бўйи армиядан қутулмас экан, у биринчи талаб қилиниши биланоқ полкда ҳозир бўлиши лозим экан.

Хизматни тугатиб келганимдан сўнг бир неча йил ўтгач, кунларнинг бирида полиция орқали акт олдим. Унда мен армиядан кетаётиб, ҳукуматнинг буюмларини топширганда интендантликка қашлагични қайтариб бермаганлигим, шунинг учун N. қисмидаги учинчи бўлимга учраб, ўша буюмни қайтаришим зарурлиги айтилган эди. Мен актни ўқиб, орқасига пиёда аскарликда хизмат қилганимни, шу туфайли менда ҳеч қандай қашлагич бўлиши мумкин эмаслигини, борди-ю, бўлган тақдирда ҳам қайтарган бўлишим муқаррарлигини аниқ ва равишан қилиб ёзиб юбордим. Мана шундай тушунтириш хатидан сўнг мен тинч қўйишар деб ўйлаган эдим. Бироқ асло бундай бўлиб чиқмади.

Чамаси икки йил мобайнида мени чиндан ҳам безовта қилишмади. Бироқ, кунларнинг бирида, яна қашлагични қайтаринг, деб ёзилган акт пайдо бўлди. Мен аввал қандай жавоб қилган бўлсам, яна ана шундай жавоб қилдим. Аммо, бунинг сира ёрдами тегмади: қасерга бормайин, шу турқи совуқ акт изма-из қувиб, қашлагични қайтаришимни талаб қиларди. Министрликдан министрликка ўтардим, касбимни ўзгартирардим, бироқ, бадбахт акт кетимдан соядек эргашиб, қашлагични қайтаришимни талаб қиларди. Чет элга кетган эдим, акт у ёққа ҳам борди; даволаниш учун курортга кетган эдим, акт кетимдан етиб борди; қишлоққа борган эдим, у ерда ҳам қашлагични қайтаришни талаб қилган актдан қутула олмадим.

Қашлагич мени ақлдан оздириши мумкинлигини билганимдан кейин шу фалокатдан қутулиш учун, бир кунни мени таъқиб қилиб юрган актни Н. ҳарбий қисмга ўз қўлим билан олиб бордим. Мени интендантлик хизмати капитани зўр ҳурмат билан кутиб олди. Нима мақсадда келганимни тушунтирдим.

— Пиёда қўшинда хизмат қилганман, шунинг учун ҳам менга қашлагичнинг сира кераги йўқ эди. Бу ерда бирор англашилмовчилик бўлса керак,— дедим.— Агар мендан одеял талаб қилсалар бошқа гап эди, ҳар бир солдат одеял олади, лекин қашлагичга нима бор! Ўзингиз айтинг-чи, пиёда аскар қашлагични бошига урадимиз?

— Тўғри, тўғри!— чин юракдан тасдиқлади капитан. Кейин ҳамма гапларимни ёзиб олди ва қузатаётиб,— шахсан ўзингиз келиб тушунтирганингиз яхши бўлди, аллақачон шундай қилиш керак эди. Шунда сизни ҳеч ким безовта қилмас эди,— деб тасалли берди.

Мен кўнглим хотиржам бўлиб, асабларим тинчиб, уйга қайтдим. Бироқ капралнинг: «Армияда сени рўйхатдан ўчириб ташлайдилар, деб сира хаёлингга келтира кўрма. Йўқ, биродар, тирик экансан, сени истаган вақтда чақиришлари мумкин»— деган гаплари тўғри бўлиб чиқди... бир йил ўтгандан кейин полиция участкасида яна қашлагич билан... одеялни қайтаринг, деган акт пайдо бўлди. Бу акт ҳам мени идорама-идора, юртма-юрт, йилма-йил қува бошлади. Нагжида менда яна асаб системасининг бузилиш белгилари кўрина бошлади ва серб фуқаролигини тарк этсаммикин ё ўзимни-ўзим ўлдириб қўя қолсаммикин, деган фикр пайдо бўла бошлади. Ниҳоят, олдинги галдаги каби актни кўтариб Н. ҳарбий қисмининг учинчи

бўлимга учрадим. Бироқ, у ерда менн аввалги танишим, интендантлик хизмати капитани эмас, қандайдир штатдан ташқари капитан қарши олди.

— Тушунарли! — хитоб қилди у, бор гапни бир сидра айтиб бўлганимдан кейин. — Ҳамма хато шундаки, мендан олдин шу лавозимда ишлаган киши гапларингизни нотўғри ёзиб олган экан. Сизда қашлағич нима қилсин? Бемаъниликни қаранг-а. Пиёда аскар ва қашлағич. Бироқ, одеял масаласига келганда, уни албатта қайтаришингиз лозим эди. Уни еб бўлмаса, ичиб бўлмаса, қайтаришингиз керак эди-да. Қалпоқ бўлса бошқа гап эди. Солдат аксарият қалпоғини биров ўғирлаб қўймаса, йўқотади.

— Тўғри, қалпоқ мутлақо бошқа гап, — деб рози бўлман. Ҳатто тушимда ҳам менн таъқиб қилган нарсадан қутулганимга хурсанд бўлиб уйга қайтдим.

Бир неча йилгача ўзимни жуда яхши сездим. Аммо кунларнинг бирида шаҳар полиция участкасидан яна акт келиб қолди: унда интендантлик хизмати қашлағич, одеял ва қалпоқни қайтаришимни талаб қилганди. Шундан бери бир неча йил ўтиб кетган бўлса ҳам лаънати акт кетимдан тўхтовсиз қувгани-қувган, кундуз кунлари ўзимча гапириб юраман, тунда эса доим, қашлағич, одеял, қалпоқ тушимга кириб чиқади.


Бу уч буюм мени шу қадар қийнаган, шу қадар қон-қонимга сингиб кетган эдики, худо кўрсатмасин, дворянларга бериладиган имтиёз бўлганида мен фамилия гербимга кенг ёйилган одеялдаги қашлағич ва қалпоқ расмини танлар эдим.

Бироқ худди мана шу тариқа капралнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилдим: серб умри бўйи солдат бўлиши ёки кам деганда армия билан алоқада бўлиб туриши керак экан. Шундай бўлишини олдинроқ билганимда армияда қолиб кетган бўлардим, негаки, хизмат соҳасида кўтарилишимга жуда катта истиқболлар очилган эди. Мана, масалан, серб армиясининг капрали унвонини кўтариб юрганымга қирқ йил тўлди, борди-ю, ҳар бир унвонда шунча йилдан турсам, бора-бора юз йилгирма йил хизмат қилгандан кейин фельдфебелликка ҳам эришувим мумкин эди.

Умуман олганда, ҳарбий унвонимнинг алоҳида бир завқли томони бор. Бу шундан иборатки, мен серб капралларининг оқсоқоли эдим, ундан ташқари, Европадаги армияларда Наполеон билан иккаламиз энг машҳур кап-

раллардан эдик. Наполеоннинг машҳурлиги шундаки, ўзининг капраллик унвонини императорлик унвони билан алмаштирди, менинг машҳурлигим шундаки, мен роса қирқ йил ичида капраллик унвонимни ҳеч нарсага алмаштирмадим.





НИКОХ

Ун учинчи севгим — хотиндир. Ун уч рақами хосиятсизлигини аллақачон билардим, аммо у муҳаббатга ҳам бахтсизлик келтиради деб сира ўйламаган эдим. Агар шундай бўлишини олдинроқ билганимда бирданига ўн учинчи марта эмас, ўн тўртинчи марта севардим, ёки аҳтимол, ўн учинчи севгимни 12/а рақами билан ёзиб қўярдим.

Бироқ, баъзан 12/а ҳам кўп дилсиёҳликларга олиб келиши мумкин. Эсимда, бир курорт меҳмонхонасининг хўжайини ижарада турувчи примчи меҳмонларга ёқиш

учун ўн учинчи рақамни истеъмолдан чпқазиб ташлаган, меҳмонхонанинг иккита хонасига 12/а ва 12/б номерларини осиб қўйган эди. Бу хоналарга икки жуфт эр-хотин жойланган эди. Улар дастлабки пайтларда довм эшикларини адаштириб юришди. Кейин ҳамма нарса шундай қоришиб, курортдагидай айқаш-уйқаш бўлиб кетдики, кимнинг «а» хонадан, кимнинг «б» хонадан эканлигини аниқлаш учун полиция комиссарининг ўзи аралашшга мажбур бўлди. 13 номерли хона туфайли бировларнинг оиласи бузилиши тушунарли, лекин, мана шу машъум рақам туфайли ўз оплавий турмушини топиш — фақат менгагина муяссар бўлиши мумкин эди.

Мен турмадан чиқишим билан уйландим, шундай бўлдики, қамоқдан қутулишни кутаётган маҳбус оладиган роҳатни ҳам дурустроқ ололмадим. Мактабдан — армияга, армиядан — турмага, турмадан эса, оиллага тушдим. Чамаси, ҳаётда шундай бўлиш керакка ўхшайди: мактабда ҳаёт учун зарур бўлган билимларни орттирасан, армия ва турмада эса, оилавий турмушга тайёрланасан. Армияда тартибга риоя қилиш ва буйруқни сўзсиз бажаришни ўрганасан, турмада эса, ҳаётга аралашмасликка ҳамда унга фақат дераза панжараси орқали қарашга ўрганасан.

Оилавий турмушни армия ва турма билан қиёс қилиш хунуклигидан ташқари ноаниқ ҳамдир. Ҳар ҳолда оила билан армия орасида аллақандай умумийлик бор деса бўлади, бироқ оила билан турма орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Масалан, армияда фақат сўзсиз бўйсунлишни ўргатибгина қолмай, оилавий турмушда зарур бўлган тенг қадам ташлашни ҳам ўргатишади; ундай ташқари, армияда команда бўйича ўннга ва чапга бурилишни ҳам ўргатишадики, бу ҳам оилавий турмушда қўлланилади; армияда қўриқчилик қилишни ўрганасан, бу ҳам оилада тез-тез керак бўлиб туриши мумкин; ботир бўлишни ва душманга дангал ташлашни ўрганасанки, бу нарса қочиб қутулишнингга ҳалал бермайди, бу ҳам оилавий турмушда учраб туради; ниҳоят, тўқнашиш, ҳамла қилиш, қўл жанги, тўсатдан ҳужум қилиш, пошилинч мудоффа, ён томондан ҳужум, тревога ва тунги қоровул нималигини ўрганасан. Буларнинг ҳаммаси оилавий турмушда ҳам тез-тез бўлиб туради.

Аммо, турманинг оилавий турмуш билан ўхшаш томони кўп деб бўлмайди. Никоҳ ҳақида, масалан, никоҳ қа-

фасга ўхшаган бир нарса, унга тушган ҳамма қушлар озод бўлишга ҳаракат қилади, бироқ барча эркин юрган қушлар унга тушишни орзу қилади, деб айта олсанг ҳам, бу гапни турма ҳақида айта олмайсанг-да. Аммо, ҳар ҳолда турма билан оила ўртасида баъзи бир умумийлик бор, баъзи бир умумийлик ҳолос, ундан ортиқ эмас. Бу шундан иборатки, оилавий турмуш ҳам каторганинг ўзи: маҳбус дастлабки беш йил оғир занжир кишанда, кейин, беш йил енгил кишанда, яна беш йил мутлақо кишансиз юради ва ниҳоят, яна беш йил бутунлай эркин юради, таъби истаган жойда эркин, бемалол сайр қилади, фақат кеч-қурун тунаш учун турмага қайтиб келади.

Аммо, никоҳ, турма ва армия ўртасида ва шунингдек, мактаб ҳамда никоҳ ўртасида яна бир улкан тафовут борки, бу тафовут никоҳни юқорида қайд қилинган муассасалар билан умуман тенглаштириш ҳам, улардан алақандай умумий жиҳатларни қидириш ҳам керак эмаслигидан далолат беради. Мактабда ҳам, армияда ҳам, турмада ҳам маълум хизмат муддати бор, оилавий турмушда эса, бу нарса йўқ. Масалан, мактабда неча йил ўқишнинг кераклигини биласан, ҳаракат қилиб, уни битирасан, дипломини олгандан кейин эса, бошқа нарса билан ишинг бўлмайди. Армияда ҳам худди шундай бўлади, хизмат муддати аниқ, у қонун билан белгилаб қўйилган. Ниҳоят турмада ҳам шундай бўлади: сени суд қилишади, ҳукмини ўқиб эшиттиришади, борди-ю, сени йигирма йил каторгага ҳукм қилсалар ҳам ҳар ҳолда қамоқ муддати қачон тамом бўлишини биласан, ўша кун қанчалик олис бўлмасин, барибир уни кутасан. Никоҳда эса бундай муддат йўқ, шунинг учун, турмуш қурганига йигирма беш йил тўлган гуноҳқор эрнинг кумуш тўй кунини ўз хотинига: «биласанми, жоним, агар сени бундан йигирма беш йил бурун, тўйимиз кунини ё тўй эртасига ўлдирган бўлсам, ҳозир йигирма йил каторгани тугатган ва беш йилдан буён эркинликда юрган бўлардим, ҳозирги аҳволимда эса...» сингарин нутқ билан мурожаат қилиши тушунарлидир.

Нафсамбирини айтганда, агар келгусида оилавий муносабатлар соҳасида ислоҳот ўтказиш кўзда тутилдиган бўлса, биринчи навбатда никоҳда қанча муддат бўлиши масаласига аниқлик киритиш лозим.

Никоҳ инсоният олдидаги ўзинга хос бир бурч бўлса, бурч аниқ муддатга эга бўлгандагина бурч ҳисобланади.

Энг муҳими шуки, агар никоҳда қанча муддат бўлиши аниқланганда, аҳтимол барча эр-хотинлар турмушини молиявий асосда қуриш мумкин бўларди. Шундай қилинса, ҳар йил инвентаризация ўтказиш мумкин бўларди, баланс чиқазиларди, актив ва пасив тасдиқланарди ва борди-ю, пасив активга қараганда кўнаиб кетган бўлса, банкрот бўлдиқ, деб эълон қилинарди. Ҳозирча бундай эмас экан, никоҳ ҳаммадан кўра қайнана, қайнаталар ва қайинсингиллар ва баъзида оиланинг дўстлари фойда олиб турадиган акционерлик жамиятини эслатади.

Никоҳ ҳақиқатан ҳам давлат олдидаги бурч бўлса, бу бурчни виждонан, ҳалол бажарганларни давлат рағбатлантириши керак. Давлат ботирлик учун, граждандлик хизматлари ва нуқсонсиз хизмат қилганлиги учун медаллари билан мукофотласин деб айта олмайман (гарчи мукофотга лойиқ бундай хизматларни никоҳга ҳам татбиқ этилса, жуда ўринли бўларди). Аммо, эр-хотинлик мажбуриятини умрининг охиригача виждонан адо этганларни рағбатлантиришнинг бошқа усуллари топил дозим бўлар.

Давлатнинг оила ва никоҳга муносабатини ўрганиш билан шуғулланган бир ошнамнинг миясига ажойиб фикр келибди. Унинг айтишича, агар никоҳ фармон билан жорий этилса, эр-хотинлар муносабатида жиддий ўзгаришлар юз берармиш. Фармон бўйича жорий қилинадиган бу никоҳлар унинг назарида қандай бўлишини билмайман, лекин, менимча, шундай бўлган тақдирда давлат фақат никоҳнинг ўзинигина эмас, балки кўчириш, ўчириш, нафақа тайинлаш, ишга лаёқатсизлиги учун хизматдан бўшатилш ва аҳтимол, ҳатто, никоҳда туришдан афв этишни ҳам муҳр билан мустаҳкамлашига тўғри келарди.

Бу жуда томошабон фармон бўларди: бунга кўра, ҳаётда доим бўлганидай, эрлар хизмат манфаатларини кўзлаб бир хотиндан иккинчисига кўчиб турарди; шундай фармон бўлардики, унинг етмишинчи моддасига мувофиқ эрлар истейфого чиқарди ва ниҳоят, ҳаётда доим бўлганидай, давлат хизматида кетиши мумкин бўларди.

Шахсан ўзим ҳеч қачон никоҳнинг ислоҳоти ҳақида ўйлаб кўрган эмасман, чунки у аллақачон ислоҳ ҳам қилинган ва тасқара ҳам қилинганки, бунга аминман. Менинг фикримча, эр-хотинлар турмушини яхшилашнинг бирдан бир чораси — уни бир оз ремонт қилишдан иборат. Тош пойдевор устида турган уйни яхши сақлаш учун, ремонт қилиш, томини қайта ёпиш, ёнига қуриш,

бўяш ва мойлаш зарур, ёлғиз поп ҳузурида бир-бирга ваъда бериш асосига қурилган никоҳни эса, ҳеч ким, ҳеч қаерда ремонт қилмайди. Ҳозирги оилавий муносабатларни сақлаш тарафдорларининг ҳаммаси бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса ва эр-хотинлар ҳаётини ҳам вақти-вақти билан чаласини қуриш, ёпиш, бўяш ва мойлашга ҳаракат қилишса бўларди.

Бироқ никоҳ соҳасида ислоҳот ўтказишнинг қийинлиги шундаки, никоҳнинг нималигини шу вақтга қадар ҳеч ким билмайди. Оламда бирор ҳодиса йўқки, у ҳақда, никоҳ ҳақидаги сингари кўп фикрлар айтилиб, кўп мулоҳаза юритилган бўлса, оламда бирор ҳодиса йўқки, у ҳақда, никоҳ ҳақидаги сингари бир-бирига зид, бири иккинчисини инкор қиладиган, энг сийқа фикрлар ҳам: чунончи, оилавий ҳаёт — дўзах деган фикрдан тортиб, оилавий ҳаёт — жаннат дейилган фикргача сақланиб келган бўлса. Бошқа фикрларнинг ҳаммаси мана шу икки худуд орасида тебраниб туради ва афтидан, бу фикрни айтувчи кишининг уйланган-уйланмаганлигига, ҳафсаласи пир бўлган-бўлмаганига боғлиқ бўлади. Фан томонидан никоҳни табиат ҳодисаси деб тушунтиришга уриниш пуч баёнот ва дабдабали сафсатабозликдан иборатдир. Масалан, бир файласуфнинг: «Никоҳ — ахлоқсиз муносабатларга асосланган ахлоқий қўшилишдир; ўз Менини инкор қилишга асосланган ўз Менини барқарор қилишга интилишдир; ўз ҳуқуқларининг ярмидан воз кечиш асосида ўз мажбуриятини икки баравар оширишдир», деган фикри шу проблемани ҳал этиб беради, деб бўладими?

Ёки сиз, эҳтимол, бошқа фанларнинг ҳар бири ўз нуқтан назаридан, фалсафадан кўра аниқроқ бирор гап айтган деб ўйларсиз? Менимча, агар бу ҳақда бирор гап айтишни сўралса, улар тахминан мана бундай жавоб беради:

Тарих. Никоҳ — голиб мағлубга бўйсунадиган, камдан-кам учрайдиган тарихий ҳодисаларнинг биридир.

Математика. Никоҳ — икки номаълум миқдорнинг жамидирки, унинг илдизини топиш керак. Бунинг натижасида минус чиқиши керак, аммо шунга қарамай, никоҳда ақалли битта плюс пайдо бўлса ҳам бундай тенглама қўйди-чиқди процесси билан тугайди.

Адабиёт. Никоҳ — бу чиройли муқаддима билан бошланган лирик поэмани эслатувчи, қизиқарли қисса, баъзан эса романдирки, кўпинча унинг мазмуви расво, хотимаси кутилмаган бўлади.

Грамматика. Никоҳ — бу мужской роддаги отдир, бироқ у ҳаётда женский род қонунларига бўйсунди. Бирлик сонда фақат грамматикада бўлиши мумкин, кўплик сонда эса фақат иккитадан ортиқ шахс қатнашмасанига чидаш мумкин.

Геометрия. Никоҳ — бу умр бўйи бир-бири билан ёнмаён чўзилиб борадиган, аммо сира учраша олмайдиган икки параллел чизиқдир.

Физика. Никоҳ — бу шундай ҳодисаки, икки жисм кўпроқ мустақамланиш учун умумий, аммо, хаёлий таянч нуқтасига эга бўлади ва шунинг учун мувозанатини осонгина йўқотади.

Химия. Никоҳ — икки жисм бирикмасидирки, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятини сақлаб қолади. Бу бирикмага четдан томизилган бир томчи бегона кислота унда реакция ҳосил қилади ва уни таркибий қисмларга ажратиб юборади.

География. Никоҳ — бу яқинлашганда экватор температурасига етадиган, узоқлашганда эса, ўз қутб температурасига қайтадиган икки қутбдир.

Мана кўрасизми, бу таърифлардан биттаси ҳам масалани ҳал қилишимизга қиттай ҳам кўмак бермади, шунинг учун яхшиси, фақат ўз ҳолига қўйиб, одамларга мурожаат қилайлик. Никоҳ — инсон томонидан яратилган маҳкамдир, шунинг учун ҳам, никоҳ тўғрисида муҳокама юритишдан иборат муқаррар ҳуқуқ униқидир. Турган гапки, ҳаммадан сўраб чиқишнинг имконияти йўқ, аммо, айрим касбларнинг вакилларига мурожаат қилинса, менимча, уларнинг жавоблари тахминан бундай бўларди:

Савдогар. Никоҳ — кичик шериклари уриб кетмаган тақдирдагина иши бароридан келадиган савдо корхонасидир.

Солдат. Никоҳ — босиб олинган қалъадир, уни душман ҳужумидан ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилиб бўлмайди.

Рухоний. Никоҳ охиригача ўқишга эҳтиёж бўлмаган, ҳар кунги «Отче наш»дир. Гарчи «худое маккорлардан ўзинг асра...» дейиш билан кифояланиш керак бўлса ҳам, кўплар: «... ва бизни йўлдан оздирма...» деб қўшиб юборишади.

Доктор. Никоҳ — ўзида заҳарга қарши заҳари бўлган оғудир. Беморлар баланд ҳароратда ўзларини жуда яхши ҳис қиладилар, нормал ҳароратда эса, ёмон ҳис эта-

дилар. Бундай вақтларда пархез ёрдам бермайди, чунки у беморнинг аҳволини оғирлаштиради холос.

Судья. Никоҳ — икки душман томоннинг вақтинча ярашдир.

Аптекачи. Никоҳ — эскирган рецепт бўйича тайёрланган доридир; ютиш осон бўлсин деб унга ширинлик аралаштирилади-ю, лекин у кўпинча томоқда тикчилик қолади.

Журналист. Никоҳ — бош мақола сифатидагина яхшидир. Лекин унда маънони бузадиган матбаа хатоси бўлмаган тақдирдагина яхшидир, афсуски, бундай хатолар деярли ҳамisha учраб туради.

Китоб сотувчи. Никоҳ — фақат биринчи нашридагина қизиқиб ўқиладиган китобдир, у эскириб, классик китобга айланганидан кейин бир чақага қиммат бўлиб қолади.

Темирйўлчи. Никоҳ — дастлаб кўнгил очар сайр поезди, бир оз вақт ўтгандан кейин у пассажир поезди, кейин эса, расво товар поездидир. Деярли ҳамisha разъездларда бир-бири билан тўқнашиб кетади.

Почтальон. Никоҳ — бошқа одамнинг қўлига тушиб қолган, қизиқтирадиган заказной хатдир.

Телефонист қиз. Никоҳ — бирор ташқи сабаб алоқани бузгунча ёки гапга бошқа одам аралашгунча томонлар бир-бирини яхши эшитадиган телефондаги суҳбатдир.

Спортчи. Никоҳ — бу шундай сакрашки, унда қанчалик баланд кўтарилишинг эмас, балки ерга қандай тушишинг муҳимдир. Бировлар ерга дадил, икки оёқни баравар қўйиб тушади, бошқа бировлар тиззаси билан тушади, бошқалар эса, мувозанатни йўқотиб қўяди. Лекин энг кўп содир бўладигани, ерга қўймич билан тушишдир.

Артист. Никоҳ — ҳеч қачон томошабинлар муҳокама-сига ҳавола қилинмайдиган драмадир, бироқ шунга қарамай, қарсақ овози эшитилса, бу пьесанинг ёмон ўйнаганидан далолат беради. Драма ёмон ўйналганда, аксариyat, томошабин кўрмайдиган режиссёр, ёки текстда йўқ сўзларни айтиб турадиган суфлёр айбдор бўлади. Асосий иштирок этувчилар драматургиянинг барча қондаларига зид равишда ўз истеъдодининг бутун кучини биринчи пардада намойиш қилдилар, уларнинг ҳаракатлари татсиричан ва ифодали бўлади, бироқ сўнгги пардаларда, қаҳрамонлар характери майдалашади, спектакль ҳеч қандай таъсирсиз тугайди, шунинг учун, яхшиям, уни охиригача ўйламаслик керак.

Бу атиги бир неча фикр холос, лекин бу қарашлар нақадар турли-туман ва никоҳ нима? деб қўйилган саволга кам жавоб беради. Бундай вақтларда яхшиси, Тажрибага мурожаат қилиш керак дейдилар, чунки фақат угина ҳақиқатга энг яқин бўлган жавобни бериши мумкин. Бир сафар Тажрибанинг ёнига келиб, ундан сўрадим:

— Никоҳ нима ўзи?

— Никоҳ сен истаган нарса бўлишини хоҳласанг, учта бўлишларинг керак...

— Биламан: эр, хотин ва оиланинг дўсти бўлиши керак.

— Гапимни бўлма!— деб бақриб берди Тажриба.— Никоҳ уч таркибий қисмдан, яъни севги, ишонч ва чидамдан иборат. Сенда севги борми?

— Бор, ҳамма хотинларни севаман.


— Хайр, буниси керагидан ҳам ортиқ эқан. Ишонччи?


— Хотиним олдида бир марта ҳам ишончга сазовор бўлган эмасман.

— Нафсамбирини айтганда, севги билан ишонч иккинчи даражали омиллардир, улар, тўғрироғи, никоҳнинг декорацияси ҳисобланади. Энг муҳими — чидам.

— Чидамим етарлик!

— Баракалла, мана сенга жавоб. Никоҳ — чидамдир. Ҳақиқатан ҳам менинг чидамим етарлик эди, бунинг учун аввало танқидчиларимга миннатдорчилик билдиришим керак. Улар мени ҳар доим шунақанги хотинчасига таъзимни беришардики, мен ҳар қанақа энг заҳарли сўкишларга ҳам чидайдиган аҳволда никоҳдан ўтдим. Шу тариқа бир вақтнинг ўзида адабий ва эр-хотинлик фаолиятим юбилейини нишонлаш ёшига етдим. Лекин шуниси борки, уларнинг натижаси бир хил эмас.






ЁЗИЛМАГАН БОБ

Китоб муқаддимасида автобиографиямни уйланишни тасвирлаш билан якунлайман деб эслатиб ўтган эдим, чунки, уйлангандан кейин кишида автобиография қолмайди, таржимаи ҳолимни эса, умуман ёзмоқчи эмасман.

Ҳаётимнинг бундан кейинги тасвирини бир ошнамга топширганимни ҳам эслатиб ўтган эдим, шунинг учун ўша ёзилмаган бобни унга пешкаш қиламан.





АВТОРНИНГ СЎНГ СЎЗИ

Тўғриси айтганда, ўз автобиографиямни тугатдим, аммо сизнинг назарингизда унда нимадир етишмаётгандай, чаладай туюлаяптими? Театрда сира ҳам тугалланмаган пьесани қўйганларида тахминан шунақа туйғу қолади кишида, ҳатто нарда охири марта ёпилгандан кейин ҳам томошабинлар ўринларидан қўзгалмай, ўйиннинг давомини кутиб ўтиришаверади.

Мен эса ўз ўқувчиларимнинг томоша давомини кутиб ўтирган томошабинлар аҳволига тушишини хоҳламайман,

шунинг учун мана шу охириг бобни ёзишга қарор қилдим. Умуман, таржимаи ҳолнинг охириг бобида айтиладиган гапларга эътироз билдирмай қўйдим, ҳисоб. Бу нарсага ғайри табиий бир ҳолатда муроса қилган бўлсам ҳам, ҳар қалай муроса қилдим.

Сўнги кунларда янгидан ташкил қилинган дафн қилиш бюросининг ёш хўжайини (мен у билан танишни шарафига муяссар бўлган эмасман) менга алоҳида меҳрибонлик кўрсата бошлади. Қачон унинг муассасаси олди-дан ўтмайин, ҳатто кунига бир неча марта бўлса ҳам, у ҳурмат билан шляпасини бошидан олар ва илтифот билан: «Хайрли кун!» деб саломлашарди. Фақат унинг «Марҳамат, киринг. Энг ажойиб моллардан бор, сизга арзон қилиб бераман!» дейиши етмасди, холос.

Аввалига бундай илтифот гашимни келтириб юрди, унга тарсаки қўйиб юборишдан ўзимни аранг тияр эдим. Бироқ, аста-секин бунга кўника бошладим ва ниҳоят, ўша ердан ўтаётганда витрина қаршисида тўхтаб, тобутларни қизиқиб томоша қила бошладим. Бундай тўхташлар кун сайин такрорланиб, бора-бора одат тусига кириб қолди.

Энди витрина рўнарасида тўхтабгина қолмай, ҳаминша ўз муассасаси ашиги олдида турадиган ёш хўжайин билан ошналардек гаплашадиган ҳам бўлиб қолдим.

— Сизнингча қалай,— сўрайман ундан, витрина олдида тўхтаб,— анави тобут менга тўғри келармикан?

— О, афандим, сизга худди шунини таклиф қилардим,— жавоб берарди ёш хўжайин севинчидан антикиб.

— Менга кичкиналик қилмасмикин?

— Бир зум тўхтаб туринг,— хўжайин уч-тўрт қадам орқата тисарилди ва бошимдан-оёқ кўзи билан ўлчаб чиқди.— Сўзимга ишонаверинг афандим, тобут нақ ўзингизга буюртириб қилингандай,— дейди.

— Менга бир оз торлик қилмасмикин, нима дейсиз?

— Нима десам экан, бўлиши мумкин, бир оз торлик қилади, фақат дастлаб шундай бўлади, ахир янги этик ҳам аввалига оёқни қисади-ку, бироқ кейин жонингиз кириб ётаверасиз.

— Ҳа... аҳтимол... Пишиқ-пухталиги қанақа?

— Э, хотиржам бўлаверинг!— оғзимдан чиқмай ёқамга ёпиштирди у.— Пишиқ-пухталик масаласига келганда, беш йилга гарантия ёзиб бера оламан.

Турган гап, бир-биримизни яқиндан билгандан кейин

иккаламиз шу қадар очиқчасига гаплаша бошладикки, бир сафар у илҳоми жўш уриб кетиб, менинг кўмилишим режасини ғурур билан баён қилиб берди: маросим бошида орден қўйилган ёстиқларни кўтариб боришади, кейин гулчамбарлар ва черков байроғини кўтарганлар, сўнгра хонандалар ва бошқалар боради.

Бир пайт хўжайин тўсатдан муассасасига таклиф қилиб, орден қўйиладиган ёстиқларни ва хор айтадиган хонандаларга кийдириладиган мотам ридоларини намоёйиш қилди.

— Илтимос шуки, — қўшимча қилди у, — ёзда ўлишга ҳаракат қилинг. Ёзда кун узоқроқ бўлади, маросимни қисқартиришга ҳожат қолмайди.

Мана шундай бахтли тасодиф туфайли таржимаи ҳолимнинг сўнгги бобига рози бўлибгина қолмасдан, балки бошқа зарур тайёргарликларни ҳам қўриб қўйдим. Ўйиннинг тамом бўлишини кутиб турган томошабинлар уйларига тарқалиб кетиши учун мен ўлишим керак, холос. Бу жиҳатдан ҳам ўзимга боғлиқ нарсаларнинг ҳаммасини бажаришга ваъда бераман.

Аммо, кўриб турарсиз, ўлганим хабарини эшитгач, кўп одамлар унга ишонишмайди. Мен уларнинг устидан шунақанги кўп кулганманки, бу сафар ҳам мени ҳазил қилган бўлса керак деб ўйлашади. Талейроннинг ўлимида шундай бўлган эди. Маълумки, Талейроннинг ҳаётида сиёсий найрағлар шу қадар тез-тез бўлиб турардики, Талейрон ўлди деган хабар тарқалганда кўплар:

— Нега бундай қилдийкин? — деб ҳайрон бўлишганди.

Мана шунинг учун ҳам ўлимим ҳақида хабар тарқалганда, айниқса аҳтиёт бўлиш керак. Биринчи кун газета-ларда: «Маълум бўлишича, жаноб Нушич кеча вафот этган», мазмунида хабар босиш керак. Эртасига: «Жаноб Нушичнинг ўлганлиги ҳақидаги кечаги ахборотимиз борган сайин тасдиқланяпти», деган эълон босиш керак бўлади. Фақат учинчи кунигина: «Яхши хабардор доираларнинг маълум қилишича, жаноб Нушич ҳақиқатан ҳам ўлган», дейиш мумкин.

Одамларда шубҳадан асар ҳам қолмаслиги учун, интервью олиш учун менинг олдимга бирор журналист келиши мумкин. Турган гап, ўша пайтда унинг саволларига жавоб бера олмайман, шунинг учун интервьюни олдинроқ тайёрлаб қўйсам яхши бўлар. Тўғриси айтганда, марҳумдан интервью олиш жилла ҳам фавқулодда ҳодиса

эмас. Аксинча, сиёсатда бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради, марҳумлар фақат ўзидан-ўзи интервью олибгина қолмай, ёзганларини турли газеталарга юборишда ҳам.

Тўғри, ҳозирги ҳолатда интервью менинг ўлганлигимни тасдиқлашга мўлжалланган ҳолос, ундан бошқа ният ва даъвом йўқ. Менинг интервьюм тахминан бундай бўлади:

Журналист. Мен «Светлост» газетасидан бўламан. Марҳамат қилиб ўлимнингиз ҳақида уч-тўрт оғиз гапириб бера олмайсизми?

Мен (мурдалар таомилига кўра жим тураман).

Журналист. Шундай қилиб, интервью олишга умид қилсам бўладими?

Мен. (Ҳақиқатан ҳам ўлганимга журналист ишонсин учун аввалгидай жим тураман).

Журналист. Ҳар қалай, раҳмдиллигингизга ишонинш мумкиндай туюляпти менга.

Мен. (Гарчи ўлган бўлсам ҳам бақираман). Мен ҳагто ўликларга ҳам тинчлик бермаётган журналистларнинг сурбетлигига ишонганимдай. Хўш, мендан нима истайсиз?

Журналист. Сизни ўлган деган миш-мишлар юрипти.

Мен. Айни вақтда улар асоссиз бўлмаса ҳам, миш-мишларга ишонинш керак эмас.

Журналист. Демак, чиндан ҳам марҳум эканлигингизга ишонсак бўладими?

Мен. Буни интервьюнинг асоси бўлмиш факт деб ҳисобланг.

Журналист. Билсам бўладими, сизни бунга нима мажбур қилди?

Мен. Бу дунёни тарк этишни кўпдан бери ўйлаб юрардим.

Журналист. Худди ҳозир ўлишингиз учун бирор алоҳида сабаб бормиди?

Мен. Тўғрисини айтганда, бу ишларнинг ҳаммасини номаълум муддатга кечиктирмоқчи эдим. Аммо, бу нарса менинг хоҳишимсиз бўлди.

Журналист. Жуда қизиқ гап. Муфассалроқ гапириб беролмайсизми?

Мен. Марҳамат. Биласизми, бир неча кун аввал каравотим атрофида докторлар тўпланишиб, лотин тилида гаплашиб менинг ўлишим кераклигини ҳал этишди. Жуда ёшлигимданоқ лотин тилида нўноқ бўлганим учун бу

сафар ҳам ўша имтиёздан фойдаланиб, уларнинг гапларига тушунмадим. Улар эртасига яна келиб, ҳамон тирик ётганимни кўриб роса ажабланишди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— дейишди улар ва баданимни дўққиллатиб, у ер-бу еримни ушлаб кўра бошладилар. Ҳар вақтдагидай фикрлар турлича бўлди. Уй доктори бемор йигирма тўрт соатдан ошмай ўлиши керак деди. Менинг яхши бир ошнам бўлмиш доктор эса «мана шундай ҳолатда бир ой, ёки икки ой» ётишимни псботлашга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Уларни келиштиришга бўлган барча уринишларим беҳуда кетди. Баҳс қизигандан қизиб, пировардида улар гаров боғлашди. Уй доктори минг динорлик яп-янги пулни стол устига қўйиб, мени йигирма тўрт соат ичида ўлади деб эълон қилди, дўстим эса, худди шунча пулни стол устига ташлаб, менинг «узоқ вақтга боришимни» таъкидлади. Эртасига эрталаб уй докторим уйимга келди ва анави докторга хайрихоҳлигимни биринчи сўзимдаёқ тушундиқўйди.

— Э-э, жуда чакки иш қилибсиз,— деди у.— Бу масалада сиз холис бўлишингиз, борди-ю, албатта кимгадир хайрихоҳлик қилишни истаб қолсангиз, у ҳолда албатта менга хайрихоҳ бўлишингиз керак эди, ахир сизга энг яқин киши менман-ку.

Мен сира ҳам бировга хайрихоҳ бўлишни хоҳлаганимни ва анави доктор томонини олишимга ҳеч бир алоҳида сабаб йўқлигини, у мени жилла тез ўлмаслигимни тахмин қилгавлиги учунгина унга хайрихоҳлик билдирганимни айтиб, ўзимни оқламоқчи бўлдим. Бу сўзлар докторнинг нафсониятига тегиб кетди. У бирданга ғазабга миниб, шеригини қип-қизил оми деб ҳисоблашгани айтди. «У уй доктори сифатида менинг обрўйимни тўкиш учун шундай қилган», деди.

— Бироқ,— қўшимча қилди у ҳаяжонланиб.— Мен обрўйимни тўкишларига йўл қўймайман. Обрўйимни тўкиш жилла ҳам осон эмас. Сиз шу бугун кечқурунга қолмай ўлишингиз керак.

Мен бир нечта акс далил кўрсатишга ҳаракат қилган эдим, у менинг «маданиятли одам сифатида медицина фанининг аҳамиятини пасайтиришга уринганларга ёрдам бермаслигим керак»лигини, бизнинг асримиада медицина бошқа ижобий фанларга қараганда анча кўп муваффақиятларга эришганлигини айтиб, ўз гапида қаттиқ ту-

риб олди. Ниҳоят, у стулнин каравотим ёнига суриб ўтириб, қўлимни олди-да, жуда сидқидилдан гапира бошлади:

— Демак, сиз, шу алфозда яна бир ой, якки ой кун кўришга ишонасиз, бироқ, умуман айтганда, ўлишни аллақачон бўйингизга олиб қўйгансиз, тўғрими?

— Шундай!

— Менимча, қимматли дўстим,— давом этди у меҳрибонлик билан,— тақдирдан қочиб бўлмайди. Халқимиз доно халқ, унинг ажойиб фалсафаси бор, унга албатта қулоқ солиш керак!

Ўз гаплари билан юрагимни эритиб юборгандан кейин, ниҳоят ён беришга мажбур бўлдим. Шу тариқа мен марҳум бўлиб қолдим.

Журналист. Буниси жуда қизиқ (ёзиб олади).

Мен. Тўғри, жуда қизиқ.

Журналист. Ўлим ҳақида қандай фикрдасиз?

Мен. Бу саволингизга жон деб жавоб бераман. Лекин олдиндан айтиб қўйишим керак, ҳозир фикримни ўзгартирганман. Ўлишимдан аввал ўлим ҳақида бутунлай бошқача фикрда эдим. Менинг бу фикрим оилавий ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган одамларнинг шу ҳаёт ҳақидаги фикрига ўхшарди.

Журналист. Мени айниқса, сизнинг ўлим ҳақидаги фикрингиз қизиқтиради, чунки фикрингиз энг аниқ фикр ҳисобланиши мумкин.

Мен. Жуда тўғри айтасиз, ҳақиқатан ҳам шундай, хаёлингизга зап фикр келибди. Марҳумдан ўлим ҳақида нималарни ўйлайсиз деб сўраш, менимча, бу ҳодиса ҳақида маълумот олишнинг бирдан-бир тўғри усулидир.

Журналист. (Яна бир варақ қоғоз олади).

Мен. Сиз ўлим ҳақида турлича фикрлар мавжудлигини жуда яхши биласиз. Бироқ, бу тирик одамларнинг фикридир, улар ўлганларидан кейин бу фикрларни маълум даражада қайта кўриб чиқадилар. Лекин, афсуски, текширишдан ўтган фикрларини улар бизга сира маълум қилишмайди. Деярли барча динларга сингдирилган, жуда қадимий тасаввурга кўра бири бу дунёда, иккинчиси у дунёда кечадиган икки ҳаёт мавжуд. Шунинг учун мен ҳозир нариги дунёда бўлишим керак эди, бироқ, ҳозир шу дунёда қолажамини ростакамига сезиб қолдим. Икки дунё ҳақидаги қадимий тасаввур кейинчалик такомиллаштирилдики, унга кўра икки ҳаёт мавжуд бўлиб, бирп жисмоний, иккинчиси руҳий ҳаётдир. Бу даъвога кўра

инсон жисман улса, у руҳан яшайди ва аксинча, инсон руҳан ўлса, жисман яшайди. Бу иккинчи ҳолат оламда тез-тез бўлиб туради, шунинг учун айта оламанки, одамлар руҳий ва жисмий ҳаётдан бирини танлаганда албатта, иккинчисини афзал кўради. Шундай бўлишга руҳий ҳаётнинг (биз ўлимдан кейинги руҳий ҳаёт ҳақида гапиряпмиз) ҳаддан ташқари бир хиллиги ҳам сабабдир. Ўлимдан сўнг инсон руҳининг сира ҳам қиладиган иши қолмайди, шунинг учун у тушида қариндошлари ва ёр-биродарлариникига ёки спиритик сеансларда хотинларнинг ёнига боради. Яна бир карра камоли ипновч билан айтаманки, ўлим ҳам одатдир. Шуниси ҳам борки, одам ҳаётга нисбатан ўлимга тезроқ ва осонроқ кўникади. Бу одатлар шу қадар чуқур илдиз отиб кетадики, тирик одам доим ўлим ҳақида ўйлагани ҳолда, марҳум одам ҳаёт ҳақида сира ўйламай қўяди. Тирик одам ҳатто ҳаёт билан видолашиши мумкин, мурда эса, ўлим билан видолашиш имкониятидан маҳрум бўлади. Ҳаёт қучоғига кириш учун сон-саноқсиз тайёргарлиқлар кўриш керак, чунончи: юришни, гапиришни ўрганиш керак, сўнгра, албатта бирор ҳунар эгаллаш зарур бўлади. Ўлим эса, булардан ҳеч бирини талаб қилмайди. У сизни юришга ҳам, гапиришга ҳам мажбур қилмайди ва ҳунарингиз билан ҳам иши йўқ. Одамлар қабри биринчи, иккинчи ва учинчи даражага бўлишади, мурдалар бу ҳисоби тан олмайдилар, уларнинг ҳаммаси ўзларини биринчи даражали мурдалар деб ҳисоблайдилар. Ўлим ва унинг қадрқиммати ҳақида ўз вақтида яшашни яхши кўрган машҳур файласуфларнинг жуда кўп ҳикматли гаплари бор. Уларнинг гапига кўра, тинчлик ва осойишталик макони, ҳаёт машмашаларидан кейинги тинч истироҳат, ўлим-ҳаёт фалсафаси, ҳаётдаги барча интилишларнинг сўнгги якуни, барча маршрутларнинг охириги марраси ва қабр теласидаги нутқларда ишлатиладиган кўпдан-кўп чиройли сўзлар... Масалан, «Тирик эшак бўлгандан кўра, ўлик арслон бўлган яхши», дейишади. Ўлик арслонлар бу фикрга қўшилади, аммо тирик эшаклар асло қўшилишмайди, модомики, бирор нарсага кўпчилик рози бўлмаса, бу доноликнинг ўлик китоби бўлиб қолаверади. Менинг ўлим ҳақидаги шахсий фикримга келсак, шуни айтишим керакки, мен у ҳақда жуда яхши фикрдаман. Ўлим — инсон доим эришадиган энг ишончли мақсадлардан биридир ва шунинг учун мен яна яшашни афзал кўрар эдим.

Журналист. Улимнигиз тўғрисида яна нималарни ёзишим мумкин?

Мен. Сиз учун ҳам, мен учун ҳам энг муҳими, менинг ўлганлигим деб ўйлайман, қолган нарсаларнинг ҳаммаси, иккинчи даражали гаплар.

Журналист. Шундай бўлса ҳам жуда билишни истардим, охириги сўзингиз нимадан иборат бўлган?

Мен. Қанақа охириги сўз?

Журналист. Биласизми, шунақа тартиб бор: ўлаётган одам қандайдир охириги сўз айтиши керакки, кейин бу сўзлардан таржимаи ҳолида фойдаланиш мумкин бўлсин

Мен. Ҳа, дарвоқе, эсимга тушди: ўлишдан олдин хотинимдан: «Бозорда қовун неча пул?» деб сўрадим.

Журналист. Аммо, афв этгайсиз, бунга ёзувчининг сўнги сўзлари сифатида келтириб бўлмайди. Сиз Торквато Тассонинг ўлим олдидан: «Ўзингга топширдим, парвардигор!» деб хитоб қилганини яхши биласиз. Вальтер Скотт: «Мен ўзимни гўё қайта туғилгандай ҳис қиляпман!» деган эди, Байрон: «Юр, ухлаймиз!» деган, Рабле: «Пардани туширинглар, комедия тамом бўлди», деган, Гёте эса: «Чироқни баландлатинг!» деган. Наҳотки, сиз ўлаётиб, бирор хитоб қилмаган бўлсангиз?

Мен. Йўқ. Сиз далил келтирган бу ҳурматли кишиларнинг шунга ўхшаш гап айтганларига ишонмайман ҳам. Буларнинг ҳаммасини таржимаи ҳол ёзган кишилар ўйлаб чиқаришган. Масалан, бир артист дўстим ўлим олдидан: «Мен худоман» деган эди. Дўстим шу сўзни айти-ю, башараси худди қиморда ютқизган кишининг башарасига ўхшаб кетди. Газетада эса, артист ҳаётини «Мен тамомляпман» деган сўз билан тугатди деган хабар ўқидим.

Журналист. Аммо, бирор нарса қўшимча қилиш керакда ахир. Мен ҳам яқинда ўлиш олдидан азобланиб, эшакдай бўкирган бир сиёсий арбоб ҳақида: «Чуқур хўрсинди ва унинг ўлим кўлкаси тушган чеҳрасида ватан тақдиридан ташвишланиш акс этди» деб ёздим.

Мен. Майли, агар сиз шундай қилиш керак деб ҳисобласангиз, эътироф қиламан, охириги гапимни мени даволаган доктор билан қилган суҳбатимда айтганман.

— Доктор, айтинг-чи, — деб сўрадим ундан охириги соатларим яқинлашганда, — айтинг-чи, менинг ўлимим қанчага тупад?

— Кўмиш харажатларини ҳам назарда тутячсизми?

— Йўқ, йўқ, унинг ғамини олдин еб қўйганман. Спзнинг қадам равжида қилишингиз менга қанчага тушишини билмоқчи эдим.

— Бажону дил, мен сизни ўн марта келиб кўрдим, бу беш юз динор бўлади, бунга бир марта копсилиумга келганимни қўшсак, жами олти юз динор бўлади.

— Арзон, нима ҳам дердик,— арзон. Марҳум дўстим Андрий Янковичнинг ўлими унга беш минг динорга тушган эди, лекин кўрган роҳати меникидан ортиқ эмасди.

— Арзонлигига сабаб шуки,— деди доктор,— ишда менинг ўз принцим бор: хизмат ҳақи камроқ, оборот кўпроқ бўлсин дейман. Марҳум дўстингиз Андрийни даволаган доктор унинг ўлимидан беш минг динор ишлаб олган экан, мен ҳам шу вақт ичида ўнта марҳумдан ўшанча пул ишлаб оламан!

— Ҳа, ҳа, ажойиб принцип: хизмат ҳақи камроқ, оборот кўпроқ. Хўш, ҳалиги... мен қачон...?!

— Ҳа, ҳа, ҳозир...

— Ундай бўлса, илтимос, сиздан олти юз динор қарз эканимга вексел тўлдилинг, мен қўл қўйиб бераман.

Менинг охириги сўзларим тахминан ана шунақа эди. Бир вақтлар, кўп йиллар муқаддам, ҳаёт бўсағасига қадам қўяётиб: «Менга вексел тўлдилинг, унга имзо чекаман», деган эдим. Мана ҳозир ҳам ҳаёт йўлимни тугатаётиб худди ўша гапларни такрорладим. Эҳтимол, таржиман ҳолимда бу гап: «Яшашга вақт беринглар, мен ҳали охириги гапимни айтганим йўқ!» деб талқин этилса керак.

Журналист. Шуларни сўнги сўзларингиз деб ёсам бўладими?

Мен. Йўқ. «Хайр, эътиборингиз учун раҳмат!» деб ёзинг.

Журналист. Нега энди?

Мен. Чунки бу китобни ҳам шу сўзлар билан тугатмоқчиман. Хайр, эътиборингиз учун раҳмат!



ИЗОҲЛАР

«Таржимаи ҳолим» серб ёзувчиси Бранислав Нушичнинг (1867—1938) энг яхши асарларидан бири бўлиб, 1924 йили ёзилган. Сербия Академияси ёзувчини ўз аъзолигига қабул қилишдан бош тортган эди.

Маълумки, академикликка номзоди кўрсатилган кишилар ўз таржимаи ҳолларини ёзишлари керак эди. Нушич шу қоидага пародия сифатида ўзининг машҳур «Таржимаи ҳол» асарини ёзди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Академия таланти ёзувчига академиклик унвонини 1933 йилга келиб беришни «лозим» топди.

1. Каражич Вук Стефанович (1787—1864) улкан серб филологи, тилшунос ва тарихчиси. Вук Каражич оқсоқ эди.
2. Душан — Сербия қироли (1331-1355.)

3. Спиджелич, Раич, Зека, Конда — Серб халқининг турклар ҳукмронлигига қарши кўтарилган биринчи қўзғолони (1804—1813 йиллар) қатнашчилари.

4. **Лазаревич Лука** (1774—1852) — серб лашкарбошиси, 1804—1815 йиллар қўзғолони қатнашчиси.

5. **Милутин** (Стеван Урош II Милутин) — серб қироли (1282—1321)

6. **Вукашин** — Сербия қироли (1336—1371).

7. **Стеван** (Урош III) **Дечанский** — Сербия қироли. (1321—1371)

8. **Урош** — (1355-1371) Неманичлар сулоласининг сўнгги қироли. У ҳақиқатан ҳам Вукашин ҳалокатидан икки ой кейин ўлган.

9. **Королевич Марко** — машҳур серб эпик ашулаларининг қаҳрамони.



МУНДАРИЖА

Автор муқаддимаси	:	:	:	:	:	:	:	:	:	5
Туғилишдан биринчи тиш чиққунга қадар	:	:	:	:	:	:	:	:	:	15
Биринчи тишдан шимгача	:	:	:	:	:	:	:	:	:	23
Шим кийган киши	:	:	:	:	:	:	:	:	:	36
Паркалар	:	:	:	:	:	:	:	:	:	48
Ўқитиш	:	:	:	:	:	:	:	:	:	57
Бошланғич мактаб	:	:	:	:	:	:	:	:	:	66
Илоҳиёт	:	:	:	:	:	:	:	:	:	74
Серб тили	:	:	:	:	:	:	:	:	:	79
Тарих	:	:	:	:	:	:	:	:	:	89
География	:	:	:	:	:	:	:	:	:	100
Табииёт	:	:	:	:	:	:	:	:	:	108
Чет тиллар	:	:	:	:	:	:	:	:	:	114

Математика	120
Физика ва ХИМИЯ	133
Улик тиллар	141
Биринчи севги	150
Биринчи ва охири шеърлар	156
Иккинчи севги	168
Учинчи севгидан сўнги ўн иккинчи севгигача	174
Q. F. F. F. Q.	186
Турма	197
Армия	206
Никоҳ	217
Езилмаган боб	225
Авторнинг сўнг сўзи	226



На узбекском языке

**БРАНИСЛАВ
НУШИЧ**

**АВТО-
БИОГРАФИЯ**

Перевод с русского
Издательство
«Художественная литература»
Москва, 1939

Редактор Шариф ЮСУПОВ
Рассом О. ЗЕМЦОВ
Расмлар редактори И. ЦИГАНОВ
Техн. редактор М. МИРҚОСИМОВ
Корректор Ш. ЗУҲРИДДИНОВ

Босмахонага берилди 20/У 1969 й.
Босишга рухсат этилди 4/1 1970 й.
Формати 84×108¹/₃₂. Восма л. 7,5.
Шартли босма л. 12,6.
Нашр л. 11,56. Тиражи 15 000.
Рафур Фулом номидаги
бадий адабиёт нашриёти.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 161—67.

Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети
Матбуот Давлат комитетининг

Тошкент полиграфкомбинатига тайёрланган матрицалар
Самарқанд шаҳридаги Морозов номи босмахонада № 2
қоғозга босилди. Самарқанд, Типография кўчаси, 4.
1970 йил. Заказ № 1934. Баҳоси 75 г.

И (Югосл.)

Б91

Бранислав Нушич,

Таржиман ҳолим. Повесть. Т., Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1970,

240 бет,

Тиражи 15 000.

Бранислав Нушич, Автобиография, Повесть.

И (Югосл.)

У-3-4